

Анвар Шукуров

НУР УСТИГА НУР ЁҒСИН
ёхуд 4800 йил аввалги бир сўзимиз ҳақида дунёда бораётган
бахс тўғрисида битик
(ЭССЕ)

Тошкент
«CHASHMA PRINT»
2013

Нашр учун масъуллар:
филология фанлари доктори, профессор
Самихон Аширбоев,
тарих фанлари доктори,
Рустам Абдусаматович Тиллабоев

Т а қ р и з ч и л а р:
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи, таржимон
Ҳабибулло Зайниддин
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир
Сирожиддин Рауф
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими
Тўлқин Ҳайит

ISBN

© «CHASHMA PRINT» МЧЖ нашриёти, 2013 й.
© Анвар Шукуров, 2013 й.

КИРИШ

«... Ҳаммамиз шу тупрокнинг сувини ичганмиз, нон-тузини еганмиз. Барчамиз ўзимизни ўзбек санаймиз. Ўзбеклигимиздан фахрланамиз, гурурланамиз.

...Ўзбек номи қачон пайдо бўлган? Совет тарихшуносларининг ёзишича, гўё XVI асрда, яъни бизнинг заминимизни Дашти Қипчоқ хонлари ишғол қилгандан кейин ўзбек номи пайдо бўлган эмиш. Ахир, биз Мовароуннаҳр деб атайдиган икки дарё оралиғида унғача ҳам халқ яшаган-ку! Ёки бу халқ бошқа миллат бўлганми? Мантиқ қани бу ерда?

...бизда довурак, замонавий фикрлайдиган олимлар етишмайди. Мен академик Яҳё Фуломовни яхши билардим. У мустақил фикрга эга бўлган, керак бўлса, энг юқори лавозим эгасига ёқмайдиган тўғри гапни дадил айта оладиган олим эди... Бу фазилати туфайли тазйиқ кўрганини ҳам эшитганман. Лекин адолатни ҳамма нарсадан устун билган, ватанпарвар одам шундай бўлади. Ана шундай одамлар ҳаёти бизга ибрат мактаби бўлмоғи лозим.

Энди икки оғиз сўз оммавий ахборот воситалари орқали тарих мавзусини ёритиш ҳақида. Бизнинг матбуотимиз, телевидениемиз ҳам тарихга оид мақолалар чоп этганда, кўрсатувлар тайёрлаганда **бир кишининг фикрини ягона ҳақиқат сифатида қабул қилинишига йўл қўймаслиги** даркор. Муайян масалада турли фикрларни билдириш, баҳс орқали ҳақиқат ойдинлашувига эришиш лозим. Тарихий воқеаларни, шахслар фаолиятини изоҳлаш йўли билан одамларни асл ҳақиқатдан огоҳ этишимиз керак. Чунки, биз шакллантираётган жамиятимиз мафқураси ҳам тарих булоқларидан озиқланади».

И.А.Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» (Тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбат, «Мулоқот» журнали 1998 йил 5-сон).

ТАРИХ – АВВАЛО ХОТИРА

Мамлакатимиз Президентининг «Тарихий хотирасиз келажак йўк» номли асари (Тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбат, «Мулоқот» журналининг 1998-йил 5-сони)ни қайта, энди синчиклаб ўқиб чиқишга тўғри келди. Асар бундан деярли 15 йил муқаддам ёзилган бўлса-да, ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Унда тарихимиз, халқимизнинг ўтмиши ҳақида қуюнчаклик билан айтилган гаплар ҳар бир ўзбек зиёлисининг қалби қат-қатига ўрнашиб қолади.

Тўғриси, бу асарни илгари ҳам ўқиганман. Лекин, у пайтлар менинг ватанпарварлик, халқпарварлик, миллий ғурур, буюк ўтмиш – тарихимиз ва қурилажак келажак ҳақидаги тушунчаларим ўта саёз бўлган.

Мен тарихчи ҳам, филолог ҳам эмасман. Тарих ёки филология фанлари илмий унвонларига ҳам даъвогарлигим йўк. Ушбу асарим халқимизнинг миллий ғурурини кўтариш ниятида бадиий публицистик, тарихий илдизларимиз ҳақидаги мушоҳадаларни ўзида жамлаган эссе дур. Аммо, асарни яратиш асносида тилшунослик ва тарих фани бўйича қатор мустақил хулосаларга келдим.

Аввало, икки талаба шогирдим билан ўзбек тилшунослиги тарихида ҳали қўл урилмаган ишни амалга оширдик: «Ўтмоқ» феълининг 175.400 та шаклини ясадик. Қолаверса, бу шакллари 500.000 тага ҳам етказиш мумкин деган хулосага келдик. Шубҳа йўқ-ки, бу ҳол ўзбек тилининг қадимийлигидан дарак беради. Тилшуносликда барча тиллар битта – боботилдан тарқалган деган назария мавжуд. Чунончи, ушбу назарияни эътироф этган ҳолда, мен мазкур асаримда ҳинд-европа тиллари оиласига қирувчи европа халқлари тилларидаги асосий элементлар қадимги туркий тилдан олинганлиги ҳақидаги ғояни илгари сурмоқдаман.

Тарих фанига оид ҳозирги ўзбек халқининг аجدодлари қачондан бошлаб ўтроқ ҳаёт кечири бошлаган?-деган саволга келсак, унинг жавоби жуда узоқ ўтмишга бориб тақалади. Дунёдаги топонимларнинг қайси жой номи охирида «кент», «тепа», «лик», «кўрғон», «қалъа» сўзлари бўлса, бу сўзлар ўтроқ ҳаёт, шаҳарни англатган.

Асар ёзилишига бўлган биринчи туртки, ўзимнинг нега «ўзбек» деб аталишим борасида, «фанда яқдил хулоса мавжуд эмас» деган

катъий фикр бўлди. Шундан сўнг, Миллий Энциклопедиямиздан мазкур масалага оид барча маълумотларни йиға бошладим. Тарихий илдизларимиз кимлар эканлиги ҳақидаги изланишларим тарих фани услубларига ҳам, тилшунослик фани услубларига ҳам тўғри келмас, балки. Ўқиган ҳамда билганларимни суҳбатларда «чархлаб» олдим. Кейин мантиққа асосланиб, «ўзбек» атамасининг келиб чиқиши ҳақида рисолача ёздим.

Хуллас, Юртбошимизнинг юқорида тилга олиб ўтган асарларида, мен рисолада қаламга олган фикрларга эҳтиёж борлигини англадим.

Дарҳақиқат, «ўзбек» атамасини XIV аср боши Олтин Ўрда хони Ўзбекхон билан боғлаб бўлмайди. Қолаверса, бу сўз пайдо бўлганига 4000 йилдан ошган.

Мен асарни эълон қилганимдан сўнг, билдимки, бири олим, бири таниқли адибимиз ўзбек сўзининг «ўғуз» ҳамда «бек» сўзларидан ташкил бўлиши мумкинлигини айтган эканлар. Улардан бири – архитектура фанлари доктори раҳматлик П.Зоҳидов ўзининг «Рабғузий саодати» мақоласида («Тафаккур» журнали 2008 йил 1-сон) ҳамда файласуф адибимиз раҳматлик Асқад Мухтор ўзининг «Уйку қочганда» (Т.-2005й. «Маънавият» нашриёти 8-9-бетлар) асарида айтишгани.

Айтиш мумкинки, миллатимиз тарихини ўрганиш ўтган асрнинг бошларида авж олган.

Бу ҳақда Президентимиз шундай дейдилар:

...–XX аср бошидаги маърифатчилик ҳаракати ҳақида гапиргандим. Ўша ҳаракатнинг намояндалари бойлик учун, шон-шуҳрат учун майдонга чиқишдими? Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Таваллоларга мактаб очганлари, халқни ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишга даъват этганлари учун биров маош тўлаганми? Биров уларга ойлик берганми? Албатта, йўқ! Улар ўт билан ўйнашаётганларини, истибодга қарши курашаётганлари учун аёвсиз жазоланишларини олдиндан яхши билишган. Билатуриб, онгли равишда мана шу йўлдан борганлар. Чунки, виждонлари, иймонлари шунга даъват этган.

Ўша пайтда М.Бехбудий тарихимизга бўлган муносабат ҳақида куюниб бундай ёзади:

«...Бурунги асрларда Туркистон ва турклар воқеоти ва аҳволи ҳақида туркий, форсий ва арабий тилларда неча китоблар ёзилгандурки, у китоблардан рус ва бошқа оврупоийлар истифода

этган ва этмакдадурлар. Лекин у мухталиф (турли-туман) тилларда ёзилган. Тарихий асарлардан биз туркистонийлар истифода этуб, янги муҳокама ва тадқиқот ила ўз шевамизда мунтазам бир асар вужудга келтирганимиз йўқ».

Лекин, бу ишлар чала қолиб кетди. Мустабид совет тузуми Чор Россиясининг мустамлакачилик қарашларини давом эттириб, ўзлигимизни, ўз тарихимизни ўрганишимизга йўл бермади. Тарихнинг инсон ҳаётидаги, унинг маънавиятидаги ўрни қандай?

Бу борада Президентимиз шундай фикр билдирадилар:

«...Энди асосий масалага ўтсак. Хўш, тарихнинг маънавиятимизда тутган ўрни қандай? Тарихни яхши билмасдан туриб, юксак маънавиятга эришиш мумкинми? Албатта, мумкин эмас! Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак.

..Хулоса шуки, олис-олис жойларда халқимиз, мамлакатимиз ўтмиши ҳақида айтилаётган мулоҳазаларнинг аксарият қисми сохта, ғайриилмийдир.

Лекин табиий бир савол туғилади: давлатчилик тарихимиз туб бурилиш палласига кирган бир пайтда ўзимизнинг замон ва макондаги ўрнимизни аниқ белгилаб олишимиз, насл-насабимиз, кимлигимизни билишимиз керакми-йўқми?

Матбуотда ўтмишимизга тааллуқли бирор мақола чоп этилса, бирор бир тарихий асар, хоҳ у илмий, хоҳ бадиий бўлсин, қўлимга тушиб қолса, албатта, ўқиб чиқаман. Сиёсатчидан, арбобдан деган одам, агар виждони бўлса, ўз халқининг тарихий ўтмишини билиши шарт.

Ҳаммамиз шу тупроқнинг сувини ичганмиз, нон-тузини еганмиз. Ҳаммамиз ўзимизни ўзбек санаймиз. Ўзбеклигимиздан фахрланамиз, ғурурланамиз. Яқинда Муҳаммад Юсуфнинг бир шеърини ўқиб қолдим. Ўзбек номини тушуниш учун нималарни билиш кераклиги ҳақида ёзибди. Яхши шеър! Қани энди, олимларимиз ҳам мана шундай катта ғояларнинг илмий талқинини берсалар».

Президентимиз ҳаққоний тарихни яратиш учун ҳали анча изланишлар, баҳс-мунозаралар лозимлигини, 20 мингта тарихий кўлёмаларни замонавий ўзбек тилига таржима қилиш, чоп этишдан кейин ҳам қанчадан-қанча изланишлар, дунёнинг турли бурчакларидаги йиғилишларда ўз нуқтаи-назарини ҳимоя қилиш,

хато фикрлардан воз кечиш, мантикий тўғри ва асосли бўлса ракиб хулосаларини тан олиш, умуман машаққатли, фидокорона меҳнат кутиб турганини яхши англаган ҳолда хулосада шундай дейдилар:

«Мақсад шуки, фанда бизнинг тарихий томирларимизни аниқлайдиган, миллий ғуруримизни юксалтирадиган янги йўналишлар пайдо бўлиши керак».

– Бир сўз билан айтганда, давлатимиз, миллатимизнинг ҳаққоний илмий тарихини яратиш кенг жамоатчилигимиз учун ғоят муҳим ва долзарб масалага айланиши лозим» (Тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбат, «Мулоқот» журналы 1998 йил 5-сон).

Мен ҳам ана шу жамоатчиликнинг бир вакили, эркин фукаролик жамиятини кураётган, демократик тамойилларни бош мақсад қилган ўзбек миллатининг эркин фикрловчи бир фарзандиман.

Асарим баҳс-мунозараларга сабаб бўлиши мумкин. Баҳс бу одамзотнинг қонида бор. Бир вақтлар отамиз Одам ва онамиз Ҳавво ҳам баҳс туфайли, жаннатдан ерга тушган экан. Бугунги кунда Одам ва Ҳавво болалари етти миллиарддан ошди. Уларнинг ҳар бири миясига, кунига ўнтадан фикр келса, галактикамизда етмиш миллиард фикр айланиб юради. Яна қанчадан-қанча ўтган олимлар, ёзувчилар, сиёсатчиларнинг фикрлари ҳам тирик. Одамзот ҳеч кимнинг фикрини аниқ ҳақиқат сифатида қабул қилмаганидан баҳс келиб чиқади-да!

Сизга мен одамзотнинг фикрини айтяпман, ҳатто дунёдаги бор мавжудот-у махлуқотни яратган Зотнинг ҳам фикрларини Одам болалари қабул қилмай, баҳс юритаётганидан уларнинг бир ярим миллиарди насроний, шунчага яқини мусулмон, неча юз миллиони иудаист, икки миллиарддан кўпроғи бутпараст, баъзилари атеист бўлиб, умрлари бўйи баҳс олиб боряптилар-ку.

Ушбу асарнинг ёзилишидан яна бир мақсад: Қадимги дунё тарихи фанидан Марказий Осиёлик тарихчи олимлар, ҳозирча, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Мирзо Улуғбек, Абулғози Баҳодирхон учун саҳифа талаб қилишдир.

Минг йил аввал яшаган ўзбек олими Абу Райҳон Беруний дунёдаги биринчи глобусни яратган, астрономияни яхши билган, шоир айтганидек, «ақл машъали» билан Америка қитъаси мавжудлигини аниқлаб берган. Абу Райҳон Беруний Нух алайҳиссалом тўфони бўлган вақтни ҳисоб китоб қилиб берган ва бу муддат ҳозирги пайтда 5115 йилни ташкил этади.

Маҳмуд Кошғарий эса туркларнинг шоҳи Алп Эр Тўнганинг милоддан анча олдин Яқин Шарқ мамлакатларини забт этганлиги ҳақидаги маълумотларни қолдирган.

Мирзо Улуғбек ва Абулғози Баҳодирхонлар туркий халқларнинг бобоси Ўғузхон бундан 4800 йил аввал яшаганлиги, у дунёнинг Фарбу-Шарқини жангу-жадал билан олганлигини етказишган.

Ўғузхон номи изсиз кетгани йўқ. Унинг авлодлари ҳозирги кунда ҳам Евроосиё халқлари таркибида яшамоқдалар, Ўғузлар билан боғлиқ этнонимлар, гидронимлар, топонимлар жуда кўп.

Фарбда ҳам, Шарқда ҳам насл-насаб суриштирилган. Мен айтаётган тарих ёзган тўрт кишининг барчаси насл-насаби қадимги подшоҳ Ўғузхонга бориб тақалади, учтасининг насаби подшоҳликка бевосита алоқадор. Улардан Мирзо Улуғбек ҳамда Абулғози Баҳодирхон ўз даврида, мамлакат подшоси бўлганлар, Маҳмуд Кошғарийнинг отаси эса амир бўлган. Шунинг учун бу аслзодалар бировнинг манфаати дея, тарих ёзмаганлар. Улар тарихда сохта ном қозониш қанчалик катта гуноҳ эканлигини яхши билганлар.

Ўрта асрларда ҳозирги Ўзбекистонда жуда кўп диний, дунёвий олимлар етишиб чикди. Шулардан бирининг дунё фанига қўшган битта кашфиётини айтиб ўтай. Бу олимнинг исми Абу Жаъфар (Абу Абдуллох) Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783, Хива — 850, Бағдод) эди. Унгача дунёда асосан икки хил санок системаси бор эди. Бири рим санок системаси бўлиб, бунда сонлар LX (олтмиш)лик санок тизими орқали ҳисобланар ва тақсимланарди, масалан 1соат = LX минут; 1 минут = LX секунд. Иккинчиси ҳинд санок системаси бўлиб бунда сонлар 1; 2; 3; 4; 5; 6; 7; 8; 9 лик санок тизими орқали ҳисобланар ва тақсимланарди. Хоразмий иккала тизим ва бошқа халқлардаги рақамлар, масалан араб рақамларини чуқур ўрганиб чиқиб, битта рақамни кашф қилди-ки, шундан кейин дунё ҳисоб-китобида оламшумул тараққиёт бошланди. Ҳа, худди шундай. Бу биров қўшса кўпаймайдиган, биров камайтирса ҳеч нарса йўқолмайдиган, аммо кўпайтирса ёки бўлса ҳаммаси йўққа чиқадиган ноль рақами эди. Мана шундан сўнг, дунёда 10, 20, 30, 40, 50, 60, 70, 80, 90, 100 ва ҳоказо каби сонлар пайдо бўлди.

Охирги бир ярим аср мобайнида дунёдаги барча фанлар беқиёс даражада ривожланди. Математика, физика, кимё, астрономиянинг эришган ютуқларини санаб ўтишнинг ўзиёқ жуда кўп вақтни олади.

Олимларнинг тарихга, хусусан, ўз келиб чиқиши тарихига бўлган қизиқиши ҳам ортди. Қадимги ёзувлар, тошлардаги битиклар ўқилмоқда, археологик қазилмалар тарихий ҳақиқатни тиклашга ёрдам бермоқда.

Аммо, қадимги дунё тарихида Марказий Осиё, ҳозирги Россия, Европадаги баъзи халқларнинг келиб чиқишида турли-туман фикрлар мантикий ечим топмаяпти. Бу ҳақда баҳс-мунозаралар оташдай бир гуриллаб, бир тўхтаб тин олгач, ўчаман деб турган чўғни фикрлар шамоли қўзғаб яна аланга олдирмоқда. Фаҳмимча, бу баҳс-мунозараларда нимадир етишмаётгандек. Шу етишмаётган унсур Марказий Осиё тарихчилари қолдирган меросни қадимги юнон, рим, хитой, форс манбалари билан қайта солиштириш орқали ўрганиб чиқиш бўлса керак. Шу ғоя мени қўлга қалам олишга мажбур этди.

Ушбу асарда дунёнинг барча тилларида мавжуд «Т» товушининг тарихий ҳақиқатни тиклашдаги ролини очиб беришга ҳам уринилади. Зеро, мана шу биттагина «Т» товуши тилсими қадимги туркий, славян, герман халқлари келиб чиқиши тарихига янада ойдинлик киритар, балким.

I БОБ

«Ўзбек» атамасининг келиб чиқиши ҳақида.

I. Жумбоқларга тўла тилимиз

Инсонга берилган билим чегараланган. Уни кенгайтириш унинг хоҳиш иродаси, тилак-истаги, ҳаракатига боғлиқ. Тилшунослик соҳасига менинг алоқам кам. Агар бир неча ҳикоя ва қиссалар ёзганим, пёса ва ҳикоялар таржима қилганим, ёзган пёсамни вилоят театри сахнасида қўйдирганимни айтмаса. Ҳа, айтмоқчи. Ўн йил хўжалик судида ажрим, ҳал қилув қарорлари, беш йил Қонунчилик палатасида қонунлар ёзилишида иштирок этганим, бешта қонун лойиҳаси тайёрлашда иштирок этиб, учта қонун қабул қилинишида ташаббускор бўлганимни ҳам айтиб ўтишим керак экан. Қолган пайтда ҳам ёзув-чизувдан узоқлашганим йўқ. Касбим ҳуқуқшунос бўлганидан сўнг, қарийб ўттиз йиллик касбий фаолиятим давомида турли-туман ариза, шикоят, алоқа хати, норозилик хатлари, даъво аризалари ҳам ёзганман.

Америкада «қиёфа алмаштириш» деган термин қўлланилади. Бунинг маъниси шуки, кеча мусиқа басталаб юрган

киши, эртага ашула айта бошлайди ёки кечаги вазир, бугун ресторан очиб, унда бош ошпаз бўлиб ишлаб кетаверади ва ҳоказо.

Мустақил бўлиб, тараққиёт йўлига ўтиб олгач, жаҳон ҳамжамияти тартиб-қоидалари ҳам секин-аста бизнинг турмушимизга кириб кела бошлади. Масалан, 2000 йиллар бошида пластик карточкалар ила савдо дўконларида харидни амалга ошириш фақат ривожланган мамлакатларда бўлган бўлса, бизгаям етиб келди.

Худди шунингдек, «қиёфа алмаштириш» психологияси ҳам турмушимизга кириб келганлигини мамнуният ила сизга маълум қиламан.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси жадал суратда ривожланиб кетди. Дунёга машҳур компьютер магнати Билл Гейтснинг «Windows» дастуридан фойдаланувчилар сони бир миллиард икки юз миллион кишини ташкил қилибди!!!

Бундан бир неча йил олдин унинг сармояси етмиш миллиард долларни ташкил этарди. Б.Гейтс ана шу сармоясининг 10 фоизи – етти миллиард долларини Америка бюджетига тўларкан! Бу жуда катта сумма, мен сизга айтсам. Билл Гейтснинг муваффақиятини кўрган киши, ундай бўлишни орзу қилади-да. Шулар жумласига каминаи камтарин ҳам ўзларини даъвогар сифатида рўйхатга киритиб, ҳуқуқшунослик касби жозибасидан воз кечиб, Ўзбекистон, ўзбек халқи ҳақидаги ўзида бор, қўл узатса етадиган маълумотларни тўплаб, яхлит компьютер дастури яратишни ният қилиб ишни бошлаб юбордим. Албатта, дастур яратишдан кўзланган мақсад даромад эди.

Аммо, «даромад олиш» фикри орқага сурилиб, ҳатто эсдан ҳам чиқиб кетди. Чунки, маълумотларни ўқиганим қадар, ҳис-ҳаяжонлар тинчимни ўғирлади. Миллий ғурур деган туйғу эса мени бошқа – тарих ва филология фани йўлакчаларига бошлаб кетди. Чунки, бу иккала фанда жумбоқли сўзлар, мен ўйлагандан бениҳоя кўп экан!!!

Энг биринчи жумбоқ, «ўзбек» атамаси ҳақида фанда яқдил фикр йўқлиги эди, албатта. «Сарт» деган сўз ҳам номаълум экан. Бизнинг юртимизга бостириб келган юнонистонлик лашкарбоши Александр Македонскийни тўхтатган юнонлар тилидаги

Спитаменнинг ҳақиқий ўзбекча исми маълуммаслигини айтмасам ҳам бўлар. Айниқса, Куръонда айтилган, дунёнинг икки қутбини забт этган Зулқарнайн ҳақидаям баҳс-мунозаралар минг йилдан буён давом этиб келаётганмиш.

Яна бир жумбоққа бутун дунёга машҳур туркшунос олим Садри Мақсуди Арсал (1879 – 1957й.й.)нинг “Турк тарихи ва ҳуқуқи” асарининг рус тилига ўгирилган электрон матни (“Тюркская история и право”Козон-2002, “Фен”нашриёти таржимон Р.Мухаметдинов) билан танишгач дуч келдим.

Раҳматлик устознинг айтишларича, бутун дунёга «тарих отаси» сифатида танилган юнон олими Геродот (эрамиздан олдинги V аср) нинг скифлар ҳақидаги айтган гаплари, айниқса, ундаги тўртта исм – Таргитай, Арпаксай, Липоксай, Колоксай бўйича дунёда туркшунос ва эроншунос олимлар ўртасида илмий тортишувлар бир неча юз йилдан буён давом этиб келаётган экан.

Геродот айтган бу тўртала исмнинг тарих учун аҳамияти ниҳоятда катта эканлигини тушунган бўлсангиз керак. Чунки, бу исмларнинг қайси тилда эканлиги, шоҳлар авлоди – скифларнинг кимлигини, бу эса туркийларнинг ёки форсийларнинг қаерларда истиқомат қилганлигини, улар ҳозирда кимларнинг аجدодлари эканлигини билдиради. Тилшуносликда бу айниқса, муҳим. Чунки, бу назариянинг исботланиши баъзи сўзларнинг келиб чиқиши-этимологиясига аниқлик киритади. Масалан, Ўзбекистон сўзидаги, маконни англатувчи – ИСТОН сўзи форсча эмас, бу туркий сўз. Келинг бу масалани, кейинроқ кўриб чиқамиз.

Геродот айтган, бутун дунёга шу ном билан кириб келган Скиф, юнон афсоналаридаги чексиз ақл-идрок, тенгсиз куч-қувват соҳиби, баҳодир Гераклнинг учинчи ўғли эмиш.

Афсонада айтилишича, Геракл Герионнинг буқаларини боқиб юриб, совуқ ўлкаларга келиб қолади ва чўчка терисига ўраниб ухлаб қолади. Уйғонганида отлари ғойиб бўлганлигини кўради. Отларини қидириб, бир ғорга келса, у ерда ярим илон, ярим аёл шаклидаги махлуқ “отларинг менда, лекин мен билан ишқий алоқа қилмагунингча уларни сенга бермайман” дермиш.

Қисқаси, Илон аёл Гераклдан уч ўғил кўради. Бир куни Илон аёл Гераклдан: – Бу ўғиллар улғайгач, уларни ўз юртимда қолдирайми ёки сенинг ёнингга жўнатайми?- деб сўрайди.

Шунда паҳлавон Геракл:

- Болалар улғайгач, мана бу камонимни қай бири менчалик тортиб, мана бу камаримни белига тақолса, ўшанисини ёнингда қолдир. Эпполмаганини ҳайдаб юбор,- дермиш.

Болалар улғайгач Илон аёл ўғилларнинг каттасига Агафирс, ўртанчасига Гелон, учинчисига Скиф деган исм қўйибди. Отасининг талабини фақат биттаси, яъни кенжа - Скиф амалга ошириб давлатга эгалик қилибди. Скифиядаги барча шоҳлар афсонавий баҳодир Гераклнинг мана шу кенжа ўғли Скиф авлодлари экан. Скифнинг авлодлари яшайдиган ҳудуд ШОҲ СКИФЛАР макони дейиларкан.

Ана шу макон қаерда эканлиги сиз каби мени ҳам жуда қизиқтириб қолди.

II.ЭНГ ҚАДИМГИ ХАЛҚ ЁКИ ОТАСИГА СОДИҚ ЎЗБЕКЛАР

Марказий Осиё халқлари 19-асрнинг иккинчи ярмида чуқур таназулни бошдан кечирдилар. Аввало маънавият соҳасидаги қусурлар, кадриятлардан чекиниш, ёвқарашлар орқали оға-инилар ўртасидаги ўзаро урушлар, зулму-ситам, манманлик келтириб чиқарган тарқоқлик Россия империясига қарамликка олиб келди.

Чор Россияси юз йиллардан буён Кавказ ва Болқон бўйида мусулмонлар билан уруш олиб борар, мусулмонлар билан курашда ўз тактикаси ва стратегиясига эга эди.

Улар авом халқни тузоққа илинтиришнинг энг осон йўли деб, руҳонийларни ўз томонига оғдиришни ҳисоблардилар. Россия императорлик ғазнасидан олинган ақчага сотиб олинган мусулмон муллаларини улар ўзаро шивир-шивирларида «Золотой мул» («Олтин хачир») дердилар.

Битта ривоятга кўра, Бухоро амири билан Рус қўшини маҳорабага киришишидан олдин, амирлик лашкарига фатво берувчи шайх: «-мен фатво беролмайман, ахир улар билан Ҳазрати Хизр келяпти!»-дея тумтарақай қочади (Ҳазрати Хизр номи туркий қавмлар учун қанчалик катта аҳамият касб этишини қуйида кўриб чиқамиз). Буни эшитган соддадил жангчиларнинг катта қисми шайх билан бирга қочишади ва 180.000 кишилиқ қўшин бор-йўғи 5000 кишилиқ қўшинга енгилади.

Иккинчи ривоятга кўра, «оёғи ердан узилган», ўз халқига жабру-ситамдан кибрланган амир кўшини худди шу ҳолатда жазога тортилган.

Майли, нима бўлгандаям, Чор Россияси аскарлари, жангда енгилди ва Марказий Осиёда ҳукмронлик қилиб келган уч мустақил давлатни ўзига тобе қилганча сулҳ туздилар. Аммо, бу билан иш битгани йўқ. Энди бу халққа ҳукмронлик ҳам қилиш керак эди. Шунда улар нима қилишганини биласизми? Бизнинг маънавиятимизни синдириб, ўзлигимизни унуттирмоқчи бўлдилар.

Бу ҳақда Юртбошимиз мана бу мисолни, жуда ўринли келтирганлар:

– Чор Россиясининг Скобелев деган генерали ўз императорига мурожаат қилиб, шундай деб ёзган эди: «Маҳаллий халқ биз ўйлагандан кўра маданиятли экан. Уларни бўйсундира олмаямиз. Бу халқнинг ўтмишда яратилган барча осори атиқаларини, масжиду мадрасаларини, диний китобларини ер билан яксон қилибгина, уларнинг маънавиятини сўндирибгина ўз қанотимиз остига олишимиз мумкин.

Хўш, шу гапларни тарихчиларимиз биладими? Бундай ёвуз қарашлар бўлганини халқимизга етказяптими? Афсуски, кўп олимларимиз онгида эски тузум асоратлари маҳкам ўрнашиб қолган. Улар ҳозир - мустақиллик шароитида ҳам кимдандир кўрқиб, чўчиб гапирадилар.

– Хоразм давлати тарихини биз 2700 йиллик тарих деб биламиз, – дейдилар Юртбошимиз. – Лекин Россиянинг хоҳ ўтмишдаги, хоҳ бугунги кўзга кўринган бирор бир тарихчисидан сўраб кўринг-чи, шуни тан олармикин? Тан олмайди, билмайди, билишни хоҳламайди ҳам. Ўжарликнинг сабаби эса битта: башарти, тан олгудек бўлишса, тарихий хулосалари чиппакка чиқади, илмда сохта йўл билан борганлари фош бўлади (И.Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» (Тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбат, «Мулоқот» журнали 1998 йил 5-сони).

Чор Россиясига қарамлик, кейинчалик Совет тузумида ҳам давом эттирилди. Советлар маккорликда Чор Россиясидан ҳам ўтиб кетдилар. Улар маҳаллий халқларни бир-бирига гиж-гижлаш эвазига уларнинг барчаси устидан ҳукмронлик қилдилар. Минг йиллардан буён йўқ, «миллатчилик» деган иллат бу халқлар ичида пайдо бўлди.

Мутелик муддати 150 йиллар давом этди. Тарих фани билан ерли халқ – ўзбеклар деярли шуғулланмадилар, десам хато эмас. Ёзилган тарихлар эса Чор Россияси ва совет олимлари томонидан бир томонлама, мустамлакачилик дунёкараши устунлигида битилди. Милоддан олдинги тарих зарварақлари, янгидан ёзилди. Геродот айтган «шоҳлар авлоди - скифлар туркийлар эмас, улар эронийлар» эди деган янги назария Москвада қайта «кашф» этилиб, туркий халқларнинг тарихи яна камситилди.

Совет тарихшунослари, айниқса, ҳинду-эроншунослари Ўрта Осиёда бу борада ғалаба туғини баланд кўтариб, скифларнинг форсийлар эканлигини «исботлашиб», ҳозирги Туркиядан Волгабўйи, Ўрол тоғи атрофлари, Кавказ тоғларидан бошлаб Марказий Осиё-ю, Ҳиндистон, Хитойгача бўлган ерларда скифлар, яъни форсий қабилалар яшаганлар дейишди.

Уларнинг энг биринчи далили Геродотнинг бундан 2500 йил олдинги тарихий маълумотлари дейишса, энг сўнггиси 1977 йил октябрь ойида Душанбе шаҳрида жамиятшунослик фанлари бўйича Совет-Ҳинд ҳамкорлиги комиссияси ташаббуси билан ташкил этилиб, СССР ФА ва ЮНЕСКО томонидан қўллаб-қувватланган «Милоддан олдинги II минг йилликда Марказий Осиё халқлари этник (келиб чиқиш) муаммолари» номли Симпозиум хулосаси эди.

Мазкур хулосага кўра:

«Милоддан олдинги II минг йилликда хинду-форсий халқлар Анатолийдан, Месопотамия, Эрон ва Ҳиндистонгача ҳамда Хитой чегарасигача бўлган ҳудудда пайдо бўлишиб, ушбу ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда тарихий манбаларда кўрсатилган милоддан олдинги I минг йилликда пайдо бўлган халқларнинг шаклланишига асос солишган» [Этнические проблемы..., 1981, 20].

Совет замонидаги тарихшуносларнинг ёзган тарихларига Юртбошимиз асосли равишда кескин фикр билдирганлар:

...-Юкоридаги мулоҳазалардан табиий равишда шундай савол туғилади: хўш, Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг бугун кенг оммага етказишга арзийдиган ҳаққоний тарихи яратилдими-йўқми? Совет даврида ёзилган тарихни мен тарих санамайман. Ўзгалар ёзиб берган тарихни ўқитишга мутлақо қаршиман. Мустамлакачи ўзига қарам бўлган халқ ҳақида қачон ҳолис, адолатли фикр айтган? Улар бор куч-ғайратларини Туркистоннинг ўтмишини камситишга, бизни тарихимиздан жудо қилишга сарфлаганлар. Тарихдан жудо бўлиш

нималигини яхши билсангиз керак. Инсон учун тарихидан жудо бўлиш - ҳаётдан жудо бўлиш демакдир.

...Тағин ажабланидиган жойи шундаки, тарихимиз ҳақида гап кетганда, биз ҳамон рус олимларининг тадқиқотларига таянамиз, иқтибос кўчирамиз. «Бартольд ундай деган, Гумилев бундай деган» ва ҳоказо. Мен рус олимларининг меҳнатини камситмоқчи эмасман. Лекин қачонгача биз тарихимизни бировларнинг нуқтаи назари, қаричи билан баҳолаймиз? Шундай улкан даврда юртимизда кечган давлатчилик тараққиёти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти атрофлича таҳлил этилган тадқиқотлар нега яратилмаяпти? Археология, Тарих, Шарқшунослик ва бошқа бир қатор институтларимиз бор. Мутахассислар нима билан машғул, қаяққа қарашаяпти? Ўзбек давлатчилиги қачон пайдо бўлган? Нима эмиш, Ўзбекистон XX асрнинг 20-йилларида, аниқроғи, 1924 йили давлат мақомини олган эмиш. Биз шу гапга ишонишимиз керакми? Мақтаниш эмас, янгидан шаклланаётган ўзбек давлатчилиги бошида турган инсон сифатида айтишга ҳаққим бор, керак бўлса, бу иш учун жонимни, борлигимни беришга тайёрман. Чунки, ҳаётимнинг мазмуни шундан иборат. Лекин фақат бир мен эмас, бутун халқ билишни истайди: ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлди? Қандай тарихий босқичларни босиб ўтди? Мутахассислар, балки, тушунтириб берарлар, балки аниқ жавоблари бордир? Тарғибот, ташвиқот ишларини олиб бораётган олимлар, балки, аллақачон бир фикрга келишгандир? Лекин ҳозирча на матбуотдан, на дарсликлардан мен мана шу саволларга жавоб тополмадим.

...Кўпчилик олимларимизнинг илмий тафаккури, қарашлари қайси даврда шаклланиганини ҳам яхши биламан. Тарих оламида меҳнат қилаётганларни ватанпарвар, элпарвар сафдошларим, деб билганим учун уларга шу талабни қўймоқдаман: қачон лўнда, асосли қилиб ҳаққоний тарихимизни фарзандларимизга етказасизлар?

–Шўро даврида ўзбек миллати тарихини бузиб кўрсатишдан, уни чалкаштириб ёритишдан, баъзи саҳифаларини, умуман, кўрсатмасликдан мақсад нима эди?

...Ахвол шу даражага борган эдики, ўз тарихимизни ўзимиз ёзиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолдик. Бировлар томонидан яратилган тарих дарсликларини ўқир эдик. «СССР тарихи» деб аталган дарсликда Ўзбекистондай мамлакатга бор-йўғи 3-4 саҳифа

ўрин берилиб, тарихий воқеалар ва шахслар ҳақида ноҳолис фикрлар айтилар ёки умуман, лом-мим дейилмасди. Фандаги бундай сохтакорлик, кўзбўямачиликни бугун энг олис қишлоқларда яшаётган оддий фуқаро ҳам, мактаб ўқувчиси ҳам яхши билади. Энди, мустақиллик туфайли яққол намоён бўлаётган тарихий ҳақиқатни билишга, ўзлигини англашга чанқоқликнинг туб сабаблари мана шунда, деб ўйлайман (И.Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» Тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбат, «Мулоқот» журнали 1998 йил 5-сон).

Ҳа, Ўртбошимизнинг бу ҳаққоний фикрлари жуда долзарб. Совет даврида, умуман олдин ҳам, тарих фани ўз даври сиёсати учунгина хизмат қилиб келгани унинг елкасига ёпишган чипқондир. Афсуски, бу ҳолат, тарихда жуда кўп маротаба ўз исботини топди. Тарихни бор-борича, яхшисини ҳам, ёмонини ҳам бир хил-объектив ёритиш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди. Бунинг учун чуқур билимдан ташқари юксак маънавият, маданият ва жасорат талаб қилинади

Агар совет тарихчиларининг қадимги юнон, рим, Ўрта Осиё, шарқ, хитой тарихчиларига ўша пайтдаги муносабатини бадиий ўхшатиш орқали тушунтирсам, қадимги тарихчиларнинг совет олимлари олдида иккита айби ўртага чиқади: биринчидан, улар коммунист бўлмаганлар, иккинчидан, уларда совет олий ўқув юртларида ўқиганликлари билан боғлиқ диплом бўлмаган. Шунинг учун большевиклар КПСС тарихидан олдин ёзилган барча манбаларга деярли уйдирма сифатида қараганлар.

Совет замонида тарих фани ўзининг сиёсий қобиғидан ажралолмади. Сиёсий элита – партия сиёсий бюроси нимани хоҳласа, худди шундай тарих битилди. Совет Иттифоқидаги тарихчилар, мамлакатдаги етакчи рус халқининг келиб чиқишини ҳам юзаки ўргандилар. Чунки, рус халқининг келиб чиқиши Киев Руси давлати пайдо бўлиши билан бошлангани йўқ.

Совет Иттифоқида энг қадимий тарихга эга миллат ҳам, давлатчилик тарихининг ҳам кўҳнаси ўзбекларда эди. Буни ҳис қилган гуруҳбозлар ўзбеклар ўз тарихини ўрганишларига йўл қўймади. Объектив тарихни ёритишга уринган олимлар аввалбошда катағон қурбони бўлган бўлсалар, кейинчалик, замон бироз юмшагач, «маънавий» ўлдирилди.

Ўша мудҳиш совет даврида, миллий тарих у ёқда турсин, ўзбек миллий қаҳрамонларининг номини тиклашга бўлган уринишлар ҳам

қақшатқич зарбага учради. Алишер Навоий ҳақида роман ёзгани учун ёзувчи Мусо Тошмуҳаммад Ойбек, «Темур тузуклари»ни замонавий ўзбек тилига таржима қилгани учун А.Соғуний, «Ўтган кунлар» романи асосида фильм яратгани учун режиссёр Й.Аъзамовнинг бошига туҳмат ва иғволар ёғдирилди. Йиллар ўтди. Кимнинг кимлигини тарих шафқатсизларча очиб ташлади, очиб ташламоқда. Охиратда ҳали яна жавоби бор. Ойбек ким-у унга туҳмат ёғдирганлар ким бўлиб қолишди. Соғунийни уй қамоғида сақлашга буюрган Сталин билан Маолар изларидан қарғиш эргаштиришиб чўпчакка айланиб кетишди. Соғуний эса ўзининг бебаҳо асарлари билан дунё маънавият мулкига беқиёс ҳисса қўшди. «Ўтган кунлар» кинофильми ЮНЕСКОнинг олтин фондига олинди.

Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган 1977 йилги симпозиум иштирокчиларининг кўпчилиги маърузаларига кўра, туркий халқлар бу ҳудудда милоддан кейин пайдо бўлганмиш. Мана шундай қилиб минг йиллардан буён Марказий Осиё ва Кавказ ҳудудида яшаб келаётган ўзбеклар, туркманлар, қozoқлар, қирғизлар, озарбайжонлар, татарлар, гагаузлар, қорақалпоқлар, бошқирдлар ва бошқа туркий халқлар ҳаётлари тарихида биринчи бор, улар бу ерга бировларнинг ўрнига келганлиги ҳақида назария пайдо бўлди.

Шу симпозиум асосида советларнинг Ўрта Осиё билан боғлиқ тарих китоблари битилди, мактаб ўқувчисидан тортиб талаба ва олимларимиз ҳам шу «янги назария»га аста-секин кўника борди, ишонди, бошқаларни ишонтира бошлади.

Энг қизиғи шундаки, бу юртда ҳинду-форсийлардан ташқари минг йиллардан буён яҳудийлар, араблар, ҳиндулар яшаб келмоқдалар. Аммо, улар "ўзбеклар бу ерга милоддан кейин келган"- деган даъвои қилишмаган.

Чунки, бундай дейиш мантиқсиз эканлигини ҳар бир зиёли киши яхши тушунади. Зиёли нарёғда турсин, оддий мактаб ўқувчиси бериши мумкин бўлган жуда оддий савол ҳам бутун симпозиум ҳулосасини чиппакка чиқариб юбориши мумкин.

Масалан:

– Домла бундан 2500 йил аввал яшаган Геродот айтган массагетларнинг маликаси Тамирида (Тўмарис) ҳийла йўли билан ўлдирилган ўғлининг ўчини олиш мақсадида форслар шоҳи Кирга қайси дарёдан «сен ўт ёки мен ўтай» деган? Ёки эрамизнинг 2-

асрида яшаган Полиен деган юнон ёзувчиси айтган Широқ нега форсийларга қарши курашган, уларнинг қўшинини қайси чўлда адаштирган? Унда айтилишича, сувсизликдан қутилиш учун Доро бир боло қилиб, Бактр дарёсига етиб олган экан. Бу дарё қайси дарё? Ёхуд ўзбек тилидаги ўғуз лаҳжаси деганда нима тушунилади?

Лекин, бу саволни бола тугул катта-катта тарихчи, филолог олимларимиз ҳам беришмади.

Ваҳоланки, саклар, скифлар, массагетлар, готларнинг умумий тарихи битта ва бу тарих Ўзбекистондан бошланади. Ушбу асарнинг бош мақсади Ўзбекистон мустақиллигидан кейин шу назарияни исботлашга дастлабки уринишдир, эҳтимол.

Айнан мустақиллик шарофати билан ўз тарихимизни ўрганиш имкони пайдо бўлди. Аммо, ўз тарихимизни ўрганишда биздан олдинги олимлар қилган хатоларни такрорламаслигимиз керак. Яъни, тарихни ҳаққоний тасвирлашимиз лозим бўлади.

Шу билан бирга ҳар қандай тарихий фактни ўрганишдан олдин туркий халқларнинг ўзига хос бир жиҳатини ёддан чиқармаслик керак. Бу сифат ғарб мамлакатларида консерватизм дейилади. Яъни, анъана ва удумларга содиқлик. Дунёда камдан-кам миллатлар ўзларининг оталарининг исмини ҳурматлаб, уни ўз миллатининг номига қўйганлар. Мана шулардан бири туркийлардир. Улар Турк оталарини унутмасдан, ўз миллатлари номига қўйишиб келишарди. Аммо, 20-асрда Қизил империя Марказий Осиёдаги туркий халқларни бир-биридан ажратиб, уларнинг номларини унутишлари учун янги-янги миллатларни ўйлаб топдилар. Кечагина ўзларини туркий ҳисоблаган аҳолининг бир қисми қозок, қирғиз, қорақалпоқ, ўзбек, туркманга бўлиниб кетди.

Қизил империя ўз мақсадига эришдими? Яъни халқ ўз урф-одатлари, анъаналаридан воз кечдими? Менинг изланишларим шундай ҳулосага олиб келдики, Марказий Осиёда Қизил империяга ўхшаган зўравонлар томонидан бундан минг йиллар олдин ҳам, халқнинг хотирасидан айиришга бўлган уринишларни қилиб кўрган эканлар. Лекин, халқнинг анъаналарга содиқлиги бир мўъжизавий ҳолатлар туфайли сақланиб қолаверар экан.

Мисол учун бундан икки минг йил аввал яшаган рим тарихчиси Помпей Трог шоҳ авлодлари – скифлар ҳақида бундай дейди:

«Энг бошида скифлар қудратларидек атокли эдилар: Улар Парфия, Бақтрия давлатларини, аёллари эса амазоналар подшолигини тузишган. Скифлар ҳамиша энг қадимий халқ ҳисобланган, қадимийликда улар мисрликлар-ла беллашадилар» (Помпей Трог “Филиппийлар тарихи” II, 1).

Туркий консерватизмнинг яққол намунаси, қадимда Хитойга тобе бўлиб турган туркий хон Ишпаранинг Хитой императорга ёзган мактуби бўлса керак:

“Ўғлимни саройингизга юбораёпман. У сизга ҳар йили келиб чиқиши самовий бўлган отлар тақдим этажак. Эрта-ю кеч амрингизга тайёрман. Аммо кийимимизнинг олдини очишга, ўрилган сочларимизни ёзишга, тилимизни ўзгартиришга ва сизнинг қонунларингизни қабул этишга келсак, бизнинг урф-одатларимиз жуда қадимий бўлгани туфайли уларни бузишга жасоратим етмайди. Бутун мамлакатимизнинг қалби бирдир” (З.Зиётов “Турон қавмлари” Т-2008 “Истиқлол” нашриёти 143-бет).

Эътибор берсангиз, Ишпарахон Хитой императорига тобе бўлишига қарамасдан, “биз сиздан қадимий халқмиз, ўзингизни ҳаққингизни олинг-у, бизни ўз холимизга қўйинг” деган ишорани қилмоқда.

Амир Темур бошқа миллатларнинг шоҳларига, султон ва қиролларига мактуб битганида уларга “ўғлим” дея мурожаат қилади. У кишининг ўзларини бундай тутишларини, мен ўша пайтдаги соҳибқиронларга хос, бошқаларга ўз устунлигини кўрсатиш услуги, манманлик, ҳатто кибрга йўйгандим.

Аммо, унинг набираси ҳукмдор ва дунёга машҳур олим М.Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” номли асаридаги бир жумлани ўқиб, фикримни ўзгартиришга мажбур бўлдим.

Унда айтилишича Нух алайҳиссаломнинг тўфондан тирик қолган уч фарзандининг энг тўнғичи Ёфас (М.Улуғбек “Тўрт улус тарихи” Т.-1994 йил “Чўлпон” нашриёти 34-бет), кейингилари Сом ва Ҳом бўлган экан.

Демак, катта аканинг болалари доим катта бўлиб қолганларидек, Амир Темурнинг «биз миллатларнинг энг қадими» деган сўзлари тўғри экан-да.

III.«ЎЗБЕК» АТАМАСИ ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

Ўзбекистон энциклопедиясида бу ҳақда бундай дейилади:

“... Ўз ўрнида айтиб ўтиш лозимки, **ўзбек** этнонимининг келиб чиқиши бўйича фанда яқдил фикр мавжуд эмас. Айрим муаллифлар (*Г.Вамбери, Г.Ховорс, М.П. Пельо*) Дашти Қипчоқда кўчиб юрган турк-мўғул қабилаларининг бир қисми ўзларини эркин тутганликлари сабабли «ўзбек», яъни «ўз-ўзига бек» деб атаган десалар, бошқалар (*П.П.Иванов, А.Ю.Якубовский, Хилда Хукхэм*) «ўзбек» этнонимини Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (14-а.) номи б-н боғлайди, бошқа яна бир гуруҳ олимлар эса (*В.В. Григорьев, А.А. Семёнов ва Б. Аҳмедовлар*) ўзбек номи Оқ Ўрда (Дашти Қипчоқнинг шарқий қисми)да кўчиб юрган турк-мўғул қабилаларига тааллуқли бўлган деган фикрни билдирадилар (*Адҳамжон Аширов, Асрор Қайумов*).

Б.Аҳмедовдан бошқа барча олимлар чет элликлар. Чет эллик олимларга қилган сазй-ҳаракатлари учун миннатдорчилик билдирган ҳолда, энди ўзимиз ҳам шу масалага ечим излаб кўрсак.

Агар, мендан биронта рус келиб Иван ҳақида, немис Гейнрих ҳақида, англиялик Вальтер сўзининг келиб чиқиши ҳақида сўраса, ўзимни минг маротаба зўр олим деб ҳис қилсамда, инглиз ёки немисга ёки русга “ундоқ-бундоқ” деб ўргата олишимга кўзим етмасди.

Ўзбекнинг исми келиб чиқишини баён қилаётган одам, аввало бу ишга меҳр билан ёндошиши, ҳолис ва беғараз бўлиши, халқнинг анъаналарини, менталитетини, характерини жуда чуқур ўрганиши, унинг тилини жуда яхши билиши лозим. Шунда сўз ҳам яшириб ётган ўз сеҳрини очар?

Милод бошида яшаб, ижод қилган Диодор (Сицилиялик (милоддан аввалги тахминан 90—21 йиллар, юнон тарихчиси) ўзининг “Тарих кутубхонаси” номли асари II китоби 2-бобида, биз туркийларнинг жаҳонгир бобомиз ҳақида гапиради:

“Энди Ҳиндистон чегараларида яшовчи скифлар ҳақида гаплашайлик. Бошланишида улар унча катта бўлмаган маконда яшаганлар, бироқ кейинчалик ўзларининг кўрқмас ва жасурликларига таяниб, жуда шуҳратли ва жанговар халққа айландилар. Энг аввалги скифлар Аракс (Амударё) бўйларидаги ерларда яшаб, унчалик кўп бўлмаганлар... аммо уларнинг шоҳларидан бири тоғли жойлардан Кавказгача, текисликда эса Мэотия қўлигача (Азов денгизи), Танаидгача (Дон дарёси) бўлган ерларни эгаллаган. Ундан сўнг скифлар Фракия... Мисрда эса Нилгача... Шарқ океанигача... Каспий ва Мэотия қўлигача етиб

борганлар. Баъзи бир атокли шоҳларнинг отлари скифларнинг турли шохобчалари — саклар, массагетлар, аримаслар ва ҳоказоларга ном бўлиб ўтган” “Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида”YURIST-MEDIA MARKAZI” Тошкент-2008 йил 60-бет).

Англаган бўлсангиз, икки минг йил аввал яшаган Диодор Ҳиндистон чегарасида яшовчи халқнинг жуда машҳур жаҳонгир бобоси ҳақида гапирмоқда. Диодор яна қизиқ бир фактни тилга оляпти. Ўша жаҳонгирнинг исми скифларнинг турли-туман шохобчалари номларида мужассам эмиш!

Совет пайтида яратилган юртимиз тарихига оид манбалардан бундай жаҳонгирни кидириш амримаҳол. Келтирилган фактлар ҳам ўша пайтда илмий ёндашувдан йироқ, афсона, эртақ сифатида қабул қилинади.

Илм-фан, тарихни сохталаштириш вақтинча эканлигини совет олимлари билмасдилар, гўё. Шунинг учун улар тарихни бузиб кўрсатиш орқали “буюк кашфиётлар” қилдилар.

Аслида эса Диодорнинг бундан икки минг йил аввал айтган гапларини тасдиқловчи тарихий манбалар бундан бир неча юз йил (балким минг йил) олдин ёзиб қўйилган экан.

Бунга жавоб М.Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” асарида ҳам, Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарида ҳам бор. Бу жаҳонгирнинг исми Ўғузхон.

Уларнинг таъкидлашича айнан Ўғузхон қадимда Хитойни ҳам, Ҳиндистонни ҳам, Эрон, Шом, Мисрни ҳам, Рус денгизигача ерларини ҳам жанг қилиб, ўзига тобе қилган. Улуғбек Ўғузхон ҳақида бундай дейди, “...турк маликлари орасида мисли жамшед эди. Ажам маликлари орасида ҳам” (М.Улуғбек “Тўрт улус тарихи” Т.-1994 йил “Чўлпон” нашриёти 50-бет).

З.Зиётовнинг “Турон қавмлари” асарида Эрон манбаларида айнан Ўғузхон (Алп Эр Тўнга эмас) Афросиёб деб аталиши қайд этилади.

(З.Зиётов “Турон қавмлари” Т-2008 “Истиклол” нашриёти 193-бет) .

Энди, Ўғузхон ҳақида Абулғозининг мана бу сўзларига эътибор беринг:

«...(Ўғузхон) Йигит бўлгандин сўнг урус ва улоқ ва мачар (мажар) ва бошқурд эллари ёғи эрдилар. Қипчоқга кўп эл ва навкар бериб, ул ёқға Тин ва Атил (Итил) сувининг ёқасина юборди. Тин ва Атил иккиси ҳам улуғ сувларнинг оти турур. Уч юз йил Қипчоқ ул

ерларда подшоҳлик қилиб ўлтурди. Барча қипчоқ эли анинг наслиндин турурлар» (Абулғозий “Шажараи турк” Т.-1994 йил “Ўзлон” нашриёти 22-бет).

Ҳозирги замондаги кўп олимлар қипчоқларнинг Дашти қипчоқда пайдо бўлишини турлича тушунтирадилар.

Улар, милoddан олдин яшаган европалик Диодор билан ундан 1500-1700 йил кейин яшаган М.Улуғбек ва Абулғозийнинг фикрларини чуқурроқ таҳлил қилганларида, фикрлари ўзгарармиди.

Албатта, навбатдаги савол Ўғузхон қачон яшаган? Яна Абулғозига мурожаат қиламиз:

“Ўғузхоннинг замонидин Чингизхон замониғача Тин ва Атил ва Ёйик, бу уч сувнинг ёқасинда қипчоқдин ўзга эл йўқ эрди. Тўрт минг йилғача ул ерларда ўлтурдилар. Анинг учун ул ерларни Дашти Қипчоқ дерлар (Абулғозий “Шажараи турк” Т.-1994 йил “Ўзлон” нашриёти 22-бет)”.

Агар Абулғозий Баҳодирхоннинг ўзи 1603-1663. йилларда яшаганини эътиборга олсак, яна тўрт юз йил қўшамиз, демак Ўғузхон Абулғози даврида тўрт минг тўрт юз йил аввал яшаган бўлиб чиқмоқда.

Абулғозийнинг бу гапларини тасдиқлаш учун Геродотнинг бундан 2500 йил олдин массагетларнинг маликаси Тўмарис (Тумор) ҳақидаги ҳикоясини келтириб ўтиш жоиз. Ўшанда бу жасур момомиз Эрон шоҳи Кир (Кирёвуш)ни енгиб, унинг бошини қон билан тўлдирилган мешга солгани айтилади. Тарихчи ва филолог М.Маҳмудов массагетлар сўзини юнон тилидан таржима қилиб масса – катта, гет- гут-ўғуз, катта ўғузлар маъносини бераркан (З.Зиётов “Турон қавмлари” Т-2008 “Истиклол”нашриёти 88-бет) деган хулосага келганлигини айтган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда ўзбек қабилаларининг бир қисми, туркман, қозоқ, қирғизларнинг жуда катта қисми ўрта асрларда «ўғиз», «ғуз», «гут» номи билан юритилганлиги маълум (туркий қавмлар тилида «Ўғуз» сўзининг – «Гут»га айланиб кетиши бир неча юз, балким минг йиллик жараён бўлиб, унинг қонуниятини ҳақида алоҳида тўхталиб ўтамиз).

Абулғозий бу муддатни қандай ҳисоблади деган савол келиб чиқиши табиий. Юртимиз олимлари, хусусан Абу Райҳон Беруний ва унинг шогирдлари ҳисобига қўра, Нуҳ алайҳиссалом давридаги тўфон, ҳижрат (эрамизнинг 622 йили)гача 3725 йил деб олинган

(М.Улуғбек “Тўрт улус тарихи” Т.-1994 йил “Чўлпон” нашриёти 30-бет).

Абулғозий хижратнинг мингинчи йили ва ундан кейин яшаган. Яъни, Беруний ҳисобига 1000 йилни қўшсак, 1622 йилда тўфон бўлганига 4725 йил тўлади. Чингизхон Абулғозийдан 400 йил аввал яшаган. Демак, Абулғозий 300 йилни Нух алайҳиссаломдан Ўғузхонгача бўлган даврга ажратади. Булар 1.Ёфас; 2.Турк; 3.Тўтак; 4.Аблачахон; 5. Диббоқўйхон; 6.Куюкхон; 7.Аланчахон; 8.Мўғулхон; 9. Қорахон; 10.Ўғузхон.

Ҳар бир ота-бола оралиғи 30 йил эканлигини инобатга олсак, йил ҳисоби ҳақиқатга жуда яқин айтилмоқда. Бундан ташқари Абулғозий Ўғузхон билан Чингизхон ўртасидаги 450 йилдаги оталарнинг исмини билмаганлигини айтади (Абулғозий “Шажараи турк” Т.-1994 йил “Чўлпон” нашриёти 22-бет)”. Абулғози ўз асарида шундай деганини яхшилаб таҳлил қилинса, у 450 йил эмас бундан деярли 6 баравар – 2800 йиллик муддатга адашаётганини кўрамиз.

Агар, Абулғозийнинг бу гаплари ишончсиз десак, унда етти ёт бегона Геродотнинг фикрларига эътибор берайлик.

“Улар(кипчоқ)ларнинг ҳисобича, Таргитай шоҳлиги замонидан Доронинг бостириб кириши даври ораси роппа-роса 1000 йилни ташкил этармиш” (“Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида”YURIST-MEDIA MARKAZI” Тошкент-2008 йил 8-бет).

Геродот Абулғозийдан 2100 йил олдин яшаган. Бундан чиқадики, агар Геродотнинг маълумотини асос учун қабул қилсак, кипчоқларнинг Дашти кипчоққа келганларига Абулғозий даврида 3000-3500 йиллар бўлган ҳисобланади (бу санани аниқлаштириш қўшимча равишда Эрон, Юнон, Мовароуннахр, Мўғулистон манбаларини қўшимча равишда ўрганишни талаб этади).

Абулғозийнинг фикрларини ўрганишда давом этамиз. Шу борада, Абулғозидаги оталар саноғи М.Улуғбек саноғидан фарқ қилишини кузатиш мумкин. Абулғозида Ўғузхон 10-ота бўлиб ҳисобланади.

Мирзо Улуғбекда эса Ўғузхон 9-ота ҳисобланади: 1.Ёфас; 2.Турк; 3. Абулчахон; 4. Дибадқўйхон; 5.Куюкхон; 6. Алмужаннахон; 7. Мўғул; 8. Қорахон; 9. Ўғузхон.

Яъни, М.Улуғбекда Туркнинг ўғли Тўтак йўқ. М.Улуғбек Абулғозийдан икки аср олдин яшаган бўлса-да, уни билмаслиги қизиқ..

Бу чалкашликни фақатгина битта фикр билан тушунтириш мумкин. Тарихни нафақат советлар, балки М.Улуғбекдан 200 йил кейин яшаган чингизийлар ҳам сохталаштирган кўринишади.

“Турон қавмлари” кичик энциклопедик луғатда келтирилишича, “Мўғул қабиласи 12-аср бошларида кичик қабила бўлиб, тарих саҳнасига чиққан, асрнинг ўрталарида татар қабилалари томонидан босиб олинган ... Чингизхон тарих саҳнасига чиққанидан бошлаб, мўғул қабилалари бирлашиб, мўғул миллатини келтириб чиқарди” (3.Зиётов “Турон қавмлари” Т-2008 “Истиқлол” нашриёти 93-94-бетлар).

Агар шундай бўлса, чингизийлар маҳаллий аҳолига ўзини яқинроқ кўрсатиш мақсадида, фақат бир кишини иложи борида Турк отага яқинлаштиришлари мумкин. У ҳам бўлса Мўғул.

Абулғози саноғи куйидагича:

1.Ёфас алайҳиссалом; 2.Турк; 3.Тўтак; 4. Аблачахон; 5.Дебакўйхон; 6.Куюкхон; 7.Аланжанахон; 8.Мўғулхон; 9.Қорахон; 10.Ўғузхон; 11.Ойхон; 12.Юлдузхон; 13.Манглайхон; 14.Тенгизхон; 15.Элхон; 16.Қаён; (450 йилдаги кишилар номаълум, шунинг учун яна 15та кишини қўшсак оталар сони 30 та бўлади) 32.Бартачина; 33.Қўймарал; 34.Бичин Қаён; 35.Тимач; 36.Кичи мерган; 37.Кужамбурал; 38.Бўкабандунхон; 39.Самсавчи; 40.Қалимачухон; 41.Темуртошхон; 42.Менгли хўжахон; 43.Аланкуванинг исми номаълум отаси; 44.Аланкува; 45.Бузанжирхон; 46.Букахон; 47.Дутумнанхон; 48.Қайдухон; 49.Байсунқурхон; 50.Тумнахон; 51.Қабилхон; 52.Бартанхон; 53.Есугай Баҳодир; 54. Чингизхон.

Яъни, 10-ота Ўғузхон билан 54-ота Чингизхонгача 44 киши бор. Уларни 30 (йил)га кўпайтурсак 1320 йил бўлади, унда Ўғузхон милоддан олдинги II асрда яшаган бўлиб чиқади. Александр Македонский милоддан олдинги 3 асрда Ўрта Осиёга келган. Ундан сўнг биронта туркий ҳоқон Хитой, Ҳиндистон, Рус ерлари, Эрон, Шом, Мисргача борганида албатта, тарихда қайд этилган Салавийлар ёки Рим империяси билан тўқнашган бўларди.

Шунинг учун Абулғозийнинг Нух алайҳиссаломдан Ўғузхонгача бўлган оталар саноғи тўғрилигига (жуда катта шубҳа билан, чунки Абулғозий айтганидек “Ҳеч нимарсанинг мартабаси тўкқуздин юқори бўлмас, ниҳояти тўкқуз турур” (Абулғозий “Тўрт улус тарихи” Т-1992 йил “Чўлпон” нашриёти 12-бет) биринчи бошдаги оталар ичидан Мўғул чиқарилса Ўғузхон 9-ота бўлиб

колади) ҳозирча кўнамиз, аммо қолган оталарнинг кўпчилиги Абулғозий ҳамда М.Улугбек руйхатига кирмаганлигини инобатга олишимиз керак.

Энди юнон олими Диодор фикрининг иккинчи қисмига эътиборингизни тортмоқчи эдим:

“Баъзи бир атоқли шоҳларнинг отлари скифларнинг турли шохобчалари — саклар, массагетлар, аримасплар ва ҳ.з.ларга ном бўлиб ўтган”.

Хўш Ўғузхон исми билан шундай шохобчалар аталганми? Аталган экан. Ўша пайтларда аталган шохобчалар ҳозирги пайтда бутун бошли халқлар бўлиб кетибди. Ҳар ҳолда 4000-4800 йил катта муддат.

Бу масалага киришишдан олдин, қадимги юнон олимлари юртимиз тарихига оид маълумотларда жуда кўп ишлатган сўзлари Окс; Оксиарт; Оксана, Оксиан кўли, оксийлар, оксиадранклар, Окс Искандарияси, Трансоксиана сўзлари ўзаги Окс сўзи нимани англатишини билиб олсак яхши бўларди.

ОКС, Оксус — *Амударё*нинг юнон, латин ва ўрта асрлардаги Европа манбаларида тилга олинган номи. Баъзи олимлар (В. В. Бартольд, Б. Ғофуров) Оксни сув худоси Вахшнинг (Вахш — Охшо) номи десалар, бошқа олимлар (С. П. Толстов, Я. Ғ. Ғуломов, Ҳ. Ҳасанов) қад. туркий Ўқуз — «дарё» сўзининг фонетик варианты деб ҳисоблайдилар.

Ҳа, айтмоқчи агар греклар бу дарёнинг номи(Окс)ни шундай атамаганларида бу дарёнинг номи ўша пайтдаги Ўғуз номи билан аталганини, балким билмасдик. Ҳа, дарёлар номини йўлбошчилар номи билан аташ туркийларга хос эди. Олтойда Ўрхон (бизнинг тилимизда бу сўз Урхун-Енисей битигидан Урхун бўлиб юрибди) дарёси бор, худди шундай Сурхондарё ҳам Ўғузхоннинг набираси шарафига қўйилгани мантиқан тўғри, асосан туркманлар яшайдиган Бухоро вилояти Қорақўл туманида ҳам **Сурхи** номли кудук бор. Россиядаги Атилла (Итил дарёси)ни эсланг.

Шунинг учун ҳам С. П. Толстов, Я. Ғ. Ғуломов, Ҳ. Ҳасановларнинг қад. туркий Ўқуз (Амударё) — «дарё» сўзининг фонетик варианты деб ҳисоблашларини, “катта сув” кейинчалик тарихий шахс – Ўғузхон сўзи билан боғланган десак тўғри бўларди.

Демак, Искандар Македонский бу ерга келган даврда ўғузлар бу ерда яшаганлар.

Массагетларнинг ўғуз эканлигини, улар Искандар Македонскийдан анча олдин яшаганлигини Геродот ҳам тасдиқлаганини юқорида келтирдик.

Академик В.Бартольд ҳам Туркменистондаги ўғузлар таркибидаги солурларнинг Хитойдаги салорлар (Абулғозий маълумотига кўра Ўғузхоннинг набираси, ўғли Тенгизнинг фарзанди) билан ўзаро боғлиқлигини исботлаган экан (З.Зиётов “Турон қавмлари” Т-2008 “Истиқлол” нашриёти 115-бет).

Шунингдек, З.Зиётовнинг фикрича юнонлар эфталит деб атаган қавмлар ҳам ўғузлардан бўлган (З.Зиётов “Турон қавмлари” Т-2008 “Истиқлол” нашриёти 193-бет). Туркман сарилари таркибида хуросонли (Хуросонли ҳам Ўғузхоннинг набираси) уруғи қайд этилган (Ўша ерда, 116-бет).

Ўғузлар А.Македонский даврида бу ерда мавжуд бўлганлигининг яна бир исботи: Искандарнинг қайнотаси Балх ҳокими –Оксиартнинг исми айнан нимани англатади? Оксиартдаги, Окс – ўғуз, “арт” юнонлар учун аниқлаштирувчи сифатни билдирган, туркийда эса “Ўғуз” сўзининг қандайдир қўшимчаси борлигини кўришимиз мумкин.

Юнон ва рим олимларининг қўллаган сўзларига энди туркий ўзак орқали ўқинг: Окс (Ўғуз); Оксиарт (Ўғуз+хон ёки бошқа); Оксиана (Ўғузлар ватани), Оксиан кўли (Ўғузлар кўли – ҳозирги Орол денгизи), оксиёнлар (ўғузлар), Оксиана Искандарияси – Ўғузлар ватанидаги Искандария, Трансоксиана (Ўғузлар кўчиб келган жой).

Энди юқоридаги олимларнинг “ОКС”ни “ДАРЁ” ёки сув маъбуди “ОХШО” деб ўзакка солиб ўқиб кўрсак, мантиқдан узоқлашилганини кўрамиз.

Оксиарт сўзидаги “арт” қўшимчаси, ўша давр шароити учун турли вариантларда бўлиши мумкин, масалан – Ўғуз+хон; Ўғуз+бўка; Ўғуз+бой; Ўғуз+ой; Ўғуз+берк; Ой+Ўғуз.

Оксиарт сўзи Ўғузхон деб таржима қилиниши эҳтимоли йироқ. Чунки, бу пайтда Балх Эрон Ахоманийлари тасарруфида бўлган ва Балх ҳукмдори Доронинг жуда яқин мулозими эди. Шунинг учун Оксиартни – Ўғуз+ой; Ой+Ўғуз бўлганлиги ўша давр учун мос эди (Кушон подшоси Гиройни эсланг).

Бирок, кейинчалик бошқа исмларнинг келиб чиқиши динамикасидан Оксиартни – Ўғуз+берк; Ўғуз+бўка ва Ўғуз+бойлардан бири бўлганлиги ҳақиқатга яқин. Чунки, хондан

кейинги ўриндаги қўшимчалар туркийда “берк” – мустаҳкам, “бўка” – паҳлавон маъноларини берган, кейинчалик бу қўшимча сўзлардан “бек” сўзи келиб чиққан, “бой” сўзи эса ҳаммага аён.

Ўғуз сўзи бошқа миллатларга, қабила ва уруғларга ҳам берилганми? Бўлиши мумкин, қачонки Ўғуз сўзи туркий тил қисқаруви ёки бошқа халқлар томонидан турлича шаклларда ифода этилган бўлса.

Масалан, ўғузлар араб ва форс манбаларида “ғуз”лар ва “гуз”лар деб аталган эканлар.

9—11-асрларларда Орол ва Каспий денгизи бўйларидаги кўчманчи ва ярим ўтроқ қабилалар иттифоқи ҳам ғузлар дейилган; Янгикент Ўғузлар ябғуси қароргоҳи бўлган... 1040 йилдан сўнг *салжуқийлар* бош бўлган Ўғузлар Ғарбий Осиё мамлакатларини босиб олганлар. **11—13-асрларда Ўғузлар этноними Ўрта Осиё ва Эронда туркман, Яқин Шарқда эса турк этноними билан алмашган. Ўғузлар, туркман, озарбайжон, турк ҳамда гагауз ва қорақалпоқлар этногенезида муҳим роль ўйнаган. Ўғузларнинг эпик асарлари («Китоби дадам Кўркүт», «Ўғузнама») сақланиб қолган** (Ўзбекистон Миллий энциклопедиясидан).

Нега энди ўғузлар ўз номларини Ўрта Осиё ва Эронда туркман, Яқин Шарқда турк номига алмаштирган экан?

Форсийлар ва арабларнинг ўғузларни “гуз” ёки “ғуз” демасдан уларни катта оталари исми Туркдан келиб чиқувчи – туркман ва турк аташларига сабаб, 13-асрдан бошлаб то 20-аср бошига қадар бу худудда туркийлар (Эронда элхонийлар, Сафавийларнинг асосий таянчи – қизилбошлар, кейинчалик қожорларнинг ҳукмронлиги, Яқин Шарқ эса Усмонли Турклар назоратига тушиб) мавқеининг ошиб кетиши сабаб бўлгандир, балким.

Ўғуз сўзининг турли жойларда турлича қисқарувини балким “қирғиз” сўзида ҳам кузатишимиз мумкин. Биринчидан, Абулғозийнинг айтишича, Ўғузхоннинг Қирғиз исмли набираси бўлган. Иккинчидан қирғиз сўзи – “қирқ ўғуз”дир. Чунки, Ўғузхон умри охирида Иссиқкўлни ўзига макон қилиб танлаган.

Ўғузхоннинг набиралари ичида бизни эътиборимизни тортадиган яна шундай исмлар бор: “Хуросонли, Сурқий, бу вақтда ани Сурхий дейтирурлар, Қирғиз. (Абулғозий “Шажараи турк” Т.-1994 йил “Чўлпон” нашриёти 26-бет).

“Сурхи” номида – туркманларнинг уруғи қайд этилган. Республикамиз жанубидаги Сурхондарё вилояти ҳам айнан

Ўғузхоннинг набираси СУРХОН сўзидан келиб чиққан. Нега деганда ўша пайтларда халқнинг сўз бойлиги ҳозиргидек бой бўлмаган. Масалан, Ўғузхоннинг отаси Қорахоннинг Ур исмли укаси бўлган (М.Улуғбек “Тўрт улус тарихи” Т.-1994 йил “Чўлпон” нашриёти 42-бет). Ур деган исм бор жойда, нега энди Сур деган исм бўлмасин?

Ўғузхоннинг Хуросонли исмли набираси Хуросонда туғилгани учун шундай исм олганлиги туркий менталитетга хос удум.

Хўш “ўғуз” сўзи яна бошқа минтақаларда ҳам шакли ўзгарган тарзда учрайдими?

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида, бу ҳақда қуйидаги маълумотлар бор:

1.Торклар, узлар, ғузлар — Марказий осийлик ўғузлар қабила уюшмасидан ажраб чиқиб, Волгабўйи ва Жанубий Русь даштларига бориб жойлашган кўчманчи туркий қабила. Русь йилномаларида торки (турклар) деб юритилган ушбу қабила номи Византия манбаларида “уз” шаклида учрайди. Шунингдек, рус йилномаларида Торклар «черные клобуки» («қора қалпоқлилар») тарзида ҳам тилга олинади.

2. Узлар — қадимий туркий қавм. 7—8-асрларда Еттисув ва Сирдарёнинг ўрта оқимларида яшаб, *Турк хоқонлиги* ва *Қарлұқлар давлати* таркибида бўлишган. Уларнинг бир қисми ғарбга силжиб, 8-асрнинг охирида Орол денгизининг жанубий-шарқий ҳудудларига бориб ўрнашган ва *ўғузлар* тасарруфида бўлиб келган...

Узлар 11-асрнинг 30-йилларида Днепр ва Дунай дарёлари оралиғига бориб жойлашган. Бу ҳудудни 1060 йил Русь князлари бирлашиб эгаллаганлар, натижада Узларнинг асосий қисми ғарбга — «Муқаддас Рим империяси» ерларига кўчган (юнон тарихчиларининг маълумотларига кўра, Узлар сони 600 минг кишига етган), кичик бир қисми эса, Кичик Осиёга, Усмонли туркларга қўшилиб сингиб кетган. Кейинчалик Узларнинг бир қисми яна ҳам ғарбга силжиб, Жанубий Русь чўллари орқали Ғарбий Европа (Юнонистон ва Венгрия)га ўтиб кетганлар. *Узларнинг кейинги авлодлари — гагаузлар ҳозир ҳам Молдавия, Руминия ва Венгрияда яшайди* (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси).

Агар келтирилган маълумотларга синчковлик билан эътибор берилса, араблар ва форслар ўғузларни – “ғузлар” ёки “гузлар” деб атаганлар, византияликлар эса “уз” деб атай бошлаган ва ниҳоят “узлар” деган уруғ пайдо бўлади ва улар яна ўзларини “кўк ўғуз”(гагауз) деб атай бошлайдилар.

Иккинчи томондан туркий тиллар хусусияти ҳам сўзларнинг вақт ўтиши билан қисқарувига олиб келади.

Исмлар ва уларнинг маънолари билан олиб борган изланишларим яна бир янгиликка дуч келишимга олиб келди. Масалан, маҳмадона сўзи, биз сунний мусулмонлар учун жуда оғир сўз экан. Маълум бўлишича, бу гап айнан Муҳаммадона сўзининг қисқаргани экан.

Олимларнинг фикрича Муҳаммадали сўзи қисқариб – Мамадали, Муҳаммад сўзи Мамат, Муҳаммад Амин сўзлари Мадамин, Муҳаммад Сиддиқ сўзлари Мамасиддиқ бўлиб кетибди. Яна бошқа сўзлар ҳам вақт ўтиши билан қисқариб кетаркан. Масалан, Аҳмад Яссавий яшаган Ясса, аслида Сакса (юнонлардан қолган эсдалик,ҳойнаҳой) бўлган экан.

Ва ниҳоят, “Ўғуз” сўзи Марказий Осиё, Эрон, Ўрта Шарқ, Озарбайжонда “Ўз” бўлиб қисқарганини кузатишимиз мумкин.

Бунинг яққол мисоли Ўзбекистон энциклопедиясидаги мана бу маълумот:

“...Жалолиддин Мангуберди Бағдод атрофида 12 кун тургач, Озарбайжон томон кетади. Озарбайжон ва Аррон отабеги Ўзбек ичкилик, маишатга берилиб давлат ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйган эди, давлатни амалда унинг хотини Малика хотун бошқарди. 1225 йил майда Жалолиддин Мангуберди Мароғашаҳрини жангсиз қўлга киритади. Дамашқ, Эрбил ҳокимлари у билан иттифоқ тузишга рози бўладилар. Отабек Ўзбек Табризни ташлаб Ганжага, сўнг Алинжо қалъасига қочиб ўша ерда вафот этади...”.

Эътибор бераяпсизми? Олтин Ўрда хони Ўзбекхон Султон Муҳаммад (тахм. 1282—1342) туғилишидан олтмиш йил аввал ҳам Озарбойжонда Ўзбек исмли ҳоким мавжуд эди! (Ҳали бу ерларни Чингизхон авлодлари қўлга киритмаган ҳам эдилар). Бундан ташқари 11-асрда Сурияда яшаган араб тарихчиси Усома ибн Мунқизнинг “Китоб ал эътибор” (Ибрат китоби)да ёзилишича Ўзбек исмли Мовсил ҳокими бўлган (!!!) (З.Зиётов “Турон қавмлари” Т-2008 “Истиқлол”нашриёти 189-бет).

Хўш, “Озарбойжон” сўзида Ўғуз сўзи бормикин? Туркий тилларда маълум муддат ўтгач сўзлар юқоридагидек қисқаришини назарга олсак, Озар сўзи Ўғуззар сўзининг қисқаргани бўлиб чиқади. Айнан ўғузларнинг турк ва туркман номини олишни истамаган қабила ва уруғлари – Ўғузлар – Ўғуззар, Ўззар – Ўзар, туркий исмлар анъанасидан келиб чиқиб Ўзар – Ўзар+бой-Ўзарбой+ жон бўлган деган фикрдамиз.

Энди шу тахлитда Ўзбек сўзи сўзидаги “Ўз” ҳам аввал Ўғуз бўлгани мантиқан тўғри. Демак, қадимги Ўғуз+берк, Ўғуз+бўка сўзларидан ЎЗБЕК сўзи келиб чиққан бўлади.

11-асрда Мовсилда ҳокимлик қилган, 13-аср бошида Озарбайжонда отабек (ҳоким)лик қилган “Ўзбек” сўзи ҳам айнан Ўғузбек сўзининг қисқаргани бўлиб чиқади.

Демак, тарихчилар П.П.Иванов, А.Ю.Якубовский, Хилда Хукхэмларнинг «ўзбек» этнонимини Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (14-а.) номи билан боғлаши ўз-ўзидан рад этилади.

Ҳозирги ўзбеклардаги уз (бошқа мамлакатларда ҳам бор), юз (кейинчалик унинг кўпайишидан минг уруғи пайдо бўлган менимча) уруғларини ҳам, қозоқлардаги жузларни ҳам Ўғузга тегишли деб қабул қилсак бўлади.

Чунки, Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит турк”да Румдан Хитойгача бўлган ҳудудда яшаётган туркий қавмларни (ҳозирги Россия, Қозоғистон, Ўзбекистоннинг шимоли бўйлаб) санайди. Шунда у ўғузлар беженек, қипчоқлардан кейин яшайди деб кўрсатади. Яъни, бу ерлар ҳозирги Қозоғистон ҳудудига тўғри келади. Бу эса қозоқлардаги жузлар (катта, ўрта, кичик) ҳам ўғузлар маъносига эканидан далолатдир.

Хулоса шуки, Ўғузхон бундан қирқ саккиз аср аввал яшаган, Ўзбек сўзи, Ўғузберк сифатида пайдо бўлганига эса қирқ асрдан ошган. Ҳозирги пайтдаги Озарбайжон, Туркменистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон давлатлари, Қорақалпоғистон Республикасидаги туркий қавмларнинг асосий қисми қадимги ўғузлардан ташкил топади ва улар бу ерларда дунё яралганидан бўён яшаб келмоқдалар.

Яна битта топонимда Ўғуз сўзининг Ўз бўлиб қисқарганини кузатиш мумкин. Бу ҳозирги Узгенд (Ўғузкент) шаҳри.

Ҳа, айтмоқчи. Юнон тарихчилари Ўғуз сўзини бутун дунёга Окс сифатида танитдилар. Буюк Британияда Оксфорд шаҳри бор. Уларнинг айнан ўғузлар бўлиши ҳақиқатга жуда яқин.

Россиялик олим Мурад Аджи қадимги инглизларнинг қуйидаги сўзлари туркийдан ўтганлигини айтади:

"Молодой"-“Ёш” - "янг", "немедленно"-“қўққисдан” - "тап", "сытый"-“тўқ” - "ток", "прикреплять” –“тоқмоқ” - "так", “Одежда”– "мода"- тўн-(ton), "делать надрез" - "зарубка" – “қирқиш”- (kert - kerf), "греметь"-шовқин- (tang tung et - tang).

Бундан ташқари, юқорида “уз”лар бўйича келтирилган маълумотда, юнон тарихчилари 1060 йилларда «Муқаддас Рим империяси» ерларига кўчган Узлар сони 600 минг кишига етган, дейишган. Бу жуда катта миқдор. Оддий бир солиштириш, 1941 йил урушигача бўлган даврда Ўзбекистон аҳолиси 6 млн. киши атрофида бўлган экан, орадан 60 йил ўтиб, бу миқдор 4,5 бараварга ўсган.

Мабодо, Буюк Британиядаги Окслар ҳам ўзларининг келиб чиқишини Ўзбекистондан эканликларини тан олсалар. Оксфорд сўзи айнан ўша ҳозирги Қирғизистондаги Ўзганнынг уйқоши бўлиб ҳисобланаркан.

Чунки, Оксфордни сўзма сўз таржима қилсак тахминан “Ўғузларнинг қўлтиғи, кечуви” деб таржима қилинаркан.

IV.ЎЎҒУЗХОН ҚАЕРЛИК БЎЛГАН?

Ушбу асар билан ишлаш баробарида кизиқарли бир ҳикматга дуч келгандай бўлдим. Абулғози Ўғузхон туғилиши ва ундан олдинги даврни шундай тасвирлайди:

“...Қорахоннинг улуғ хотунидин бир ўғли бўлди. Кўркали ойдин ва кундин ортуқ. Уч кеча кундуз онасини эммади. Ҳар кеча ул ўғлон онасининг тушига кириб, айтур эрди: «Эй она, мусулмон (Тангрининг ягоналигига иймонли) бўлғил! Агар бўлмасанг ўлсам ўларман, сенинг эмчакингни эмман! » — теб. Онаси ўғлига қия билмади, тақи Тангрининг бирлигина имон келтурди. Андин сўнг ул ўғлон эмчакин эмди. Онаси кўрган тушини ва мусулмон бўлганини кишига айтмади, тақи яшурди. Анинг учун ким турк халқи Ёфасдин Аланчахон замониғача мусулмон эрдилар. Аланчахон подшоҳ бўлгандин сўнг халқнинг боши ва моли кўп бўлди. Давлатга эсардилар. Тақи Тангрини унутдилар ва барча эл кофир бўлдилар. Қорахон замонида кофирликда андағ маҳкам эрдилар ким, агар отаси мусулмон бўлганин эшитса, ўғли ўлтурур эрди ва ўғлининг мусулмон бўлганин эшитса, отаси ўлтурур эрди. Ул чокда мўғулнинг расми андақ эрди ким, то ўғлон бир ёшга етмагунча анга от қўймаслар эрди. Ўғлон бир ёшга етди эрса, Қорахон элга совун солди, тақи улуғ тўй қилди. Тўй куни ўғлонни маърака ичига келтуруб Қорахон бекларига айтди: «Бизнинг бу ўғлимиз бир ёшига етди. Эмди мунга (8 б) не от қўярсиз», теб. Беклар жавоб бермасдин бурун ўғлон айтди: «Менинг отим Ўғуз турур».

Тўйга келган улуғ ва кичик барча ўғлоннинг бу сўзига танг қолдилар. Тақи айтдилар, бу ўғлоннинг ўзи отини айтатур, мундин яхши от бўлурму теб, отини Ўғуз қўйдилар. Тақи айтдиларким, бир яшар ўғлоннинг мундақ сўзлаганини ҳеч замонда ҳеч ким эшитган ва кўрган йўқ турур теб, ани ирим этиб айтдилар ким бу узоқ умрли ва улуғ давлатли ва учи узаган ва ёни ёйилган бўлғуси турур, тедилар”. (Абулғозий “Шажараи турк” Т.-1994 йил “Чўлпон” нашриёти 18-бет).

Шу билан биргаликда М.Улуғбек ҳам Абулғозий ҳам Ўғузхонни Мўғулистондан келди дейилиши масаласини очик қолдирсак тўғри бўлмас. Илло, илм дегани ҳар томонлама объектив ёндошувни талаб қилади.

Чингизхоннинг уруғи қиёт бўлганлиги маълум. Эрамиздан олдинги юртимиз ҳудудида бўлган Қангли (баъзи манбаларда Қангюй) давлати пойтахти ҳам Қиёт шаҳри бўлганлиги ҳақида маълумот бор.

Туркий қавм сифатида қиётлар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида Чингизхондан 300-400 йил олдин ҳам яшаганлар.

Масалан, Миллий Энциклопедиямизда қиётлар ҳақида шундай дейилади:

Қиёт – Қадимий туркий қабилалардан бири; ўғузлар таркибига кирган. 8—10-асрларда Дашти Қипчоқда яшаб кўчманчи чорвачилик б-н шуғулланганлар. Ўғузлар давлати емирилгач, 11-асрда Қиётлар ҳам бўлиниб кетган. Уларнинг катта қисми Туркменистон ҳудудига силжиб маҳаллий аҳолига, бошқа қисми эса Болқон ярим оролидаги халқлар таркибига сингиб кетган. Дашти Қипчоқ чўлларида қолган қозоқ, қорақалпоқ халқларининг таркибий қисмларидан бирини ташкил этган. Қорақалпоқлар таркибидаги қиётлар 3 га бўлинган: учтамғали, тарокли, болғали. Қашқадарёнинг юқори оқими, Хоразм ва Бухоро воҳалари, шунингдек, Зарафшоннинг ўрта оқимида Қиётлар 19-аср охирларида қорақалпоқлар таркибига кирган. Қиётлар 20-асрнинг бошларида, асосан, ўтроқлашиб, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган.

Бундан ташқари, Улуғбекнинг айтишича, Ўғузхондан кейин минг йил ўтгач, мўғул қавми татарларга енгиледи ва бутун халқдан Қаён ибн Элхон ва унинг асранди ўғли Нукуз хотинлари билан тирик қолишади ва Арқанакун тоғи ортига беркинишади (М.Улуғбек “Тўрт улус тарихи” Т.-1994 йил “Чўлпон” нашриёти 57-бет). Бу далил қиётлар мағлубиятга учраб, бошқа жойга кўчганлигини тасдиқлайди.

Мўғуллар туркий қавм бўлиб, уларни туркий халқлар таркибидан чиқариб бўлмайди. Иккинчидан, мўғул сўзидан нега қочяпмиз ўзи? Католик венгерлар, православ болгарлар, протестант германлар ҳозирги кунда қариндош-у, мўғуллар қариндош бўлиши мумкин эмасми? 20-аср бошида Мюнхен профессори Ноуман мўғуллардан ҳам узоқда яшовчи японларни туркий қавм эканлигини исботлаган-у (З.Зиётов “Турон қавмлари” Т-2008 “Истиқлол” нашриёти 65-бет), мўғуллар нима бўпти!

Мўғул номи шунчалик қочадиган сўзми? Тарихда Буюк мўғуллар империяси деган атама муҳрланиб қолди, Ўзбекистон

энциклопедияси жумладан шундай дейилади Ҳиндистонда (1526—1858) ҳукмронлик қилган Амир Темур авлоди Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо Бобур асос солган (1483.14.2, Андижон - 1530.26.12, Агра) сулола. Чет элларда, мамлакатимизда, ҳатто Ҳиндистонда ҳам Бобурни ва унинг авлодларини «буюк мўғуллар» деб аташ одат бўлиб қолган. «Буюк мўғуллар» деган ибора Чингизхон ва ундан кейинги мўғул қоонлари (Ўқтой қоон, Гуяк қоон, Мунка қоон)га тааллуқли бўлиб, Бобурийлар аслида Бобур авлодларидир. Улар тарихий ҳужжатларда ўзларини «бобурий мирзолар» деб юритишган. В. В. Бартольд дунёда тарқалган «буюк мўғуллар» иборасининг хато эканлигини кўрсатиб, «Европаликлар Темурни ва унинг ўғиллари ҳамда набираларини мўғуллардан тарқалган деб ҳисоблаб, (Бобур) салтанати учун «буюк мўғуллар» деган ном тўкидилар», деб ёзади. Бу ибора эса Европадан Ҳиндистонга «кўчиб» келиб, ҳиндлар орасига инглизча китоблар воситаси билан тарқалгандир. Бобурийлар Ҳиндистонда 332 йил ҳукмронлик қилдилар.

Академик В.Бартольд “Бобур мўғуллардан эмас эди” деганида, ноҳолис эди. Чор Россияси туркий миллатларнинг ўзаро яқинлашувидан манфаатдор эмас эдилар.

Агар Мўғул сўзининг этимологиясига яхшилаб назар солсак, В.Бартольдгача бўлган бошқа олимлар ҳам нотўғри фикр юритмаганликлари маълум бўлади.

Мўғул сўзининг келиб чиқиши ҳақида Абулғози Баҳодирхон нима дейди:

“Асл лафз мўғул мунгул турур. Авомнинг тили келмасликидин бора-бора Мўғул тедилар. Мунгнинг маъносин барча турк билурлар, қайғу маъносина турур. Улнинг маъноси сода дил, яъни қайғули сода темак бўлур” (Абулғозий “Шажараи турк” Т.-1994 йил “Чўлпон” нашриёти 27-бет).

Ҳозирги тилимизга мослаштирадиган бўлсак Мўғул сўзининг маъниси, “ғамгин ва соддадил” дегани бўлади. Бу сўз барча туркий халқларга тааллуқли десам хато эмас. Миллатни бундай аташ, иллат эмас балки фазилатга яқин ҳолат. Ҳар ҳолда кеккайган, маккор, миллатчи, айирмачи каби сифатларни ўзида жам қилган иллатлар сирасига кирмайди.

Миллий энциклопедиядаги мана бу жумла европада ўғузларнинг бу ерда яшаши бўйича 11-асрда бошқача талқин ҳам бўлганини кўрсатади:

МОВАРОУННАХР – (араб. — дарёнинг нариги томони) — ўрта асрларда ислом мамлакатларида кенг тарқалган географик атама. Унинг худди шу маънони англатган форс тилидаги «Вароруд» ва «Варожайхун» шакллари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси аввал (11-асргача) Хуросон вилоятининг давоми сифатида, 11-аср бошидан эътиборан эса Туркистон, яъни Қорахонийлар давлати ва ундан кейинги туркий давлатлар таркибидаги маъмурий бирлик сифатида тушунилган. 11-асрда Европа тарихшунослигида мазкур араб атамасининг лотинча таржимаси бўлмиш янги «Трансоксиана» ёки «Трансоксания» атамалари муомалага киритилган.

Трансоксиана – окс(ўғуз)ларнинг кўчиб келган жойи, маъносини беради ва бу сўз европага кўчган окс(ўғуз)ларга тааллуқли. Чунки, ўғузлар ватани бизнинг диёримиз ҳисобланади.

Хўш, Амударёнинг эски номи Ўғуз (Окс) бўлиб, дарё Ўғузхон шарафига қўйилганини юқорида айтдик. Нега Ўғузхон номига қўйилган? Балким, Ўғузхон шу ерлик бўлганидан шундайдир?

Келинг шу назарияни ҳам текшириб кўрайлик. Александр Македонский аскарлари Амударёни ҳозирги Сурхондарё худуди билан чегарадош қисмидаги Калиф кечуvidан ўтишган ва Александрия Оксиана шаҳрини қурганлар дейилади, балким Оксианани мустаҳкамлаганлар десак тўғрироқ бўлар. Ўша шаҳар қаерда?

Интернет саҳифаларида ҳозирда Россияда истиқомат қиладиган бир рус олимнинг Афғонистон шимолидаги милоддан аввал Александр Македонский даврида мавжуд бўлган Окс Искандарияси – Ойхонтепа (у “Ойхонтепани” – “Аёлтепа” деб атаганди) шаҳри харобаларини бориб кўрганлиги ҳақидаги ахборот менинг диққатимни тортди.

Унинг “Ойхон” деганда “хон” сўзини “аёл” деб таржима қилиши менга ғайритабиий туюлди.

Чунки, қадимда хон сўзи жуда мукаддас сўз бўлган. Хонларнинг келиб чиқиши “самовий кучлар” таъсиридан деб ҳисобланган, масалан Ўғузхоннинг бир ёшида ўз исмини айтиши, Аланкуванинг самовий нурдан фарзанд кўриши шулар жумласидан. Ўлимга маҳкум этилган хон авлодларига нисбатан жазо ижро этилаётганда уларнинг қонини чиқаришга руҳсат этилмаган, улар ипак мато билан бўғиб ўлдирилганлар. Ўз хони (қоони) бор халқ ўзини бахтиёр ҳис қилган ва унга хизмат қилиш ҳамда унинг ҳимоясида бўлишни ўзига шараф деб билган. Шунинг учун “хон”

сўзи, ҳозиргидек аёл кишиларга нисбатан қўлланилмаган. Аёл киши қаёқда, ҳатто катта-катта мамлакатларни ўз қўл остида бошқарган туркий – салжуқийлар, ғазнавийлар, хоразмшоҳлар, усмонли турклар, Миср мамлуклари, деҳли султонлари, темурийлар, манғит амирлари, ўзлари жуда истасалар-да, хон авлодига тегишли бўлмагани учун ўзларини хон деб атаётмаганлар.

Ойхонтепа ҳақида ўзимизнинг энциклопедияда нима дейилган деб, уни текширсам, қуйидагича маълумот чиқди:

ОЙХОНИМ — қадимий шаҳар харобаси (милоддан аввалги 4-аср охири — 2-асрнинг 2-ярми) — Афғонистоннинг шим.-шарқида, Амударёнинг сўл қирғоғида, Кўкча дарёси қуйилиш ерида жойлашган. *Юнон-Бақтрия подшолиги* даврида обод бўлган; Александрия Оксиана (П. Бернар) ёки Евкратидия деб аталган. Ойхонимдаги археологик тадқиқотлар Афғонистондаги француз археологик миссияси (Д. Шлюмберже, сўнгра П. Бернар раҳбарлигида) томонидан (1964—78) олиб борилган. Ойхоним Бақтрия шаҳарларидан бири бўлган.

Мана гап қаерда экан? Халқ анъаналари, менталитетини эътиборга олмаслик (тўғрироғи, билмаслик) оқибатида биз Ойхонни, Ойхонимга алмаштириб қўйибмиз. Ҳа, айтмоқчи балким бу сўздаги “Ой” сўзи–аёлни англатади деб ўйлагандирлар? Йўқ ундок эмас.

Юқорида Оксиартни – “Ўғузой” деб таржима қилиш мумкин деган эҳтимол сирини энди очиш пайти келди, шекилли.

Бўлмаса, муаллиф мушоҳадасини кузатинг.

Геродот “Тарих” IV китоби 7-бобида шундай дейди: “...скифлар мамлакати (Дашти қипчоқ–А.Ш.) қадимда кимсасиз бўлиб, дастлабки инсон Тарғитой бўлган”. “Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида” YURIST-MEDIA MARKAZI Тошкент-2008 йил 8-бет).

Тарғитой исми ўрта асрларда Дашти Қипчоқ аҳолиси ўртасида Тарғутой, Тарқутой, шаклида ҳам кенг тарқалган («Шажарайи турк»).

Тарғитой балким Тангриой бўлгандир, майли нима бўлганда ҳам бу ерда бизга энг керакли сўз “ой” бўлгани учун бу сўзнинг маъносига кўпам тўхталмай турамиз.

Тарғитойда «Ой» сўзи борлигига эътибор беринг. Шундай қилиб «Ой» сўзи биз туркийларда, ҳозирги пайтда «гўзал»,

«хушсурат» маъноларини беради ва бу сўз ўғил болаларга нисбатан киз болалар исмига қўшиб айтилади.

Дашти кипчоқда бундай исм, бундан 3500 йил аввал ҳам бўлганлигини кўрдик, ҳўш ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида шунга ўхшаш исм бўлганми?

Кушон подшолиги ҳақида энциклопедияда келтирилган жумладан бир парчасини келтирсак мақсадга мувофиқ бўларди:

Кушон подшолиги – ўзбек давлатчилиги тизимидаги қадимий давлат... «Кушон» атамаси ё сулола ёки қабилага тегишли бўлиб, у илк бор милoddан аввалги 1-аср охири — милodий 1-аср бошида ҳукмронлик қилган подшоҳ «Герай» зарб қилдирган тангаларда қўлланган.

Подшонинг туркийдаги асл исми Гирой бўлганлиги мантиқан тўғри ва бу сўзнинг маънисини “гир-атрофи хушсурат” маъносини беради.

Хўш, бу яқин атрофда яна ким бор?

Қутбиддин Ойбоқ — *Деҳли султонлигининг* асосчиси ва 1-хукмдори (1206—10). Ўрта осийлик туркийлардан, ўтмишда ғулом бўлган.

Гиройга ўхшаш исм Сарой номи билан Олтин Ўрданинг пойтахти сифатида гавдаланади. Ҳозирги Босниянинг пойтахти Сараево шаҳри ҳам Усмонли турклар томонидан аввал Сарой деб аталган. Гирой сўзи, рус манбалари орқали бизга Гарай бўлиб яна келган – Ислом Герай III (1604-54) - Қрим хони (1644-54); Саломат Гарайнинг ўғли. 1644 й. турк султони уни укаси Муҳаммад Гарай ўрнига хон этиб тайинлаган.

Эътибор берган бўлсангиз, қадимда “ой” қўшимчаси кўпинча хукмдорлар-у, аслзодаларга қўйилган экан.

Кейинчалик оддий халқ вакилларига ҳам ушбу сўз ишлатилганини кўрамиз.

Энди бу сўз Ойсар шаклида 19-20 асрларда, жумладан Аскархўжа Ойсархўжа ўғли, 1878 — Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги Қорасув кишлоғи — 1964) — пичоқсоз уста. Қорасув пичоқсозлик мактабининг йирик вакилида ишлатилган.

Ҳамма учун таниш Ойбек исмидаги “ой” қўшимчаси ўғил болаларга ҳам қўйилиши, ўша қадимги анъаналарнинг давоми эканлигидан далолат беради.

Умуман олганда Ойбок, Сарой, Ойсара, Гирой, Чирой, Ойбек – бу барча сўзлар ҳам деярли бир маънони англатади ва улар барчаси туркий сўзлардир.

Шундай қилиб, Ойхон сўзидаги “Ой” ҳам, “Хон” ҳам аёл маъносини бермайди. Хўп, майли бундан 2300 йил олдин Александр Македонский пайтида ҳам бўлган Александрия – Оксиана номи билан уларнинг тарихида қолган бу шаҳарнинг туркий номини берувчи Ойхонтепанинг Ўғузхонга тааллуқлик жойи борми?

Бор экан! М.Улуғбекда ҳам Абулғозийда ҳам Ўғузхоннинг олти ўғли (Кун, Ой, Юлдуз, Кўк, Тоғ, Тенгиз) бўлганлиги, икковида ҳам Ойнинг хонлик қилгани айтилади.

Аммо, Абулғозида битта жумла кишини ўйлантиради:

“Юлдузхоннинг зикри. Бу яхши подшоҳ эрди, (176) Аммо ани жазм билмаймиз ким, Ойхоннинг нимаnasi эрди, набирасиму эрди ва ё ёнаша қаринтошиму эрди. Юлдуз отлик бир иниси бор эрди. Ул ҳам эрмас туруп. Ҳар ким бўлса Ўғузхон наслидин эрди. Бир неча йил подшоҳлик қилиб, ўғли Манглайни тахтинда ўлтуруб вафот топди” (Абулғозий “Шажараи турк” Т.-1994 йил “Чўлпон” нашриёти 27-бет).

Мирзо Улуғбекда эса Юлдузхон Ўғузхоннинг ўғли деб айтилади. Қайси бирининг маълумоти тўғрироқ? Албатта Абулғозининг иккиланишида мантиқ бор. Чунки, Ўғузхон умрининг охирида Иссиққўлни маскан тутиб яшайди унинг олтига ўғли бўлган, уларнинг ҳар бирининг тўрттадан ўғли бўлган. Яъни, 24 та хоннинг ўзи Ўғузхон давридаёқ бўлган. Абулғозининг иккиланишидан эса Ўғузхоннинг Ойхон исмли ўғли бошқа жойда яшаганлигини, унда аниқ маълумот йўқлигини билдиради. Бундан хулоса шуки, Амударё бўйида яшаган ўғузларнинг хони Ойхон бўлган ва у ҳақда Мўғулистонга кетган ўғузларда маълумот бўлмаган. Энг кераклиси эса ўғузларнинг бу ерда милoddан олдин яшаганларини грек олимлари ҳам, Абулғози ҳам (ўзи билмаган ҳолда) тасдиқлаб турибди.

Қашқадарё вилоятидаги туман Ғузор атамаси ҳам Ғуз-зар, Ғуз+лар – Ғузор маъносини бериши асосли. Чунки, юнонлар эфталит деб атаган халқ – туркийда “хайтал”, “абдал” дейилганини, бу ердаги “Абдал тешик” жарлиги топонимида, “Мардтепа” қалъаси Бактрия давридан борлиги тарихий факт. Ҳамда бу туманда ҳали сирини очмаган жуда кўп шаҳар харобалари мавжуд.

Амударё атрофидаги Ўғузхон авлодлари исмларини жамласак –Ўғузхон, ўғли Ойхон, набиралари – Сурхон, Хуросонли борлигини кўрамиз. “Кушон” сўзи, туркий “Кунхон” бўлиши мумкин. Кунхон эса Ўғузхоннинг ўғли. Сурхон, хуросонли каби уруғлар эса туркман қабилалари таркибида ҳозир ҳам борлигини эътиборга олсак Ўғузхон айнан ҳозирги Ўзбекистонлик бўлганига, дарё ҳам қадимда унинг номига бежиз қўйилмаганига гувоҳ бўламиз.

Ҳозирги олиб борилган қисқа тадқиқотларнинг ўзиёқ милoddан олдинги юнон, рим олимларининг маълумотларини М.Улуғбек, Абулғозийнинг маълумотлари билан ўзаро солиштириб Ўғузхон тарихий шахс бўлиб, унинг бундан 4000 -5000 йил олдин ҳозирги Сурхондарё ва Шимолий Афғонистон ҳудудида яшаганлигини кўришимиз мумкин.

Ўғузхоннинг Ўзбекистонлик бўлиб чиқиши, «Ой» сўзи келиб чиқиши масаласи мен 2010 йилда ўйлаганчалик оддий эмаслигини кейинчалик кўриб чиқамиз.

II БОБ

I. ИККИ АСРЛИК БАҲС

Мана, икки юз йилдан буён дунё олимлари ўртасида скифлар кимлар эканлиги ҳақидаги баҳс давом этиб келмоқда. Скифлар форсий тилда сўзлашувчи халқлар эканлиги ҳақидаги ғоя устун мавқега эга бўлиб, унинг бош ғояси: эронийлар Шарқий Европа халқларининг асосини ташкил қилган, туркий халқлар Европага эрамизнинг IV асрида Атилла бошлиқ хуннлар орқали кириб келган, шунинг учун Геродот (эрамиздан олдинги Vаср) айтган скифлар эронийлар, деган фикрдир.

«Ўзбек» атамасининг келиб чиқиши ҳақида изланишлар олиб борганимда Геродот ва ундан кейинги юнон ва рим олимларининг Марказий Осиё, Эрон, Бактрия, Кушон, Қора денгиз, Ўрол тоғи атрофидаги халқлар, жумладан скифлар, саклар, массагетлар, оксиёнлар ва бошқа қабилалар ҳақидаги маълумотлари билан танишгандим.

Шунда Геродот айтган Таргитай сўзининг этимологияси бўйича қисман тушунча бергандим. Аммо унинг ўғиллари исми мендаги бор манба – «Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида асари» («YURIST-MEDIA MARKAZI» Тошкент–2008 й.)да Липоксаис,

Арпоксаис, Колоксаис шаклида эди. Ўшанда мен учун нотаниш ва мураккаб кўринган ушбу исмлар ҳақида бирон фикр билдиришга ожиз эдим.

Аммо, татаристонлик олим, устоз Мирфотиҳ Закиевнинг «Турк ва татарларнинг келиб чиқиши ҳақида» («Происхождение тюрков и татар» Москва-2002, «Инсан» нашриёти) асарининг электрон матни билан танишгач, бу исмлар ҳақида фикр билдира олишимга кучим етадигандек кўринди.

Чунки, устознинг асарида Геродот айтган Таргитайнинг ўғиллари исмлари – Арпаксай, Липоксай ва Колаксай тарзида берилган бўлиб, унинг сирини ечиш жўнроқ кўринди. Устоз М.Закиев мана шу тўртта исм бўйича катта илмий-тадқиқот ишлари олиб бориб, жуда кўп адабиётлар билан танишган эканлар. Мен у кишининг асарларидаги баъзи матнларнинг рус тилидан ўзбек тилига эркин таржимасини келтиришни лозим топдим.

Қуйида устоз М.Закиев таянган манбалари бўйича ушбу парчалар билан танишсак, сўнгра исмлар этимологиясига тўхталсак.

Маълумки, дунё тарихида «тарих отаси» дея шуҳрат қозонган Геродот бундан 2500 йил аввал яшаб, ўзидан «Тарих» асарини авлодларга мерос сифатида қолдирган. Геродотнинг ўзи эрамиздан олдинги 490-480 йилларда Галикарнасс шаҳрида туғилган. Бу шаҳарнинг харобалари ҳозирги кунда Туркиянинг Бодрум шаҳрида жойлашган. У Галикарнасс шаҳридаги зўравонликларга қарши сиёсий курашларда муваффақиятсиз қатнашади, шу сабабдан она шаҳрини ташлаб, чиқиб кетишга мажбур бўлади. У Кичик Осиёда, Бобил (Вавилон)да, Мисрда, Болқон мамлакатларида, юнонлар мустамлакасида бўлган Қора денгиз бўйидаги ўлкаларда бўлади ва у ердаги халқларнинг, йўлбошчиларнинг ҳаётларини кузатади, халқ оғзаки ижоди, ривоятларини ёзиб боради ва ўша халқлар тилларини ўрганади. Геродот ўз асарини юнон тилида ёзган ва биринчи бўлиб тарихга «скиф» тушунчасини ёзма равишда киритган муаллиф бўлиб турибди. Унинг фикридан келиб чиқиб, скифлар: шоҳскифлар, ерга ишлов берувчи-зироатчи-скифлар, деҳқон скифлар, чорвадор скифлар каби тоифаларга бўлинади.

Геродотдан сўнг жуда кўп юнон ва рим олимлари, тарихчилари ушбу мавзуга тўхталганлар. Скифлар ўз қўл остига кўп халқларни бўйсундиргани учун, ушбу этноним кенг маънода уларга бўйсунувчи халқлар ҳам скиф дейилиши (шунинг учун скиф халқлари тилида бошқа тиллар элементларининг борлиги)да ва тор

маънода айнан скиф қабиласига (етақчи сўзларнинг айнан скиф тилида эканлиги)да нисбатан қўлланилганлигини ҳам кузатишимиз мумкин.

Геродот скифларнинг келиб чиқиши ҳақида учта ривоятни келтиради. Унинг биринчисига кўра, скифларнинг биринчи отаси Таргитай бўлган, унинг уч ўғли бўлган: Липоксай, Арпоксай, Колаксай. Мана шу учала ўғилдан тарқалган авлод шоҳ скифлар авлоди дейилади. Эллилар эса уларни скифлар дейишади (Геродот, 1972 Тарих VII китоб, 6-хатбоши). Форсларнинг скифларни саклар дейишини ҳам айнан Геродот келтиради.

Юнонларнинг бошқа манбаларига кўра, эрамиздан олдинги III асрдан эрамизнинг IV асригача бўлган даврда скифлар этноними ўз номини сармат этнонимига бўшатиб беради.

Эрамиздан олдинги VII асрда ёзилган Оссурия ёзма манбаларида киммерийлар ва ашгузлар ҳақида фикр юритилишини турк олими И.Дурмуш айтган [И.Дурмуш, 1993, 26].

Совет олимлари қадимги юнон тарихчилари асарларини тан олишмаган. Бу ҳақда фахрий академик, тарихчи Н.Морозов ва физика-математика фанлари доктори М.Постниковлар ўта жонбозлик кўрсатганлар.

М.Постников ўзи билан бирга яна икки олимдан иборат комиссия тузиб, ўзининг математик таҳлиллари орқали қадимги тарихчилар асарларини жиддий текширувдан ўтказиб, унинг хулосасини 1982 йилда «Фан ва техника» журналининг 7-сонида «Тарихдаги энг буюк сохталаштириш» («Величайшая мистификация в истории») номли мақоласини эълон қилади. Унинг хулосаси, мақола номидан ҳам маълум. Аммо, уларнинг хулосасида соғлом фикр уруғлари ҳам йўқ эмас. Масалан, комиссия хулосасининг бир қисмида эрамиздан олдинги Геродот ва бошқа юнон ҳамда рим олимлари, тарихчилари ёзган қўлёзмалар ўрта асрларда монахлар томонидан қайта кўчирилган ва баъзи сўзлар ўша давр кўчирмачиларининг қабих мақсадларига мослаштирилиб ўзгаришлар билан нусха олинганлиги айтилади.

Туркий тил, дунёдаги жуда кўп тилларга асос бўлганлигини Алишер Навоий ҳам айтиб ўтади.

Замонавий фикр юритганда туркий тил агглютинатив тиллар жумласига киради ва бу гуруҳдаги тиллар, ўзининг қадимги ўзагидан кам ўзгарадилар.

Нутқ бир мўъжиза бўлиб, унинг қандай пайдо бўлганлиги фанга маълум эмас экан. Сўзларнинг ўзиям мўъжиза. Инсонлар ҳам қачонлардир бир ота-онадан пайдо бўлганидек, тил ҳам қачонлардир битта бўлган.

Тиллар ота макондан узоқлашгани сайин ташқи таъсир орқали ўз шаклини ўзгартира боради. Шунинг учун муаллиф қайсидир сўз фалон тилники, қайсидир сўз бошқасиники, демакки бу сўз бошқа халқларга ўтиши мумкин эмас деган фикрдан йироқ.

Нафсиламрини айтганда, сўз Оллоҳнинг неъматидир. Сўзни ҳам моддий жисм деб қабул қилсангиз, нима демоқчи бўлаётганимни англайсиз деб ўйлайман. Сўзни бир олма деб тасаввур қилинг. Олма дунёнинг деярли ҳамма минтақасида бор. Бир хил уруғни турлитуман об-ҳаволи муҳитга экиб кўринг, унинг ранги, таъми бошқача бўлади-ю, кўриниши, яъни ўзаги қолаверади. Туркий сўзлар ҳам шундай. Баъзида эса битта сўз, худди дунёнинг у бурчагидаги олма, қадимги аждодини такрорлаганидек, бу бурчагида асл ҳолида қолиб кетгандек, тураверади.

Келинг яна бир замонавий ўхшатиш қилайлик. Мана уяли телефонлар халқлар ўртасида қандай тарқалиб юрган бўлса, сўзлар улардан-да осонроқ тарқалган. Лекин, «телефон» сўзининг этимологияси-илдизини суриштираман десангиз, мантиқан мушоҳада юритилса, телефон айнан кимники эканлиги чиқади, кўяди. Мана шу нуқтаи назардан фикр юритилса, Геродот айтган ўша тўрт исмнинг илдизига етиб борамиз деб ўйлайман.

Устоз М.Закиевнинг парчаларига қайтсак.

Грек манбаларини ўрганишни рус олимлари XVII асрдаёқ бошлаб юборгандилар. Биринчилардан бўлиб Геродотнинг «Тарих»ини рус тилига таржима қилган шахс, тарихчи Андрей Лизлов эди, у рус ва Ғарбий Европа тарихий манбаларидан яхши хабардор эди. Лизлов турк тили ва тарихини ҳам яхши билган. Тарихчи 1649 йилда Краковда нашр қилинган С.Старовольскийнинг «Турк қайсарининг саройи» («Двор цесаря турецкого») асарини поляк тилидан рус тилига ўгирган эди.

А.Лизлов «Скифлар тарихи» номли асарини қўлёзма шаклида 1692 йилда ёзиб тугатади. Бу асарни ёзувчи ва жамоат арбоби Н.И.Новиков 1776 йилда қисман, 1787 йилда эса тўлиқ чоп эттиради.

А.Лизлов асари бошида турклар ва татарлар скифлардан келиб чиққанлигини исботлайди. Кейинги бобларда Европа халқлари ва

русларнинг скифлар авлоди бўлмиш турк ва татарлар билан муносабатлари тарихини ёритади. Геродот тарихини ўрганган мутахассис А.А.Нейхардт А.Лизлов асарларини ўқиб, уларнинг шартли эканлигини қайд этади [Нейхардт А.А., 1982, 9]. Скифлар бўйича бошқа мутахассис С.А.Семенов-Зусер эса ушбу асарнинг «Россия тарихидаги биринчи таниқли асар»лигини қайд этади [Семенов-Зусер С.А., 1947, 11].

XVIII аср бошида скифларга қизиқиш кучаяди. Айниқса, бу масала Россия императори Пётр I ни қизиқтиради. У славянларнинг келиб чиқиш тарихини яратиш учун олмон олими Г.В.Лейбницга мурожаат қилади. У эса 1708 йилда императорга ёзган хатларининг бирида «мен сарматлар деганда славян қабилаларининг аجدодларини тушунаман, кейинчалик бу сўз славян ва славлар номи билан танилганлар», - дейди [Лейбниц Г.В., 1873, 211].

Скиф-сарматлар масаласини ўрганиш учун 1725 йилда Петербург фанлар Академиясига Германиядан Готлиб Зигфрид Байер чақирилади. Унинг хулосаси шундай: скифлар - Осиёдан келган халқлар; славянлар - автохтон халқ, шунинг учун скифлар славян эмас. Унинг фикрича скифларнинг авлоди финлар, ливлар ва эстлардир [Нейхардт А.А., 1982, 12]. Бу ерда қизиқ бир ҳолат бор. Мисол учун Готлиб Байер сўзлари аслида туркий сўзлардир. Олим ўзининг ҳам исми ва фамилияси скифча эканлигини билганмикан?

XVIII аср рус тарихчиси В.Н.Татишев скиф сўзини йиғма (жамланма) ном деб ҳисоблайди. Унинг фикрича скифлар жумласига славянлар, сарматлар, турклар, мўғуллар, Германлар, Эрон ва Хитойлар киради. Европаликлар 13-асрдан бошлаб скиф сўзи ўрнига татар сўзини ишлата бошлаганлар [Татищев В.Н., 1962, 232-233].

М.В.Ломоносов эса скифлардан финлар, сарматлардан славянлар тарқалганлигини қайд этади [Нейхардт А.А., 1982, 17-18].

Рус олимлари А.Лизлов, В.Н.Татишев ва бошқалардан ташқари ғарб олимлари ҳам аввал шу фикрда бўлганлар. XIX асрда инглиз олими В.Митфорд «Дунёда шундай жойлар борки, у ердаги аҳоли бошқалардан урф-одати ва ҳаёт тарзи билан кескин ажралиб туради. Бу халқни греклар скит, замондошлар эса татарлар дейишади» - дейди. [Митфорд В., 1838, 419]. Шунинг ҳам қайд этиш керакки, ўша пайтда европаликлар татар деганда - шарқдаги барча халқларни, асосан, мусулмон туркларни тушунганлар.

XIX аср ўргаларида рус тарихчилари ва географлари скифларнинг туркийлигини шубҳага олмаганлар. Масалан, Р.Латама 1854 йилда рус география жамияти Хабарномаси (Вестник)да шундай ёзган: «Ҳозирги пайтда скифларнинг туркийлигини исботлаш учун ... махсус далиллар талаб қилинмайди» [Латама Р., 1854, 45].

XVIII аср охирида скифлар тарихи билан Н.М.Карамзин ҳам кизиқиб қолади ва хулосада у Геродот даврида Европа ва Осиёнинг баъзи халқлари скифлар ва сарматлар деган йиғма этноним билан аталганликлари ҳақидаги тўхтамга келади [Карамзин Н.М., 1818, 5-12].

XIX асрда ўтказилган археологик қазилма ишларидан маълум бўладики, Геродот ва бошқа юнон олимлари Европа ва Осиё тарихини тўғри ёритганлар. Шунинг учун ҳам рус зиёлилари Геродот ва бошқа юнон тарихчиларининг асарларини рус тилига таржима қилиб, чоп этиш ишларини кечиктирмаганлар. Ўлка тарихини ўрганиш учун кенг имкониятлар яратганлар.

Илгари, Вильно ва Қозон университетларида дарс берган академик Э.И.Эйхвальд Геродотнинг «Тарих»и бўйича тадқиқот, изланишлар олиб боради ва ундаги маълумотлар орқали славянлар, финлар, турк ва мўғуллар тарихини тиклашга уринади. У скифлар битта халқ эмаслигини, скифлар деганда ҳозир ҳам ўша ҳудудда яшовчи халқлар тушунилганлиги ҳақида хулосага келади [Эйхвальд Э.И., 1838, т. 27].

XIX аср бошларида қатор халқлар тарихи муаммолари билан шуғулланган П.Ф.Сум: «– скифлар, сарматлар, аланлар ўрнига кейинчалик турк қабиласи бўлган хунлар келганлар, сармат сўзи, туркча сар - «сарик» сўздан келиб чиққан бўлиб, сарик одамлар маъносини беради»-дейди [Сум П.Ф., 1846, 3, 15]. Олмон тарихчиси Б.Г.Нибур скифларни мўғуллар деб ҳисоблайди ва туркларни ҳам улар таркибига киритади [Нибур Б.Г., 1847]. Асрнинг иккинчи ярмида, яъни 1870 йилда А.Д.Мордтман Лейпциг шаҳрида миҳхатлар бўйича олиб борган тадқиқотларини эълон қилади ва скифлар турк тилида сўзлашганликларини қайд этиб, бу тил ўша пайтда (Геродот даврида -А.Ш.) Ўрол-олтой тил оиласидан ажралиш жараёнини бошдан кечираётганлигини айтади [Мордтман А.Д., 1870, 66-77].

К.Цейсснинг 1837 йилда эълон қилинган тадқиқотлари скифлар тарихида янги босқич бошланганидан дарак беради. У илк бор,

скифларни эроний тилда сўзлашувчи кабилалар таркибига киритади. Унинг тахминича, диний, географик жойлашув ва скиф ҳамда форсий тиллардаги бир хилликлар шундай хулосага келишига сабаб бўлган [Доватур А.И.,..., 1982, 47].

Бошқа олмон олими К.Нойманн эса айнан диний ва тиллар уйғунлигидан келиб чиқиб, скифлар – туркийлар, сарматлар эса славянлар эканлигини қайд этади [Доватур А.И.,..., 1982, 50].

П.И.Шафарик скифлар туркларни ўз таркибига оловчи мўғуллар; сарматлар эса форслар; будин ва неврларни славянлар деб ҳисоблайди [Шафарик П.И., 1948; Доватур А.И.,..., 1982, 48].

XIX аср 60-йилларида К. Мюлленхофф скиф ва сармат сўзларини ҳинд-европа тиллари нуктаи-назаридан ўрганиб чиқиб, скифлар асосан эроний тилларда сўзлашувчилар бўлиб, улар Эрондан анча шимолда ҳам яшаганликларини, жумладан, шулардан бири осетинлар эканлиги ҳақида хулосага келади [Доватур А.И.,..., 1982, 53].

К.Мюлленхоффдан кейин скиф-эрон назарияси кўпчилик тарихчилар ва лингвистларнинг эътиборини тортадики, улар бу назарияни кучайтириш учун турли-туман қўшимча ҳужжатлар топа бошлайдилар. Ушбу назариянинг ўзига тортадиган жозибаси шундан иборат эдики, у орқали ҳинд-европа халқлари келиб чиққан ота юртларини кенгайтириш имкониятига эга бўлаётгандилар. Бу йўналиш олимларининг бошқалардан ажралиб турадиган томони, улар бошқача фикрловчиларга нисбатан ўта жипсликда ҳужум уюштирар, айри фикрловчиларни ўта қаттиқ танқид қилишар, уларни «майдакаш, саводсиз олимлар»-дейишарди ва бу билан ўзларининг назарияларидаги далилларнинг кучсизлигини билдириб қўйишарди.

Танқидларга қарамай, скиф ва сарматлар туркийлар эканлигини исботламоқчи бўлганлар ўша пайтларда ҳам топиларди. Баъзида бундай олимлар миллати турк бўлмаган олимлар ичидан ҳам чиқиб қоларди. Масалан, 1904 йилда О.Франке Хитой манбаларининг Ўрта Осиё скифларини аниқлашда тутган ўрни билан боғлиқ китобини эълон қилади [Дурмуш, 1993, 17].

Унинг қайд этишича, хитой манбаларида ўрта осийлик скифлар икки номда: саи ва сак этнонимларида учрайди. Олим «саи» дегани, хитой тилида «саки»ни билдиради, деган фикрни илгари суради. Яъни «саи ванг» дегани – «шоҳ саклар» деганидир [Дурмуш, 1993,

27-28] (Қадимги Хитой манбаларида ҳам «шоҳлар авлоди» ҳақида фикр бўлганига эътибор беринг).

Археологик қазилма ишлари натижасида Дунайдан бошлаб, Хитойнинг Ғарбий чегарасига қадар ерларда скифлар (саклар, саилар, ишгузлар) яшаганликлари аниқланган.

Устоз М.Закиевнинг фикрига кўра, скид (скиф) этноними эрамиздан олдинги III асрдан бошлаб, ўз ўрнини Геродот тилга олмаган сармат, кейинчалик савромат сўзига, савромат сўзи ўз навбатида эрамиздан олдинги I асрда алан ва ас сўзларига ўз ўрнини бўшатади.

Шуниси қизиқарлики, скифлар тарихи билан шуғулланган туркшунослар бу манбаларни лингвистик, мифологик, этнологик нуқтаи-назардан ўрганиш жараёнида скифлар ва сарматларнинг турк тилида сўзлашганликларини аниқлаганлар.

Масалан, 1880 йилда венгер туркшуноси Геза Куун «Куманикус Кодекси» асарида скифларнинг туркийзабонликларини рад этиб бўлмас далиллар билан исботлаб беради [Куун, 1881, LVII-LVIII].

Хасан Ато Абуший ҳам скифларнинг туркийзабонлигини ишонч билан исботлайди. У 1909 йилда «Туркий қавмлар тарихи» асарини ёзади [Габаша Х.Г., 1909, 54].

Таниқли татар тарихчиси Ходи Атласи «Сибир тарихи» китобида қадимги юнонлар тилга олган Скифия ҳамда эронликлар қайд этган Турон, ҳозирги Туркистонга тўғри келиши ҳақида хулосага келади (Х.Атласи., 1993,21).

Ўз вақтида, Франциянинг Сорбонна университетини битирган, Европанинг асосий тилларини яхши билган турк ва татар олими Садри Максуди Арсал ҳам скифларнинг асосий қисми туркий тилда сўзлашганлигига эътибор қаратади.[Арсал, 1930, 8].

Туркийларнинг машҳур тарихчиси Заки Валиди Тўғон ҳам ўз тадқиқотлари хулосасида юқоридагига ўхшаш фикрни илгари суради. [Валиди А.-З., 1981, 34].

Садри Максуди Арсалнинг қизи кўпгина роман, герман ва турк тиллари билимдони Адила Айда қадимги Римда яшаган этрускларнинг туркийлигини исботлаб, бу борада турк тарихчиларининг жаҳон Конгрессида маъруза қилади. [Адиля Айда, 1979, 287-292].

Совет Иттифоқидаги расмий тарихий фан скифлар-саклар – сарматларни эроний тилда сўзлашувчилар деб ҳисоблашига қарамай, баъзи туркшунослар жасорат ила скифларнинг

туркийзабонлигини айтишган. Масалан, козоқ олимларидан А.С.Аманжолов, О.Сулаймонов, К.А.Акишевлар скифлар козоқларнинг аждоди эканлигини баралла айтганлар [Аманжолов А.С., 1971; Сулейменов О., 1975; Акишев К.А., 1978].

Қозоқ олимларининг бу асарлари ичида Ўлжас Сулаймоновнинг «АЗиЯ» асари жуда катта шов-шувларга сабабчи бўлган. Муаллиф унинг ўзбек атамаси келиб чиқиши ҳақидаги фикрини кескин равишда рад этиш билан биргаликда, унинг асари Марказий Осиё туркийлари тарихини ўрганиш учун ўша «метин панжара»ларни синдиришда катта аҳамият касб этганини қайд этади.

Кавказшунос олимлар И.М.Мизиев ва К.Т.Лайпановлар 1986 йилда скиф-сармат ва аланларнинг асосий таркиби туркийзабон эканликларини лингвистик, археологик, этнологик маълумотлар таҳлили асосида исботлаб берганлар [Мизиев И.М., 1986, 35-56, 123-138; Мизиев И.М., 1990, 51-72; Лайпанов К.Т., Мизиев И.М., 1993, 45-86].

1993 йилда турк олими И. Дурмуш «Скитлар. Сакалар» («Skitler. Sakalar») номли монографиясини эълон қилади. Олим ўз асарида скифларга оид лингвистик, археологик, этнологик маълумотларни таҳлил қилади ва скифлар (саклар)нинг туркий тилда сўзлашганликларини рад этиб бўлмайдиган далиллар билан исботлаб беради [Дурмуш И., 1993].

Булғор татарлари этник илдизини ўрганиш борасида М.Закиев ҳам скиф-сарматлар масаласи билан тўқнаш келади ва бу ҳақда «Татар халқининг скиф-сармат илдизлари» номли мақола ёзади [Закиев М., 1995а, 37-58].

Кейинги пайтларда скиф-эроний назарияни рад этиб, скиф-турк концепциясини ёқловчи асарлар кўпаймоқда. Шулар жумласига Фиридун Агаси ўғлининг лингвистик таҳлилларга асосланган асарларини мисол тариқасида келтириш мумкин [Фиридун Агасиёғлу, 2000, 77-133].

Юқорида М.Закиевнинг асарларидаги парчалар таржимасидан кўрганимиздек, скифлар, саклар, сарматлар ва бошқа исмлар ҳақидаги баҳс-мунозаралар 200 йиллардан буён давом этиб келмоқда.

Ўзбекистонда скифларнинг келиб чиқишида туркий халқларнинг роли ҳақидаги тадқиқотлар мустақилликдан сўнг бошланди. Кўп олимларимиз бу борада турли-туман манбалар

таржимаси ёки мантикий хулосалар орқали тарихимизни тиклаш бўйича фидокорона меҳнат қилиб келмоқдалар.

Бу ҳақиқатни қуйидаги метафора (ўхшатиш) орқали тушунтиришга ҳаракат қиламан:

Уч литрлик сувли банкага битта катта ҳамда майда тошчаларни биргаликда ташлаб, банкани доимий силкиниб турадиган жисм - вибратор устига қўйинг. Банка тубига биринчи бўлиб катта тош тушади, унинг устига эса майда тошчалар тушади. Аммо, банка доимий вибрация қилиниши оқибатида бир оз муддатдан сўнг, кичик тошчалар пастга тушиб, катта тош юқорига чиқади. Халқимиз тарихи ана шу катта тошга ўхшайди. Майда тошчалар эса унга 150 йил давомида айтиб келинаётган иғво ва тухматлардир.

Фикримни, мантикий мулоҳаза орқали сизга тушунтиришга ҳаракат қиламан. Ушбу асарни ўша «катта тош»нинг устидан кичик бир тошчани тушириш деб қабул қиласиз. Бошқа тошчаларнинг туширилишини эса қадимий китобларимизнинг замонавий ўзбек тилига таржимаси орқали юз беришига биргаликда умид қилиб қоламиз.

Хулоса ўрнида шуни айтишим керакки, юнон олимлари ёки Абулғози Баҳодирхон, Мирзо Улуғбек боболарим илгари сурган фикрларнинг сирини очиш билан боғлиқ қилган ишларим фавқулудда катта ҳодиса эмас. Менинг қилган ишларимни, эҳтимол, катта шаҳардаги хиёбоннинг бир бурчагидаги шишаси хиралашган чироқларни артиб қўйишга қиёсласа бўлар. Чунки, мендан аввал чироқ ҳам бор эди, шиша ҳам...

II. ОСИЁЛИК ВА ЕВРОПАЛИК САКЛАР

Хўш сак, сакс ва саксонлар ким? Улар герман қабилалари. Римликлар милоддан кейин Рим империясига таҳдид солган герман қабилаларини юнон олимларидан фарқли ўлароқ – ёввойи, варварлар, вандаллар деб атаганлар.

ВАНДАЛЛАР – қадимги герман халқларининг шарқий тармоғига мансуб қабила; дастлаб Ютландия (талаффузига кўра аввал Ғутландия эмасмикан?-А.Ш.) ярим оролида, милоддан аввалги 1-асрдан эса — Одер ва Висла дарёлари, шунингдек Судет ва Карпат тоғлари оралиғидаги ҳудудларда яшашган. В. икки қавмга (силинглар ва хасдинглар) бўлинган. Мил. 2-асрда Маркоман урушида қатнашиб, ҳозирги Венгрия ҳудудига қадар силжиганлар. 4-асрда Паннонияда ўрнашиб олган В. Римга ёлланма аскарлар етказиб беришган, улар орасидан иқтидорли саркардалар ҳам (мас, Стилихон) етишиб чиққан...

Бу маълумотдаги Стилихон исмининг ўзиёқ унинг скиф, тўғрироғи туркий хон авлоди бўлганлигидан далолат.

Геродот айтганидек, саклар аввал бошда скифча гаплашганлар, кейинчалик тиллари ўзгариб кетган. Айнан, КИЕВ сўзи Геродот айтган фикрга далолатдир. КИЕВ сўзининг келиб чиқиш этимологияси ҚИЯ+ЭВ сўзлари қўшилиувидан ташкил топади. Бу «қияликдаги уй» маъносини бериб, «қия»нинг маъноларидан бири «четдаги»дир. Яъни, русча айтганда «Дом на окраине», кейинчалик бу сўз Украина сўзининг келиб чиқишига сабаб бўлган. ЭВ қўшимчасини олган яна бир катта шаҳар бор.

Ундан олдин инсонлар онгидаги бир ўхшатиш ҳақида. Телевизордан Англия ҳақида ҳужжатли фильм намойиш этилмоқда. Плимут шаҳри баён этилаётганда, маърузачи шундай деди:

- 1620 йилда Плимут шаҳрилиқ бир гуруҳ кишилар кичкинагина кемага миниб саёҳатга чиқишди. Улар Атлантика океанини кесиб ўтиб, АҚШдаги Массачусетс штатига бориб қўнишди ва у ерда Плимут шаҳрига асос солдилар.

Биз айтмоқчи бўлаётган шаҳар, ҳозирги Молдавиянинг пойтахти Кишинёвдир, унинг этимологияси туркийча «ҚИШКИ+ЭВ»дир. Бундан юртимиздаги қадимги шаҳар – Шахрисабзнинг эски номи Кеш, аслида ҚИШ+ЭВ бўлгани Молдавиядаги гагаузлар асли мана шу Кешдан кетиб, ўз она

юртларини кумсаб, шу номда яна шаҳар барпо қилгандирлар деган хулосага келиш мумкин.

Аввалбошда скифча (туркий), кейинчалик ўзаги бироз ўзгарган сўзлар жумласига қуйидаги ўзак сўзларни киритиш мумкин:

1. Ой; Ай; Ая; Ий; Яй; Ия.
2. Ўз; Оз; Ос; Аз; Ас; Из; Ис; Уз; Эс, Яз.
3. Оқ Илон; Ўғлон; Олон; Олмон; Лон; Алан, Лан; Ланд; Лат.
4. Ғот; Гот; Ғат; Гат; Вот; Ват.
5. Гур; Гер; Хор.
6. Ўғуз; Ғуз; Юз; Жуз; Гуз; Гус; Ғут; Гут; Гуд; Ғаз; Гас; Ғит; Гет;
7. Ўғуз; Ўкуз; Окс.
8. Қўн; Қўни; Қўнди; Қўнт; Қонт; Кент; Кет.
9. Сар; Сармат; Цар.
10. Берк; Берг; Берн; Берт; Борг; Ёорк; Бург.
11. Эш; Аш; Иш; Иж.
12. Пар; Пор;
13. Фар; Фир; Фор.
14. Қол; Коллекция; Коллектор сўзларидаги «Кол» ўзаги ва ҳоказо сўзларни киритса бўлиши ҳақида қуйида мушоҳада юритиб кўрамиз.

Энди туркийларга германлар ва славянларнинг қариндошлиги ҳақида. Бунинг далили сифатида бир неча ўхшаш сўзларни келтириб ўтмоқчи эдим.

I. Олмошни билдирувчи сўз:

1. Туркий халқларда **мен** ;
2. Русчада **меня**;
3. Немисчада **майн**;

II. Қадимги саркардаларнинг исмларига эътибор беринг:

1. Алп **Эр** Тўнга;
2. Руслардаги Рюрикни **РЭрик** деб ўқинг;
3. Германлардаги **Эрманик**;

III. Сифатни англатувчи сўз:

1. **Бой**-туркийда;
2. **Боярин**-русларда;
3. **Баййерен**- немисларда.

IV. Топоним сўз:

1. Наршахийга кўра қадимги Бухоронинг ҳукмдорлари яшаган манзил **Бойкент** дейилган, яъни бойлар яшайдиган манзил;

2. Славянча **Богемия** (Bohemia)— 1) Чехия давлати ташкил топган ҳудуднинг илк номи; 2) 1526—1918 й.ларда Габсбурглар империяси таркибига кирган Чехиянинг расмий номи. Богемия атамаси антик даврлардаёқ (**Boi(o)** haemum («бойлар ватани») номи билан қайд этилган; мил.ав. 8-а.да Марбод раҳбарлигидаги маркоманлар томонидан босиб олинган.

3. Германиядаги **Бавария** (лот. **Bai** (u) varii — бойлар мамлакати аҳолиси);

Геродот айтган скифлар жумласига ҳозирги пайтдаги Европадаги кўп халқлар киради. Уларнинг баъзилари ўша пайтларда саклар дейилган. Масалан, Геродотдан деярли бир аср кейин яшаган юнон тарихчиси Эфор (м.а. 405-330 й.й.) бундай дейди:

«Кўйбоқар саклар - скиф қабилаларидан биридир. Улар дон кони бўлмиш Осиёда яшаб, ҳақиқатпарвар чорвачиларга мансубдирлар. Скифлар бойлик кетидан қувмайдилар, бир-бирларига ҳалол муносабатдалар, мол-мулк, аёллар, болалар, бутун оила уларда умумийдир. Уларга ташқаридан тажовуз хавф солмайди, чунки босиб оладиган нарсалари йўқ. Араваларда кўчиб юрадилар ва сут билан озиқланадилар. Шахсий мулк орттиришга йўл қўймайдилар, мол-мулк ва бошқа нарсаларга умумлашиб эгалик қиладилар. Улардан баъзилари Осиёга кўчиб жойлашган, у ерда уларни саклар деб аташади («Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида» терма парчалар «YURIST-VEDIA MARKAZI» нашриёти, 2008 й.58-бет)».

Скифлар, саклар ҳақида Геродот тагин шундай дейди:

«...Бу хусусда яна битта афсона бор шахсан мен шунисига кўпроқ ишонаман, унинг мазмуни қуйидагича: Скиф кўчманчи қабилалари Осиёда яшашарди. Массажетлар уларни ҳарбий куч билан сиқиб чиқарганларидан сўнг, улар Араксни кечиб ўтиб, киммерийлар юртига кириб келганлар (ҳозир скифлар яшаётган ер, айтишларича, қадимдан киммерларники бўлган)» «Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида»YURIST-MEDIA MARKAZI» Тошкент-2008 йил 59-бет Геродот Тарих IV китоб, 11).

Хўш киммерийлар ким эди?

Киммерийлар – қадимги кўчманчи қабилалар иттифоқи. Эрон подшолари ёзувларининг аккадча варианты Киммерийларни

Туркистон (ҳоз. Ўзбекистон)нинг ғарбида яшаган саклар деб тушунтиради. Улар Ўкуз (Амударё)нинг шимолида яшаганлар. Оссурия манбалари Киммерийларнинг 3 доҳийси: Теушпа, Тугдамме (юн. Лигдамис) ва Сандаксатра номларини келтирган. Милоддан аввалги 700-йилда киммерийлар Ҳозирги Россиянинг жанубига бостириб киришган. Геродот ва бошқа тарихчиларнинг ёзишича, киммерийлар Қора денгизнинг шимолий соҳилларидан Фракиягача бўлган ҳудудда яшаган ва бу ерлардан скифлар томонидан қувиб чиқарилган, бироқ юнон тарихчи ва географлари, кўпинча, киммерийлар билан скифларни (улар қабиладош бўлгани учун) чалкаштириб ёзишган» (Миллий Энциклопедиядан).

Ўтган асрда ўзбек олимлари сакларни, шак деб қабул қилганлар. Менимча ундоқ эмас. Саклар билан скифларнинг ўзаро қариндошлиги тўғри, бироқ унинг аниқ жавобини Мирзо Улуғбекдан топасиз.

«...Ёфас ибн Нух алайҳиссаломга... Ҳақ Субҳон ва таоло 9 ўғил ато қилган: биринчиси Турк, иккинчиси Ҳиброз, учинчиси Сақлоб»... (Мирзо Улуғбек. «Тўрт улус тарихи». Т.-1992й. «Чўлпон» нашриёти 33-бет).

Олимларимиз Сақлобни турон қавмларидан санаб, унинг айнан ҳозирги финлар таркибида эканлигини ҳам айтадилар (З.Зиётов «Турон қавмлари» Т-2008 «Истиқлол»нашриёти 119; 161-бет).

Айнан Сақлобни танлаганимиз бежиз эмас. Чунки, Мирзо Улуғбек Сақлобнинг уятсизроқ киши бўлганини, инилари билан урушиб четга кўчиб кетганини айтади.

Мана бу сўзларга эътибор беринг:

«...Аммо, Сақлоб ибн Ёфас алайҳиссалом ҳаёсизроқ одам эди. Бир жойда қарори йўқ эрди. Инилари ва ўзи орасида воқеъ бўлган хусумат туфайли биродарларига яқин жойдан макон тутмади-да, бир мулк чеккасидан манзил қилди. Ярғу сўраш (жиноят учун жазо тайинлаш) одатини у чиқарган. Руслар одати шундай эдики, агар бир киши ўлса-ю, ундан ўғил ва қиз қолса, бутун мол-у мулкни қизга бериб, ўғилга шамширдан бўлак ҳеч нарса (мерос) берилмасди. Бу унинг авлоди орасида расм бўлиб қолди» (ўша жойда).

Ҳаёсиз деганда Европанинг баъзи давлатларидаги бир жинслилар никоҳлари, бесоқолбозларнинг намоишкорона юришлари, очикдан-очик фоҳишахоналарнинг мавжудлиги, уларнинг беҳаё фильмлари кўз ўнгимизда гавдаланади. Бу

амалларнинг барчаси демократия белгиси дегувчилари ҳам топилади. Тилимиздаги “сақла”, “сақлан” сўзлари бежизга эмас, хойнахой.

Энг қизиғи, 1917-йил октябрь тўнтаришига қадар славянлар Сақлоб авлоди эканлиги ҳақида Ўрта Осиёда деярли баҳс бўлмаган. Ҳатто, туркман шоири Махтумқулининг «Бу дунё» шеъри рус тилига таржима қилинганда ҳам, рус шоирлари уни шундайлигича қабул қилишган:

*Он ика мун ағач, жайы, Хиндастан,
Алты, мун ағач ёл арзы Румустан,
Терт мун Сақлап, Сенжап, терт мун Зейистан*

Двенадцать тысяч агаджей— место Индии,
Шесть тысяч агаджей пути в земле Рума,
Четыре тысячи — у славян, в Сенджабе,
и четыре тысячи — в стране Зенги

Совет тарихчиларидан фарқли ўлароқ рус тарихчилари XIX асрдаёқ славянлар билан туркийларнинг ҳамда германларнинг ўзаро қариндошлиги ҳақидаги хулосага келганлар.

Мирзо Улуғбек: «Нуҳ тўфонидан кейин «Ёфас алайҳиссалом (бобомиз Туркнинг оталари) Туронзамин ва Туркистонни ўзига асраб қўйганди»,—деганини («Тўрт улус тарихи» Т.-1994 йил «Чўлпон» нашриёти 34-бет) эътиборга олсак, Сақлобнинг ҳам юрти айнан Туркистон бўлади.

Топономист олим, устоз С.Қораевнинг «Асака» сўзининг келиб чиқиши ҳақидаги маълумотлари ҳам қизиқарли.

Асака (Андижон вилояти ҳудудида жойлашган) шаҳар, Асака тумани маркази.

Бухоро вилояти, Жондор туманида Асака, Қорақалпоғистон Республикасида Асакаовдон деган жойлар бор: *овдон-обдон* «сув омбори», «кўл», «ҳовуз» демақдир. Ҳақиқатан ҳам Асакаовдон ўрнида геологик ўтмишда – тўртламчи даврда кўл бўлган.

Баъзи насабномаларда ўзбек уруғлари орасида *асака* уруғи тилга олинган; қирғизларнинг саяқ қабиласи таркибида *асаке* уруғи бўлган.

Хўш, асака уруғ номи бўлса бу сўз қаердан келиб чиққан? Қадим замонда Помирда Ассакана деган ўлка бўлган. Македониялик Искандар Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга ана шу Ассакана орқали ўтган. Бу ўлка халқи *ассака(н)*лар дейилган.

Ассака жонли хинд тилида «суворийлар», «отликлар», «чавандозлар» деган маънони англатади.

Тарихчи Б.А.Литвинский Ассакана (бинобарин, асака) этноними замирида *сак* халқи номи бўлса керак деб ҳисоблайди. Шу маънода асака уруғи ўша *сак* халқи номи билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Тарихчи А.Муҳаммаджонов “Асака аслида Асикал шаклида талаффуз этилиб, *ас* – туркий уруғ, *кал* – сув ёки сой демакдир, яъни Аслар сойи деган маънони англатган” дейди.

Устоз М.Ўлдошевнинг фикрига кўра, «АША» санскрит тилида Худо маъносини англатган, зардуштий динида эса Илоҳ ҳисобланган.

Ҳақиқатдан ҳам эътиборга лойиқ фикрлар. Лекин, «Ас» сўзи туркийча «Аш» бўлиши ҳам мумкин. Помирдаги Қадимги Ассака ўлкаси Аш (ашина-бўри, ботир)-Сака, яъни «Ашина авлоди саклари» ёки «ботир сак»лар бўлиб Асака ҳам шунга синонимдир балки?

Ҳозирги Қозоғистон ҳудудидаги Туркистон шахрининг қадимий номи Ясси, аслида Сакси бўлганлиги ҳақида *Маҳмуд ибн Вали* (17-а.) «Баҳр ул-асрор» («Сирлар денгизи») асарида қуйидагича маълумот келтиради: «Ҳозирги Туркистон — бу Сакси шахри, авом халқ уни Ясси деб атайти».

Қирғизистондаги Ўш вилоятида Ясси деб аталувчи дарё бор. Европада, тўғрироғи Руминияда ҳам бундай ном остида шаҳар мавжуд. Яъни Бахлуй дарёси ёнида жойлашган ушбу шаҳарнинг номи Ясси бўлиб, у ўрта асрларда Аспазар номи билан юритилган.

Ўрта асрлардаги туркий Хазар хоқонлигининг пойтахти Саксин шахри ҳам Волгабўйида жойлашган, бироқ 11-асрда вайрон қилинган.

Шунингдек, Лотин Америкасидаги инклар (хиндулар) яшаган ҳудуд – Перуда Саксауаман қалъаси бўлган. Украинадаги Днепропетровск вилоятида Саксаган дарёси мавжуд.

Эрамиздан олдинги даврда яшаган Хоразмшоҳлар орасида Саксафар (тахм. милoddан аввалги 519—517 й.) номини учратамиз.

Ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқларда ҳозирги пайтда *соқов* (сақав), *қорақурсақ* каби қабилалар номи борлиги сир эмас.

Энди Европадаги сак қабилалари ҳақидаги Миллий Энциклопедиямизда келтирилган маълумотларга эътибор қаратсак:

Сакслар — герман қабилалари гуруҳи. Рейн ва Эльба дарёларининг қуйи оқими бўйларида яшаган. 5—6-асрларда Саксларнинг бир қисми Британияни инглиз-сакслар томонидан босиб олинишида қатнашган. Қитъадаги Сакслар 772—804 й.ларда франклар томонидан тобе этирилган.

Саксония:

1) сакслар яшаган тарихий вилоят, улар бу ерда герцогликка асос солганлар (9-аср охири — 1180; Германиянинг Қуйи Саксония худудига тўғри келади).

2) Германиянинг ўрта қисмидаги ўрта асрлар князлиги (15-асрдан курфюрстлик), 1806-1918 йилларда қироллик (пойтахти — Дрезден); 1815й. қироллик худудининг, тахминан, 1/2 қисми Пруссия тасарруфига ўтган ва унга қарашли Саксония провинциясининг асосий қисмини ташкил этган.

Саксония - Германия (федератив бирлик). Мамлакатнинг жанубий-шарқий қисми Чехия билан чегарадош. Саксония худудидан Эльба дарёси оқиб ўтади. Саксония ГФР худуди сифатида янги ташкил қилинган бўлса-да, узоқ тарихга эга. Яъни қадимда тарихий вилоят бўлган. X асрда ташкил топган Мейсен маркази Саксониянинг негизи ҳисобланган. 1806 йилдан қироллик сифатида тилга олинади.

Саксония-Анхальт—

Германия ери (федератив бирлик)... Саксония-Анхальт таркибидаги баъзи худудлар Германиянинг қадимий маданият марказларидан ҳисобланади. Саксония-Анхальтнинг шимолидаги Альт-марк Бранденбург қўл остида бўлган. Жануби ва шарқида Саксония ҳукмронлик қилган. Анхальт ери 1212 й.да юзага келган.

Ойнаи жаҳон орқали Германияда ўрта асрларда ҳукм сурган Саксония қироллиги ҳақидаги кўрсатувда бошловчи Саксон қироли Август польшалик гўзал қизга уйлангач, аввалги хотинига четдан алоҳида сарой қуриб беради, шундан сўнг бу сарой «ТАШИБЕРГ» деб атала бошланади, деган фикрни билдиради. Ахир бу Туркменистондагидек ТАШОҒУЗ ёки Хоразмдагидек ДИШАНҚАЛЪА дейиш билан баробар эмасми?

Интернет хабарларида қозоқ олимлари – Жақилик Сабитов ва Нурбол Баймухановлар Евроосиё халқлари ДНКсини ўрганишга қарор қилганлари ҳақида хабар эълон қилишди. Ж.Сабитовнинг маълум қилишича, “яқинда бўлиб ўтган Европа халқлари ДНК синовлари натижаларига кўра 80 фоиз европаликлар ДНКсида

Марказий Осиё халқлари билан ўзаро боғлиқлиги (қариндошлиги) аниқланган.

Хулоса шуки, қадимги юнон, рим, форс олимлари айтган саклар рус олими Татишев ва бошқалар айтганидек, туркий халқлардан ташқари славянлар, инглизлар, герман халқлари таркибида ҳам борлигини ҳозирги замон фаниям тасдиқламоқда.

III. ЮНОН ВА ТУРКИЙ РИВОЯТЛАРДАГИ ЎХШАШЛИКЛАР

Яна устоз М.Закиев бошлаган мавзуга қайтсак. Геродотнинг скифлар келиб чиқиши ҳақидаги биринчи афсонасига энди кенгрок тўхталсак:

Скифлар Осиёнинг ҳукмдори эдилар. Доро уларга хужум қилиши (эрамиздан олдинги 512 йил)дан минг йил аввал бу ўлкадаги биринчи киши Таргитай (Дашти Қипчоқ – А.Ш.) эди. Таргитайнинг отаси Зевс, онаси Борисден (Борисфен) дарёсининг кизи эди. Таргитайнинг уч ўғли бор эди. Биринчисининг исми Липоксай, иккинчиси Арпоксай, учинчиси Колаксай. Таргитай подшолиги замонида осмондан тилладан ясалган омон, отнинг бўйинтуруғи, ойболта ва коса тушган. Бу нарсаларни биринчи бўлиб тўнғич ака кўрган. Олмоқ ниятида яқинлашганда тилла буюмлар ўт бўлиб ёнган. Тўнғич тисарилган-у, ўртанча ўғил яқинлашган. Бироқ, буюмлар яна ўт бўлиб ёнган. Хуллас, олтин буюмларнинг алангаси туфайли икки катта акага бойлик насиб этмаган. Кенжа ўғил яқинлашганда ўт ўчган ва у буюмларни уйига олиб кетган. Шундан сўнг акалари подшоҳликни кенжага беришга рози бўлишган (Геродот Тарих IV. 5).

Айтишларича, ака-укаларнинг каттаси - Липоксайдан скифларнинг авхат қабиласи, ўртанчаси Арпаксайдан катиар ва траспий; кенжаси Колоксай — шоҳдан эса паралат деб аталувчи қабилалар тарқаган. Бу қабилалар биргаликда сколотлар, яъни шоҳлар қабиласи деб аталади. Эллинлар уларни скиф деб юритишади (Геродот Тарих IV. 6).

Геродотнинг иккинчи афсонасига кўра, бутун дунёга Скиф номи билан танилган паҳлавон боланинг исми, юнон афсоналаридаги афсонавий баҳодир Гераклнинг учинчи ўғли бўлган.

Хўш, Гераклнинг ўзи ким? Бу ҳақда бизнинг Миллий энциклопедиямизда шундай маълумот берилади:

Геракл (лот. шарқ адабиётларида Ҳиракл) — юнон афсоналаридаги қаҳрамон, Зевс билан оддий аёл Алкменанинг ўғли. Афсоналарга кўра, у бекиёс кучга эга бўлиб, 12 улкан жасорат кўрсатган. Геракл немей шерини ва кўп бошли лерней аждаҳосини ўлдирган, эриманф тўнғизини тирик тутган, стимфол жоду кушларини қириб ташлаган, амазонкалар маликаси Ипполитанинг камарини олган, подшоҳ Диомедни йиқитиб енгган ва бошқа мардликлар кўрсатган. Шунингдек, Антейни енгган, Прометейни озод этган. Хотини Деянира уни билмай заҳарлаган бўлса-да, Зевс унга умр ато этган. Юнонистоннинг кўпгина жойларида, кейинчалик Италияда Гераклга эътиқод қилинган. Геракл ҳақидаги афсоналарда инсоннинг табиат олдидаги даҳшатли кучларга қарши кураши акс этган. Геракл Геркулес номи билан ҳам машҳур.

Геродотнинг иккинчи афсонасига кўра, Скиф унинг кенжа ўғли ва барча шоҳлар мана шу Скифдан тарқалганлар (қаранг ушбу асар 13-бет).

Турк олими И.Дурмуш Европа халқларида ГҲЗ атамаси эрамиздан олдинги 700 йилларда Уссурия ёзма манбаларида Ашгуз шаклида мавжуд эканлигини қайд этади [Дурмуш, 1993, 26]. Устоз М.Закиев Скиф сўзи айна шу сўздан келиб чиққанлиги ҳақида фикр юритади: скиде –искид–искуз–Ишгуз [Закиев М.З., 1995, 23, 40—41]. Яъни М.Закиевнинг фикрига кўра: Ашгуз – Ишгуз – Искуз – Искид – Скид – Скит- Скиф (ручасига). Чунки, руслар Тракияни – Фракия, Тиссагетни – Фиссагет, Мартани- Марфа, Теодорни – Феодор ва ҳоказо дейишади. Геродот Тракия (Фракия)да энг яхши қабила сифатида гетларни тилга олади (Геродот «Тарих» IV, 93).

Геродот айтган афсонанинг тарихчи олимларимиз, хусусан, Мирзо Улуғбек ва Абулғози Баҳодирхоннинг Аланқува момомиз ҳақидаги афсонаси билан ўхшашлик томони бор. Жуда гўзал бўлган бу момомиз Ўғузхон авлодидан бўлган Юлдузхоннинг хотини ҳисобланган. Эри ўлгач, малика бўлиб давлатни бошқаради. Қанча киши совчи қўйса ҳам, уларга рад жавобини беради. Аммо, бир қанча вақт ўтгач, Аланқува ҳомиладор бўлиб қолади. Эл-улус ҳайрон. Шунда Аланқува ярим тунда осмондан бир нур пайдо бўлиб, унинг ўтовига кирганини ҳамда одам шаклига айланиб, у билан қўшилаётганини, кейин чиқиб кетаётганлигини айтиб беради. «Ишонмасаларинг, ўзларинг кузатинглар» - дейди Аланқува.

Кузатишади. Ҳақиқатда, Аланкува ётган ўтов тепасидан бир нур кираётганлигини, эрталаб эса чиқиб кетаётганлигини халқ кўради. Шундан сўнг Аланкува уч фарзанд кўради.

Бу ҳақда Абулғозий шундай дейди:

–Аланкува учам эр ўғил топди. Аввалгининг оти Букун Катаған. Барча катаған эли анинг насли турурлар. Иккинчисининг оти Бускун Чалчи. Чалчут эли анинг насли турур. Учланчисининг оти Буданжир Мунқақ. Ани хон кўтардилар. Чингизхон ва Мўғулнинг кўп уруқлари анинг насли турур. Бу уч ўғлондан бўлган элларга барчасина Нирун дерлар. Анинг маъноси ару тухум темак бўлур. Нечук ким мўғулнинг зўмина нурдан бўлди дей турурлар (Абулғозий. «Шажараи турк» Т.-1992й, «Чўлпон»45-бет).

Ривоятлардаги ўхшашликка эътибор қаратинг, Нурдан учта ўғил туғилади ва учинчисига салтанат берилади. Юнонлар афсонасидаги Геракл ярим илон ярим аёл билан кўшилади.

Энди, Аланкува сўзининг этимологиясига эътиборни қаратсак: бу исм «Алан» ва «Қува» сўзларидан ташкил топади. Алан «Оқ илон» қабиласи деганидир. Кавказдаги аланлар айнан шулар. «Қува» сўзининг ўзаги эса «қув» яъни, «шўх» маъносида келади. Бу айнан туркийликка хос.

«Қува» сўзи нурни ҳам англатади. Масалан «қувна» ёки «қалби қувончга тўлди» деган ибора «қалби нурга тўлди» иборасига синонимдир. Абулғозий уч ўғилдан бўлган болаларнинг барчасини нурли дейилишига ишора бермоқда ва унинг бу фикри асосли эканлигини кўради.

«Қува» топоними Фарғонада бор. Бу сўзнинг кейинчалик бироз ўзгарган шакли «Куба» яъни «Оқ» маъносида ҳам келади. Қашқадарё вилояти Қамаш туманида Катта Куба қишлоғи бор. «Қува» сўзи ҳам татарларда «Куба» сифатида «Оқ» деганидир. Бундай исм ва фамилиялар ҳам бор масалан, ўзбекларда актриса Д.Кубаева, славянларда Кубатин. Ҳозирги Россияда Кубан номли дарё ҳам бор ва ҳоказо. Хоразмдаги Хива ҳам айнан Кува бўлса бордир.

Энди Геракл сўзини туркий этимология билан ўқисак. Қадимда «гур» сўзи «нур» маъносини ифодалашини устоз М.Йўлдошев ўз асарларида келтириб, ҳозирги Урганч асотида «Гурганж» яъни, «Нурли тупроқ» деб асослайдилар.

М.Йўлдошевнинг «Гур» сўзи «Нур»ни англатиши асосли. Чунки, Хоразмда Гурлан деган топоним ҳам кенг ишлатилади.

Оловнинг аланга олишини, кўпинча, «гуриллаб ёнди» деб ҳам атаймиз. Шунинг учун Гераклдаги «Гер»ни «Нур» деб, «АКЛ»ни, ҳозирги «АҚЛ» деб фикр билдирганимизда, баъзилар «ақл» арабча сўз дея эътироз билдиришди. Ваҳоланки, фанда семит ва хамит тиллари оиласидаги тиллардан иврит ва араб тили туркий тилга яқин ҳисобланаркан.

Бу масалада тадқиқотчи олимимиз Фаррух Атаевнинг «Шарқ Юлдузи» журналида эълон қилинган «Дунё ва туркий тил» номли мақоласидаги фикрларига эътибор беринг-а:

« – Аҳамият беринг, арабча “ақл”, “оқил”, “нақл”, “мақол” сўзлари ўзаро ўзакдош бўлиб, улар “уқил” ё “ўқил” маъносида, туркий “уқ” ва “ўқи” сўзлари билан ҳамоханг, балки ўзакдошдир. Зеро, туркий тилдаги -ил, -л қўшимчалари феълнинг мажхул нисбатини яшаш учун қўлланади. Бундан ташқари, туркий халқлардаги “оқин” сўзи “бахши, дoston айтувчи” маъносида ишлатилиб, аввал-бошда “ўқин”, яъни “дoston ўқувчи” (худди “бўғин”, “сотқин”, “тўсин” сўзлари каби) бўлса, эҳтимол».

Туркий тилларда «ч» товуши баъзида «ш» деб, масалан, Чирок – Широқ, «с» товуши «ч» шаклида қўлланилади. Шунингдек, Сувбаши-Суваши-Чуваши, «ш» товуши «ч» шаклида, яъни Шипошкар-Чебоксар ва ҳоказоларда кузатилади.

Ҳозир ҳам Нуrolим, Нурислом, Нуритдин, Нурбой, Оқбой каби ва нурни англатувчи бошқа исmlар тилимизда мавжуд. Бундан келиб чиқадики, Аланқуванинг одам шаклидаги Нур билан кўшилгани тўғри. Унда Геракл ва унинг болалари ҳақидаги афсона туркийларникими, юнонларникими?-деган савол туғилиши табиий.

«Оқ» сўзи ҳам нурни англатганини юқорида айтдик. Қадимги юнон олимлари қайд қилган, форслар қўшинини чўлда адаштирган афсонавий бобомизнинг исми ҳам Широқ эмас, ЧИРОҚ бўлиб чиқмоқда. Бунда «Чир» – ҳар томонлама (масалан чиройли сўзига эътибор беринг) ва «Оқ»- «Нур» сўзидан олинган бўлиб, ҳозирги ЧИРОҚЧИ тумани у кишининг исмига атаб қўйилган. «Оқ сарой» дегани ҳам «Нурли сарой», Оқтош эса нурли тош деганидир.

Шунингдек, тилимиздаги «ЖОН» сўзи ҳам нурни англади. Кишининг танасидаги руҳни биз ЖОН деймиз. Дунёдаги энг қадимги рақслардан бири – «Лазги» рақси ғояси ҳам танага жон киришини ифодалайди. Қуръонни ҳам НУР деймиз. Лойдан ясалган инсонга Аллоҳ ўз даргоҳидан руҳ пуфлагач, инсон пайдо бўлди. Мана шу арабча «РУХ», бизнинг ҳозирги тилимизда «ЖОН»дир.

Юртимизда шаҳар сифатида мавжуд топоним: Андижон сўзи АНДИ – «СОДИҚ ДЎСТ» ва «ЖОН» – «НУР» сўзларидан ташкил топган. Жондўст, ЖониБек, Дўстжон каби исмлар ҳам буни тасдиқлайди.

Андижон сўзи айрим олимларимиз айтганидек, Хиндукон, АНДИ-ХИНДУ, КОН –ЖОН сўзларидан ташкил топмайди. Бу сўзнинг ўзимизда ҳам, дунёнинг нариги бурчагида бошқача шаклда ўхшаши (бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз) бор.

Шундан келиб чиқиб, дунёнинг жуда кўп жойларида нур билан боғлиқ жой номлари, халқ номлари, кишилар исми борлигини кузатишимиз мумкин.

Геродот келтирган афсонада Гераклнинг учинчи ўғлидан «паралат» қабиласи пайдо бўлгани ҳам асосли эканлиги кўринади. Бу сўздаги асосий ўзак «пар» бўлиб, бу сўз бизда ҳозир ҳам айнан шу шаклда ҳам, бироз ўзгарган шаклда ҳам мавжуд ва у ҳам нурни англатади. Бу сўзлар – «Пар», «Фар», «Пор» сўзларидир. Осмондан тушадиган малоикаларни биз «Фаришта» ҳам «Пари» ҳам деймиз ёки куёш «пор»лади деймиз. Бахтли ҳаётни - фаровонлик деймиз. Форс тилида ҳам Партов исми – нурли, нур сочувчи, гўзал, кўркам маъноларини ифодаларкан, Хоразм шоҳи Фарасман тахминан милоддан аввалги 329—320 йилларда, яъни Искандар Зулқарнайн даврида шоҳлик қилгани ҳақида маълумот бор. Фарасманни –Фар-Аш-Ман деб ўқисак, Нурботирман исми келиб чиқади. «Аш»ни – «Эш» деб ҳам ўқиш мумкин. Унинг мазмуни Нурдўстман бўлади. Бу ерда «ман» - кишини англатади. «Фарзанд» сўзида ҳам «фар» сўзи борлигига эътибор беряпсизми?

Парчаой исмидаги «парча» сўзини форсча «мато» деб ҳисоблаш ноўрин бўлиб, парча туркий тилда нурнинг бир бўлаги, яъни учкун маъносини англатади. Қадимги Хитой императорига хат ёзган туркий ҳоқонлардан бирининг исми ҳам Ишпара (Фарбий турк ҳоқони Ишпара Тириш Тўнгга Қоғон (634-639 й.й.)) бўлганини ҳисобга олсак, Алпомишнинг севгилиси ипакни англатувчи Барчиной эмас, нурнинг бир бўлагини англатувчи Парчинойдир.

Паризод (Пари-зот) деган исм ҳам бор, бу сўз аввал ўғил болаларга ҳам қўйилган бўлиши керак, худди Ойхон каби. Паризоднинг яна бир шакли Ойпари бўлади. Арабчадаги Фараж номли ўғил болалар исми «қувноқ», «шодон» бола маъносини беради. Боланинг қувноқ ва шўх бўлиши туркийлик далолати бўлиши мумкин. Чунки, Турк сўзининг бир маъноси шўх

деганидир. Фарангиз сўзи ҳам форсчада - нур сочувчи маъносини беради.

Ўзимизда истеъмолда бўлган этноним ва топонимларга эътибор беринг – Фароғат, Фармон, Фарҳод (ҳали бу сўзга яна тўхталамиз), Парда, Эшпарда, Пари, Ойпари;

Хитойдаги тоғ – Ҳимолай сўзига туркий этимология билан ёндошсак, қизиқарли фаразга дуч келамиз. «Ҳимолай» сўзи «Ҳилолой» бўлиши мумкин. Ҳилолай эса туркий халқларнинг қадимги достони бош қаҳрамони – Гўруғлининг онаси исмидир (Ш.Турдимов. «Гўрўғли» дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. Тошкент-2011. «Фан» нашриёти 20-бет). Бу исмдаги «Ҳил» - феълни англатади. Масалан, олов «хил-хил» ёнди дегани, оловнинг бир маромда нур таратиб ёнишини англатади. Бу ерда ҲИЛОЛдаги ОЛ – Оқ илон эса нурни ҳамда қабилани англатади. «Оқ илон» деб боболаримиз моқалдиروқ пайтида ерга илон каби шаклда тушадиган, аммо нурли – яшинни атаган бўлишлари керак. Кейинчалик бу сўз қисқариб, «Ал» ёки «Ол» га айланса-да «нур»ни англатган. Масалан, тилимиздаги қизил, қизғиш (нур) рангни англатувчи Алвон, рус тилида ҳам қизғиш рангни билдирувчи «Алый», Мўғилистон пойтахти Улан-Батор (“Қизил Ботир”)даги Улан -Қизил деб таржима қилинишини инобатга олсак, Алан сўзлари ҳам нурга синоним эканлигини кўрамиз. Миллий қаҳраонимиз Алпомишдаги «АЛ» ҳам нур бўлса, АЛ-ПОЛВОН-МИШ, кейинчалик АЛ-ПОН-МИШ (Алпон-жасур, довьюрак қаранг: Э.А.Бегматов «Ўзбек исмлари» Т.2010. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти), сўнгра Алпомиш кўринишини олган шекилли. Ёнаётган дарахтдаги ўтти – ОЛОВ, ОЛОВнинг кучайганини – АЛАНГА дейишимиз бежиз эмас.

«Ал»га ўхшаш «Ял», «Ялт», «Ялтиллади», «Ялтироқ» сўзларини ясаганида ҳам нурни англатиб турганлиги кўринади. Ялтироқ металл Олтинчи? Бу ҳам аввал АЛТАН, ОЛТАН бўлган-ку. Тан сўзи бу бойлик маъбудди – ТАНА, хўкизни англатган. «Ал» ёки «Ол» ялтироқ, қизил, нурдан ташқари, бойлик маъносини берганлиги ҳақида фикр юритиш мумкин. «Олма», «олча» сўзларидаги «ол» ҳам меваларнинг ранги, қизиллиги билан боғлиқ, шекилли.

Ўзбек онасининг боласига айтаётган алласидан мақсад нима? Тўғри болани тинчлантириш, ухлатиш. Аммо, бу тадбир чуқур фалсафий илдизларга эга кўринади. Яъни, она ухлатган боласини

тинчлантириш учун уни турли қора кучлардан ҳимоя қилишни илтижо қилиш ҳамдир. Шунинг учун бола (Нур)ни нурга ўраш, нурга бойлаш керак. Бунинг учун нурлар, фаришталар, чилтонларни чақириб боласи – НУР УСТИГА НУР ЁҒИЛИШНИ ИСТАШ, ТИЛАШДИР, ДЕМАК.

«Ол» билан бошланувчи топонимларга келсак бундай жой номлари кўп. Масалан, ОЛОЙ, ОЛМА(Н)ЛИК, ОЛМА(Н)ОТА. Европадаги ГЕРМАНИЯга синоним ОЛМОНИЯ эканлиги бежизга эмаслиги кўринади.

Гўрўғли достонидаги яна бир персонаж Албасти – АЛ-БОС (Бош)ли, «Қизил-НУР бош»ли аёл эканлиги ҳақида Ш.Турдимов ўз асарида айтиб ўтади (Ш.Турдимов. «Гўрўғли» дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. Тошкент-2011. «Фан» нашриёти 89-бет). Бундан чиқди Эрондаги туркий аскарлардан ташкил топган гвардия – Қизилбошлар дейилишига сабаб, унинг бош кийимидан ташқари, туркийлигига ҳам ишора.

«Гўрўғли» дostonининг Лақай версиясида эса ғаройиб фактга дуч келамиз:

–Ҳазрати хожа Хизр ғойибдан ҳозир бўлганда, назари Бувиҳилолга тушди. Унинг назаридан Бувиҳилол умидвор бўлиб, ҳомила топади (!!!) (Ш.Турдимов. «Гўрўғли» дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. Тошкент-2011. «Фан» нашриёти 69-бет).

Агар ҲИЛОЛОЙдаги ҲИЛни ТУРҒУН НУР, ОЛни ОҚ ИЛОН деб таржима қилсак, АЛАН-ҚУВА –ОҚ ИЛОН – НУР маъноларига дуч келамиз. Бу сўзга учинчи синоним сўз, Ҳозирги Хоразмдаги ГУР-ЛАНдир!

«Гўрўғли» дostonининг козoқча вариантыда Гўрўғлининг онаси «АҚАНОЙ» (Ш.Турдимов. «Гўрўғли» дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. Тошкент-2011. «Фан» нашриёти 73-бет) шаклида берилган экан. Бу сўз аслида ОҚ (Нур) –ОНАЙ сўзларидан ташкил топиб, унинг иккинчи қисмидаги ОНАЙ сўзи, хойнаҳой бизнинг ҳозирги тилимиздаги ОНА сўзи бўлса керак.

Фарғона, Фароб, Фориш, Паркент, Парғуза (Қашқадарёдаги кишлоқ НУР ЎҒУЗ), Исфара (аслида ИшФара яъни, Форишнинг тескараси НУРЛИ ДЎСТ-ҲАМКОР ўша Андижон сўзининг синонимидир), юнонлар айтган Парфияликлар ҳозирги туркманлар бўлиб, улар ҳам Европадаги германлар (туркий ўзакда ГУР -НУР) каби туркийда «нурли кишилар» дегани бўлиб чиқади. «Дунёда ҳеч

нарса изсиз кетмайди», деганларидек, Парфия деган бутун бошли мамлакатдан ҳозирги пайтда Парпи, Парфи каби исмлар қолган бўлса нежаб...

Энди, Андижон, Фарғона, Паркент, Кува, Хива, Куба, Гурлан, Нуробод, Чироқчи, Ёркент- «Ёруғкент» сўзларининг барчаси деярли синоним эканлиги ҳақида сўз юритса бўлади. Фарнук, Фарноқ каби исмлар ҳам борлигини қадимги юнон ва рим тарихчилари қайд этишади. Шу ўринда Фарғона сўзи – ФарХон сўзидан олинган бўлиши мумкин деган фикрга келамиз. Фархон, ҳозирги НУРХОН бўлиши мантиқан асосли кўринади.

Фарғона топонимига оид иккинчи фараз ҳам бор. Бу ФАРХОД сўзининг аввалги шакли ҳам бўлиши мумкин. Масалан, бу сўз татарларда «ФАРГОТ» шаклида ҳозир ҳам бор. «ГОТ» эса биздаги «ГОТ»дир ва ундан биз ФАРФОНА сўзи ФАР –НУР ҳамда ГОТ – ЎФИЗЛАР сўзлари қўшиливидан пайдо бўлганлиги ҳақида фараз қилишимиз мумкин. Тилимиздаги Фарағот деган аёллар исми ҳам Фарход билан синонимдир.

Фарғона сўзининг этимологияси бўйича яна бир фикр бор. Фарғонадаги Фар – Нур дейилиши мумкинлигини юқорида айтдик. Фархоннинг ҳозирги шакли Нурхон ҳам дедик. Юртимизда нур билан боғлиқ, биз кутмаган бошқа сўзлар ҳам бор экан.

IV.ЎЗБЕКИСТОН НУРЛАР МАКОНИ

Раҳматлик устоз, архитектура фанлари доктори, академик П.Зоҳидовнинг интернет саҳифаларида жойлаштирилган «Ўзбекистон - алплар диёри» номли мақоласидан бир неча парчалар ҳақида мушоҳада юритиб кўрсак.

«Чингизхон авлодлари шажарасига бағишлаб ёзилган «Тўрт улус тарихи» асарида Мирзо Улуғбек Мўғулистон пойтахти Қоракурум шаҳрида қурилган бир шоҳона саройни туркийлар Қарши деб аташини алоҳида кўрсатиб берган. Мазкур кичик хабар заминидан катта муаммо пайдо бўлганини дафъатан сезмаслик мумкин. Қарши-туркийча саройни билдирса, мўғуллар уни қандай ном билан атаган?

Қашқадарёдаги Қарши шаҳри номи Хон Кабак (1318-1326) даврида Нахшаб-Насаф яқинида қурилган саройга нисбатан

айтилгани маълум (Бартольд, III, с.450). Қарши атамаси, ҳеч шубҳасиз, подшоҳ саройи маъносини билдиради.

«Ўқтой Қоон ўз Ўрдусига қайтиб, Қорақурумда бир қаср бунёд қилди, турклар уни Қарши деб атадилар» (Мирзо Улуғбек, 208-бет).

Демак, Ўрду таркибидаги подшоҳнинг «Хос шариф» саройи Қарши деб номланган. Еттисувдаги мўғул хонлари саройи ҳам Қарши деб аталгани маълум. Мазкур сарой даргоҳида тарбия топган тарихчи олим Жамол Қарший нисбати билан танилган.

В.В.Бартольд «Қарши» сўзи «Қаср», «Сарой» (замок, дворец) маъносини билдиришини таъкидлайди; аслида бу атама уйғур тилига мансуб бўлиб, чамаси Шарқий Туркистондаги маҳаллий тиллар орқали мўғул тилига ўтган деб тахмин қилади (Бартольд III, 207,450-бет). Бошқа тадқиқотларда эса «Қарши» сўзи мўғул тилига мансуб, деб такрорлайди (Бартольд, III, 257-бет). «Қарши» сўзи этимологиясига доир қатор мақолалар эълон қилинган. Ҳаммасида ҳам ўша сўзнинг маъноси «Қаср», «сарой» эканлиги яқдиллик билан қайд қилинган, фақат бир манбада «Қарши» сўзи «Қабристон» («Кладбище») деган ғайри табиий талқинни учратиб, хайратга келиш мумкин. Бундай изоҳ ўзбек адабиётининг хассоси Захириддин Бобур томонидан айтилгани муаммони чуқурроқ таҳлил этишни жоиз кўради.

Маълумки, Бобур зукко тарихчи олим сифатида қисқа бўлса-да, лекин жуда тўғри ва муҳим маълумотлар қолдирган. Хусусан меъморий меросга тегишли бир неча сўз билан архитектура тарихида унут бўлган зарварақларни тиклаб бергани аниқ. Ана шундай сўзлардан бири Қарши номи изоҳи ўрнида ишлатилган экан.

Бобур Қашқадарёдаги Қарши шаҳри таърифида ғоят қизик жумла ишлатган: «Қарши мўғулча оттур, гўрхонани мўғул тили билан қарши дерлар» (Бобур, 47-бет). Ҳозирги замон ўзбек тили нуктаи назаридан қараганда қарши – гўрхона, қабристон деган ғайритабиий хулоса чиқади. Ахир подшоҳ саройи, хон қароргоҳини ҳам қабристонга муқояса этиб бўладими? «Бобурнома»нинг русча таржимасида худди ана шундай ҳолатни сезиш мумкин: «Қарши»-мангольское название; кладбище на монгольском языке будет «карши» (Бобур, стр.64).

«Қарши» атамаси барча тарихий манбаларда, олимлар талқинида «сарой», «қаср», «ўрдугоҳ» мазмунига эгаллигини

эътиборга олсак, сўз устаси Бобур айтган «гўрхона» заминида қандайдир бошқа чуқур маъно ётганлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Бобур даврида «гўрхона», «қўрхона» атамаси теурийлар учун одатдаги сарой билан боғлиқ қўхна сўзлардан бири десак бўлади. Лекин асрлар давомида унут бўлган, ёки шаклан ўзгариб кетган атама мазмунини аниқлаш кўпинча ғоят қийин муаммога айланади. Муаммонинг исботи учун тарих қатларидан қатра нурни кидиришга тўғри келади.

Марказий Осиё тарихда доим турли қавм, халқлар оқимларининг чоррахаси бўлиб келган. Қорахонийлар, салжуқийлар, қора хитойлар ва хоразмшоҳлар даври ҳам ана шундай тўқнашувлардан дарак беради. XI асрдан бошлаб, Шимолий Хитой томондан қувғинга учраган «Қора хитойлар» Кошғар орқали Мовароуннаҳр – Туркистонга уруш билан кириб келди. Кучли давлат тузди. Дастлабки пайтларда мусулмонликка ашаддий қарши бўлган қора хитойлар XI асрга келиб, Самарқанд, Бухоро ва, ҳатто, Хоразмни ўзига тобе этгач, мусулмонлашиб борган. Ҳатто, бир Гўрхоннинг исми Муҳаммад бўлган. Самарқанд хони Маҳмудхон 1137 йилда Хўжанд олдида қора хитойлардан мағлуб бўлди. Махшур Султон Санжар (1118–1157) Самарқанд яқинида (9 сентябрь 1141) қора хитойлар билан тўқнашиб, катта талофатлар оқибатида енгилди, Марвга қочиб кетди.

Ўша қудратли, қора хитой давлати подшоҳининг гўрхон унвони мусулмон манбаларида хони хонон – хонлар хони деб қайд қилинган, Гўрхоннинг қароргоҳ Ўрдуси Чу дарёси яқинида бўлган. (Ўзганд шаҳрида қора хитойлар хазинаси талон-торож бўлгани маълум). В.В.Бартольд қора хитойлар империясининг бошлиғи гўрхон деб аталганини таъкидлар экан, мусулмон тарихчилари гўрхонни «хонлар хони» сифатида талқин-таржима этганини алоҳида уқтириб ўтган (Бартольд, III стр. 50).

«Гўр» сўзи қайси тилга мансублигидан қатъий назар ҳозирги кўпчилик тарихчилар томонидан «Бутун дунё», «Умум» (Всемирный, всеобщий) маъносида тахмин этилмоқда (Бартольд, II (I), стр 50, изоҳ).

Ўзбек тарихшунослари эътиборидан четда қолган муаммо жавобини ўзбек заминидан топдик. Хоразмшоҳ Абулғозий Баҳодирхон (1644–1664) «Шажараи турк» асарида қора хитойлар тарихига доир «Гўрхон» лақабининг маъносини тушунтириб берган: «Гўр» нинг маъноси хитой тилида улуғ подшоҳ демак

бўлур» (Абулғозий, 37-бет). Демак, «Гўрхон» номи ясама сўз эканлиги аён бўлди. Хитойча «Гўр» (Улуғ подшоҳ) ва туркийча «Хон» подшоҳ. Натижада ўша давр тарихий манбалари қайд қилган «Хонлар хони» мазмуни келиб чиқади. Бу номда яна бир ҳикмат бор. Абулғозий Баҳодирхоннинг таъкидлашича, қора хитойлар кўшни қавмлар босқини таъқибидан қочади, қирқ минг уйлик эл улуғ беги Тўйситафтар бошчилигида туркийлар вилоятига кўчиб келади. Хитойдан таклиф билан келган бек ўзини Гўрхон деб эълон қилади. Демак, Гўрхон унвони қора хитойлар ва туркийларни бирлаштирган «Хонлар хони» маъносини англатади, десак хато бўлмайди.

Қора хитойлар империясининг Гўрхонига, ҳатто, узоқ Хоразм давлати ҳам ўлпон тўлаб турган. Фақат Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида қора хитойларга Хоразм давлати тобеликдан қутулгани маълум. Шундай экан, Мовароуннаҳрда «Гўрхон» номи қудратли «Хонлар хони» сифатида машҳур бўлган. Темурийлар хонадониди Гўрхон номи билан боғлиқ «Гўрхона» атамаси ҳам одатий тушунча бўлган. Юқоридагилардан Заҳириддин Бобур Қарши – саройни таърифлаганда, ўша олий иморат хоннинг «хос шариф» истикомат жойи эканлигини кўрсатиш учун Гўрхоннинг қароргоҳи маъносида «Гўрхон хонаси», яъни Гўрхонаси атамасини ишлатгани маълум бўлди.

Араб алифбоси хусусиятига кўра, «Г» ва «К» ҳарфлари бир хил шаклда ёзилганини эътиборга олиб, тарихий манбаларда кўрсатилган сўзларни икки хил талаффуз этиш мумкин: Гўрхон-Кўрхон, Гўрхона-Кўрхона каби. Бобур Қарши – саройни таърифлаганда Кўрхона сўзини назарда тутган бўлиши мумкин. Чунки, кейинги ўзбек хонлари саройларида энг катта ва ҳашаматли қабулхонанинг кўриниш хона деб аталишида ўша Кўрхона-Кўр(иниш) хона таъсири сезилиб туради.

Баъзи хулосаларни таъкидлаб кўрайлик:

- Қарши – қаср, сарой маъносидаги қадимги туркий сўз (қаранг: Древестюркский словарь, стр.429);

- Кўрхона/Кўрхона – саройнинг хонга мансублигини билдирувчи атама, хон саройи, хон кўринишхонаси.

- Гўрхон – хонлар хони, хоқонлар хоқони, шаҳаншоҳ мазмунидаги унвон, лақаб. «Хитойдан келган бек» «Ўзига Гўрхон деб лақаб қўйди» (Абдулғозий 37-бет). Бу воқеа тахминан 513 хижрий/1119-20 йилларда бўлиб ўтган. Орадан қарийб 250 йил

ўтгач, Мовароуннахр тахтини мўғуллардан тортиб олган Амир Темур исми шарафига шарафли Гўргон/Кўрагон унвони қўшилди. Гўрхон билан Гўргон ўртасида қандайдир муштараклик борга ўхшайди. Гўрхон атамаси маъносини таҳлил этишдан асосий мақсад Гўрхон-Гўргон сўзларининг ўзаги бир экан.

- Гўр сўзи Абулғозий Баҳодирхон айтганидек, «улуғ подшоҳ» мазмунини билдиради. Лекин қабр маъносидаги форсча «Гўр» сўзи туркий муҳитга сингиб бориши оқибатида, мазкур сўзнинг «Улуғ подшоҳ» маъноси муомаладан чиқиб кетган. Ҳозирги хитой луғатида «Гўр» сўзи йўқлигини эътиборга олсак, мазкур атама туркийларнинг қадимий бисотидан чиққанлиги аён бўлади. Достоний қахрамон Гўрўғли/Кўрўғли номини қабр билан боғламай, балки подшоҳ фарзанди эканлигига урғу берсак тўғрироқ бўлади.

Ана энди устозларнинг юқоридаги мулоҳазаларига таяниб, шунингдек Гўрўғли достонда айтилганидек, Нурли Эр-Хизирдан туғилганлигини инобатга олсак Гур-Нур бўлиб чиқади.

Ўз навбатида қабр маъносини берувчи «Гўр» форсча эмас. «Гўр» деганда форслар Ёввойи от-кулонни тушунганлар. Баҳромгўр лақаби билан машҳур форс подшоси айнан кулон овлашни ёқтирганлиги туфайли шундай лақаб олган.

Қабрни англатувчи «Гўр» эса туркий сўздор. Чунки, Ўр – баландликни, унинг тескариси эса Гўр – чуқурликни англатади. Худди КУН-ТУН, ЁЗ-АЁЗ сўзлари каби қофиядош сўзлар бир-бирига антоним шаклда қўлланиши ўзбек тилида мавжудлиги каби.

Гур баъзан адабиётда Гўр шаклида ҳам ишлатилганини ҳисобга олиб, Қарши сўзи ҳам Нурли хона маъносини билдиришини англаб етса бўлади. Туркий подшоҳларнинг Гурхон дейилгани Нурли Хон деган маънода бўлиб, ФарХон сўзи унга синоним эканлигини, Амир Темур бобомизнинг Кўрагон тахаллуслари айнан Нурли Хон маъносида қўлланганини англаш лозим бўлади (яна бир фаразга кўра, «Кўрагон» сўзи Амир Темур Амир Хусайннинг синглисига уйлангач, чингизийларга «куёв бўлди» маъносида экан).

Устоз П.Зоҳидовнинг фикрларини давом эттириб, янада қизиқарли мушоҳадаларга дуч келамиз:

«Кўпчилик учун сирли ва сеҳрли туюлган «Кўрагон» унвони келиб чиқиши манбаларини излаб, туркийларнинг қадимги сўзи Кўргон – Кўрқан эканлигига гувоҳ бўлган эдик. Ўша тарихий манба назаргоҳидан ҳозирги замон топонимикасини кузатсак, Каспий денгизи жанубидаги Гўргон шаҳри, Сибирдаги Курган шаҳри,

Ўзбекистондаги Каттақўрғон, Тўрақўрғон, Жарқўрғон, Тупроққўрғон каби тарихий номлар эътиборни тортади. Қишлоқлардаги тўрт девор билан ўралган қўрғонларнинг эса сон-саноғи маълум бўлмаса керак.

Туркий қавмлар орасида Қўрғон – Қўрқан сўзини бироз ўзгартириб, юмшоқ товушлар билан Кўрғон – Кўркон ёки Гўрғон – Гўрган сифатида талаффуз этилиши лингвистика фанида аллақачон эътироф этилган. Масалан, Озарбайжонда «Қиз қалъаси» ёдгорлиги «Гиз галаси», «Кўрғон» эса «Гургон» шаклида ёзилади. Ушбу кузатишлар давомида тарих қаъридан топилган икки сўз – «Кўрғон» маъносидаги «Гўрғон», беихтиёр, қора хитойлар подшоси ўзи танлаб олган «Гўрхон» лақаби билан муқояса этиш заруриятини туғдиради. Туркийларда «Қоон» сўзи тарихий манбаларда «Қоғон», «Хоқон», «Хон» каби, «к – г – х» товушлари ўзгаришини эътиборга олсак, «Гўрғон» сўзи аҳоли орасида «Гўрхон» деб талаффуз этилиши табиий кўринади. Демак, қора хитойлар илтимоси ва таклифи билан Хитойдан келган «улуғ бек» юрт бошқарувини қўлга оларкан, маҳаллий хонни ўзига навкар қилиб, унинг номини «Илкхон туркман» деб ўзгартириб, ўзи учун «Гўрхон» лақабини оларкан, янги юртбоши «улуғ подшоҳ», «хонлар хони» қудрати билан мамлакат кўрғони – қалқони бўлажагини эълон қилди, улкан империя тузиб, ўша фатволарни амалда кўрсатди».

Демак, Устоз П.Зоҳидовнинг фикрларини янги талқин бўйича мушоҳада қилсак, Катта қўрғон шаҳри номидан «Катта Гургон» – «Катта нурхон» маъноси келиб чиқади.

Устознинг фикрларини давом эттирамиз:

–«Маҳмуд Кошғарий (XI аср) Журжон/Гургон сўзига «Чин йўлида мусулмонлар чегарасидан бири» деб қисқа изоҳ берган (Кошғарий, I, 409-бет), лекин чегарадан манзил сифати – ўрни кўрсатилмаган. «Девони луғотит турк» бўйича йирик мутахассис олим С.Муталибов Журжон ўша даврдаги Хоразмнинг пойтахти эканлигини таъкидлайди ва араб сайёҳи Ёкут ал-Ҳамавийнинг (1179-1229) «Муғжамул булдон» асаридан далил келтиради.

«Журжон Гургоннинг араблаштирилганидир. Бу масалада Ёкут изоҳини аҳамиятли ҳисоблаб ўзича келтирдик. Журжон Хоразм ўлкасига тегишли катта бир шаҳардир. У Жайхун қирғоғидадир. Аслида хоразмликлар Жайхуннинг шарқидаги Мансура деган шаҳарда яшар эдилар. Жайхун уни ювиб кетди. Ундан асар ҳам қолмади. Сўнг улар Гурганчга кўчдилар. Шаҳар кундан-кунга

кенгайиб обод бўлди. Гурганчни 616 хижрийда (1220 йил) татарлар истило қилиб хароб қилмасдан олдин, ўз кўзим билан кўрганман. Мен бундан каттарок, чиройлироқ, тўқисроқ бир шаҳар кўрганимни билмайман».

Ёкут ал-Ҳамавий шахсан қадимги Гургон шаҳрини ўз кўзи билан кўриб, у ҳақда қолдирган тафсилотлари муҳим аҳамият касб этади. Хоразм пойтахти Мансура, бошқа манбаларда Кот/Қиёт деб қайд қилинган шаҳарни Амударё “қўпориб” ташлагандан кейин пойтахт Гурганчга кўчади. У пайтда Гурганч кичик шаҳар бўлган.

«Хоразм – шаҳар эмас, умуман ўлканинг номидир. Пойтахтга келсак, уни... Журжония деб аташади. Маҳаллий аҳоли уни Курканж деб юритади» (II,480). Урганч шаҳрига бағишланган махсус мақолада Ёкут ал-Ҳамавий янада аниқроқ тавсиф келтиради: «Урганч ўлка пойтахтининг номидир. Бу Жайхун соҳилида жойлашган катта шаҳар. Хоразм аҳолиси уни ўз тилида Курканж (Гурганч) деб атайди, аммо бу ном арабчалашиб, бизда (яъни арабларда) Журжония деб талаффуз қилинади (II, 54). Араб алифбосининг имло хусусиятларини эътиборга олиб, пойтахт номини Кўрканч /Кўрганч/Гўрганч шаклида ўқиш мумкин. Хоразм номи этимологиясини тушунтириб берган Ёкут ал-Ҳамавий Кўрганч/Гўрганчни «бундан катта, бундан ҳам бой ва обод шаҳарни ҳеч қаерда кўрмаганман» (II,54), деб ҳайрат билдирса-да, лекин шаҳар номининг келиб чиқиши, тарихи ҳақида хабар бермаган.

Яна бир изоҳ диққатни тортади: «Хоразм пойтахти Урганчдан ташқари – бу шаҳарни ҳам гоҳида Хоразм деб атайдилар» (Ўша асар, 21-бет). Хоразмнинг рамзига айланган пойтахт номини Ёкут ал-Ҳамавий бир неча хил кўринишда ёзгани тарих ҳақиқатини аниқлашга ёрдам берса ажаб эмас. Урганч – Гурганч – Кўрганч сўзларидаги «у» харфини «ў» деб талаффуз этсак хато бўлмайди: Ўрганч, Гўрганч, Кўрганч каби. Мазкур вариантлар ўзагида аслида «Кўргон – Кўргон» бўлганини фараз этиш мумкин. Бундай тахминга олиб келган Гўрган/Кўрган сўзи билан Амир Темур номидаги Кўрагон/Гўрагон сўзи араб имлосида бир хил ёзилиши тасодиф бўлмаса керак. Хоразм пойтахти Гўрганч/Кўрганч/ Ўрганч номи Амир Темурнинг Кўрагон/Гўрагон лакаби жуда қадимги тарихий анъанадан дарак беради».

Энди устоз П.Зоҳидовнинг изланишлари ҳақида ўз фикримизни баён этсак. Гургон сўзини араблар Журжон деб талаффуз қилганликларига, ўша пайтларда, ҳозирги Хоразмни араблар

Журжония деганлигидан Хоразм сўзининг ўзи ҳам ГУРАЗМ, яъни Гур – туркийча Нур, Азм – арабча Азим – улкан, яъни Хоразмнинг ҳам маъноси Катта Нур бўлиб, ҳозирги Самарқанд вилоятидаги Катта Гурган – Катта қўрғон сўзининг синоними-ку.

Шу муносабат билан Қарши – Гурхона деб аталганини инобатга олсак, Фарғона ҳам ФАРХОНА, иккалови ҳам эса бир хил – Нурхона маъносида эканлиги ҳақидаги тўхтамга келса бўлади.

ЁР сўзи ҳам нурни англатади. Бу сўз аслида «Ёруғ», «Ёрқин», «Ёруғлик» сўзларининг қисқача ифодасидир. Шунинг учун ҳам севишганлар, жинсидан қатъи назар тилимизда «ЁР» дейилади. «Ёрлик» сўзи «Нурга тўла» маънисини берса нежаб? Бу сўз русларда ҳам «Яркий», «Яркость» сўзларида мавжуд бўлиб, унда ҳам Ёруғликни англатади. Шу билан бирга «Ярослав» билан «Святослав» сўзлари синоним сўзлардир.

Биздаги Бахтиёр сўзининг этимологияси учта сўз қўшилуvidан иборат эканлигини тахмин қилишимиз мумкин. Бу сўзлар «Бой», «Ғит», «Ёр».

Хулоса қилиб айтганда, агар Ватанимиздаги нур билан боғлиқ топонимлар – Андижон, Гурлан, Гурганч, Жузоқ (ҳозирги Жиззах), Каттақўрғон, Нуробод, Оқдарё, Олмалиқ, Олот, Паркент, Тўрақўрғон, ФарХона (ҳозирги Фарғона), Фориш, Хоразм, Хива, Чирокчи, Яллама, Янгиқўрғон, Кува, Қарши, Қумқўрғон ва шу каби бошқа сўзларни бир жойга йиғсак, халқимиз ўз келиб чиқишини нурга боғлаганлигини, нафақат биз-ўзбеклар, балки бутун дунё халқлари ўз келиб чиқишини самовий нур билан боғлаётганлигини, уларнинг ичида эса энг нурлиси ватанимиз эканлиги амалий исботини топади.

V. «ЎҒУЗ» СЎЗИНИНГ ШАКЛАН ЎЗГАРИШИ

Ўғузхон – олийжаноб подшо. Аммо, шунга ўхшаш Ўкўз сўзини М.Кошғарий кучни англатувчи ҳўкиз, буқа сифатида ҳам ишлатган. Қадимги боболаримиз Хўкизни – ҳосилдорлик, қут барака илоҳи сифатида муқаддас санам даражасида билганлар.

Бу билан Ўғуз ҳам аввалбошда ЎКЎЗ бўлгани ҳақида мушоҳада қилса бўлади.

Олмонларда ва инглизларда ОКС деганда бичилган «ХЎКИЗ» тушунилади. Бундай ҳўкиз ўз кучини насл тарқатишга

сарфламасдан, куч йикқан, яъни бу сўз «ўта кучли»га синоним сифатида қўлланилган. ТУРК сўзининг ҳам «КУЧЛИ» маъносида ишлатилишини биламиз, рус тилидаги «ТУР» сўзи ҳам «бичилган хўкиз»ни билдиради.

Ўғуз ҳам Турк отанинг фарзанди. Кейинчалик, Турк ҳам, Ўғуз ҳам бир хил «КУЧЛИ» маъносида қўлланила бошлангани сабабли, ўрта асрлардаги ЎҒИЗЛАР ўз номларини, кейинчалик ТУРКМАН сўзига алмаштиргани ҳам табиий ва мантиқан асосли. Яна бир кизиқарли факт: Хўкиз сўзининг синоними Буқадир. Русларда бу сўз «БЫК» дейилади. Европа халқларининг кўпчилигида бу сўз «БИФ» дейилади. Буқа исм сифатида ҳам қўлланилган, масалан, Чигатой улуси хонларидан бирининг исми Эсен Буқа (1309-1318) бўлган. Тошкент вилоятидаги Бўқа ҳам айнан Буқа бўлгани ҳақида фикр билдириш мумкин. Кейинчалик бу сўз КУЧЛИ, ПАҲЛАВОН маъноларида қўлланилган.

XVIII аср рус тарихчиси В.Н.Татишев скифлар жумласига славян, сармат, турк, мўғул, олмон, эрон ҳамда Хитойда яшовчи қабилаларни киритганлигини юқорида қайд этдик [Татищев В.Н., 1962, 232-233].

Европа халқларининг асосий ўзагини олмон қабилалари ташкил этади. Олмон қабилалари эса ост(шарқий)готлар билан вест(ғарбий) гот қабилаларидан келиб чиққан.

Остготлар ва вестготлар ҳақидаги Миллий энциклопедиямиздан келтирилган ушбу маълумотларга эътибор беринг:

Остготлар – (Ostgothi), остроготлар (Ostrogothi), грейтунглар (Greutungi) — олмон қабиласи, *готлар*нинг шарқий тармоғи. III асрда Қора денгиз бўйидаги даштлар, Днепр билан Дон оралиғи, қисман Қримга келиб жойлашганлар. IV асрнинг иккинчи ярмида Эрманарих бошчилигида қудратли қабила иттифоқи барпо этишган, бу иттифоқ Остготлардан ташқари, олмон, шунингдек, скиф-сармат ва славян қабилаларини бирлаштирган. 375 й. бу иттифоқ *гуннлар* томонидан тор-мор келтирилган. Остготларнинг асосий қисми гуннлар билан бирга ғарбга йўл олиб, Паннонияга жойлашган. V аср ўртасида *Аттила* вафотидан сўнг, Остготлар гуннларга қарши кўзғолон кўтариб уларнинг ҳукмронлигидан халос бўлганлар. 493 й. Остготлар Теодорих бошчилигида Италияга юриш қилиб Равенна шаҳрини эгаллаганлар ва Остготлар қироллигини барпо этганлар. Қироллик таркибига Италия, Сицилия, Альп олди районлари, Далмация, 510 й.дан эса Прованс (окситан тилини прованс тили ҳам

дейишган – А.Ш.) кирган. Остготларнинг асосий қисми Ўрта ва Шимолий Италияга келиб жойлашган. Остготлар Византияга қарши урушда мағлубиятга учраб (552 й.), 60-й. бошига келиб Остготлар қироллиги Византия империясига тобе бўлиб, барҳам топган.

Вестготлар – визиготлар, тервинглар — олмон қабиласи, готларнинг ғарбий тармоғи. Милодий III-IV асрларда Днестр дарёсининг ғарбий томонида яшаган Вестготлар IV асрнинг 70-йилларида гуннлар сикуви остида Дунай дарёсидан ўтганлар (бу тарихда «Халқларнинг буюк кўчиши» номини олган). 418 й. Жанубий Галлияда Ғарбий Рим империяси ҳудудида маркази Тулуза (Чингизхоннинг ўғилларидан бирининг исми Тўле бўлган, бизда ҳозир ҳам Тўла деган исм бор, Тулуза сўзи этимологияси Тўлўғуз бўлиши мумкин –А.Ш.) шаҳри бўлган илк варвар қироллигини барпо этганлар. V аср иккинчи ярмида Вестготлар Испаниянинг катта қисмини эгаллаб олганлар. 507 йилда франклар томонидан Жанубий Галлия босиб олинган, бу ер Вестготлар қироллигининг асосий ҳудуди бўлиб қолган; VI аср ўртасидан унинг пойтахти Толедо (энди туркий Тўлега жуда яқинлашди-А.Ш.) шаҳри бўлган. Вестготлар айрим маҳаллий ер эгалари қўлидаги ҳайдаладиган ерларнинг 2/3 қисмини тортиб олганлар (бу тадбир қадимда Турктоз дейилган – А.Ш.). Рим тартиботи билан яқиндан танишиш Вестготларга уруғ-қабилачилик муносабатларидан илк мулкчилик тузумига ўтиш имконини берган. Вестгот қироллигида хукмрон этник гуруҳ бўлган босқинчи Вестготлар аста-секин маҳаллий испан-рим аҳолиси билан аралашиб кетган. 711-718 йилларда Вестготлар давлати араблар томонидан забт этилган.

Аммо, милод бошида яшаган Рим империяси императори Юлий Цезар ҳам готлар билан жанг олиб борганлиги ҳақидаги тарихий маълумотлар готларнинг Европага анча олдин борганликларини билдиради.

Рим кучсизланган, орадан уч аср ўтиб, Эрманарих бошчилигидаги ёввойи гот қабилалари Римга хужум уюштирган.

Чунончи, Рим империясига Атилла бошлиқ ёввойи хуннлар қабиласи хужум уюштирганда, римликлар готлар ва хуннларнинг деярли бир хил халқ эканлигини қайд этишиб, «кечаги х (икс), бугунги у (игрик)» дейишган.

Скифнинг кимлигини реал тасаввур қилган, уларнинг Римга уюштирган ваҳшиёна хужумлари-ю, ақлга сиғмас ибосиз қилиқларини ўша давр гувоҳларининг кўргазмалари билан

танишган киши, уларни ўзига аجدод дейишдан тийилган, ҳозиргача баҳслашиб келаётган олимлар аксинча, бир-бирларига нисбатан «ўша скифлар бизнинг эмас, сизларнинг боболарингиз» деган бўлармидилар? Лекин, ота-онани танлаш боланинг ихтиёрида эмас, албатта. Ҳақиқат аччиқ бўлса-да, тўғриси аниқлаш лозим бўлади.

Ҳозирги олмонлар, инглизлар, скандинавлар, славянлар, умуман олганда, европа миллатлари асосини ташкил қилган готлар биздаги ўғуз, ғуз, гуз, ғут, гут, ғат, ғот, ғит, гетлар эдилар. Бу сўз евроосиё халқлари тилларида аз, ас, ос, ис, эс, яз, гас, гос, гус сифатида ҳам қўлланилади.

Консерватизм туркий халқларнинг қон-қонига сингиб кетган. Дунёни титратган шунча туркий жаҳонгирлар – Абумуслим, Маҳмуд Фазнавий, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Чингизхон, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур ва бошқалар биронтаси Ўғузхончалик уруғ ва қабила, халқлар номига ўтолмади. Бундай шарафга дунёдаги энг енгилмас деб тан олинган А.Македонскийни тўхтата олган Спитаменгина қисман эришган бўлиб, у ҳақда кейинроқ тўхталиб ўтамыз.

Юқорида айтганимиздек, Ўғуз сўзи ҳозир дунёнинг жуда кўп давлатлари, халқлари, жой номлари, исмларида кенг учрайди. Марказий Осиёда бу сўз қуйидаги халқлар номида: Ўзбек сўзида «Ўз», Қирғиз сўзида «Физ» шаклида, қозоқлардаги катта, кичик ўрта «ЖУЗ» шаклида, туркманлар Ўрта асрларда ўғузлар дейилган, Озарбайжон сўзидаги «ОЗ» шаклида турибди.

Туркий уруғларнинг жуда кўпчилигида Ўғузхоннинг номини учратиш мумкин масалан уз, юз (кейинчалик минг), ўнғут, ургут, сургут, манғит, қўнғирот, қирғиз ва ҳоказо.

Қирғизистон ҳудудидаги Узгенд, аслида «Ўғузкент» бўлган. Вақт ўтиши билан Ўғуз сўзидаги «ҒУ» ҳарфлари тушиб қолган. Дунёни титратган жаҳонгир Чингизхон сўзи ҳам Чин+Ўғуз+Хон сўзларидан ташкил топади.

Ёки яна бир мисол: Туркменистондаги Тошхөвўзнинг ҳам асл номи «ТАШ ЎҒУЗ» (ташқи ўғуз) бўлган. Бундан минг йил аввал яшаган бобомиз Абу Райҳон Беруний чизган харитада ҳозирги Қорақум – «Ғуз» чўли дейилган. Каспий денгизининг қадимги номларидан бири Ғуз денгизи бўлган. Тарихчи олим Рабғузий ҳам Работ ЎҒУЗ маҳалласидан бўлганини архитектор олимимиз П.Зоҳидов «Рабғузий саодати» мақоласида келтириб ўтадилар. Қашқадарёдаги Ғузор сўзи, «ғуз+зар», «ғуз+лар» маъносини

англатишини аввал айтганмиз. Жиззах сўзи ҳам аслида ЖУЗ+Оқ, Тошкент вилоятидаги Чиноз топоними Чин + Оз-Ўз-Ўғуз сўзлари бирлашувидан, Эрондаги Шероз сўзи эса «ШЕР+ЎҒУЗ» сўзларидан, Афғонистондаги Ғазна ҳам Ғузна ёки Ғузий, имом Ғаззолий сўзидаги «Ғаз», Бухородаги Газли топоними, Туркиядаги Газиянтеп топоними ҳам шу маънода эканлиги кўриниб турибди. Араблардаги ғолиб маъносида келувчи «Ғозий» ҳам аслида Ғузий, қадимги дунё саркардаси Ўғузхон билан боғлиқ.

Ана энди дунёнинг икки қутбини қилич билан бундан 4800 йил аввал эгаллаган биринчи жаҳонгир бобомиз Ўғузхон сўзидан Диодор айтганидек, жуда кўп шоҳобчалар, халқлар, шаҳарлар номи келиб чиққанлигини ва бу сўз дунёда –Ғут; Ғит; Гет; Ғот; Ғат шаклида қўлланилаётганини кўриб чиқиш фурсати етди.

Ўғузнинг «Ғут», «Ғит», «Гет», «Ғот», «Ғат», «Гат»га нима алоқаси борлигини айтишдан олдин, кенг қўлланган бир сўзимизнинг этимологиясига назар солиш лозим бўлади. Бу «КЕНТ» сўзидир.

Ҳаммамизга маълум бўлган Қозоғистон ҳудудида Байканур (Бойқўнур) деган космодром жойлашган. Мана шу шаҳар номининг этимологиясига назар солсак, туркийча «Бой»+ «Қўнур» сўзларидан ташкил топганини кўрамиз. Шу сўзнинг ўхшаши Ўзбекистонда икки жойда бор, бири Бойқўнғир – сифатида Жиззах вилояти Бахмал туманидаги қишлоқ сифатида келади. Топономист олимимиз Суюн Қораевнинг фикрига кўра:

«Бойқўнғир этноним, асли қўнғирот қабиласи таркибига кирса керак. Чунки, қўнғирот сўзининг ўзаги қўнғир, от эса кўплик аффикси. Қозоғистондаги Бойқўнғир космодроми ҳам ўша уруғ номидан. Бойқўнғир деган исм ҳам бор».

Шунга ўхшаш бошқа бир топоним эса, Қашқадарё вилояти Косон туманидаги Бойғунди қишлоғи номида учрайди. Қадимда, ҳозир ҳам кўпкариси бор тўйларда тўйга келган меҳмонлар – чавандоз, полвонлар ва бошқалар учун кўни-қўшнилари уйлари ажратилади ва мазкур меҳмонхонани «кўниқ» дейишади. Кўниқ сўзи «кўни-қўшни» сўзида ҳам бор. Демак «қўнур», «қўнди», «қўни» сўзи муқим яшаётган кишига нисбатан қўлланилган.

Бобомиз Абулғозий Баҳодирхон қадимги туркий тилда «т» ҳарфининг икки хусусиятини айтади. Биринчидан Тунгут сўзидаги «тунгу»- хитойча «девор», туркий «т» қўшилиши билан «девор+чи» (бу ерда девор қўриқчиси маъносида) шаклини олишини айтади.

Иккинчи хусусият сифатида «т» сўзининг кўплик маъносини англатишини маълум қилади. Яъни: «қаён» «тоғдан оқиб келаётган сел»ни англатса, «қиёт» сўзи «сел тўпланадиган жой» маъносини ифодалайди»,- дейди. Устоз М.Закиев сўз охиридаги «т» товушининг кўпчилик маъносини англатишини ҳозирги кунда Россиядаги болқор, қорачой халқларида ҳам учрашини айтиб ўтади.

«Бой овуллар» сўзи ҳозирги кунда Боёвут шаклида Сирдарё вилоятидаги туман номида учрашини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Ўзбеклардаги исмларда ҳам «т» кўплик, мустаҳкам маъносида келади. Масалан: Эшман, Маман, Нурман, Эрман, Бекман, Қулман, Шерман, Тошман маъносини берувчи сўзлар бор. Бу сўзлардаги ман – кишини англатади. Мана шу сўзлардаги охириги ҳарфни «т»га алмаштириш мумкин. Унда биз Эшмат, Мамат, Нурмат, Эрмат, Бегмат, Қулмат, Шермат, Тошмат каби исмларга эга бўламиз. Бу исмлардаги охириги «т» мустаҳкамликни билдиради. Яъни, Эшмат – дўстнинг зўри, Тошмат – тошнинг зўри, Бегмат – бекнинг зўри ва ҳоказо. Тилимиздаги Қува сўзи нурни англатишини айтиб ўтган эдик. Ушбу сўзнинг охирига «т» ҳарфини қўшсак, Қуват (вақт ўтиши билан «в» товуши иккиланган) сўзи пайдо бўлади ва у «Нурнинг ёрқини» маъносини англатади. Шунинг учун эркаклар исми бўлган Эшқувват – Ўта Нурли дўст маъносини англатади. Шу ўринда Сургут – Сур(хон) авлоди ўғизлари, Ургут – Ур(хон) авлоди ўғизлари, Онгут–ўн ўғузлар эканлигини қайд этишимиз мумкин.

Хулоса шуки, «кент» сўзининг келиб чиқиши аввалбошдаги «кўнт», ҳозирги европаликлар тилида «конт» сўзларига (бу мавзуга яна қайтамиз) бориб тақалади. Яъни, «кўнт» сўзи «қўнганлар», «ўрнашганлар», «муқим яшаётганлар» маъносида ишлатилиб, кейинчалик бу сўз КЕНТ-шаҳар номини англатган.

Бундан келиб чиқадики, қадимги БОЙКЕНТ шаҳри ҳам, Самарқанднинг эски туркийча номи «СЕМИЗ+КЕНТ» ҳам бир хил «бойлар ўрнашган шаҳар» маъносини беради.

Сўзнинг охирида келган «Т» товуши кўпчилик маъносини беришидан, «ҒУТ», «ҒОТ», «ҒИТ» сўзининг охиридаги «Т» Ўғузларни англатиши маълум бўлади.

Яна мавзуга қайтиб Афғонистонда азалдан туркийлар яшаб келаётган Ҳирот шаҳрининг этимологияси ҳақида фикр юритсак.

Қўнғирот қадимги туркий қавмлардан ҳисобланиб, унинг этимологияси бўйича турли фикрлар мавжуд. Фикримча бу сўзнинг асл келиб чиқиши «ҚЎНУРҒОТ» яъни бир жойда муқим яшай

бошлаган FOT(FYT)лар сўзининг сал ўзгарган шакли бўлиши керак. Туркий тилда бундай ўзгаришлар бўлиши кузатилган. Мисол учун биздаги ҚАЛДИРФОЧни, гагаузлар (қўк ўғузлар) ҚИРЛАНФАЧ дейишаркан. Шунинг учун Қўнғирот сўзи аста секинлик билан Фирот, Хиротга айланиб кетган бўлиши мумкин.

Чиғатой сўзида «гут»нинг «ғат»га айланганини кўриш мумкин. Фарход сўзи ҳам аввал Фарғот бўлганини, татарларда ҳозир ҳам Фарғот исми мавжудлигини биламиз. Хоразмда Боғот топоними ҳам бор. Ҳозирги Россияда Сургод топоними ҳам бор. Юртимиздаги Ургут, ҳозирги Россиядаги Сургут биринчи шаклида турибди. Айтмоқчи, европада массагетларни, массагутлар ҳам дейишган.

Юқорида герман қабилаларидан европа халқлари тарқалганлигини айтдик, улар жумласига инглизлар ҳам киради. Биздаги гет, ғот, олмонларда гот, инглизларда ютт дейилган.

Герман олими Э.Кантнинг мана бу шеърига эътибор беринг-га:

Мен ўзим Олмони қанд,
Мен ўзим иймонли ул,
Қийнаманг мени ҳарчанд,
Очилгай сирим буткул.
Гётенинг қонида ҳам
Оғалигим аниқ бор,
Бор бўлсаки бир дирҳам,
Турк деб чиқаринг қарор.

Қадимги туркий тилдаги «Т» ҳарфининг кўплик маъносида келиши хусусиятларини юқорида айтдик. Бу ҳарф европада ҳам айнан шу маънони англатади. Масалан, қадимги Англиядаги КЕНТ қироллиги туркий ўзак орқали айнан ҚЎНГАНЛАР, ЎРНАШГАНЛАР маъносида бўлиб, ҳозирги австрияликларнинг аجدодлари қадимги КЕЛТ қабиласи этимологияси «КЎЧИБ КЕЛГАНЛАР» маъносида бўлиши керак. Кентнинг синонимлари бизда ЖОМ, ҚАЛЪА, ТЕПА бўлса, кейинчалик Кельт сўзи билан қабила аталишини Европада кузатсак, туркий тилда ҳам бир қабила шунга ўхшаш ном билан аталган. Бу сўз «ҚОЛМОҚ»дир.

Бизнинг тилимизда инглиз уларнинг тилида «ИНГЛИШ» дейилади. Қадимги туркий тилда ИНГ – ЭНГ– ОЛИЙ, «Л»– «ЭЛ», ИШ – АШ – БОТИР ёки ДЎСТ, яъни «ЭНГ МАРД ёки ДЎСТ ЭЛ» маъносида бўлиши мумкин. Эшли, Эштон деган исмлар инглизларда ҳозир ҳам бор.

Европада Фарер (туркийча ўгирсак ФАР ЭР) ороллари бор. «Гер» сўзини «Нур» билан боғласак, «ГЕРМАН» сўзи ҳам «НУР ОДАМ» маъносини англатади. ОЛМОН сўзи ҳам ОЙ+ЭЛ+МАНдир ёки АЛАНдаги АЛ+МАНдир. Унда ОЛМА-ОТА эмас, ОЛМАН ОТАдир, биздаги ОЛМАЛИҚ ҳам аслида ОЛМАНЛИҚдир? Чунки, бизда ҳам ОЛ+ОЙ(Ўғуз) сўзи бор. Бундаги ОЛ, Аланқувадагидек – ОҚ ИЛОН, қабила номи.

АЛБАН сўзи эса аслида АЛП+МАН сўзи бўлиши, эҳтимол. Шунингдек турк тилида БАН – МЕНни англатишини ҳисобга олсак, АЛБАН-НУРМАН бўлишиям мумкин.

Тожикистондаги Исфара (аввалги Ишпара), Фориш, Андижон каби топонимлар синоним бўляпти. А.Дюманинг Граф Монте Кристо асарида аббат Фариа исмли қаҳрамон ҳам бор. Автомобилнинг нур таратувчи чироқлари ҳам «фара» дейилади-ку.

ПАРИШ сўзига яна тўхталишга тўғри келмоқда. Хўш бу сўздаги «Пар» нурни англатади дедик. «ИШ»чи? Ҳозирги тилимизда Эш-Дўст маъносини беради. Аммо, ўғузларнинг европада бўлганлигини билдирувчи энг қадимги Оссурия ёзма манбаларидаги «Ашгуз»лар ҳақидаги маълумотдир. Қозоқ ёзувчиси Ў.Сулаймонов бу сўзни ҳозирги қозоқ тили талаффузи орқали «Ишгуз» яъни «Ички Ўғуз» деб шарҳлайди.

Биз юқорида Молдавияда яшовчи гагаузлар бир вақтлар Шахрисабз (ҚишЭв-Кеш)дан кетган ва хотира сифатида у ёқда Кишинев (Қишки-Эв) шаҳрига асос солган бўлиши мумкинлиги ҳақида фикр билдиргандик. Ҳозирги пайтда Молдавия билан ёнма-ён жойлашган Украина худудида оқувчи Донецк дарёсининг номини юнонлар Танаис ҳам дейишган. Бу ерда «Тана» сўзи ҳам ҳосилдорлик, бойлик маъбуди – ҳўкизни англатади. Ана шу «Танаис» сўзи ҳам Тан-Ўғуз сўзларининг бузилган шаклидир. Чунки, Шахрисабзда ҳам ТАНХОЗ (Тан-ЎҒУЗнинг ўзгарган шаклида) дарё бор.

«Гуз» – «Ўғуз» маъносида эканлиги тўғри. Лекин, «АШ»ни «ИШ» – ички деб бўлмайди. Ашгуздаги «Аш», қадимги туркий тилдаги Бўри – Ашиндан олинган бўлса керак ва бу ерда «Аш» – ботир, мард маъносида бўлиши мумкин. Қадимги туркий ривоятга кўра туркийлар Ашин авлоди дейилган, шунинг учун Бўри авлоди билан Ўғузлар авлоди қўшиливи Ашгуз дейилгани мантиқан асосли кўринади.

Туркий хонлардан бирининг исми Ишпара бўлганини юқорида келтирдик. Ҳозирги пайтдаги Исфара шаҳри ҳам қадимда айнан Ишпара деб аталгани тўғри. Унда Ишпара сўзининг маъноси – «Ашин уруғидан туғилган нурли бола» бўлади.

Тошкент вилоятидаги Ангрен сўзи ҳам аслида Оҳангароннинг қисқа талаффузидан келиб чиққан. Буни ҳеч бир мантиққа солиб бўлмайди. Лекин, ҳамма Ангрен сўзини қабул қилди, ўрганиб қолди.

Устоз Суён Қораевнинг Иштихон сўзининг этимологияси бўйича берган маълумотлари ҳақида :

Иштихон – шаҳар, Иштихон тумани маркази. 10-асрдаёқ каттагина шаҳар бўлган, араб географларидан Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида, «Худуд ул-олам»да тилга олинган. Иштихондан Самарқандгача қувурда келтирилган қимизни хон татиб кўрган, «Ичди хон» деганидан Иштихон бўлиб кетган эмиш. Тарихчи О.И.Смирнованинг фикрича, Иштихон номи суғдча «Саккиз ариқли», «саккиз каналли» маъносини билдиради (ишт-хашт – «саккиз», хон-кан – «канал»).

Ўзбекистон Энциклопедиясидаги маълумотларга кўра, эрамизнинг 5-8 асрларида Суғд ва Фарғона подшолари унвони ИХШИД бўлганлиги айтилади. Бу ихшидларнинг туркийлиги уларнинг исмларидан ҳам билинади. Энди бу сўз, яъни унвонга келсак, унинг этимологияси ИШФИТ ёки ИШГУТ бўлган, яъни қадимги Оссуриядаги «АШГУЗ» каби, улар ҳам ўғузлар бўлганлар.

Ушбу сўзимизга энциклопедиядаги мана бу маълумот далил бўла олади:

«... VIII аср бошида (712 й.) Самарқандни араблар босиб олгач, Суғд Ихшидлари пойтахтни Иштихонга кўчирганлар». Яъни Иштихон сўзи Иш-гит-хон сўзининг бироз ўзгарган шаклидир.

Шундай қилиб, АНДИЖОН, ПАРИШ, ФОРИШ, ИШПАРА, ЭШПАРДА сўзлари синоним сўзлар бўлиб, «НУР БОТИР-ДЎСТ» маъноларини англатади дейишимиз асосли кўринади.

Шу муносабат билан герман, туркман, ўзбек уруғлари мангит ва наймандаги “ман”, сўзиям қизиқарли (найман, мўғул тилида саккиз дейилади). Нормандия сўзидаям МАН сўзи бор. Милоддан аввал ҳозирги европа ҳудудида МанАй подшолиги бўлган. Энди ўзимиздаги Маош сўзи этимологиясига эътибор беринг-а, наҳотки бу сўз МАНА ОШ сўзлари қўшилуви бўлса? Инглизлар пулни МАНИ дейишади, Мусо пайғамбар замонида осмондан МАННА

(бизда чалпак) ёғади, туркманларда пул бирлиги МАНАТ-ку. Демак, МАН сўзининг иккинчи маъноси БОЙ бўлиб чиқади. МАТ эса ЎТА (ЖУДА)+БОЙ маъносида келади. Худди Қирғизистондаги БОТКЕНТ, ЎТА+БОЙ+КЕНТ сўзларидан ташкил топганидек. Тилимиздаги БОТИР эса ЎТА+БОЙ+ЭР маъносини бераркан.

Бой сўзини руслар ҳам ишлатади. Бойлар-Бойаар-Бояяр-Бояр. Мисол учун БОГАТ сўзи этимологияси, аслида биздаги «БОЙ» ва «ГОТ» ҳозир Хоразмдаги «БОГОТ» сўзи билан бир хил-ку. Қаршидаям Қарлукбоғот топоними бор. Русларда «РАЗБОЙ» сўзи бизда талончилик деб таржима қилинади. Русларда бу сўз аслида «РАЗДЕТЬ БАЯ», яъни БОЙНИ ЕЧИНТИРИШ сўзлари қўшилувидир.

Биз – Фут, Фит ва Ғотларнинг қатор сўзларимиз, Ғарбий Европа Ғотларида учрашини кузатса бўлади:

Масалан, ҚАТАҒОН сўзидаги «ҚАТ» аввал «ҚУТ»(бахт) бўлган ва бу сўз, аслида «ФУТ» (Ўғузлар - аслзодалар)дан келиб чиқади. Шарқ мамлакатларининг кўпчилигидаги «ғазна», «хазина» сўзлари ҳам «шоҳона яшаш», «бойлик»нинг синонимидир. Қут-барака тилаш, «Қутлуғ бўлсин» каби сўзлар ҳам «Фут»дан олинган, ҳозирги Бахтиёр, Қуттибой сўзларининг қадимгиси Эр+Қут ҳозирги Иркутск шаҳри номида турибди. Қут сўзи олмонларда «ГУД», инглизларда «ГООД» сўзида ҳам бор бўлиб, улар нафақат талаффуз жиҳатидан, балким маъноси жиҳатидан ҳам бир.

Олмонлардаги ГУТен Морген (хайрли тонг), ГУТен ТАҒ(хайрли кун), ГУТен Абенд (хайрли кеч)лар ҳам шу маънода-ку. Олмонлардаги Гутенберг исмини туркий ўзак орқали Қутлибек деб таржима қилса бўлади.

Ўзбек тилидаги «БАХТ» сўзи ҳам қизиқарли, қозоқлар ва қорақалпоқлар бу сўзни ишлатганларида «Х» ва «Т» товушлари ўртасига «Й» товушини қўшиб «БАХЫТ» деб ишлатадилар. Бу сўз этимологияси менимча «БОЙ» ва «ҒИТ» сўзлари қўшилуvidан ташкил топади. Энди қадимги Яқин Шарқда ХЕТлар сифатида танилган халқнинг асл номи ҒИТ бўлганлигига шубҳаланмаса ҳам бўлар. Яъни, ХЕТ ва ГЕТ, аслида ҒИТнинг турли халқлар тилидаги ҳар хил талаффузидир.

VI. ГЕРОДОТ АЙТГАН ИСМЛАР ЭТИМОЛОГИЯСИ

Энди Геродот айтган биринчи исмга қайтсак. Унинг айтишича, скифларнинг биринчи отаси Тарғитой бўлган.

Скифларни эронийлар дегувчи назариётчи олим В.И.Абаевнинг фикрича, Таргитай сўзи форсча ДАРФА (мангу ёки ўткир) ва ТАВА (куч, қувват) сўзларидан ташкил топган. [Абаев В.И., 1949, 163; Миллер Вс., 1887, 127].

Устоз М.Закиевнинг Таргитай сўзи бўйича хулосаси қуйидагича:

Таргитайдаги «тарги» ёки «тариқ» ва «сой» - «той» яъники қадимги турк тилидаги «уруғ», «қабила» маъносини ифодалайди. Яъни, Таргитай сўзи туркий тилда «Тариқчилар уруғи» ёки «деҳқонлар уруғи бошлиғи» маъносини англатади.

В.И.Абаевнинг фикрига биноан Таргитай сўзини ДАРФАТАВА деб олсак, мўғул тилидаги ДОРУФА сўзи қачонлардир Ҳоким маъносида ишлатилганлиги тарихан маълум бўлиб, бу сўзнинг форсча илдизига шубҳа уйғонади. Таргитой қаерда-ю, Дарғатава қаерда?

М.Закиевнинг фикридан келиб чиқадиган бўлсак, Таргитай яшаган скифлар юрти аҳолиси Геродот даврида ҳам асосан кўчманчи бўлган. Геродот айтаётган скифларнинг бобоси Таргитай бу ерга, яъни Дашти Қипчоққа Доронинг эрамиздан олдинги 500-йиллардаги юришидан ҳам минг йил аввал келган.

Даярли Геродот замонида скифлар юртига бостириб келган Дорога макр ишлатиб, унинг армиясини толиқтириш учун турлитуман жойларга Ўғузхоннинг навқари Қангли ўйлаб топган аравада хотин-халажи-ю, бола-чақасини миндириб қочиб юрган скифлар, минг йил аввал деҳқончилик қилишни хаёлларига ҳам келтирмаганлар. Шунинг учун устоз М.Закиевнинг Таргитай - «Деҳқонлар отаси» деган маънони ифодаловчи далиллари жуда мунозарали.

Геродотнинг ҳисобига ва бизнинг таҳлилимизга кўра, Таргитай бундан 3500 йил аввал яшаган ва Дашти Қипчоққа келган. Нега ушбу манзилни тилга олаяпмиз? Чунки, Геродотнинг маълумотлари Доро юриш қилиб келган юрт, ўзи борган Қора денгиз бўйлари, ўзи эшитган ривоятлар ҳақида.

Дашти Қипчоқнинг қачон туркийлашгани ҳақида маълумот Абулғози Баҳодирхонда ҳам бор. Абулғозининг айтишича ва бизнинг таҳлилимизга кўра Рус ерларини босиб олишга юборилган Қипчоқнинг ҳарбий юришлари бундан 4800 йил аввал содир бўлган. Мана эътибор беринг:

«Ўғуз хоннинг замонидин Чингизхон замониғача Тин ва Атил ва Ёйиқ, бу уч сувнинг ёқасинда қипчоқдин ўзга эл йўқ эрди. Тўрт минг йилғача ул ерларда ўлтурдилар. Анинг учун ул ерларни Дашти Қипчоқ дерлар».

(Абулғозий «Шажараи турк» Т.-1994 йил «Чўлпон» нашриёти 22-бет).

Агар Абулғозий Баҳодирхоннинг ўзи 1603-1663 - йилларда яшаганини эътиборга олсак, яна тўрт юз йил қўшамиз, демак, Ўғузхон ҳам, Қипчоқ – Тарғитай ҳам бундан тўрт минг саккиз юз йил аввал яшаган бўлиб чиқмоқда.

Баҳодирхон билан Геродот келтираётган маълумотлар йиллар бўйича 1300 йилга фарқ қилаётган бўлса-да, Тарғитай бу ерларга бошқа юртдан келганлиги маълум бўлмоқда.

Энди Тарғитай сўзига келсак – бу исм ТЎРК ёки ТАҢГРИ, ФУТ, Ой сўзларидан ташкил топади. Бу сўзларнинг учаласи ҳам этнонимдир.

«ТУРК» – бу сўз туркийларнинг энг биринчи бобоси Туркнинг исмидир.

«ТАҢГРИ» - қадимги туркий халқлардаги Оллоҳнинг исми.

Ф.Атаевнинг бу ҳақдаги фикри жуда асосли кўринади:

Шу ўринда яна бир фикр: туркий халқлар худони Тангри деб атайти. Манбаларда бу сўзнинг келиб чиқиши хусусида турлича қарашлар мавжуд: 1) “денгиз” (мўғулча “тенгиз”) сўзидан; 2) туркча “тонг” ва миср тилидаги “ра (қуёш)”, яъни “тонгдаги қуёш” сўзларидан; 3) туркча “тенг”, яъни “барчага тенг қаровчи”дан келиб чиққан. Менинг ўйлашимча, “Тангри” сўзи бутунлай бошқа икки сўздан келиб чиққан бўлиши мантиқан асослироқ. Булардан бири туркий “танғи” сўзи, иккинчиси туркий “тўғри” сўзи. Сабаби, туркий тилда -р, -ар, -ир қўшимчалари от, сифат ва феъл ясашда ишлатилади. Масалан, “отбоқ(ар) – отбоқувчи”, “тур(ар) – турадиган”, “чанди(р) – гўштнинг қаттиқ пай қисми, яъни чандийдиган, зич қилиб бирлаштирувчи”, “чиғир – юкорига сув чиқарадиган, яъни чиғайдиган қурилма”. Худди шундай, “танғир”, “танғири” сўзлари “танғийдиган”, “ўрайдиган” деган маънони англатади. Дарҳақиқат, Тангри бутун оламни яратиб, уни ўраб туради. Тангри борлиқнинг ҳар бир заррасида мавжуд деган қараш кенг тарқалган. Шунинг учун ҳам Тангри ҳар бир жойда ҳозир у нозир, барча нарсани кўргувчи ва билгувчи, дея улуғланади. Туркий халқларда қуёшни, осмонни Тангрига қиёслашнинг сабаби, худди

Тангри каби куёш ҳам, осмон (кўк) ҳам дунёни ўраб, чулғаб, қамраб туради. Ўтмишда туркий халқларда кенг тарқалган оташпарастлик, ўтга сиғинишнинг сабаби олов куёшнинг ердаги кўриниши, иссиқлик, ёруғлик манбаи бўлиб, нарсаларни ёритиб, чулғаб туради. Тарихда бутун Шарқу-Ғарбда ҳукм сурган уч Хун (олимларнинг таъкидлашича, бу сўз асли “кун” сўзидан келиб чиққан, менинг фаразимга кўра, бу сўз, аслида, Нух пайғамбар исми билан боғлиқ бўлиши мумкин) империясию ҳар икки Турк (кўк ва осмонли) империяси ҳам ўзларига Тангрининг кун, кўк, осмон каби сифатларини қўллаган...

Мана шу Тангри сўзи «ТАРҒИТАЙ»даги «ТАР»ни англатиши мантиқан асосли. Чунки, Геродот ҳам ўз асарида Таргитайни Зевс (юнон афсоналаридаги Бош Илох)нинг ўғли деб атаса, иккинчидан қадимда туркий хунлар давлатида ТАНГРИҚУТ (аслида ТАНГРИҒУТ) исмли шоҳлар номи мавжуд (Н.Муҳаммад «Турон давлатлари йилномаси» Т.-2010 й. «Merius» 17-бет).

Иккинчи ўзак сўз «ГИТ», туркий уруғнинг номи бўлган «МАНФИТ» сўзида «ФИТ» шаклида турибди. Барибир бу сўз ҳам «ҒУТ» сўзининг бироз ўзгарган шаклидир.

Геродот ТАРГИТАЙ сўзидаги «ГИТ»ни «ГЕТ» шаклида ҳам қўлайди, бу «массагет» сўзидир, «МАССА+ГЕТ» эса «КАТТА ГЕТ».

Шундай қилиб, Тарғитай сўзидаги «ГИТ» аслида «ҒУТ» бўлиб, у Ўғузларни англатади. ТАРГИТАЙ сўзидаги «АЙ» ҳам исм. Шу ўринда Россиянинг Челябинск вилоятида «АЙ» номли дарё мавжудлигини айтиб ўтиш фойдадан холи бўлмайди.

Энди Ой сўзига келсак, мен аввал Ўғузхоннинг авлодлари ҳақида фикр юритганимда «ой» сўзи қўшилган сўзларни «гўзал», «хушсурат» маъноларини беради, бу сўз ўғил болаларга ҳам, қиз болаларга ҳам бир хилда қўйилган дегандим. Аммо, кейинги изланишларим бу масалада яна бир фикрни келтириб чиқарди. Фикримча, мана шу кейингиси бизнинг менталитетимизга мос ва тўғри ҳисобланади.

«Ўғузнома» достонида Ўғузхоннинг отаси исми Ой бўлганлиги қайд этилади. Ўғузхон аввал бошида қиат (тимсоҳ)ни енгиб шухрат қозонади («Ўғузнома» «Ўзбекистон» нашриёти Т-2007 й. 9;11-бетлар).

Тимсоҳ иссиқ ўлкада ва дарё бўйида бўлиши ҳаммага маълум. Қадим туркийлар ватанидаги энг иссиқ жанубий минтақадаги дарё,

ҳозирги Амударё ҳисобланади. XX асрнинг 70-йилларида Афғонистон шимолида француз экспедицияси топган шаҳар Ойхонтепа (Окс Искандарияси) деб номланишини айтиб ўтиш жоиз.

Мирзо Улуғбек ва Абулғозийда Ўғузхоннинг отаси исми Қорахон дейилади. «Қора» сўзи қадимги туркийда «улкан», «катта» маъносини ифодалайди. Бунга мисол тариқасида Қора денгиз, Қорабоғ, Қорамол сўзларини келтириб ўтиш мумкин.

Шу маънода ҚОРАХОНдаги ҚОРА сўзи унвон, ОЙ - хоннинг исми экани ҳақиқатга яқин. Яъни, Геродот тилга олган биринчи кипчоқ - Тарғитой, Абулғозий таъбири билан айтганда, Ўғузхоннинг асранди ўғли Қипчоқнинг асл исми бўлиб, Ўғузхонга жиян ҳисобланган.

Шунингдек, Ўғузхоннинг олти ўғлидан бирининг исми Ой бўлган. Таркибида Ой сўзи учрайдиган исмлар: Ойбоқ, Сарой, Ойсара, Гирой, Чирой, Ойбек, Ой+Мен (ҳозир қозоқларда Айман шаклида учрайди), Ой+Қиз, Ой+Нур, Чин+Ой, Чўх(кўп)+Ой, кейинчалик – Чўқай, Чух (Чин)+ғут+Ой=Чигатой.), Чет+Ой (кейинчалик Чатай, Чегай) каби исмлар бўлган. Ой қўшимчаси бор қабила номлари Лақай (аслида Лиқ+Ой), Олтой (аслида Олти+Ой), Сарой ва бошқалар.

Тарихда ҳозирги Украина ҳудудида готларнинг Ойжум подшолиги бўлганлиги ҳақида маълумот бор.

Европа сўзи аслида «Ойропа» дейилган. Туркий ўзак билан ўқилса бу сўз «Ой», «Эр», «Алпа» сўзларидан ташкил топганини кўришимиз мумкин. Бундаги «ОЙ» - Ўғузхон ўғли «ОЙ»дан, «Р»эса туркийча «ЭР»- йигитдан, ОПА эса туркийча АЛПА (Алп тоғи ҳам шу жумлада) - БОТИР ЖАНГЧИ маъносини англатса ажаб эмас. Европа халқларида Айрен, Айвенго, Айген каби исмлар бор.

Шунда ҳозирги Россиядаги ОЛТОЙ топоними ОЛТИТА ОЙ, яъниким Ойнинг олти фарзанди сўздан олингани, Европадаги ОЙЖУМ топоними, Андижондаги ОЙим (қишлоқ, аввалги туман маркази) топоними билан бир хил эканлиги, ЖОМ эса қадимги туркий тилда ҚЎНАЛФА (русча ПОСТ) маъносида ишлатилгани маълум бўлади.

Ана энди дунёдаги Ой ва унинг бироз ўзгарган шакли қўшимчали топонимларга эътибор беринг:

–Олтой; Сарой; Ойропа; Шуманай; Шяуляй (Латвияда), Ойжум (Украина); Андижондаги Ойим; Қибрай; Латвиядаги топонимлар –

Буйведжай; Ушненай; Шяуленай; Куршенай; Куртувенай; Шядбарай; Кайряй; Гатаучай; Юодейкай; Микнюнай; Кяпаляй; Круопай; Саткунай, Эстониядаги – Силламяэ, Линнамяэ, Литвадаги – Тракай, Молетай, Зарасай, Лотин Америкасида Уругвай, Парагвай ва ҳоказо.

Шундай қилиб, Таргитай сўзининг дастлабки шаклининг ТАНГРИ + ФУТ + ОЙ бўлганини асосли деб ҳисоблаймиз. Бу сўзнинг ҳозирги пайтдаги синонимлари Оллоёр, Худоёр, Холикёр (кўпинча Холикёр шаклида учрайди), Тангриберди, Худойберди, Эгамберди, Аллоберди.

Тарғитойнинг Липоксай, Арпаксай, Колоксай деган уч ўғлининг исмига тўхталсак:

Таргитайнинг катта ўғлининг исми – Липоксай сўзининг келиб чиқишини эроншунос Абаев олмон олими Фасмернинг фикрига асосланиб: «унинг иккинчи қисмини ксая/хсай сўзи» дейди, «унинг маъноси – нур таратиш, ялтираш, ҳукмронлик қилиш; осетинча эса «княгиня», «тонг» маъносини англатишини айтади. Унинг фикрича, сўзнинг биринчи қисми номаълум, балки эронча ХОРСЕД куёш сўзидан олинган бўлиши эҳтимол», - дейди.

Туркшунос М.Закиев Липоксайни: «Лип» – қадимги форс тилидан чегара, «ок» – ок, олийжаноб, бой; «сой»-олдинги хулоса каби қабила, уруғ номи бўлиб, Чегарани кўриқловчи қабила маъносини беради», - дейди.

Липоксай масаласида фикр билдиришдан аввал, қадимги юнон олимлари юртимиз тарихига оид маълумотларда жуда кўп ишлатган сўзлари Окс; Оксиарт; Оксида; Оксиана, Оксиан кўли, Оксиёнлар, Оксиадранклар, Окс Искандарияси, Трансоксиана сўзларидаги ОКС сўзи Ўғуз эканлигини юқорида айтдик.

Сув бизда қадимдан кадрланган ва унга жуда эҳтиром билан муносабатда бўлинган. Чингизхоннинг Ясоғи (қонунлари тўплами)да сувни ифлослантирган кимса ўлим жазосига тайинлангани ҳам ҳақиқат. Сув манбаларига ном қўйиш фанда гидроним дейилади, биргина Навоий вилоятида 4000та гидроним борлигини айтсам, гапларим асосли эканлигига амин бўласиз.

Ҳозирги Амударёнинг эски номи ҳам Ўғуз, яъни машҳур адолатли шоҳ ва саркарда Ўғузхон шарафига қўйилиши туркий менталитетга мос.

Яна бир гап, юртимиздаги аввалги Ўғуздарё, кейинги Амударё, Сурхондарё, Сирдарё, Қашқадарё сўзларининг барчаси саркардалар номига қўйилган!

Ўғуз сўзи ислом дини юртимизга ёйилиши оқибатида Амир сўзига ўз жойини бўшатган, бўлса керак. Араб тилидаги амир сўзи ҳам саркарда маъносини англатади. Бу ном араб амирлари шарафига қўйилганми, аббосийларни халифалик тахтига қайтарган туркий саркарда Абумуслим шарафига қўйилганми ёки туркий шох Маҳмуд Ғазнавий шарафигами, бу ҳозирча номаълум.

Хар ҳолда баъзи маълумотларда келтирилганидек «Аму» сўзи, «ўроғда йўқ, машоқда йўқ» этимологияси номаълум «Амул» сўздан пайдо бўлмаган.

«Қашқа» сўзи ҳам, туркий тилда саркарда маъносини бериб, бу сўз шу ерда жанглари олиб борган Муқанна, Жалололдин Мангуберди ёки шу дарё яқинида туғилган Амир Темур шарафига қўйилган бўлиши ҳам мумкин.

Нега саркардалар номига дейсизми? Мардлик доим халқимизда қадрланган ва халқ мард фарзандлари қилган ишлари унутилмаслиги учун хотира сифатида уларнинг номини ўз қабилаларига, фарзандларига, дарёларига, географик манзилларига ном сифатида қўйган.

Ўғузни Геродот «ОКС» деб ифода қилган, Ўзбекистондаги Амударёнинг илк номи Ўғуз бўлгани Озарбойжондаги Аракс, Ар-АКС дарёси ҳам аслида Эр-Ўғуз деб аталишини ва бутун дунёда шу ном мавжудлигини биламиз. Францияда ҳам Италияда ҳам Окслар яшашади, уларда Окситан тилида сўзлашувчилар мавжуд. Бу тил бир вақтлар сарой аъёнлари тили ҳам бўлган. Ўрта асрларда европаликлар бизнинг юртимизни Трансоксания, Трансоксиана (яъни окслар кўчиб келган юрт) деганларида катта маъно яширинган. Қадимги юнон тарихчилари Амударёни – ОКС, унинг чап қирғоғини Оксиана, яъники ОКС – ЎҒУЗ, ОКСИАНА – ЎҒУЗЛАР ВАТАНИ деб атаганларини ҳам айтиб ўтиш лозим. Ахир окситан тили ва унда сўзлашувчилар бор-ку. Мана бу ҳақда Миллий Энциклопедияда нима дейилади:

Окситан (провансал) **тили** -роман тилларидан бири; Жан. Францияда, шунингдек, Италия шим.да тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 10 млн. кишидан ортиқ. Лаҳжалари 2 гуруҳга бўлинади: шим. окситан (лимузин, оверн, прованс-альп) ва ўрта окситан (лангедок, прованс), шу билан бирга

алоҳида гаскон лаҳжаси ҳам мавжуд. Окситан тили француз тилига яқин бўлса-да, бир қанча фонетик ва морфологик жиҳатлари билан ундан фарқ қилади. Адабий тили XI асрдан мавжуд, XII-XIII асрларда адабиёт тараққиёт чўққисига кўтарилган. Ана шу даврда бир қанча лаҳжаларнинг қўшилишидан умумпровансал адабий тили шаклланган. XIII асрда Прованснинг Шимолий Францияга қўшиб олиниши Окситан тили вазифа доирасининг кескин қисқаришига, унинг бир неча алоҳида лаҳжаларга бўлиниб кетишига олиб келди. Ҳозирги Окситан тилидаги адабиёт чекланган ҳолда, кўпинча оғзаки муомалада қўлланади. Ёзуви лотин графикасига асосланган. Қадимги ёзув ёдгорликлари X-XI асрларда яратилган.

Францияда кинофестивал ўтказиладиган машҳур Канн шаҳри бор. Кан сўзидан иборат фамилиялар европа халқларида жумладан, олмонларда футбол юлдузи Оливер Канн, французларда машҳур банкир Строс Кан ва ҳоказоларда мавжуд. Энди КАН, ТАН сўзлари туркий ХОНнинг фонетик ўзгарган шакли деб қабул қилсак, ОКСИТАН сўзи ҳам ОКС – ЎҒИЗ, ТАН –ХОН, яъни машҳур лашкарбоши исми ЎҒИЗХОН номини тикласа бўлади. А.Дюманинг «Уч мушкетёр» асари қаҳрамони, мард жангчи – Дартанян, Франциядаги жасурлар юрти Гаскония ўғлони ҳисобланади. Ана шу ГАСКОН сўзи ҳам ГУЗ-КАНнинг ўзгарган шакли бўлиши мумкин. Европада Ўғузхон билан боғлиқ бошқа топонимлар ҳам мавжуд. Испаниядаги САРАГОСА ҳам «САРА» + «УГУЗ», Швециядаги ГЕТЕБОРГ эса ГЕТ – ЎҒУЗЛАР, БОРГ-БЕРГ-БЕРК сўзларидан ташкил топганини кузатишимиз мумкин. Англиядаги ОКСФОРД (окслар қўлтиғи) сўзида, Голландиядаги АЯКС футбол клуби номи ҳам АЙ-ОКС бўлса, французларнинг машҳур мультфильми персонажлари – Обеликс, Астриксдаги «ИКС» ҳам ОКС бўлиб, бу сўзларда ҳам бизнинг, нафақат бизнинг балким жуда кўп халқларнинг жаҳонгир бобоси Ўғузхон номи мужассам.

Энди Таргитайнинг ўғиллари исмлари бўйича ўз изланишларимизни давом эттирсак.

Устоз М.Закиев айтганидек, Липоксайдаги Лип форсча сўз эмас. Бу ҳам туркий сўз бўлиб, ЛИП нурнинг бир бўлаги, парчаси, ҳозирги тилимиздаги УЧҚУНдир. Бу сўз айти шу маънода оловнинг лип-лип қилиши, шамнинг, чироқнинг липиллаши ва ҳоказоларда қўлланилади.

ОКС эса Ўғуз, АЙ - Ойдир. Яъни, Ўғузларга тегишли «нурнинг учкуни» деганидир. Липоксай сўзи изсиз кетгани йўқ. Бу сўз Липецк шахри номида мужассам.

Таргитайнинг иккинчи ўғлининг исми бўйича иш олиб борган эроншунос олим Абаевнинг фикрича, Арпоксайдаги биринчи уч харф «апр» бўлиб, ундаги «ап» эронча ўзакда «сув» ва осетинча «ра», арф «чукур», апра «сув чукурлиги»; хсая – шох; апра-хсая «сув шоҳи» [Абаев В.И., 1949, 189].

М.Закиев хулосаси: Арпа – дон экини, оксой – муқаддас уруғ, олийжаноб уруғ. Туркий этимология бўйича Арпаксай «деҳқонлар қабиласи бошлиғи».

Менинг фикримча, Таргитайнинг иккинчи ўғли Арпаксай исмидаги АРПА дон экини эмас. Бу Алп+ЭР қўшма сўзининг кейинчалик ихчамлашуvidан пайдо бўлиб, АЛП+ЭР+ОКС+АЙ сўзларидан яхлит бир исм пайдо бўлганини билдиради. Бунда АлпЭр – Ботир жангчи маъносидадир.

Фасмер ва Абаевларнинг фикрича Колаксай сўзининг иккинчи қисмидаги Хсай – «ярқираш, ҳокимлик қилиш», осетин тилида «хсарт» – «жасорат», хсиня – княгиня, хсед- тонг ва ҳоказо. Сўзнинг биринчи қисми «Кол», балки қадимги эрончасига хвар-хшаита «куёш»дир [Абаев В.И., 1949, 189].

Скиф-эрон назарийтчилари баъзан бу сўзни форсча Сколахшай дейишиб, Колоксойни скол (сколот)/скифлар – форс шоҳлари қабиласи бошлиғи дейишади [Доватур А.И., 1982, 207—208].

М.Закиев эса қуйидагича фикр юритади: турк тили этимологияси бўйича Колоксай, қўли- оқ-сой «қўллари оқ, муқаддас қабила» ёки иккинчи фараз «кола»-қалъа-шаҳар-пойтахтни англатиб, бу сўз ўшанда арабчадан олинган бўлиши мумкин.

Колоксайдаги «ҚОЛ» устоз айтганларидек, ҚЎЛ эмас, ёнимда қол, ўрнашиб қолганлар маъносини берувчи «ҚОЛ» сўзидан пайдо бўлиб, ўрнашиб қолган Ўғузлар маъносини беради. Бу қабила ҳозирги кунда халқ даражасига етди. Улар ҳозирги Россиядаги Қалмоқлардир. Чунки, Геродот айтиши шу жуғрофий манзилларда бўлган. Лотин ва Европа тилларидаги КОЛЛЕКЦИЯ – тўплаш, йиғиш сўзи ҳам, айнан «КОЛОКС» – қолиш, тўпланиш сўзларининг бироз ўзгарган шаклидир!!!.

Бу исмнинг бироз ўзгарган шакли ҳозир ҳам инглизларда мавжуд. Ҳаммамизга таниш КОЛГЕЙТ тиш пастаси бор. Интернет

саҳифаларида эълон қилинган қуйидаги хабар менда қатъий фикр ўйғотди:

Бўш вақтида кичкина ресторанда ишловчи Кент графлиги, Дил шаҳрида яшовчи 18 ёшли Флоренс Колгейт «Британиянинг энг гўзал чехраси» танловида ғолиб чиқди. У теледастурга ўз фотосуратини юборади ва жамоатчиликнинг энг кўп овозини олади.

Мана шу КОЛГЕЙТ – қадимги туркий тилдаги ҚОЛҒУТ – ҚОЛҒИТ, ҚОЛҒИЗ-ҚОЛЎҒУЗ-ку! Бундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, Америкалик машҳур миллиардер ГЕЙТСнинг ҳам насл-насаби подшоҳларга бориб тақалар экан.

Кейинчалик Қол сўзига Олон сўзи қўшилиб, ОЛ ўзаги бирлашуви натижасида ҳарбий бирлашма – КОЛОННА, маълум маъмурий ҳудуд эса КОЛОНИЯ, колонияларни бўйсундирганлар КОЛОНИЗАТОР деб атала бошлаган. Консул сўзиям шу маънодан келиб чиқади.

Англияда Кент графлиги борлиги ҳақида тўхталиб ўтдик. Мен юқорида КЕНТ сўзи туркий ҚЎНТ европада эса ҚОНТдан пайдо бўлганини мисол келтирдим. Қирғизистонда ҚОНТ номли аэропорт бор. Бу сўзнинг бирликдаги шакли ҚЎН бўлиб, бирон нарсаларнинг тўпланган жойи, яъни КОН дейилиши ҳам туркий сўздир.

Юқорида айтилганидек, Геродот даврида САКларнинг тили аввалбошда скифча бўлган, кейин тиллар ажралган. Аммо, баъзи қадимги туркий сўзлар ҳозирги Европа халқларида ҳам талаффуз, ҳам маъно жиҳатидан қисман ўзгарган шаклида турганини кўришимиз мумкин. Масалан, лотинчада, мамлакатлар, халқлар жойлашган ер – ҚИТЪА сўзи КОНТИНЕНТ дейилади. Бу сўз иккита КОНТ ва ИНЕНТ сўзларидан ташкил топиб, КОНТнинг талаффузи ҳам, маъноси ҳам эски ҳолича турибди.

Қисқача йиғилиш - КОНФЕРЕНЦИЯ, КОНСИЛУМ дейилади. Бу сўзлардаги КОН туркийча – ҚЎНИШ сўздан келиб чиқади. Ҳозир ҳам баъзи вилоятларда маслаҳатлашиб, бирон бир ҳулосага келиш кераклигини, “келинг шу масалада бир фикрга қўнайлик” деган жумла ишлатилади. Русча ишнинг якунини билдирувчи КОНЕЦ сўзиям аслида ҚЎНИШ, КОНИС-КОНЕЦ дир. Бу руйхатни Конгресс, Конституция ва ҳоказолар билан давом эттириш мумкин.

Савдо дўкони, кичик бозор инглиз тилида – МАРКЕТ дейилади. Бу сўздаги КЕТ, аввалги КЕНТдан Н товуши тушиши оқибатида ҳосил бўлганини кузатиш мумкин.

Шундай қилиб, Геродот афсоналарида айтилган барча сўзлар: Таргитай, Липоксай, Арпаксай, Колоксайнинг барчаси қадимги туркий сўзлар бўлиб, Европа халқлари этноним ва топонимларида учрайдиган ОЙ, АЙ, ГУЗ, ОКС, ГОТ, ГЕТ, ГЕЙТ, КАНлар ҳам Ўғузлар скифлардир.

III. БОБ. «ОҚ ИЛОН»нинг авлодлари

Асаримизнинг II бобида, скиф-сарматлар масаласини ўрганиш учун 1725 йилда Петербург фанлар Академиясига Германиядан чақирилган олмон олими Готлиб Зигфрид Байернинг скифлар – эстлар ва литлар эканлиги ҳақидаги фикрини яна бир бор эслаб ўтсак:

«–Скифлар Осиёдан келган халқлар; славянлар - автохтон халқ, шунинг учун скифлар славян эмас».

Унинг фикрича скифларнинг авлоди финлар ва ливлар, эстлардир [Нейхардт А.А., 1982, 12]».

Эстлар деганда, Нейхардт, ҳозирги эстонларни назарда тутаетганлиги тушунарли. Эстон сўзи билан Ўзбекистон сўзидаги иккинчи ва учинчи бўғинлар - ИСТОН ҳамоҳанглигини қаранг. Англияда Астон деган топоним бор. Туркияда Истанбулда Ис, Қирғиз эпоси Манасда ҳам Ас ўзаги бор. Мана шу Ис, Ас, Эс бўғинлари асида битта этноним Ўз, тўғрироғи Ўғузни билдиришини инобатга олсак, жаноб Нейхардт Эстларни скифлар қаторига қўшаётганлиги тўғри эканлигига амин бўламиз. Шу ўринда ИСТОНдаги «Т» товуши кўпайтириш ролини бажармоқда. ТОН деганда ЛОНнинг кўплиги тушунилиши керак. Масалан, КЎРК, унинг кўплиги ТЎРК-ТУРК. Шу сабабли ҳозирги ИСЛАНДИЯ сўзидаги ИСЛАН сўзи классик вариантда турибди. Бу сўз Ўғузлар ва Оқ илонлар, умуман эса скифлар маконини англатади. **Умум байналминал сўз СТАНЦИЯ (қўналға) сўзиям ИСТОН сўзининг шаклан ўзгаришидан пайдо бўлган.**

Ирландия, Шотландия, Голландия, Финляндия сўзларидаги «ЛАНД» нимани билдиради?

Агар бу сўз ҳам асида туркий сўз эканлигини айтсак, Ўғузхондан Европада қолган мерослардан бири эканлигига амин бўламиз.

Бизда бу сўз классик вариантда Ўғлон сўзида бор. Европа халқларидаги Аполлон ҳам асида Алп Ўғлон деган фикр бор. Энди яна бир ўзбек топонимдаги ЛАНга эътибор беринг – ГУРЛАН.

Бу ерда «ГУР» Нурни билдиради. «Лан»чи? Лан «АланҚува» момомиз исмидаги Алан, тўғрироғи ОҚ ИЛОН қабиласининг исмидан келиб чиқади. Аланлар скифлар эканлигини милод бошида яшаган яхудий олими И.Флавий ҳам ёзган (И.Флавий

“Яхудийлар уруши”, VII китоб, 7-боб, 4-хатбоши). Шунда биз туркий топонимлар Олман Ота –Олма Ота, Олман-Лиқ – Олмалик сўзларини, Гурлан эса АланҚува сўзи билан бир хил эканлиги ҳақида фикр юритишимиз мумкин. Руслардаги Свет+Лана сўзиям шу маънодалигига эътибор беринг. Худди шу маънодаги сўзлар бошқа миллатлар тилида ҳам бўлиши мумкин. Балким, Аланқува момо Гурланлик бўлгандир?

Европадаги Германияни Олмония ҳам деймиз. Алан, Аллан деган исмлар уларда жуда кўп. Европа давлатлари тилларида давлатни, заминни англатувчи «Ланд», ер қаърини англатувчи «ЛОНО» ҳам аслида, Аланқува ривоятидаги АЛАН («Оқ Илон») сўздан олинган десак, «ЛАНД»даги «Д» товуши аввал «Т» бўлганини кўрсатиб, муқим яшаётган Оқ илон қабиласи одамларини билдирган масалан, ЛОНдон, Испаниядаги автоном вилоят КатАЛОНИЯ (туркийча ҒАТ-АЛОНИЯ европада Католон деб талаффуз қилинса, шарқда сал ўзгарган шаклда хусусан ХАТЛОН (Тожикистондаги вилоят номи) сифатида талаффуз қилинади. Айтмоқчи Каталония пойтахти Барселона ҳам БАРС ва Илон сўзларидан ташкил топганлигини кўришимиз мумкин.

Бу фикрни далиллаш учун қуйидаги мисолни келтираман. Умум ифодада бўлган «МАРКЕТ» сўзи асли «МАРКЕНТ» бўлгани ҳақида фикр билдиргандим. Мана шунга ўхшаш ҳолатни «ЛАНТ» сўзида ҳам кузатамиз ва «ЛАТ» сўзига дуч келаемиз. Бу ҳозирги Латиш сўзидаги «ЛАТ»дир. Шунинг учун ҳам германлар билан латишларнинг ўзаро қариндошлиги тўғри. Уларнинг қадимги қариндошлари, биздаги, тўғрироғи Тошкентдаги ОЛЛОН маҳалласида ҳам бор. Янги Зеландия сўзига эътибор беринг, Лотин Америкаси хиндулари тилида Зелан – Илонни билдириши фанда маълум. Шу ўринда «ЛОТИН» сўзидаги «ЛОТ» ҳам ИЛОНЛАР бўлиб чиқади. АТЛАНТИДА афсонасини ёдга олинг. Бу сув қаърига «шўнғиган» мамлакат аҳолиси ўта бақувват АТЛАНТ бўлган эмиш. «Т» товуши кучайтиришини инобатга олиб АТЛАНТ – АЛПЛАНТдан келиб чиққан дейишимиз мумкин. Бу ерда АТ сўзи халқ номи бўлиб, Қуръондаги ОД қавми (ўта бақувват кишилар бўлган) айнан шулар. Наҳотки, Одам отамиз билан Ҳавво онамизни жаннатдан тушишига сабабчи бўлган Илонга шунча ҳурмат ва эътибор кўрсатамиз-а!

Аммо, бундай ҳурматга асос бор экан. Бўлгандаям жуда катта асос экан.

Халқ кўшиқларидан бирида:

«Оқ илон, оппоқ илон, ойдинда ётганинг қани?

Мени-ку ёмон дединг, яхшини топганинг қани?» - дейилади.

Бу ерда оқ илон ёр тимсолида тилга олинаётганлигига эътибор беринг.

Яна бир гап. Фарғона вилоятида топилган жуда қадимги, инсоният Жез даври (мил. ав. 6—4-асрлар)га оид иккита илон тасвири туширилган тумор нимани англатаркин?

Аланкува (Алан-Оқ илон) момомиз нурдан туккан фарзандлари ҳақидаги ривоят бошқа дostonларимизда ҳам из қолдирган экан. Тўғрироғи, ўчмас из қолдирган десак тўғри бўлади. Ҳатто, Аланкува момонинг қайси қабилага тегишли эканлиги туркий дostonларимизда бор. Ҳа, худди шундай! Бу исм юртимизга ислом дини келишидан ҳам анча аввал яратилган дostonларимиз «Алпомиш» дostonидаги Алпомишнинг, «Гўрўғли» дostonидаги Гўрўғлининг ҳомийси, Қуръондаги Мусо пайғамбар қидирган Ҳазрати Хизр бўлиб чиқмоқда!

Эътиборингизни таниқли фольклоршунос олимимиз Ш.Турдимовнинг тадқиқотларига қаратсак:

« ...Халқ қахрамонлари – Гўрўғли ва Алпомишларнинг бош ҳомийси Хизр эканлиги маълум. Айни пайтда, Хизр барча сўфийларнинг пиру комили ҳисобланади. Ушбу талқин ва умумийликлар биринчи навбатда халқнинг мукамал инсон билан боғлиқ умум тасаввурларига асосланади. Чунки, алп жисмонан бақувват бўлиш баробарида руҳан камолотга эришуви шарт. Худди шунингдек, руҳий баркамоллик ҳам жисмоний чиниқишни талаб этади.

Иккинчидан, алп образига реал асос бўлган барча тарихий шахслар ўз имконидаги жисмоний чиниқиш дастурини уйғотиш баробарида руҳий жиҳатдан ҳам юксак мақомга кўтарилганлар.

Сўфийлар эса руҳий тарбия билан жисмоний қувватларини баробар ривожлантирганлар (Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг «Дил ба ёру, даст ба кор» – «Кўлинг ишда бўлсин-у (жисмоний қувват), қалбинг Ёр – Оллоҳда бўлсин» деган ҳикматли сўзларини эсланг).

Тадқиқотимизнинг ушбу бобида кўриб чиқилган масалалар юзасидан қуйидаги умумий хулосаларга келиш мумкин:

–достон («Гўрўғли»-А.Ш)даги «алплик касали», «алпнинг кайта яратилиши» ва «алпнинг тан олиниши» билан боғлиқ сюжет халқлари, эпос сюжетининг илк қатламига тааллуқли бўлиб, бевосита анимистик дунёқарашлар асосида шаклланган ҳамда алплик тизимининг таянч бўғинларидан ҳисобланади;

–достон сюжети ва талқинида алплик тизимининг мавжудлиги унинг қаҳрамонлик эпосига мансублигини аниқлашда таянч мезонлардан ҳисобланади;

–«Гўрўғли» туркумига кирувчи Гўрўғлининг туғилиши, болалиги, ор олиши ва ғойиб бўлишини ҳикоя қилувчи намуналарни қаҳрамонлик достони сифатида олиш ушбу асосга ҳам таянади.

Эпосда қаҳрамонни ҳар қандай шароитда, ҳар жиҳатдан қўллаб қувватлаб, ёрдам берувчи ғайритабиий қудратга эга куч – эпик ҳомий ҳисобланади. Гўрўғлининг ҳомийси ким? Саволга бевосита достоннинг ўзидан жавоб ахтарайлик. «Гўрўғли»нинг барча достонлари (туркий халқлар, турли бахшилар айтган достонлар назарда тутилмоқда –А.Ш.)да қаҳрамон тилидан айтилувчи қуйидаги мурожаатларга тез-тез дуч келамиз:

«...Ғойиб эран пирим, қўлланг кирқ чилтон» (9.–Б.31.)

Ёки Гўрўғли Ҳасанхонга мурожаат қилиб айтади:

«...Менинг пирим Ҳасан, ғойиб эранлар,

Йиқилган, суринган кишига раҳбар» (9.–Б.43).

Достоннинг туркман версиясида ҳомийлар ҳақида гапирилганда, «эранлар», аниқ айтилганда эса Хизр, Чилтон, Қамбар, баъзи ўринларда Ҳазрати Али эсланади. Бу ўринда дастлаб «ғойиб эран» ёки «эран» атамасининг маъносига аниқлик киритиш лозим.

Этнограф М.С.Андреев «Ғойиб эран» бирикмасини «эран» ва «ёрон» сўзлари ўртасидаги фонетик уйғунликка таяниб, бу атама «шак-шубҳасиз форсча – «ғайб яран» бирикмаси асосида пайдо бўлган», деб узил-кесил хулоса чиқаради (45.–Б.340).

(Бу жумлада шуниси қизиқки, ЁРни "ЯР" сифатида талаффуз қилиш туркий қавмларда ҳам бор. Масалан, Қашқадарё вилояти Қамаш туманидаги ЁРТЕПА қишлоғини маҳаллий аҳоли ЯРТЕПА, шу вилоят Ғузор туманидаги Ёргунчи қишлоғини ЯРҒУНЧИ сифатида талаффуз қилади - А.Ш).

«Ғойиб эран» ёки «эран» атамаси асосан туркий халқлар ўртасида кенг қўлланилиши бу этимологияга шубҳа билан

карашимизга сабаб бўлди. Хусусан, эроний тиллар таъсиридан узок бўлган тува ва ёкут тилларида ҳам бу сўз фаолдир. Жумладан, туваликлар жамийки руҳларга «эран» дейишади (103.–С.23). «Эр»нинг «муқаддас илоҳ» маъноси бошқа туркий халқлар ўртасида ҳам кенг қўлланилиши ҳақида Мирали Сейидов ҳам ёзган (155.–Б.107). **«Эр», «эран» атамаси «Гўрўғли» дostonларида ҳам умумлашма «Муқаддас рух» маъносида англашилади.** Масалан, дostonнинг туркман версиясида Гўрўғли ҳақида гап кетар экан, «Эр нафси (нафаси-А.Ш) билан дўраган (тўраган, туғилган –А.Ш) ўғлон» дейилади. Ўзбек «Гўрўғли» дostonларида эр асосан, Хизрга эпитет сифатида келади. Хизр ва бошқа ҳомий руҳлар умумлаштирилиб айтилса, «эран», «ғойиб эран» атамалари ишлатилади. Демак, «эран» сўзи соф туркий асосли бўлиб, «ҳомий рух» маъносига эга.

«Гўрўғли» дostonларида қаҳрамонни доимо қўллаб турувчи, у билан ҳамиша ҳамқадам юрувчи «эран» – Хизр...

Дostonда Хизр ҳар қандай шароитда, ҳар қандай жойда қаҳрамонга ёрдам берувчи оқ соқолли, кизил юзли, оппоқ кийимлик чол сиймосида тасвирланади. Қаҳрамон ёнида турса бошқалар кўрмаслиги мумкин. Баъзан Хизр бажарган ишларни ҳам қаҳрамон амалга оширди, деб ўйлашади. Ҳатто Хизрнинг кўпчилик хатти-ҳаракатлари қаҳрамонга ҳам сирли. Хизр чилтонларга ва бошқа ҳомий руҳларга раҳбарлик қилади. Уларни қаҳрамонга ёрдам беришга буюриб, бошқариб туради. Дostonда Хизр бевосита иштирок этган тасвирлардан ташқари, халқ ўртасида Хизр билан боғлиқ анъанавий тасаввурлар ҳам қаҳрамон тилидан баён этилган ўринлар мавжуд, бу фактлар ҳам Хизр образини тўлақонли тиклашда муҳим аҳамиятга эга.

...Ўзбек фольклоршунослигида баён этилган ушбу фикр ва мулоҳазаларни назарда тутган ҳолда биз ўз ишимизда озарбойжон фольклоршуноси М.Сейидовнинг Хизр образи ҳақидаги қарашларига алоҳида эътибор қаратишни лозим топдик. Чунки, М.Сейидов Хизр образининг туб илдизларига бирмунча теранроқ кириб борган. М.Сейидов «Қам (шомон) ва ундан-да қадимий дунёқарашлар билан боғлиқ бўлмиш Хизрни биргина номланишидаги уйғунликка асосланиб араб мифологиясига тааллуқли деб билиш илмий адолатсизлик ва ҳақиқатга зид боришдир» (154.–Б.103), деб чиқарган хулосасини Хизр сўзининг

этимологик талқини ва умумтуркий тасаввурлар орқали исботлаб беради.

Олим «Хизр» сўзини икки қисмдан «хыз» ва «ыр» (эр) сўзларидан иборат деб кўрсатади ва ҳар икки сўзни ҳам умумтуркий асосда, яъни «хыз» – «иссиқлик», «қизимок», «қувват», «ўт» (олов) маънолари (демак, ўзбек тилида ҳозирда истеъмолда бўлган «қизил» сифати, «қизиди» феъли, «қизар» равишдоши «қизарди» феъли ҳам, аввал нурни англатган-А.Ш.), «ыр» эса бир жиҳатдан келаси замон феълининг қўшимчаси бўлса, иккинчи томондан «киши», «йигит», «хурматли», «муқаддас илоҳ» маъноларига эга мустақил сўзлар деб қарайди (154.–Б.107). Сўнгги фикрга биз тўлиқ қўшилаемиз. Ҳақиқатан ҳам «эр», «эран» сўзларининг «илоҳ»–муқаддас руҳ маъноларига эгалигини ўзбек, туркман, тува, хакас тили материаллари ҳам тасдиқлайди» (Ш.Турдимов. «Гўрўғли» дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. Тошкент-2011. «Фан» нашриёти 39-59-бетлар).

Олимимиз Ш.Турдимовнинг айтишларича, Ҳазрати Хизр, кадимги туркий халқлар эпосларида ОҚ ИЛОН тимсолида ҳам намоён бўлади.

Бу масалада ХИЗРни нур эканлиги тўғри, шу билан бирга Нур осмондан тушишини этиборга олиб, унинг қиёфасини бошқаларга тушунарлироқ ифода этиш учун бахшилар ОҚ ИЛОН сўз бирикмасини қўллаганлигини айтиш мумкин. Шунинг учун осмондан тушаётган «Узунчоқ нур» шакли ерда юрган «ОҚ ИЛОН»га ўхшатиб бахшилар томонидан куйланганлиги мантиқан асосли кўринади.

Чунки, бахши киши шоирдан фаркли ўларок, кўпам ўз достонига бадий ифода қидириб ўтиришни эп билмайди. Ш.Турдимов ўз асарида Қамайлик бахши Ҳазраткул Худойқулов «Алпомиш» достонини ижро этар экан, чўккалаб ётган туяни, замонавий тингловчига мослаб «ковуши йўқ экскаватор»га менгзаб куйлаганлигини айтиб ўтади (Ш.Турдимов. «Гўрўғли» дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. Тошкент-2011. «Фан» нашриёти 12-бет). Шунинг учун Республикамиздаги Нурота топоними айнан ХИЗР, яъни Гўрўғлининг отаси сўзининг синоними эканлигини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Шунингдек, ОҚ ИЛОН – НУРНИ англатиши билан биргаликда бойлик, бахт-саодат тимсоли ҳам ҳисобланади. Айтмоқчи, ёкут тилида «ЫЛАН» - нурафшон кун маъносини ҳам

бераркан (Э.К.Пекарский «Словарь якутского языка» 3-том, 3779-бет. Петроград -1917 йил).

Ланд – илонлар маъносини берса, Шотландия – Готландия бўлиб чиқади. Унда Ирландиячи? Бу ЭР+ИЛОНЛАР маъносини беради. Бу хулоса, олимимиз Ш.Турдимов тадқиқотлари хулосаси тўғри эканлигини келтириб чиқаради. Яъни, узоқ шимолда яшовчи ёқут ва тува тилларида «ЭРАН» деганда, «Муқаддас рух» тушуниланган. Лекин, нега ЭРАН? Бу «эркак ҳомий рух» деганидир. Унинг исми юнонларда Геракл (Нур+Ақл), бизда эса Хизр (Хыз+Эр)дир. Шу ўринда савол туғилади «Юнон» сўзиям айнан ЙЫЛАНмикан ёки ЯНГ-ИЛОНМИКАН (ЁШ-ИЛОН)МИКАН? Тилда тилсим ҳали қўп чоғи.

Демак, илоннинг эркаги бўлгач, аёлиям бўлади-да. Фарғона вилоятидан топилган юқорида тилга олганимиз Жез даврига оид иккита илон тасвири туширилган қадимги тумордаги илонларнинг бири эркак, бири аёл илон-да.

Унда аёл илоннинг номи нима дейилган экан? Менимча яна Абулғозий бобо айтган Аланқува момога бориб тақаламиз шекилли. Илоннинг аёли номи ОЙ+ИЛОН ёки Оқ Илон бўлиши керак. Менимча, Ойилон версияси тўғри. (Чингизхоннинг онаси, кунғирот қавми вакиласи исми ҳам Ойулун бўлгани ёдга тушгандир. А.Ш.). Нима учун? Қадимда, ҳаммага кўриниб турган Нур таратувчи икки сайёра борлигини ҳамма одам билган. Бири Куёш, бири Ой. Қадим аждодларимиз иккаласига ҳам топинганлар. Буларнинг бири эркакка, бири аёлга ўхшатилган бўлиши керак. Шунинг учун, кучли нур таратувчи-куёшдан тушадиган нур ЭРИЛОН, кучсизроғ - ойдан таралувчи нур ОЙИЛОН–АЙИЛОН–АЙЛОН–АЛАН–АЛОН деб аталиши мантиқан асосли кўринади.

Бундан ташқари ПАРИ сўзини қўллаганимизда, осмондан тушган Нурли, хурлиқо, малоика, аёл киши тушунилади. Фаришта деганда эса эркак тушунилади.

Шунинг учун ҳам халқимизда ота-она фарзандига «Оқ йўл!», «Оқ фотиҳа», «Ой бориб, омон кел» деган тилаклар айтганида «Нурли йўл», «Нурлар ҳамроҳ бўлсин» деган тилак бераётганлигини англаса бўлади.

II. ОСМОНДАГИ ВА ЕРДАГИ ОЙЛАР

Қадим аждодларимиз осмондаги ойга ҳам топинганлигини юқорида айтдик. Туркий ашина (Ашин-қадимги туркий тилда Бўри) қавми Бўри авлоди ҳисобланади. Ибн Сино бобомиз қишлоғи, қадимда айнан Ашина бўлиб, у киши туркий Бўри қавми вакили бўлганлиги ҳақида фанда фикр-мулоҳазалар бор.

Қадимги Хитой манбаларида Хитой чегараларида яшаган туркий Ашин уруғи ҳақида қуйидагича маълумотлар бор экан:

« – Турк қабиласининг ота-боболари Со салтанатига бориб тақалади. Бу салтанат Олтойнинг шимолида жойлашган эди. Қабила бошлиғи Абанбунинг ўн еттита укаси бор бўлиб, шулардан бири Ичасин Ишид “Бўри ўғли” деб ном олган эди. Со салтанати душманлар томонидан кунпоякун қилинди. Омон қолганлари тарқалиб кетдилар. Бўри ўғли жуда тадбиркор эди. Шу сабабли имконият топиб, уруғини қийин аҳволдан олиб чиқди. Унинг ўғилларидан бири Оққуш бўлиб, Абакан дарёси бўйларида ҳукмронлик қилди. Иккинчи ўғил эса Цигу салтанатига асос солди. Бу салтанат Кама дарёси бўйларида эди. Учинчи ўғли эса Чжучже дарёси бўйларида ҳукмронлик қилди. Катта ўғли эса Нудулу шад Ғарбий Саянга ўрнашди. Нудулу шаднинг ўнта хотини бўлган. Унинг ўғиллари онасининг қабиласи номини олдилар. Энг кичик хотиннинг ўғли Ашин эди. Нудулу шад вафот этганидан кейин тахтга биронтаси ўтириши керак эди. Шунда ака-укалар, кимки кучли ва эпчил бўлса, ўша уруғ йўлбошчиси бўлади, деб қарор қилдилар. Мусобақада Ашин ғалаба қилди. У Асян шад номини олиб, уруғ боши бўлди. Унинг вафотидан кейин эса ўғли Туу тахтга ўтирди. Туунинг ўғли Тумин (Бўмин) турк ҳоконлигига асос солди.

Тўба қабиласи Шимолий Хитойни босиб олди, у ердаги қабилалар орасида Ашиннинг беш юз оиласи бор эди. Шу пайтда Ашин уруғи хун ҳокими Муғанга қарам эди (Хунлар-туркийларнинг аждоди, бу давлатда бир қанча қабила-уруғлар бор эди). 439 йилда тўбалар хунлар устидан ғалаба қозонди. Шундан кейин хунларга тобе бўлган Ашиннинг беш юз қабиласи жужанлар хузурига қочиб борди. Олтой тоғларининг жанубида ўрнашиб, жужанларга темир казиб бера бошладилар.

Ашин уруғи қаерда, кимнинг ҳукмронлиги остида бўлмасин, ўзларининг тилини сақлади. Тўбалар сингари тилини йўқотмадилар.

Ҳатто шу кичкина уруғнинг урф-одати бошқа қабилаларга таъсир килди.

Хитойлар ўзларига тобе бўлган Ашин қабиласини ТУ-кю деб атаганлар. Хитойча Ашина ҳам дейилади. П.Пельо бу сўзни «турк-ют» (яъни туркийлар) деб изоҳлаган. Турк атамаси кучли, мустаҳкам демакдир. Ашина эса бўри дегани. Туркийча бўри мўғулча шоно, чино дейилади, “а” қўшимчаси хитойча ҳурмат маъносини билдиради. Бундан хулоса чиқадики, Ашина-ҳимматли, мард бўри деган маънодадир.

Қадимги Хитой муаллифлари туркий хон ва бўри сўзини маънодош деб қараганлар. Шунинг учун бири ўрнида иккинчисини қўллайверганлар. Уларнинг Марказий Осиёдаги мавқеи баланд эди. Ҳатто сянбий маликаси ўз эри Шабوليو хонни бекорга “Бўри феъл атвориға эға бўлган хон”, деб айтмаган эди.

Бўри ҳақидаги тасаввур Ашин уруғининг ҳамма томонига кириб борган. Ашин қабиласи байроғида бўри калласининг олтин тасвири туширилган. Ашин қабиласи бирор жойга келиб ўрнашгандан кейин, ўз ҳудудини чегаралаб олган ва дарвоза ўрнатган. Дарвозанинг кираверишига бўри калласи тасвири туширилган байроқни илиб қўйганлар. Бу билан бўри авлодлари эканлиги эслатиб турилган. (Насимхон Раҳмон “Турк ҳоконлиги” Тошкент Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Т.-1993 йил., 42-44 - бетлар) ».

Ой номи билан аталувчи ўзбек уруғлари ҳам бор, албатта. Улар: Сарой; Лақай (аслида Лик+Ой); Чиной.

«ОЙ» сўзи этноним. Ушбу этноним Ўғузхоннинг отаси Ойга бориб ҳам тақаладимикин ёки бошқа яна бир умумий шунга ўхшаш исм бўлиши мумкинми?

Бор экан! Нух пайғамбар отамиз европа тилларида НОЙ-ку!

Нух отамизнинг катта ўғиллари исми Ёфас. Бу албатта, арабча талаффуз. Туркийда бу сўз нима бўлиши мумкин? Эсланг, ривоятга кўра Нух алайҳиссалом ухлаб ётганларида, кийимлари очилиб авратлари кўриниб қолади. Шунда ўртанча ўғиллари Ҳом отасини мазах қилиб кулса, Сом танаси билан уят жойни бекитади, Ёфас эса Ҳомни тарсакилайди. Шовқиндан уйғонган Нух алайҳиссалом Ҳомни рангини қорага бўяб Ҳиндистонга, Ёфасни эса шимолга, совуқ ўлкага ҳайдаб юборади. Бизга маълумки Ёфас, Нух отанинг катта ўғиллари бўлиб отамиз Турк у кишининг тўнғичидир. Ёфас сўзи бизнинг тилимизда совуқни англатувчи ОЙ-АС, АЁЗдир

балким? Қорақалпоғистондаги Аёзқалъа, балким Ёфас шаҳридир?
Инглиз тилидаги АЙСБЕРГчи? Буям СОВУҚ+ҚОЯ-ку! Балким,
тилимиздаги Қорбобо, аслида Аёзбобо, бошқа мамлакатлар
халқларидаги совукни англлатувчи Қорбобо персонажи айнан ўша
Ёфас бобомизнинг прототипидир?

III. САРТ, САРМАТЛАР, САРЛАР КИМ? ЮЗ ЙИЛЛИК ЖУМБОҚ ЕЧИМИ

Сарт сўзини 19-асрда Фон Кауфман билан келган немис олимлари олиб келишган деган гоё ҳам фанда мавжуд.

Аслида улар “ўғуз” сўзини яна ерли халққа нисбатан қўлламоқчи бўлганлар. Бировлар уни ҳақорат сўзга ҳам айлантириб юборишган. Аслида немис олимларининг нияти холис бўлган. Улар нега бизни сарт деб атайдилар? Бу сўз “ўғуз” сўзига алоқаси йўқдай кўринади. Аммо, яхшилаб ўйлаб кўрилса 100 -120 йиллик жумбоқ ечилгандай кўринади.

Немис тарихчиси Шварц Р.фон 19 аср охирида 15 йил мобайнида юртимизда яшайди, ҳамда 1900 йилда Фрайбургда “Туркистон – хинд-герман халқларининг бешиги” номли асар ёзади.

Олим ўз асарида ерли халқни “сарт” дея унинг 2 хил маъноси борлигини айтади.

Биринчисида сарт – ўтроқлашган қўчманчини англатган.

Иккинчи маъноси жуда қадимги бўлиб, Птоломейда (милодий 2-аср) “сарартай”, “тарартай”, “ксатра” сўзларидан келиб чиққанлиги тахмин қилинади.

Шварцнинг ёзишича улар шим.Афғонистон, Хоразм, Қошғарияда яшашади ва уларнинг тили рус Туркистонида яшовчилар билан бир хил.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида сартнинг учинчи маъноси ҳам бор. Яъни, сарт– *ф.* < *санск.* sarthavaha – карвонбоши, савдогар.

Шварцнинг тадқиқотлари эса сарт сўзининг тўртинчи маъноси ҳам борлигини кидиришга ундайди.

Мен бу масалада қуйидагича, ўз нуктаи назаримни баён қиламан: Кауфман билан келган немис олимлари милоддан олдин яшаган **Курций Руф** Квинт (мил. 1—2-а.), **Страбон**(мил. ав. 64/63 — мил. 23/24 — юнон географи ва тарихчиси), **Плиний** (милодий 23-79 рим тарихчиси), **Птоломей** (милодий 2-аср, юнон олими), **Плутарх** (тахм. 46, — тахм. 127 — қад. юнон тарихчиси), **Арриан** Флавий (тахм. 95 — 175 й.лар ўртаси — Рим тарихчиси ва ёзувчиси) ва **Диодор** (Сицилиялик (мил.ав. тахм. 90—21 — юнон тарихчиси)нинг юртимиз тарихига оид асарларини ўрганишган, Александр Македонский ҳақида тарих ёзган юнон ва рим олимлари – “Оксиарт” сўзи исм бўлиб, у Окс дарёси бўйида яшовчи қабила

бошлиғи эканлигини ва йўлбошчисининг исми айрим шохобчаларига ном бўлиб ўтганлиги ҳақидаги Диодорнинг гапини унутмаганлар.

Аммо, немис олимлари бизни ўғузлар деб атамоқчи бўлишиб, қадимги грек манбаларидаги “Оксиарт”ни “Ак” “сарт” – Оқ сарт маъносини берса керак деб бизларни барчамизни “сартлар” деб атайдилар.

Чунки, улар келган пайтда ерли халқ истеъмолида юнон олимлари пайтидаги “Окс”, “Оксиарт”, “Оксиана” сўзлари йўқ эди. Немис олимлари ўз ниятларини аниқ, лўнда баён қилолмаган, тўғрироғи иккиланган бўлишлари керак.

Чор амалдорлари ва бошқалар “сарт” сўзини “илиб” олиб, ўзларича турли тахмин ва ҳақоратомуз тушунчаларни илгари сурадилар.

Шунинг учун бизнинг зиёлилар сарт сўзини ҳазм қилолмади, масалан М.Бехбудий 1915 йилда “Ойна” журналининг 22,23,25,26 – сонларида Туркистон халқини ўз номи билан атамоқ лозимлигини талаб қилиб «Сарт сўзи мажхул(номаълум)дур» деган мақолани эълон қилдиради.

Ушбу мулоҳазалар билан мен 2010 йилда «Ўзбек» атамасининг келиб чиқиши ҳақида рисолача ёзгандим. Сарт сўзининг келиб чиқиши ҳақида янада қизиқарлироқ, ишончлироқ хулосага келишимга яна уч йил бор эди.

Сар ва Сари сўзлари ҳам этноним ва топонимларда кўп учратишимиз мумкин.

Сари – сараланган, танланган, энг зўри маъносини олган.

Масалан, Ўзбек тилининг изоҳли луғатида унинг қуйидаги талқинини кузатамиз:

САРИ – энг яхши, сара. *[Гўрўғли] Ғирқўкка қамчи бериб, аждаҳога қўндаланг бўлиб, сари ёй билан отиб, қилич билан чопиб ташлаб, катта Мастонни бир ўлимдан аййириб юборган жойи бор эди. «Хушкелди».*

Геродот ҳам массагетлар билан бирга саранги қабиласини тилга олади. Мисол учун Геродот Тарих асари III китоби, 117-бобида ёзади:

– «Осиёда тоғ тизмаси билан ўралган текислик бор. Ўша тоғ тизмасининг эса бешта дараси бор. Хоразмий, гиркан, парпи, саранги, фаманай халқларининг чегараларида жойлашган»...

Эътибор берган бўлсангиз, Геродот парпилар билан сарангини ёнма-ён келтиряпти. Ҳозирги туркманларда ҳам сари қабиласи бор. Сари номли қабилалар ўзбек, қозок, қирғизларда ҳам учрайди.

Мана шунда «Алпомиш» достонидаги Бойбўрининг укаси, Алпомишнинг севгилиси Барчиннинг отаси – Бойсари - Бойларнинг энг яхшиси бўлса, Бойбўри – Бойларнинг ботири бўлганлиги мантиқан тўғри бўлиб чиқади.

Энди Сар сўзи билан боғлиқ Миллий Энциклопедиямиздан жой олган дунёдаги гидроним, этноним, топонимларга эътибор беринг:

Сарваксой (Сардак, Мишик) — Наманган вилоятининг ғарбидаги сой.

Сарвонтепа — илк темир даврига оид археологик ёдгорлик. Андижоннинг шимолий-ғарбий қисмида, Эски шаҳарнинг Тутзор ва Сужоат кўчалари кесишган ерда жойлашган... Археологик илмий тадқиқотларга кўра, Сарвонтепа қадимда катта бўлган, аниқланган чегараси бўйича ҳозирги майдони 1 га боради. Сарвонтепа илк темир даврига (мил. ав. 6—4-асрлар) тааллуқли бўлиб фанда биринчи топилган ёдгорлик номи билан аталувчи Эйлатон маданияти мажмуиға қиради.

Сарахс

Сарахс — Туркменистондаги Тажан дарёси водийсида жойлашган шаҳарча. Қадимий Сарахс шаҳар харобаси мил. ав. 1-минг йилликка оид.

Саразм

Саразм – Зарафшон водийсининг *энеолит* ва илк *жез даврига* оид қадимий деҳқончилик маданиятига тегишли археологик ёдгорлик... Археологик тадқиқот натижаларига қараганда, Саразм Зарафшон водийсининг энг қадимий бобо деҳқонлари маскани бўлиб, бу жойда ҳаёт энеолитнинг ривожланган босқичидан то илк жез даврига қадар (яқин 1,5 минг йил) давом этган.

Саргодха, Саргода - Покистоннинг шимолий-шарқий қисмидаги шаҳар, Панжоб вилоятида, Қуйи Жалам канали бўйида.

Саргон II – *Оссурия* подшоҳи (милоддан аввалги 722—705). (Балким унинг исми Сархон бўлгандир-А.Ш.) Салманасар V тахтдан ағдарилгач, ҳокимият тепасига келган. Ўз сиёсатида қохинлар ҳамда Оссурия ва Бобилнинг имтиёзли шаҳарлари манфаатларини ҳарбийлар манфаати б-н уйғунлаштиришга ҳаракат қилган. Исроил (722) ва Сурияни босиб олган (Қархемишнинг эгалланиши, 717); 714 й. *Урарту* подшоҳи Руса I ни тор-мор

этган, Кичик Осиё ярим оролининг шарқидаги, шунингдек, Мидиядаги бир қанча вилоятларни босиб олган; 710—709 йилларда Бобилни эгаллаган.

Сард тили — роман тилларидан бири. Сардиния ороли ва унга яқин бошқа оролларда тарқалган. 1,5 млн.дан ортиқ киши сўзлашади. XI—XIV асрларда Сардиниянинг расмий тили бўлган. XX асрда оддий сўзлашув тили, матбуот ва шеърият тили сифатида қўлланади. (С.т. да бадий наср яратилмаган). Сард тили энг қад. роман тилларидан бўлиб, у кўпроқ итальян тилининг жан. лаҳжаларига яқин туради. Ўз навбатида, бир неча лаҳжалари бор. Фонетик ва морфологик жиҳатлари билан бошқа роман тилларидан бирмунча фарқ қилади. Лексикасида каталан, испан ва итальян тилларининг таъсири сезилади. Сард тили ягона адабий тил меъёрига эга эмас. Ёзуви латин графикасига асосланган. Ундаги илк матнлар XI асрга мансуб.

Сарди (Туркиядаги ҳоз. Сарт қишлоғи) — қадимги шаҳар. Лидия давлатининг пойтахти (мил. аввалги VII аср боши — 546 й.). Подшоҳ Крез даврида равақ топган. 546 й. ахоманийлар томонидан босиб олинган. 1402 й. Амир Темур забт этган. Археологик қазилар (XX а.) натижасида Артемисий ибодатхонаси ва некрополь аниқланган; қадимий битиклар (Мидия тилида) чиққан.

Сардиния қироллиги (Пьемонт) — Италияда мавжуд бўлган давлат (1720—1861). *Савойя герцоглиги*га Сардиния о.ни қўшилиши б-н барпо этилган. С.қ.ни Савойя сулоласи бошқарган. Парчаланган Италияни XIX асрда бирлаштириш жараёни Сардиния қироллиги негизида содир бўлган.

Геродот айтмаган, лекин ундан кейин юнон ва рим олимлари, XVIII-XIX асрларда Европа олимларининг аксарият кўпчилиги айтган САРМАТ сўзидаги САР баъзи олимлар айтганидек форсча САР-БОШми ёки туркийча САРИҚми ёхуд яна бирон бошқа маънодами? Энди шу ҳақда фикр юритсак.

Туркий халқларда Сармон, Сарахон, Сарибой, Сарибек, Сармишсой, Бойсари исмлари, русларда Сарухан исми бор.

САРКОР, САРДОР, САРОСИМА, САРСАРИ, САРАНЖОМ, САРИШТА каби асл ўзаги форсча деб ҳисобланувчи сўзлар бор.

Совет ҳукмронлиги йилларидаги тарих китобларида Сарбадорлар кўзғолони ҳақида ўқиганимизда, Сар+БА+Дор дегани – «ўз бошини дорга тикишга тайёр кишилар» деб ўқиганмиз. Бир

қарашда ушбу ҳаракат номи жуда ватанпарвар шиорга асослангандек кўринади.

Аммо, қайси етакчи, ўз бошини дорга тикилишини билган ҳолда жангга отланади ва бошқаларни ҳам ўзига эргаштириши мумкин? Одатда ҳарбий шиорлар: босқинчиларга ўлим! Фашистларга ўлим! Империалистларга ўлим! ва ҳоказо бўлади. Бу ерда ҳам мазкур шиор “САРни ДОРга, яъни Бошни дорга эмас, САРИ(ҳарбий кишини)ни дейилиши тўғрироқ бўларди.

Мустақилликдан сўнг тарихчиларимиз Сарбадор сўзини бошқача талқин қилганлигини кўрамиз. Мисол учун бу ҳақда Миллий энциклопедиямизда шундай дейилади:

Сарбадор – мўғуллар зулмига қарши халқ кўзғолони қатнашчилари. Кўзғолонга кенг халқ оммаси — зироатчи, ҳунарманд, зиёли, майда ер эгалари, камбағаллар иштирок этишган. 1337 й. Сабзавор вазири (ҳокими)нинг жияни Боштин қишлоғига келиб, аҳолидан шароб ва паричеҳралар талаб қилди. Шу кечаси уни қўлга олиб ўлдирдилар. Тонг отгач, Боштин қишлоғи чеккасида дор тикдилар. Мархумнинг салла ва тақя (дўппи)сини дорга илиб, тошбўрон қилдилар, ўкка тутдилар. Бу золимларнинг боши дорда бўлғуси, деганлари эди. Қасоскорлар ўзларини сарбадорлар деб атадилар; шу ерда 700 киши қасамёд қилди. Хон юборган кўшинларни енгиб Сарбадорлар Сабзаворни эгаллаб, бу ерда ўз давлатларини туздилар. Сарбадорлар давлати 50 йилча ҳукм сурди... Самарқандда (1365—66) ва Кермонда (1373—74) Сарбадорлар кўзғолонлари бўлиб ўтган.

Ҳақиқатда тўғри! Сар+ба+дор сўзининг маъноси айнан «САРни дорга осинг» маъносида бўлган. Хўш, САР дегани форсча БОШни англатадими? Агар шундай бўлса, туркий кўшинлардаги, хусусан Хива хонлиги, Бухоро амирлиги навкарлари нега Сарбоз дейилган? Агар бу сўзни форсий ўзакка солсак БОШ-ЎЙИН сўзи бўлиб, мантиқдан узоқлашиб кетамиз.

Қадимги туркий халқларда қабилалар (керайит, така, чинос (устоз С.Қораев фикрларича чин-бўри, с – кўплик белгиси), кушчи, лочин) ҳайвонлар номи билан аталган ёки қабилаларнинг ўз тамға, белгилари бўлган. Биз “Буқа” сўзи “кучли”, “пахлавон” маъносида бўлганини айтдик. Буқа исмли хонлар ҳам бўлган. Буқа, кейинчалик Бўқа қадимда лашкарбоши, туманбоши бўлгандир, балки. Чунки, така, яъни эчкининг бичилган эркаги, яъни кучлиси, туркий тилда

САРКА дейилган, Бука мингбоши, юзбошини англатган бўлса, сарка жангчини англатган бўлиши мумкин.

Устоз С.Қораев келтирган маълумотга кўра “САР” –жангчи маъносини бериши мумкинлигига даъвогар яна бир сўз бор. Бу тилимиздаги Саричопон сўзидир.

Саричопон –

Бешёғоч даҳасидаги маҳаллалардан бири. Қўлга ўргатиладиган ов қушларидан бири сар ёки сариксор, сорича деб аталган. Сорича асровчилар соричабон дейилган; Бу сўз кейинчалик саричопон бўлиши мумкин.

Форсийлар ишлатадиган қизил рангни англатувчи СУРХИ сўзи, кейинчалик туркийлар қўшини қизил кийимда юрганлигидан дарак хойнахой. Чунки, қадимги туркийларда қон муқаддас суюқлик ҳисобланиб, у Тангри билан алоқа воситаси ҳисобланган. Ҳозирги «ХОН» сўзи ҳам аслида ҚООН, Тангрига алоқадор шахс, султонни англатган. Шунинг учун қон рангини билдирувчи қизил рангнинг нуфузли баланд бўлган. Қадимда қизил деганда тилло ҳам тушунилган. Қизилқум ҳам «тиллақум» маъносини беради. Кейинчалик Эрон туркийлари қўшини ҳам Қизилбошлар дейилган.

Тилимизда тожикча ҳисобланувчи САРИШТА сўзи ҳам бор. Бу сўз ҳозирги пайтда бирон нарсани йиғиштириш маъносида ишлатилади. Сариштанинг яна бир ГУМДОН ҚИЛИШ, ЙЎҚ ҚИЛИШ маъноси ҳам бор.

САРАНЖОМ сўзининг иккинчи маъноси интиҳо, якун сифатида ҳам қўлланилади. САРАНЖОМ-САРИШТА сўзлари қўшилуvidан САРларга тегишли анжомларни йўқ қилиш маъносини келтириб чиқариш мумкин. Тожик тилидаги САРСАРИ сўзи эса – фойдали иш билан шуғулланмайдиган кишини англатади. Бу сўз, фойдали меҳнат қилмай турли хил боз, ўйин кўрсатиб юрган ҳарбийлар, ҳозирги кундаги спортчи деганга ўхшаш сўз бўлгандир, балким. Инглизчада ҳам спорт-эрмак дегани экан.

Аслида, САРИШТА сўзи туркий ИШПАРА, ФАРИШ каби САРИШ, САР+ҲАМКОР, ДЎСТ маъноларида бўлиши керак.

Форсча ҳисобланувчи САРОСИМА (кўрқинч ҳолатида бўлиш, таҳлика) сўзи этимологияси ҳам қизиқарли. Бу ерда САР-бош, Осим эса арабчада “муҳофаза қилинган, ҳимояга олинган, қўриқладиган” маъносини беради. Аслида бу сўз САРлар томонидан ўраб олинган жой – “таҳликали жой” маъносида уларнинг рақиблари ишлатган сўз бўлиши мумкин.

САРКОР сўзи “ИШ БОШҚАРУВЧИ”ни англатади. Бу эса аввалбошда ҳарбий тўқнашувдан сўнг қилинадиган ишлар бошлиғига нисбатан қўлланилган бўлиши керак. Албатта, бу сўз кадимда ҳарбий қўшин бошлиғи, маъносида бўлмаган.

Энди ҳозирги пайтда ҳарбий қўшин бошлиғини англатувчи САРКАРДА сўзига келсак. Бу ердаги «КАРДА» феъли – қил, бажар маъносини билдиради. Яъни, бу сўз ҳам БОШ БАЖАРУВЧИ маъносини бериб Сариштага синоним бўлиб қолмоқда. Унда бу ҳам ҳарбий эмас, тинчлик пайтидаги САРКОРнинг кучайтирилганидир.

АКСАРИ сўзига эътибор беринг. Бу сўз тилимизда шундай маъно бераркан:

АКСАРИ

1 Аксар с. 3- ш. эгалик шакли. *Ўқувчиларнинг аксари.*

2 рви. Кўпинча, кўп ҳолларда. *Соҳилда кучли шамол турган вақти ҳам кўп, бироқ бундай шамоллар аксари кечалари бўлади.. А. Раҳмат, Варракчи чол.*

АКСАРИЯТ

Кўпчилик; кўп. *Марям тимсоли ўзига хос талқини ва ижроси билан аксарият томошабинларда зўр қизиқиш уйғотди.* Газетадан. *Энг қувончлиси, дўкондаги аксарият маҳсулотлар шу ернинг ўзида тайёрланмоқда.* Газетадан.

Бу сўз этимологияси аслида ОҚСАРИдир, балки. Бу туркийларнинг катта қўшинини англатган, ёки уларнинг кийими оқ ва сариқ либосдалигини ёхуд ОҚСАРИ қабиласи номи билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Чунки, тилимиздаги либосни англатувчи Сурра ҳарбий кийимни, Сурп сўзи эса оқ газламани англатган. Шунинг учун ОҚСАРИ – оқ кийимли кўп жангчилар маъносини бериши мумкин.

Энди бу сўзларнинг форсларга ва русларга ўтиш динамикасига эътибор беринг:

САР+ПО, САР+УПО – бош-оёқ кийим ҳақида. САР+АНЖОМ – САРга тегишли АНЖОМ (ҳарбий қуро-аслаҳа ҳақида).

Рус тилидаги САРАФАН сўзи ҳам эркаклар чакмонини англатади.

САР, САРИ сўзлари туркий қўшиндаги сараланган навкарларни англатган ёки туркий сари қабиласи вакиллари ҳарбий қўшиннинг асосини ташкил этган бўлиши ҳам мумкин. САРҲАД эса чегара маъносини ифодалайди.

Шевада сариқ рангни англатувчи сўз «сори» ёки «сари» ҳам дейилади. Сари қабиласи ўзбек, қозоқ, туркман, қорақалпоқ, қирғизларда борлигини биламиз. Балки, Европалик баъзи олимлар айтганидек, САРМАТ сўзидаги САР ана шу сарилардир? Унда «сари» деганини “сариқ одамлар” дегандан кўра «нурли одам»лар десак тўғрироқ бўларди. Шу ўринда, Аблуғозийнинг юқорида келтирган, Аланқуванинг Нурли кишидан топган учинчи ўғли ҳақидаги гапини эслайлик:

–Аланкува учам эр ўғил топди...Учланчисининг оти Буданжир Мунқак. Ани хон кўтардилар... Бу уч ўғлондан бўлган элларга барчасина Нирун дерлар. Анинг маъноси ару тухум темак бўлуру. Нечук ким мўғулнинг зўъмина нурдан бўлди дей турурлар (Абулғозий. «Шажараи турк» Т.-1992й, «Чўлпон»45-бет).

Агар Абулғозий айтаётган Арининг тухумини асал десак, “сари” сўзи (АРИ-САРИ) асалнинг қадимги номидир, балки? Асалнинг ранги эса нур ранги билан бир хил.

Аввалги ҳолга қайтсак, САРИ-ТАНЛАНГАН дегани тўғрироқ бўлиб, бу ҳозирги тилда авангард ёки гвардиячи ҳарбийлар дегани бўлиши мантиқан асосли кўринади. САРИга форсча БОЗ сўзининг қўшилишига сабаб эса, мунтазам армия – Сариларнинг тинчлик пайтидаги омма олдидagi ҳарбий мусобақа (ўйин)лари: кураш, найза улоқтириш, кўпқари, камондан отиш қабиларнинг ўтказилиши, форсий аҳоли томонидан бу машқлар ўйин сифатида қабул қилиниб, иштирокчилар «САРИ+БОЗ» – «ҲАРБИЙ+ЎЙИНчи» деб номланиши оқибатида келиб чиққанлиги ҳақида ҳулоса қилса бўлар?

Шунинг учун форслардаги бошлиқни англатувчи Сар сўзи аслида, туркийдаги ҳарбийча Сур ёки Сара-танланган, энг яхши ёхуд Сари (Нурли) сўзлари орқали ўтганлиги тўғрироқ бўлса керак.

Сар сўзи туркийда бошқача, форсийда бошқача маъноларни англатиши мумкинлиги ҳақидаги мушоҳадаларни юқорида кўрдик. Бундай ҳолатни туркий халқларнинг ўзида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Тошкентдаги пашша Уйғуристонда чивинни англатар, Уйғуристондаги чивин сўзи маъноси, юртимиздаги жанубий вилоятлар – Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанддаги туркий аҳоли истеъмолидаги каби бир хил маънода экан.

Бундай ҳолатни Европа тилларида ҳам учратиш мумкин. Масалан: “қўча” сўзи этимологиясини инглизларда “стрит”, итальянларда “страда”, олмонларда “штрассэ” деб номланади.

САРИ сўзи Европада лотинча ГЛОССАРИУМ – қадимги сўзлар маъносида ҳам бор. Шунингдек, ҳам лотинча, ҳам французча ўзакли КОМИССАРИУС (комиссия ҳарбий бошлиғи), славянча ЦАР – подшоҳ сўзларида ўзагини сақлаб қолган.

Шунинг учун САРМАТ сўзи ҳам туркийча бўлиб, САРМАН – Сарларга тегишли кишининг охириги товуши «Т» билан кучайтирилиши оқибатида САРларнинг МУСТАҲКАМ БОЙИ-Уддабуррони маъносини бергани ҳақидаги фикр тўғрироқ бўлади.

Сар сўзининг жумбоғи жуда оддий ечилди! Европадаги сарматлар, Россиядаги Саратов, юртимиздаги Сармишсой, туркий амирликлар, хонликлардаги Сарбозлар, Сарт (Сарлар), Сармон, Европадаги Саракуза ва ҳоказо исмларнинг ечими дунёнинг нариги чеккаси ёқут ва мўғул тилларида турибди.

Мўғул тилидаги Сар –ой (йилнинг бир ойи)ни ҳам, осмондаги ой маъносида ҳам келаркан (Г.А.Сорокин, Д.Бадарг. Москва издательство “Русский язык” Улан-Батор 1990 йил, Русско-монгольский разговорник, 183-бет).

Ёқутлар тилида «сара» деганда, осмондаги ОЙ ҳам, нуфузли киши – БОЙ ҳам тушунилади. «САРАА» сўзи эса Нур таралашини билдираркан (Э.К.Пекарский «Словарь якутского языка» 2-том. 2094-бет).

Унда Сархон – Ойхон, Сарбек –Ойбек, Сарман – Ойбой эканда. Демак, Сарматлар (Сар –Ой; МАТ-МАНЛАР-КИШИЛАР ёки БОЙЛАР-УДДАБУРРО КИШИЛАР)– Ойлар, ўғузлар, скифлардир. Улар Европага Салавийлар орқали кейинчалик бориб қолишган. Геродот даврида улар Осиёда “саранглар” номида қайд этилиб, Осиёда яшаганлар. Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, Осиё ва Европадаги скиф аскарларининг энг жангари қисми Ойлар – Сарлардан ташкил топган эди. Алп Эмиш – Алпомиш, Сар Эмиш – Сармиш (Навоий вилоятидаги Сармишсой топонимини эсланг).

Устоз М.Закиевнинг асаридан келтирилган таржималарда Европа олимлари Нейхард, М.Ломоносов ва бошқалар Сарматлар славянларнинг аждоди эканлигини айтганликларини юқорида келтиргандик.

Бу ҳақиқатда тўғри хулоса бўлган экан. Масалан, юртбоши Царь дейилган, Царицин, Саранск, Саратов ва бошқа топонимларни ёдга олиш кифоя, отлиқ жангчилардан ташкил топган гвардия – ГуСар, европадаги ҳарбий унвон Сержант ва ҳоказо.

Ўзбекларда икки уруғ бирлашувини кузатиш мумкин. Масалан, кўнғиротсарой, наймансарой, қипчоқсарой, можарсарой ва бошқалар. Шу маънода ҳозирги сарой уруғи Ўғузхон авлодлари Сурлар ёки Сарилар ва Ойлар бирлашувидан ташкил топиб, аввал «СУРОЙ» ёхуд «САРИОЙ» деб аталиб, кейинчалик Саройга айлангани ҳақида мушоҳада қилиш мумкин эди, аммо Сарнинг ўзиям Ой бўлгач Сарой сўзи ота томон ҳам, она томон ҳам Ойлар вакили эканлигини билдирувчи эканлиги тўғрироқ бўлади. Сарой уруғи бошқа туркий халқларда ҳам бор.

Олтин Ўрданинг пойтахти САРОЙ БАТУ, САРОЙ БЕРКА, Каспий денгизининг ҳам номи бир вақтлар САРОЙ бўлгани, Босния пойтахти САРАЕВО ҳам аввал САРОЙ бўлгани, ҳозирги Россиядаги САРАТОВ ҳам САР+ЎТОВ, САРАНСК (туркий Удмуртиянинг пойтахти), Сарапул, ўрта аср Россиясидаги Царград, Царицын ва ҳоказо топонимлар ҳам, уларнинг қанчалик кенг тарқалганлигини кўрсатади.

Ҳазрати Хизр ва чилтонлар яшайдиган макон эса АФСАР тоғи ҳисобланган. Баъзи олимларимиз ушбу муқаддас маконни АСҚАР деб замонавий тилга ўгирилганлигини ва ушбу ном «Қуёш тоғи» маъносини беришини олимимиз Ш.Турдимов айтиб ўтадилар.

Хурматли олимимизнинг фикрларини инобатга олган ҳолда АФСАР сўзи «Қуёш тоғи» эмас, балки ОЙ ТОҒИ маъносида эканлиги ҳақида айрича фикр билдиришга жазм этдик.

Чунки, Афсардаги «АФ»ни туркий этимолгия бўйича АЛП (Европадаги Альп тоғини ёдга олинг) +САРни САР деб ўқисак тоғнинг номи «Улкан, Улуғ Ой» бўлиб чиқади. Шунинг учун қадимги туркий қавмлардаги «Ой» сўзи билан боғлиқ топонимлар, этнонимлар, исмлар ҳам илоҳий макондан келиб чиққанликка менгазилган бўлиб чиқади. Қадимги туркий қавмларда ой ҳам худди қуёш каби Нур - илоҳийликка даъво қилганлиги кўринади.

Таркибида Ойлар авлодлари бўлган Саройлар ҳам кейинчалик тармоқларга бўлиниб кетган. Масалан, остсарой, тагсарой, қорасарой, ўртасарой, чинсарой, яккасарой ва бошқалар. Сарой уруғининг янада тармоқларга бўлиниб кетишини баъзилари ўзларининг келиб чиқишини Ўғузхоннинг отаси Ойхондан, баъзилари эса ўзларини Ўғузхоннинг ўғли Ойхондан, балки отамиз Нойдан ёхуд Ҳазрати Хизр макони – АЛПСАР тоғидан келган деб ҳисоблашларидан келиб чиққан бўлиши мумкин.

IV. МАРДЛИК, МЕХҲР ТАРАННУМ ЭТУВЧИ ИСМЛАР

Туркий халқларнинг исм қўйиш бўйича минг йиллар мобайнида шаклланган ўз маданияти мавжуд.

Аммо, исм қўйишнинг ягона қоидаси йўқ. Қоидалар эса жуда кўп. Хусусан, ўзбекларда боланинг тўнғич фарзанд эканлигини англатувчи исмлар – Аввалбой, Бошбек, Бошман. Тўнғич ёки кейинги фарзандни англатувчи Эргаш, Йўлдош, Жўра. Тўртинчи ўғилни англатувчи - Тўра, Тўрақобил, Чори. Бешинчи фарзандни англатувчи – Бешбой, Панжи. Оиланинг энг кичигини англатувчи ўғилга – Кенжа. Ундан кейин туғилган болага – Ўлжа. Сафар пайтида туғилган болага – Сафар, Йўлчи каби исмлар қўйилган. Болага отасининг ёшини англатувчи – Саксонбой, Тўксонбой каби исмлар ҳам қўйилади. Ҳайвонлар исмлари ҳам қўйилган – Арслон, Шер, Бўри, Ашин, қушлар исмлари – Бургут, Лочин. Қадимда фарзандларга етти авлодини англатувчи исмлар ҳам қўйилган. Фарзандга диний исмлар қўйиш ҳам алоҳида мавзу.

Туркий халқларда отанинг дўстлари, халқ қаҳрамонлари, эртақ, афсоналар, қўшни халқ қаҳрамонлари, подшолар исмларини қўйиш одати ҳам бор. Байналминал исмларни мана шу жумлага киритса бўлади.

Ҳаётдан олинган қуйидаги мисолларда исм қўйиш борасида туркий халқларнинг ўзига хос топқирлигини кўриш мумкин: Россиянинг ОРТ канали орқали машҳур «Жди меня» кўрсатуви намоиш этиларкан, кўрсатувни олиб бораётган В.Кваша билан машҳур рус ёзувчиси Василий Шукшиннинг қизи Мария Шукшина афт-башараси ўзбекларга ўхшаш, ёши олтмишлар атрофида олмониялик бир кишига сўз беришди.

Студия меҳмони ўз ҳикоясини шундай бошлади:

- Бир минг тўққиз юз қирқ бешинчи йилда Совет Армияси қўшинлари Берлинда бўлишган. Онам ўша пайтда 17 ёшли қиз бўлиб, балет мактабига қатнаган экан. Ўша давр қонунига биноан фуқароларга совет солдатлари билан учрашиш, солдатларга эса олмон фуқаролари билан учрашиш ман қилинган экан. Аммо, онам бир рус солдати билан яширинча учрашиб, ўзаро севишиб қолади. Бироздан сўнг, севишганларнинг махфий учрашувлари ошкор бўлиб, уларнинг иккалови ҳам жазоланади. Онамга совет Армияси турган жойга келиш тақиқланади. Солдат Россияга депортация

килинади ёки қамалади. Шу билан улар қайта учрашмайдилар. Орадан бир неча ой ўтгач, мен туғилганман. Онам ҳозир ҳам тирик ва Америкада яшайди. Мен унга «отамни кидиргани Москвага кетяпман» деганимда, у менга: - «Агар отанг тирик бўлса, унга айтиб қўй, мен уни ҳозир ҳам севаман,»-деди.

- Бошловчи олмонга: —«Отангиздан бирор бир ёдгорлик ёки расм қолганми?»-деб сўради. Олмон унга жавоб берди - «отамдан ҳеч қандай расм қолгани йўқ, яшаш жойини ҳам билмаймиз».

- Иسمи ёки фамилиясини биласизми?

- Онам унинг исми Миша бўлганини айтганлар.

- ???

Иккинчи жаҳон урушида йигирма миллионга совет солдати нобуд бўлган. Уларнинг ичида Миша, Михаил исмли жангчилар нечта бўлган экан? Борингки «Миша» исмли йигитлар ўн мингга десангиз ҳам уни топиб бўладими? Бу ахир сомонхонадаги сомон уюми ичидан игна кидириш билан тенг-ку.

Лекин буни қаранг, топилди. Фақат унинг исми Миша эмас экан. У кишининг исми Нишонбой бўлиб Тошкент вилоятининг туманларидан бирида яшаб, мактабга директорлик қилган, бир ўғли ва бир неча қизларни тарбиялаб вояга етказган ҳамда 90-йилларнинг ўрталарида вафот этган экан. Буни қарангки, Нишонбой аканинг ўғиллари ҳам ҳаётдан кўз юмган экан. Кейин бояги олмон меҳмон Ўзбекистонга келди, сингилларини кўрди. Отасининг қабрини зиёрат қилди. Сингиллар томошабиннинг юрагини эзиб юборадиган қилиб: — акамиз вафот этгач, роса қайғургандик. Аллоҳ, бизга катта акамизни етказди, — деб эътироф этишди. Бу воқеанинг энг қизиқ нуқтаси Нишонбой ака ўзига Миша деган исмини олгани эди. Гап шундаки, унинг Миша деган рус дўсти бўлади ва жангларнинг бирида Миша ўз жонини фидо қилиб, Нишонбойни ўлимдан сақлаб қолади. Шунинг учун Нишонбой дўсти хотираси учун ўз исминини «Миша»га ўзгартиради. Яъни, дўстига миннатдорлик билдиришнинг энг яхши йўли унинг хотирасини сақлаш деб ҳисоблайди у.

Ёки Очил исмли ғузорлик полвон ва чавандоз XX аср бошида туркманлар юртига қўпкарига боради. Зотга қул қилинган туркман ота-онанинг қизи қўйилади. Туркман овуллари йигитлари четдан келган бировга қиз бераман деб турибдими? Очил полвон ерга ташланган бузқни олиб тўдадан айирмоқчи бўлади, туркман

йигитлари Очилни четга суриб оти билан биргаликда жарликка кулатиб юборадилар.

—«У ўзбек ўлди, кўпкарини янгитдан ташланг» деб чавандозлар баковулга талаб қўйиб туришганида Очил, кўпкарига ташланган бузоқ билан жарликдан чиқиб келади. Бунинг учун ота-онасининг бағрига бош қўйиб йиғлаб турганида, Очил чавандоз унинг ёнига келади ва пешонасидан бир ўпиб, дейди: - «Синглим сен озодсан ва қиёматгача мен сенинг акангман». Бу гапни эшитган баковул, эълон қилади:

—Эй, туркман эли, хотининг ўғил туғса, отини Очил қўй!

Усмон деган таниш полвон йигит ўз исми тарихини сўйлаб қолди. Маълум бўлишича, Усмоннинг отаси ҳам полвон бўлган ва умри давомида бир марта рақибни чаққонлиги эвазига боплаб йиқилган. Бу воқеа қўшни Туркманистонда содир бўлган, отани йиқитган туркман полвоннинг исми Усмон деб аталган.

Тўғри, исм қўйишда аниқ бир йўналиш йўқ. Аммо, барча туркий халқлардаги исм қўйишда битта умумий, ҳатто муқаддас бир тушунча бор. Бу отанинг исмини унутмасликдир. Шунингдек, киши ўз уруғи-аймоғи кимлигини ёдда тутиши керак.

Юқорида санаб ўтган йўналишларимиз эса ота исмини унутмасликдан кейинги ўринларда туради. Туркий халқларнинг бу уруф-одатини мажбурлов чораси билан йўқ қилиб бўлмайди. Бироқ, йиллар ўтиши билан исмнинг этимологияси унут бўлиши ёки бошқа маъно касб этиши ёхуд сиёсий буюртма орқали ўзгартирилиши мумкин.

Шундай исмлар жумласига туркий халқларнинг боболари — Турк, Ўғуз, Ой, Сур каби исмларни киритса бўлади. Бу исмларни танлаганимиздан мақсад, улар дунё харитасида ҳам, халқлари номида ҳам, исмлар номида ҳам энг кўп тарқалганлигидадир.

Туркни турли манбаларда, ҳар хил маъноларини топса бўлади. Масалан: Тангри ёрлакаган шох; шўх; кучни англатувчи Тур — бичилган ҳўкиз, бука.

Сур — Ўғузхоннинг набираси исми; аввал, Ўжар маъносида бўлиб, кейинроқ, сараланган жангчи, мард ва ҳоказо маъноларни англатган.

Фақат бир нарсани шу ерда қўшимча қилишга тўғри келадики, қадимги юнон, рим тарихчилари ва олимлари ўзларини маданиятли халқлар жумласига киритиб, ҳозирги олмонлар, инглизлар,

славянлар ва бошқаларни «ёввойи халклар» деб атаганлар. Уларнинг ёввойиликка хос урф-одатлари ҳам етарли бўлган. Масалан, ўлдирган душмани бош суягидан коса ясаб олиб, уни идиш сифатида ишлатиш, душманлари бош териларидан пўстин қилиб кийиш, зинони айб санамасликлари ва ҳоказо. Жанговарлик, уруш пайтида эр-у хотин биргаликда курашиш уларнинг умумий жиҳатлари ҳисобланган. Геродот, «дунёдаги ҳеч бир қўшин скифларнинг бирлашган қўшинига дош беролмайди»-дейди.

IV. БОБ

СПИТАМЕННИНГ ТУРКИЙДАГИ ИСМИ

Ўтган йили «Ўзбек» атамаси «Ўғуз» ва «Берк» сўзлар қўшилуvidан келиб чиққанлигига бағишланган рисолачамни эълон қиларканман, юнонлар тилга олган массагетлар, окслар ҳозирда қайси ўзбек уруғларининг аждоди эканлиги, айниқса, Спитаменнинг асл исми қандай бўлиши мумкинлиги ҳақидаги масала ечиб бўлмайдиган армонга айланиб қолганди.

Тарихдан маълумки, Чор Россиясининг 5000 кишилиқ аскари 180.000 кишилиқ Бухоро амирининг қўшини устидан осонлик билан ғалабага эришган. Нега бундай бўлган? Замонавий ҳарбий илм нега орқада қолиб кетган? Нега қадимги аждодимиз, ўз юртини мардонавор ҳимоя қилган, яъни юнонлар тилга олиб ўтган қаҳрамонимиз Спитаменни билмаймиз? Хўш у ким эди?

Ўтмиш аждодларни эслаш, Чор Россияси босқини ҳақида юртбошимиз шундай дейдилар:

«-Ҳар қайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, менинг аждодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёққа туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган, деган саволларни ўзига бериши табиий. Нега жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берган бу миллат XVII-XIX асрларга келиб, то шу чокқача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Нега сўнгги уч аср мобайнида бошимиз қолокликдан чиқмай қолди? Аждодларимизнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, чор Россиясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу қолокликнинг ҳам ўрни бўлмаганмикан?

Тарихий илдизини излаган одам, албатта, бир кун мана шундай саволларга дуч келади ва, аминманки, тўғри хулосалар чиқаради. Тарихий хотираси бор инсон - иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир.

Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди».

И.Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» (Тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбат, «Мулоқот» журналы 1998 йил 5-сони).

Ўзбек атамаси бўйича, бошқа устозлар (А.Мухтор, П.Зоҳидов) билан фикримиз бир жойдан чиққанлиги тўғри йўлдан кетаётганлигимга ўзимда ишонч ҳосил қилишимга туртки бўлди. Шунда мен Спитаменнинг кимлиги масаласини ўрганиб чиқишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Дунёдаги, баъзи миллатлар ўз хоҳишидан ташқари, умуман, ўзларига алоқаси бўлмаган бошқа атамалар билан ҳам номланиб келинмоқда. Мисол учун ҳозирги Америка Қўшма Штатларининг туб аҳолиси туркий бўлганлиги ҳақида фанда етарли далиллар бўлса-да, улар ҳинду деб аталиб келинмоқда. Аҳолисининг аксарият кўпчилигини инглизлар ташкил қилувчи АҚШ давлати номининг асоси «Америка» сўзи итальян сайёҳи Америго Веспуччининг исмидан, Жанубий Америкадаги Боливия давлати номи, давлат арбоби Симон Боливарнинг, Колумбия эса, испан сайёҳи Христофор Колумбнинг фамилиясидан олинган.

Шу ўринда Суғдиёна деган мамлакатнинг милоддан олдин ёки унинг бошида ёхуд, умуман, юртимизда бўлганига муаллиф катта шубҳа билан қарайди. Негаки, бу сўзни ўрта асрларда яшаган ўз тарихчиларимиз, ёзувчи, шоирларимиз ишлатмаганлар. Бирданига бу сўз 20-асрда қаердан пайдо бўлиб қолди?

Наршахийнинг айтишича «суғд» сўзи Зарафшон дарёсининг лойқаси тўпланишидан пайдо бўлган куруклигига нисбатан айtilган, аммо бу сўз милоддан олдин эмас, балки милоддан анча кейин, яъни 6-асрларда пайдо бўлганлиги ҳақида фанда далиллар мавжуд (Қаранг: «Мерос». Наршахий «Бухоро тарихи» Т. –1991й. «Камалак» нашриёти 90-91; 166-бетлар), Маҳмуд Кошғарий эса туркийларнинг суғдак номли қабиласи борлигини айтади, Авестода

Согдо деган топоним борлиги қайд этилган. Суғд бўйича бор маълумот шу.

Юнонлар Ўғузларни Окслар деган. Бу сўз Ўғузхоннинг барча авлодларига тегишли. Ўғузхоннинг набиралари ичида бизни эътиборимизни тортадиган шундай исмлар борлигини Абулғозий қайд этади: Хуросонли, Суркий, бу вақтда ани Сурхий дейтирурлар. Қирғиз.

(Абулғозий «Шажараи турк» Т.-1994 йил «Чўлпон» нашриёти 26-бет).

«Сурхи» номида – туркманларнинг уруғи қайд этилган. Республикамиз жанубидаги дарё ҳам айнан Ўғузхоннинг набираси СУРХОН сўзидан келиб чиққанлиги табиий ҳол.

Агар юнонлар «С» ҳарфи билан бошланувчи бирон мамлакат ҳақида гапирганларида ҳам у СУҒДИЁНА эмас, балки «СУРКАНИЯ» (СУРХОНИЯ) бўлиши мумкинлиги ҳақида фикр юритишга тўғри келади. Чунки, қадимда мамлакатлар кишилар ёки халқлар номи билан аталиб, жойларга нисбатан мамлакатларга ном берилмаган. Масалан, Гиркания (гирканлар юрти), Парфия (парпилар юрти), Алания (аланлар юрти), Персия(форслар юрти), Индия (хиндлар юрти) ва ҳоказоларнинг барчаси ўша ерда яшовчи халқ номидандир.

Қадимда Оссурия давлати бўлганини, унинг ёзма манбаларида бундан деярли 3000 йил аввал Ашгузлар ҳақида маълумотлар бўлганини юқорида айтдик.

Қадимги Бобилдаги шумер тили туркий тил билан уйғунлигини бир қанча олимлар, масалан, қозоқ ёзувчиси Ўлжас Сулаймонов айтган. Турк олимаси Адила Айда эса Қадимги Римда яшаган Этрусклар ҳам туркий қавм бўлганилигини исботлагани ҳақидаги маълумотларни юқорида айтдик.

Оссурия давлати милоддан олдин бўлган, аммо милоддан кейин Сурия давлати пайдо бўлган. Уларнинг ўзаро қандай боғлиқлиги бўлиши мумкин?

Амир Темурнинг невараси, бир қатор фанлар бўйича йирик тадқиқот ишлари олиб борган таниқли астролог олим М.Улуғбек «Нух тўфони» масаласи бўйича Абу Райхон Берунийнинг фикрига қўшилади. Яъни, Нух алайҳиссалом давридаги тўфон, хижрат (эрамизнинг 622 йили)гача 3725 йил деб олинган (М.Улуғбек «Тўрт улус тарихи» Т.-1994 йил «Чўлпон» нашриёти 30-бет) бўлиб, ҳозирги кунда бу муддат $3725 + 1390 = 5115$ йил бўлган экан.

Ўғузхон Ёфас алайҳиссаломнинг тўққизинчи авлоди бўлганини Абулғозий айтади ва Қипчокни рус ерларига юборгани 4800 йил аввал содир бўлганини айтди. Ўғузхон ҳаётлик даврида 6 ўғлининг 4 тадан фарзанди жами 24 та хонни жой жойига қўйгач, энг хушҳаво жой дея Иссиқкўлга кетади. Ўғузхон давлати ўша пайтда Мисрдан то Ҳиндистонгача, Эрондан то Рус ерларигача бўлган майдондан ташкил топган.

Сурхон ҳам Ўғузхоннинг набираси бўлган. Агар Ўғузхон бундан 4800 йил аввал яшаган десак унинг набираси ундан бор йўғи 50 ёш кичик бўлиши мумкин, холос.

Айнан, у Осурия, яъни Ост Суриянинг хони бўлгандир, эҳтимол. Герман қабилаларини ташкил этган Остготлар айнан шу ердан Европага ўта бошлагандирлар. Ост сўзи бизнинг тилимизда «айнан» маъносини ҳам беради. Масалан, сарой уруғининг бир қисмини остсаройлар дейишади. Европага кетган Ўғузларда Ост сўзи кейинчалик шарқни англатган бўлиши мумкин.

Ўғузхоннинг ушбу набираси ҳарбий билим устаси бўлган, кўринади. Машҳур араб адиби Жохиз (775—868) нинг «Маноқиб ал-атроқ» («Туркий халқларнинг хислатлари») асарида бундай дейди: «... жаҳон ҳарбий санъати тараққиётида туркий халқлар мумтоз ўринни эгаллаганлар. «Сосоний форслар барча халқлардан давлатни бошқариш санъатида, хитойликлар — ҳунарымандликда, юнонлар — илм-фанда ва туркийлар ҳарбий ишда устундир».

Туркийларнинг ҳарбий ишда истеъдод соҳиби эканлиги ҳарбий атамалар ҳам туркийча бўлганлиги ҳақидаги олимларнинг қуйидаги гапларида ҳам ўз исботини топган: «забони араб – забону фасоҳат (илм-фан тили), забони форсий – забони малоҳат (гўзаллигидан шеър ва дostonлар тили), забони туркий – забону сиёсат.

Сур айнан туркийча ҳарбийга тегишлиликни англатувчи сўз бўлиб, бошқа тилларга ҳам ўтганлигини исботлашга уриниб кўрайлик.

Биз компьютерни яхши ўрганишимиз учун инглиз тилини, шахматни ўрганиш учун рус тилини, тиббиётни ўрганишимиз учун лотин тилини яхши билишимиз лозим. Чунки, бу соҳада ўша тил соҳиблари катта янгиликлар яратиб, қилган кашфиётларини ўз тилларидаги сўзлар билан атаган.

Қадимда ҳарбий терминларнинг кўпчилиги туркий сўзлардан иборат бўлган. Чунки, туркийларнинг ҳарбий соҳада устунлиги дунёнинг ҳар бурчагида қадимдан маълум ва машҳур бўлган.

Ҳарбий сўзлар иложи борича қисқа бўлиши табиий ҳол. Шунинг учун туркий феъл (ҳаракатни билдирувчи сўз)ларнинг кўпчилиги бир бўғинли сўзлардан иборат, масалан: «ур», «тур», «сур», «сўр», «қўй», «бер», «бур», «топ», «чоп», «қоп», «оч», «ёп», «ос», «бос», «ол», «қол», «кел», «ўт», «кет», «соч», «қоч», «бор» ва ҳоказо...

Сур деганда Ўғузхоннинг набираси Сурхон назарда тутилиши юқорида айтилди.

Энди ўзбек тилидаги сур билан боғлиқ сўзларга бир назар солсак:

БУРМА-СУРМА; ГУСУР-ГУСУР; ЖАНЖАЛ-СУРОН;
ҚАСИР-ҚУСУР; ТАСИРА-ТУСУР; ТАСИР-ТУСУР;
ОЛАТАСИР;

СУР I - (Дудлаб ёки осиб қўйиб қуритилган гўшт, балиқ ҳақида),

СУРЛАМОҚ - (Осиб қўйиб қуритмоқ, қоқ қилмоқ, қоқламоқ. Гўшт сурламоқ. Бу ерда сур гўшт деганда ҳарбий юриш пайтидаги озукани эътиборга олиш лозим. Бу билан ҳозирги тилимиздаги тандир кабобнинг (тандир бўлмаса чуқур қазиб дудланади) қадимги номи «СУР ЭТ», кейинчалик пайдо бўлган ичакка солиниб дудланган гўшт ҚЎЛБОСМА (ҳозирги колбаса ҳам балким ўша пайт пайдо бўлгандир - А.Ш.);

СУРХОН - (Узум турларидан бирининг номи ва шу узумдан олинган майиз. Узумни қуришиб майиз қилиш ҳам Сурхон замони кашфиёти бўлиши мумкин);

СУРУВ - (қўй-эчки подаси). Ҳарбий қўшиннинг кетидан боровчи, захира қўшин (русча - обоз) қўй ва моллардан иборат пода шундай аталган бўлса керак);

СУРПА – (Сурхон даврида дудланган гўшт, майиз, меваларнинг бошқа қоқиларини ҳарбий юришда олиб юрувчи, теридан қилинган анжом сифатида фойдаланилган бўлиши мумкин);

СУРГИ - (юз-қўл артадиган сочиқ, лунги. Ёғлиқ қўл билан қилич ушлаш, найза, камон отиш ноқулай. Қўлни артмаса жангда ҳалок бўлиш ҳеч гапмас, шу сабабли ҳозирги рўмолчанинг қадимги номи сурги бўлиши мумкин);

СУР II - (феъл, айнан сурмоқ)

СУР III - (Без, сурбет. Сур одам);

СУРБЕТ - (Гап таъсир қилмайдиган; сур, безбет);

СУРБЕТЛАРЧА, СУРБЕТЛАШМОҚ, СУРБЕТЛИК - (дунёда кўп сўзлар аввал ижобий маънода бўлиб, кейинчалик салбий маъно касб этгани маълум. Масалан, маҳмадона, мафия ва ҳоказо. Сур сўзи, аввалбошда, мард, ўжар, тажанг, қайтмас маъносида ишлатилган, кейинчалик бу сўзнинг сурбет билан бир маънони бериши сурларнинг рақиблари томонидан қўлланилганини кўрсатади. Ҳозирги пайтда қозоқлардаги СЕРИК исми аслида СУРБЕРК бўлган эса ажаб эмас).

СУР IV - [ф. - қирмизи, қизил, қизғиш] 1 от Тўқ кулранг, тилларанг.

СУРМАРАНГ - (Тўқ симоби ранг, қорамтир) Ранг сифатида туркий тилда тўқ кулранг ёки қорамтирни форсий тилдаги қизғиш ёки қизилни битта ранг деб олиш мумкинми? (Бу ерда сур рангги икки тилда икки хил рангги англатиши кўринмоқда),

СУР V - (шв. Салобат ёки гердаиб юрувчи, буям ҳарбийларга оид сўз)

СУР VI - [а.– шох, мугуз; карнай] дин. Қуръонда айтилишича, қиёмат куни Исрофил фаришта томонидан чалинадиган, шох (мугуз)дан ишланган карнай);

СУРНАЙ - [ф. – тўйда чалинадиган най < тўй, зиёфат +най, сибизға];

СУРНАЙЧИ

(Эътибор берган бўлсангиз карнай билан сурнайнинг битта маъноси ҳам бор экан. Бу ерда Сур деганда карнай тушунилиши ҳарбий қўшинни жамлаш, ҳужумга ўтиш олдидан огоҳлантириш учун фойдаланиладиган мусиқа асбоби деб қабул қилсак бўлади);

СУРГАМОҚ - (айн. Судрамоқ);

СУРГИ I - (Ични юмшатадиган, сурадиган дори-дармон);

СУРТКИ I

(суртки дори, ярага ёки оғриқ жойга суркаладиган дори);

СУРМАЛИ, СУРКАТМОҚ, СУРКАМОҚ, СУРМАЧЎП, СУРМАДОН (Сурма солинадиган идиш. Юқоридаги сўзлар жангу-жадалда ишлатилган дорилар, унинг ускунаси ва уларнинг идиши ҳақида борапти).

Қуйидаги сўзларни ҳарбийга алоқаси борлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади: СУРИЛМОҚ, СУРИНМОҚ, СУРИШ, СУРИШМОҚ, СУРИШТИРМОҚ, СУРКАЛМОҚ, СУРМОҚ, СУРОБ(суроби тўғри бўлмоқ);

СУРОН - (Кучли шовқин, ғовур-ғувур, шов-шув);

СУРОНЛИ, СУР-СУР, СУРУНКАЛИ, СУРУНКАСИГА;

СУРУР - [а. – шодлик, хурсандчилик, шодиёна];

СУРЪАТ - [а.– тезлик, жадаллик; шошилиш, ошиқиш];

СУРҒУЧ

(1 Тез эриб, тезда қотадиган рангдор смола ва мум қотишмаси. Қизил сурғуч. 2. Шундай смола ёки мумдан фойдаланиб босилган тамға, қопқоқ) СУРҒУЧЛАМОҚ;

СУРРА

(кийим ҳақида, балким жанг пайтида қулайлик яратиш мақсадида қўшиннинг ҳарбий кийими алоҳида бўлиши лозимлиги ҳақида ўша пайтда ҳулосага келинган бўлса керак);

СУРП (газлама);

СУРСАТ - (эск. фольк. ўлпон, солиқ. Қадимги дostonдаги бу сўз ҳам ҳарбий турдаги солиқ тури бўлса керак, масалан Учқур эдинг, қанотингдан қайрилдинг, Югурук бўлсанг, туёғингдан тайрилдинг, Биз овқатдан, сен сурсатдан айрилдинг. «Алпомиш»);

СУРГУН - (жиной жазо сифатида);

Сур сўзи туркийда от сифатида ҳам, феъл сифатида ҳам, равиш сифатида ҳам, сифат шаклида ҳам ишлатилишини, баъзи ҳолларда форсийда ҳам ишлатилишини кўрдик. Бу сўзнинг туркийда бунчалик кўп туркум ва маънода ишлатилиши СУР ўзаги туркийча эканлигини билдирса, не ажаб.

Энди бошқа тилларда ҳам СУР ўзаки сўзларга эътибор беринг: арабча ЖАСУР – ғоят мард, қўрқмас маъносини ифодалайди, яъни, «ЖА» бўғини бизнинг тилда «ҒОЯТ» сўзини англатади, худди ЖАВҲАР сўзи «ГАВҲАР»нинг кучайтирилган шаклини ифодалагани каби;

ЖУРЪАТ

[а. – мардлик, жасорат] 1 Хавф-хатар, қийинчиликлардан ҳайиқмай қилинган иш; жасорат, СУРЪАТ(а.– тезлик, жадаллик; шошилиш, ошиқиш).

Русчада СУРОВЫЙ – баджаҳл маъносини англатади.

Шу маънода, қадимда энг машҳур саркардалардан А.Македонскийни тўхтата олган, яъни юнонлар айтган скиф, саркарда бобомиз СПИТАМЕНнинг туркий тилдаги исми Сурхон ёки Сурберкхон бўлиши мумкин.

Нега юнонлар Спитамен деган сўзни ишлатишмоқда? Фикримча бу сўз бир неча сўз қўшилиувидан ташкил топган.

Спитамен сўзидаги «П» ҳарфи туркийда «Алп», юнонлар айтаётган «ТАМЕН» эса «ОТАМАН» бўлиб, булар исм эмас, балки ҳарбий унвонлардир.

Қадимда «АЛП» деганда, ҳарбий тўқнашувдан олдин яккама-якка курашувчи ботир жангчи тушуниланган. «ОТАМАН» эса биздаги қадимги саркардани англатган.

ОТАМАН сўзи кейинчалик ҳам туркий қавмларда сақланиб қолди. Айнан, қипчоқ ва бижанак авлоди бўлган казакларда бу сўз «АТАМАН» сифатида учрайди. Озарбойжонларда вилоят ҳокими ОТАБЕК, бизда эса ОТАЛИҚ шаклида ҳам унвонни англатгани маълум.

СПИТАМЕН сўзидаги «С» ҳарфи эса СУР деган исмни англатганини, ҳозирги Самарқанд ва Сирдарё бўйлари эса ўша пайтда «СОГДИАНА» эмас, балки «СУРКАНИЯ» деб, айнан СПИТАМЕННИНГ юртини англатгани тўғри бўлади.

Александр Македонский ҳақида охириги пайтларда турли фикрлар кўпайиб кетди. Кучи тилига етганлар турли фикрларни илгари сурмоқдалар. Баъзи кишилар ҳозирги пайтдаги Греция ёки Македониянинг иқтисодий аҳволи оғирлигидан уларнинг миллий қаҳрамонларини ноўрин обрўсизлантиришмоқда.

Ваҳоланки, бундай шахсларнинг дунёга келиши ва тарихда шуҳрат қозониши ўзидан ўзи бўлмайди. А.Македонский тўғрисида бизнинг туркий шоирлар Н.Ганжавий, А.Навой, тожик шоири А.Жомий жуда илиқ фикрлар қолдирган. Улар А.Македонскийни Қуръондаги Искандар Зулқарнайн деган фаразни ҳам айтишади.

Эрамиз бошида, яъни бундан 2000 йил аввал яшаган ўзи яҳудий, аммо дунёда рим олими сифатида донг таратган И.Флавий ҳам А.Македонский ҳақида яхши маълумот беради. Унга кўра, А.Македонский ўта диндор, ўша давр динига оид Таврот, Забур оятларини яхши билган ва ушбу оятларга амал қиладиган киши бўлган.

А.Македонский моҳир саркардалиқдан ташқари, ажойиб дипломат, ўта маданиятли, маърифатли (ахир унинг тарбиячиси Аристотель бўлган-ку) киши ҳам бўлган. У халқларни нафақат қилич кучи билан, балки, уларга саховат, меҳр-мурувват кўрсатиш орқали ҳам бўйсундирган. Доронинг халқни эзувчи тартиб-қоидаларини бекор қилган.

А.Македонский ўша пайтдаги икки ҳарбий салоҳиятга эга халқларнинг қизларига уйланиши ҳам сиёсий тадбир эди. Шунинг

учун у бир томондан, форсларнинг хурматини қозониш мақсадида, ўз аскарлари томонидан ўлдирилган азалий рақиби – форсий Доронинг қизини ўз никоҳига олади.

Иккинчи томондан туркийларнинг хурматига сазовор бўлиш учун дунёнинг ғарбу-шарқини бир вақтлар ўзига бўйсундирган Ўғузхон авлодлари билан ҳам алоқани никоҳ асосида муҳрлаш учун, Ўғузхон авлодлари яшайдиган, Доро айтганидек, «форсларнинг дабдабали ҳаётини ёмон кўрадиган» туркийлар шаҳри Балх (аслида Бойлиқ) ҳокими Оксиарт (Ўғузберк)нинг қизи Оксана (Ўғузона ёки Ойқиз)га уйланади.

Шу билан туркий қавмлар билан дипломатик алоқа ўрнатади. У туркий қавмнинг ҳарбий соҳада истеъдодли эканлигини яхши билгани туфайли 30.000 туркий ўсмир болаларни териб олиб, уларни македонча қиличбозлик ва найзобозликка ўргатишни тайинлайди.

Оксиартнинг ўғли, яъни қайноғасини эса саркарда сифатида алоҳида туркийлар гарнизонига бошлиқ қилиб тайинлайди ва Ҳиндистон юришига олиб кетади.

Энди икки оғиз сўз Спитаменнинг ўлими масаласида: Юнон олимлари унинг кесилган бошини ўз хотини олиб келганлиги ҳақида хабар берадилар. Агар унинг номига эъзоз, ҳурмат эҳтиром маъносида ёндошилса, А.Македонский империяси вориси бўлган Салавк нега Спитаменнинг қизи Апанага уйланганлигини мантиқан тушунтирса бўлади.

Бу ерда Сурхон бобомизнинг А.Македонскийга қарши ишлатилган ҳарбий ҳийласи ҳақида гапирмоқчи эдим. Бу сўзни айтишдан олдин Широқ (аслида Чироқ) бобомизни эсланг, у киши ўз бола-чақаси омонлиги учун ўзини қурбон қилгани тарихан маълум. Қуйида Сурхон бобо ҳам айнан шу ишни қайтарганлигига эътиборни қаратсак:

XX аср йигирманчи йилларида Сурхондарё вилоятида икки дўстнинг асосий жанг олдидан учрашуви мени ўйга толдирди. Қўнғирот элидан бўлган бу икки дўст қизиллар келишидан олдин, бир-бирини яхши билар ва иккаласи ҳам яхши мерган эдилар. Тақдир тақозоси билан уларнинг бири қурол-аслаҳа ва сон жихатидан қувватли бўлган қизиллар тарафида, иккинчиси эса куч жихатидан суст ерли халқ вакили, «босмачи»лар тарафида бўлади. Эрта-индин ҳал қилувчи жанг содир бўлса, босмачилар енгилиши аниқ. Босмачилар тарафида бўлган дўстнинг бола-чақаси, аскарларини қандай қилиб омонликда сақлаб қолиш мумкин?

Шунда қизиллар тарафида бўлган дўст, рақибига «унинг бошини фалончи дўсти, қизил командирга келтириб берса, болачақаси ва аскарларини сақлаб қолиши учун барча ишни қилиши» ҳақида қасам ичади. Шу билан дўстлар қарама-қарши тарафга равона бўладилар.

Эртаси куни эса босмачилардан бири ўз қўрбошисининг бошини қизил командирга келтириб беради ва қамалдаги босмачи аскарлар ҳамда аҳоли афв этилади.

Юнон тарихчилари Спитаменнинг бошини унинг хотини олиб келиб берди деганлари ҳам айтиш ҳақиқатга яқин ҳолат.

Балким, ўз болачақаси ва юрти Эронни А.Македонскийдан асраб қолиш учун бу ишни форслар шоҳи Доро ҳам қилгандир? А.Македонский Доронинг ўлган жасадини ҳурмат эҳтиром ила шоҳлар қабристонига қўмгач, унинг қизига уйланади. Шунда кечаги ашаддий душмани, бугунги кундаги қайнотасининг ўчини олиш учун уни маҳв этган Бессни жазоламоқчи бўлади. Баъзи манбаларда «Бессни Спитамен тутиб келди» ҳам дейилади. Манتيқ нуқтаи-назаридан А.Македонский Бесснинг ўлиmidан кейин орқага қайтиши лозим эди.

Аммо, у бундай қилмади. Моҳир сиёсатчи А.Македонский энди туркийлар маликаси Бактрия (Балх) ҳокими Ўғузберкнинг қизи Ойқизга уйланиб, туркийларга куёв бўлади. Туркий ва форсийлардан иборат алоҳида полк тузиб, унга А.Македонский ўз қайноғаси (Ойқизнинг акаси ёки укаси)ни лашкарбоши этиб тайинлайди. Бироқ унинг дунёни забт этишга бўлган иштиёқи яна алангалайди ва энди у Сурхон юртини эгаллаш учун Амударёдан кечиб ўтади.

Сурхон юрти пойтахти Семизкентни эгаллагач, ерли халқ норозиликка сабабчи бўлади ва Сурхон унга қарши кам сонли қўшини билан жанг бошлайди. Сурхоннинг ғалабали юриши узоққа чўзилмайди. Чунки, А.Македонский туркийлар куёви бўлгач, туркий халқлар ҳам иккига бўлинган эдилар. Энди А.Македонскийнинг лашкари таркибида ҳам туркий қариндошлар бор эди.

Эҳтимол, Сурхон шу пайтда ўз амакиваччаси А.Македонский қўшини қўмондони Оксиартнинг ўғли (яъни А.Македонскийнинг қайноғаси) билан келишиб, юқоридаги қўрбоши каби ишни қилгандир ва ўз бошини хотини олиб боришини буюргани (эркак киши борса, Доронинг бошини келтирган Бесс каби қатл

этилишини билгани) ҳақиқатга тўғри келади. Сурхоннинг ўлиmidан сўнг А.Македонский юнонлар айтган скифлар юртига бошқа юриш қилмайди.

Шу ўринда юнон олимлари айтган яна бир исм ҳақида мушоҳада юритсак. Бу исм Доронинг лашкарбошиси Бесс ҳақида. Менимча, бу сўз исм эмас, балки ҳарбий лавозим бўлса керак. Яъни, туркийча «БОС» бўлиши мантиққа яқин. Бу жангни ҳал қилувчи палласида ҳужумга ўтувчи қўшин тури кўмондони номи бўлиши керак. 20-асрдаги «босмачи» атамаси ҳам ўша пайтдан акс-садо берса не ажаб?

Сурхон (Спитамен)нинг бу қилган ҳарбий ҳийласи ва мардлиги А.Македонский ўлиmidан сўнг ошкор бўлган. У ерли халқ ўртасида форсийлар лашкари ҳужумини даф қилган Чироқ каби қаҳрамон сифатида қолган.

А.Македонскийдан кейин Ўрта Осиёга ҳукмронлик қилган юнон лашкарбошиси Салавк ҳам сиёсий тадбир сифатида Сурхон (Спитамен)нинг кизи Апанага уйланиб, унга куёв бўлади ва Сурларнинг кучига таяниб А.Македонский империясини сақлаб қолгани ҳам мантиқан тўғри. Ана шу Салавк ўзи эгаллаб олган давлатни қайнотаси номига Сурия деб атаган бўлиши мумкин. Тилимиздаги эркаклар исми ҳисобланувчи Сурат, “СУР+ОТА”нинг қисқартирилганидир, балки. Шу маънода, ҳозирги Сирдарё, аслида «СУРДАРЁ» бўлиши мантиқан тўғри. Спитаменнинг жасорати етти иқлимга ёйилган, у ҳақда турли афсоналар тўқилган бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун «СУР» ўзакли сўзлар кўпчилик тилларда мардлик, олийжаноблик тимсоли бўлиб қолган.

Шунингдек, инглизлардаги СЭР, РИЦАР, олмонлардаям РИЦАР, французлардаги СИР, руслардаги ЦАРЬ, форслардаги ЗҶР, САР, САРКАРДА, араблардаги ЖАСУР, СУРЪАТ, ЖУРЪАТ буларнинг барчаси туркий СУРХОН – юнонча СПИТАМЕН сўзидан олинган бўлиши мумкин. Озарбойжонда Сурахан топоними мавжуд. Латвияда Саткунай, Сурью топонимлари, ҳозирги Россиядаги Омск вилоятида Саргатское топоними, Пенза вилоятида Сура гидроними ҳам бор.

Туркий қўшма сўзлар баъзида кетма-кетлиги алмашган ҳоллар ҳам бор. Масалан: БойСари– СариБой, БойҚора–ҚораБой, ШерАли – АлиШер, БекТемир – ТемирБек, ЖонҚобил–ҚобилЖон, ГулЧечак –ЧечакГул, ОйСар–СарОй, ОйПари–ПариОй ва ҳоказо. Европа халқлари тилларида ҳам бу ҳолат кузатилади. Мисол учун

молдаванлар халқ қаҳрамони Кантемир, биздаги Темирхоннинг айнан ўзи. Худди шунингдек, олмонлардаги ГЕТМАН (давлат арбоби) биздаги МАНФИТнинг тескарисидир. Руслардаги Князь сўзи асли немисча дейилади. Ахир бу сўз ҳам КАН+ЯЗ = ЯЗ-ХОН нинг тескариси Ў(ғу)зХОНку.

Гетман мангитнинг тескари талаффузи ҳақидаги фикримда асос борлигини айтмоқчи эдим. Араб ва форсий талаффузлар орқали Рум ҚАЙСАРИ деган сўз бор. РУМ – қадимги Византиянинг туркийча номи. Бу ерда ҚАЙСАР –подшо дегани. Мана шу сўз европанинг баъзи халқлари тилларида КАЙСЕР сифатида ҳам ишлатилади. Бу сўзнинг келиб чиқиши олмонлардаги КАНЦЛЕР (КААН кишилар исмида ҳам бор, олмон футболчиси Оливер КААНни эсланг) сўзи билан боғлиқ бўлиши керак. КАНЦЛЕР эса аслида КААНЦУР, яъниким СУРХОНнинг тескариси-ку.

Мен юқорида СЭР сўзи СУРдан олинган деб, бежизга айтмадим. Чунки, СУРЭУ графлиги Англияда ҳозир ҳам бор. Анъаналарга содиқлик бобида инглизларга тенг келадиган халқ кам бўлса керак. Чунончи, юнонлар айтган Спитамендаги «С» товуши айнан «СУР» бўлиши эҳтимоли юксакдир.

Шундай қилиб, А.Македонскийга қарши мардонавор курашган Спитамен, туркий Сурхон Алп Атаман бобомиздир.

V. БОБ

I. ЎЗАКДАН «ҚОЧГАН» БАЪЗИ СЎЗЛАР ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Аввало, юнонлар тилга олган БАКТРИЯ ҳақида икки оғиз сўз юритсак. Рим тарихчиси Помпей Трогнинг фикрларига эътибор беринг:

«Энг бошида скифлар қудратларидек атокли эдилар: Улар Парфия, Бактрия давлатларини, аёллари эса амазоналар подшолигини тузишган. Скифлар ҳамиша энг қадимий халқ ҳисобланган, қадимийликда улар мисрликлар-ла беллашадилар» (Помпей Трог «Филиппийлар тарихи» II,1).

Бактрия давлати деб юнонлар Кушон империясининг пойтахти Балх шаҳри номини айтганлар.

Хўш, Балх сўзи нимани англатади?

Ўзбекистон топонимлари китобида бундай дейилади:

Балхи – туркийларнинг кенагас, қутчи, сарой қабилалари, туркманларнинг эрсари қабиласи таркибида балхи (балки) уруғи қайд қилинган. Балх шаҳри Кушон империясининг пойтахти бўлган.

Кушон империяси ҳақида Ўзбекистон энциклопедиясидаги маълумотга яна бир маротаба қайтсак:

Кушон подшолиги – ўзбек давлатчилиги тизимидаги қадимий давлат... «Кушон» атамаси ё сулола ёки қабилага тегишли бўлиб, у илк бор милоддан аввалги I аср охири — милодий I аср бошида хукмронлик қилган подшоҳ «Герай» (таржима русчадан олинган, аслида Гирой бўлиб бу исм ҳозир ҳам туркларда бор –А.Ш.)— зарб қилдирган тангаларда қўлланилган...

Балх ва Кушон сўзлари этимологияси бўйича мантикий таҳлил олиб борсак:

Бактрия, тўғрироғи «Бактрия» ва «Кушан» сўзлари қадимги юнон, рим, яҳудий, хитой олимлари, тарихчилари китобларида учрайди. Бу уларнинг тилидаги сўзлар. Бактрия сўзи, бактрлар яшайдиган макон маъносини беради. «Бактр»лар қандайдир халқ ёки қабила ёхуд бир гуруҳ кишилар сифатида олинмоқда.

Бу сўзнинг туркий маъноси «Балиқ» бўлиши мумкин. Бир пайтлар ҳозирги Пекин шаҳри ҳам Хонбалиқ номи билан аталгани тарихан маълум. Балиқ деганда қадимги туркий тилда шаҳар тушунилган. Наҳотки, бу дарёдаги балиқ сўзидан олинган дерсиз? Йўқ, «балиқ» сўзининг этимологияси туркий менталитетдан келиб чиқиб назар солинса иккита «Бой» ва «Лиқ» сўзларидан ташкил топади. Яъни, «бойлари кўп» ёки «бойлиги мўл» маъноларини беради. Чунки, бойлиги кўп кўл - «Бойкўл», бойлиги кўп сой (дарё) – «Бойсой», овули бой жой – Бойовул, бой овуллари кўп жой – Боёвут, деб аталиши қадимги туркий анъаналарга хос. Рус тилидаги «Богатыр» сўзи этимологияси «Бой», «Ғот», «Эр» сўзларидан ташкил топади. Ўзингизга маълум бу сўз бизда «Баҳодир» шаклида ишлатилади.

Қадимда бойлари ёки бойлиги кўп шаҳарлар – Бойкент, Семизкент, Бойлиқ номлари билан аталгани мантиқан тўғри ва юқоридаги учала сўз ҳам синоним сўзлардир. Қашқақдарё вилояти Дехқонобод туманида Белибойли номли топоним бор. Бу сўз қадимда «Бери+бой+лик», яъни Амударёнинг бериги томонидаги кент номида бўлганини ҳам англаш мумкин.

Бой сўзи этимологиясига келсак, бу фақатгина моддий жиҳатдан бой кишини англамайди. Бой деганда тадбиркор киши тушунилган бўлиб, у икки сўз қўшилуvidан ташкил топади. Умуман ўзбек тили бир неча сўзларни битта сўзга айлантирувчи ўзига хос тил. Масалан, «ўтказдиртирсаммикан», «ўтказдирганмиканмиши», «ўтказдирвораётганмиканмиши» феълларига эътибор беринг ёки «сарикроқмиканмиши», «кўкимтироқмикандир-да», «оқиштоброқмикан» сифатдан ясалган феъллар, «меникидаймиканмиш», «сеникидир-ов», «уникимасдирдай» олмошлари, «доирасимонлигини», «қатикдайлигини», «шолиникидайми» отлари бир неча сўзлардан ташкил топади. Тошкент шеvasида «қаердан келяпсан»нинг ўрнига «қаттан кевотсан» деб қисқартириб айтишади-ку.

Шунинг учун «БОЙ» сўзиям «БИЛК» ва «ОЙ» сўзлари қўшилуvi бўлиши мумкин. Қадимги туркий ҳоконлардан бири исми БИЛГА бўлганини биламиз. Мана шу Билга + Ой сўзлари қўшилуvidан БОЙ сўзи келиб чиққан бўлиши эҳтимол.

Ўзбек тилининг жозибаси, бойлиги ундаги синоним сўзларнинг кўплигида бўлса не ажаб? Қадимда шаҳарлар кент – Бешкент, тепа – Ойхонтепа ҳамда қалъа – Ичанқалъа каби қўшма сўзларда кенг ишлатилган. Қалъа деганда шаҳар тушунилиши ҳозирги кунда қозоқ ва қорақалпоқ қардошларимизда бор.

«Лик» сўзига келсак, бу сўз ҳам қадимда жой номларида ишлатилган, масалан «Олма»- «Лик», «Бўстон»- «Лик», «Қўй» – «Лик», «Хўжа» – «Лик», «Тош» – «Лик», «Олтин» – «Лик», «Оға» – «Лик», «Сой» – «Лик», «Арпа» – «Лик» ва ҳоказо.

Вақт ўтиши билан эса юқоридаги Бойкент, Семизкент, Бойлик шаҳарларининг номлари айрича бўлиб кетган ва ҳозирги кунда Пайкент, Самарқанд, Балх деб номланиб келинмоқда.

Шунинг учун қадимги юнон ва рим олимлари Балхни – Бактрия деб аташлари ўша ерда яшовчи кишилар – бойларга нисбатан қўлланилган ва «бойлар ватани» маъносини бериб, бундай туркий ўзакли сўзлар славян тилидаги Bohemia— антик даврлардаёқ (Boi(o) haemum («бойлар ватани») номи билан қайд этилган, милоддан аввалги 8-асрда чехларнинг пойтахтига нисбатан, олмон тилидаги Бавария (лот. Bai (u) varii — бойлар мамлакати аҳолиси) сўзлари этимологиясида мавжуд.

Энди Европа мамлакатларида жуда кенг тарқалган бошқа бир сўз ҳақида сўз юритсак:

Олмонияда – ФрайБУРГ; Россияда ПетербУРГ, ОренБУРГ. Олмониядаги – НюренБЕРГ, Швециядаги ГётеБОРГ, Америкадаги Нью-ЙОРК сўзининг ўзаги Англиядаги БЕРКШИР топонимидаги БЕРК сўздан олинган!

БЕРК эса Европа халқларининг баъзи тилларида БУРГ - «ТОҒ» сифатида, баъзи халқлар тилларида «ҚАЛЪА» сифатида ишлатилади. Аммо, «Бургомистр» деганда шаҳар ҳокими тушунилишидан келиб чиқсак, «Бург» ҳам шаҳарни англатади.

Қалъадан ташқари унинг маъноси «мустаҳкам, чидамли» маънода бўлгани туфайли, БЕРГ ўғил болаларга исм сифатида (нидерланд футболчиси БЕРГКАМПФни эсланг) ҳам қўйилади.

БЕРК бизда ҳам ТОҒ маъносида ишлатилади. Бу Қирғизистондаги БЕРКҚОРА тоғи сўзида мавжуд.

БЕРК сўзи бизда ҳам «мустаҳкам, чидамли» маъносини англатишини, ЎЗБЕК сўзидаги БЕК ҳам аслида БЕРКдан келиб чиққанини юқорида айтиб ўтгандик.

Ўз навбатида Швециядаги Гётеборг шахри этимологияси ҳам туркий ўзак орқали ёндошилса, ГЕТ – Ўғузлар, БОРГ – БЕРК-қалъа, Ўғузлар шахри, тўғрироғи Ўзбеклар шахри, яъниким улар (шведлар) бизнинг биологик яқин қариндошларимиз бўлиб чиқмоқда. Олмон шоири Гётенинг аждодлари туркий бўлганлиги ҳақида фикр борлигини ҳам биласизми?

«Т» ҳарфи сўзни кучайтириш ҳолатида ҳам келади. Бу сўзни ҳозирги ёшлар тилида «СУПЕР» деб таржима қилса бўлади. Масалан, Англиядаги КЕНТ қироллигида шохлик қилганлар рўйхатида ЭрБерт, ХаБерт, ЭдБерт, ЭгБерт, ЭтельБерт деган исми учратамиз. БЕРТ сўзини туркий ўзак орқали «Ўғилнинг мустаҳками» десак бўлади. Унда европаликлар тилидаги Алберт исмини «АЛПБЕРТ» дан келиб чиққанлиги ҳақида мулоҳаза юритса бўлади. Шунингдек, европаликлар тилидаги АЛЬБЕРТ, бизнинг тилда деярли АЛПОМИШдир!!!

II. КУШАН сўзи этимологияси ҳақида

Устоз П.Зоҳидовнинг Кушан сўзи этимологияси ҳақидаги фикрлари ҳам эътиборга лойиқ.

Кушанлар – Афсонавор алплар диёри, халқи жанговар, ялангтўш бағри кенг, маданият-санъати равнақ топган, лекин кўп жиҳатдан ҳозирда ҳам муаммолар тугунига айланган Кушон

давлати ҳақида тарих китоблари кенг маълумот беради. Марказий Осиёда тарих билган империяларнинг энг қадимгиси, даврий жиҳатдан энг яшовчани (милодий I-IV асрлар) Кушон давлати бўлган десак муболаға бўлмайди. Ўз даврига нисбатан мислсиз улкан минтақаларни эгаллаган Кушон давлати чегаралари – шарқда хитой, ғарбда Каспий денгизи, жанубда Ҳиндистон ва шимолда Орол бўйларигача етиб борган. Қадимги дунё маданиятининг уч йирик манбаи – ҳинд, форс ва турк халқлари туташган марказий заминда ташкил топган улуғ давлат қисқа муддатда кенгайиб, дунёга танилди.

Кушонлар тарихи муаммолари билан олимлар қарийб икки аср давомида тадқиқотлар олиб бормоқда. Турли туман таҳлил ва тахминларга тўла асарлар нашр этилган. Озроқ мушоҳада қилиб кўрсак, кушонлар келиб чиқиши, наслу насаби, туркийларга муносабати каби муҳим муаммолар ҳозиргача ҳал бўлмаган ёки бутунлай тескари талқин этилгани маълум бўлади. Муаммолар моҳиятини кўрсатувчи баъзи жиҳатларга эътиборни жалб этсак:

Хитой манбаларида қайд этилишича, шарқдан келган юечжи (бу хитойлар талаффузи) деган жанговар қавм Дахя-Бактрия-Тохаристонда бешта ҳокимликни ўзига тобе қилиб (Хюми, Шуанми, Гуйшуан, Хэйтун ва Гаофу), кейинроқ қудратли давлатга айланган. Ўша беш ҳокимлик ҳар бирининг маҳаллий номи аслида қандай бўлгани ҳозиргача аниқ эмас. Фақат Гуйшуан – Кушан давлати номига айлангани ҳақида маълумот бор.

Тахминан юз йилдан ортиқ вақт ўтгач, юечжилардан бири кўтарилиб, қўшинларни бирлаштиради ва кучли давлат ташкил қилди. Бу ҳақда Хитой манбалари ниҳоятда муҳим маълумотларни қолдирган: «Қарийб юз йилдан ортиқ вақт ўтгач Гуйшуан ҳокими Киоцзюкю бошқа тўрт ҳокимликни ўзига бўйсундириб, ўзини Гуйшуан шоҳи (хони) деб эълон қилди. Кейин Анси (Парфия) билан уруш бошлади, Гаафу таслим бўлди, Пуду ва Гибинни қулатди ва ерларини эгаллаб олди. Киоцзюкю 80 йилдан ортиқ яшади. Унинг вафотидан кейин ўғли Янгаочжен тахтни эгаллади ва Ҳиндистонни енгиб, бошқарувни саркардалардан бирига топширди. Шу даврдан бошлаб юечжилар кучли ва бой улусга айланди. Қўшни давлатлар уни Гуйшуан шоҳи (хони) деб атади, лекин Хитой саройида ҳамон аввалги ном билан Катта юечжи маълум эди» (Бечурин II, 227-228).

«Гуйшуан», бошқача айтганда, юноний ҳарфлар билан битилган ёзувга кўра «Кушон» аслида қандай кўриниш олгани аниқ

эмас. Гуйшуан – Кушон номи шоҳнинг номими ёки унвоними, балки ҳукмрон сулола номидир? Бу ҳақда илмий баҳслар давом этаётганини эътиборга олиб, бутунлай бошқача бир тахмин – версияни чамалаб кўрайлик.

Юнон тарихчиси Амион Марцеллин айтишича, сосонийлар шоҳи Шопур II давлатнинг шарқий сарҳадларига 346/47-йилда «ҳионитлар евсенлар» (ёки еусенлар) хавф туғдирган. Ҳионитлар аслида туркий ҳиён-қиёнлар, ҳиёт-қиётлар қавми эканлиги, улар билан ёнма-ён турган «евих-(еусен)»лар ҳам бошқа қавм номи деган фикр ҳаёлга келади. Шарқшунос М.Маркварт юнон битигида биринчи ҳарфни саҳв-хато билиб, евсенни «кусен» деб ўқишни таклиф этган. Натижада евсен-кусен-кушон бўлиб чиққан. Марцеллин хабаридаги «ҳаснитлар ва евсенлар» янги талқинга кўра «ҳионитлар ва кушонлар» деган мазмун қабул қилинган. Бошқача айтганда, ҳионитлар кушонлар билан биргаликда сосоний давлати Эронга хавф солган.

Юзаки қараганда «кушон» - «евсен»га ёки «евсен» -»кушон»га айланиши нотўғри тахминга ўхшайди. Лекин М.Маркварт ўз тахминида кейинги муҳим қадамни қилмагани учун евсеннинг сирини очилмай қолган. Мулоҳазани давом эттирсак, туркий ҳионит-қиёнитлар ёнидаги қондош евсен-кушон ҳам туркий қавм эканлиги маълум бўлади. Қадимшунослар орасида туркийлар Ўрта Осиёга фақат VIII асрда кўчиб келди, деган фикр кенг тарқалган. Шунинг учун ҳам М.Маркварт евсенлар туркий қавм бўлиши мумкинлигини рад этган. Акс ҳолда, олим туркийлар тарихида «евсен» номини эслатадиган усун-уйшун номли жуда қадимги қавм борлигини диққат билан кузатган бўларди. Юнон манбаларида осий-осиан (асий-асиан) шаклида қайд қилинган қавм худди ана шу евсен-усунлар эканлиги ҳақидаги тахминларни ҳам М.Маркварт қатъиян рад этди. Қизиқ, евсен-кушан деб исботламоқчи бўлган олим, евсен-осиан деган тахминга тамоман қарши чиқади. Бошқа олимлар ҳам бундай ҳулосага қўшилган.

Хитой манбалари усун номли қавм ҳақида кўп маълумот қолдирган: милоддан аввалги II асрда шарқдан кўчиб Еттисувда жойлашган давлат қурган. Милоддан аввалги 105-йилда Усунлар давлатига Хитой элчилари келади. Милоддан аввалги 51-йилда Усун давлати иккига бўлиниб кетади, 40 йилдан кейин бир қисми ғарб томонга кўчади. Милодий I йилда усун хони Хитой пойтахтига ташриф буюради. 425-йилда эса Усунлар элчиси Хитойга келади,

435-йилда эса, Хитойдан Усунларга яна элчи келади. (Бу ҳақда батафсил қаранг: Бартольд, II(1),с.102). мазкур қисқа маълумотлар усунларнинг Ўрта Осиё тарихида қарийб VII аср давомида сезиларли ўрин эгаллаганидан дарак беради.

Усун тарихи хронологияси кўрсатишича, Марказий Осиёда Кушан давлати пайдо бўлишидан (I аср) олдинроқ усунларнинг катта бир қисми ғарб сари кўчган. Худди шу қавм Бадахшон-Тохаристон-Бактрия вилоятларида юечжиларни ташкил этган 5 ҳокимлик таркибига бориб қўшилганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Бинобарин, 346/47-йилда Эронга галдаги таҳдид билан отланган «ҳионитлар ва евсенлар» (юнонлар хабари) сафида евсен-усунлар бўлганига ишонса бўлади. Балки ўша ҳокимликлардан бири Шуанми аслида Усун-уйшун қавми бўлса ажаб эмас. В.Бартольд усунларда атоқли номлар «ми» билан тугалланишини кўрсатиб ўтган.

Яна бир эътиборга лойиқ далолат: Кушон давлатини барпо этган юечжилар бошқа манбаларда «оқ хун»лар номи билан маълум. Хитой ёзувчиси Ян Ши-чу (VIII аср) қизиқ бир маълумот қолдирган. «Усунликлар қиёфаси ғарб мамлакатларидаги чет элликлардан кескин фарқ қилади. Ҳозирги кўк кўзли ва қўнғир соқолли турклар ўша (усунларнинг) авлодидир» (Бартольд, II,(I). С.26).

Энди «Усун» этнонимини синчковлик билан кузатайлик. Хитойлар қўшни қавмлар номини доим бузиб талаффуз этгани маълум. Шундай экан, усун номи аслида қандай бўлганини аниқлаш имконияти бормикан? Баъзи олимлар асий (асиан) –осий(осиан) номининг хитойча талаффузи сифатида усунни кўрсатишади. Хитой иероглифи билдирган усун сўзини икки хил транскрипция ва икки хил талаффуз этиш мумкин экан. «Иосуан» ёки «О-swan», яъни ўзбекча усун деб ўкилади. Қадимги туркийларда «ус» бургут демакдир. Ус+ун - усун қавм номи (- ун от ясовчи аффикс, Тург+ун каби – қаранг: Қошғарий, индекс 396,464-бет). Ўзбек халқи таркибига кирган қавмлар насабномасида «Бургут» – Бургут номи учрайдики, бундай қуш билан аташ аънанаси жуда қадимийлигидан дарак беради. Балки ўша олғир қуш – Бургут номи қадимги даврлардаги усунларнинг оти бўлиши мумкин. Ҳозиргача сақланиб қолган 4 хил Ўзбек насабномасининг (XV-XVII асрлар) ҳаммасида ҳам Бургут ва Уйшин (Усун,Уйшун) қавмлари номи келтирилган (Аҳмедов, 47-50-бет). Агар Уйшун номи қадимги Усуннинг

бошқача талаффузи деб қабул қилсак (балки аслида ҳам шундай бўлиб хитойлар бузиб айтган бўлиши мумкин), усун-уйшун номли туркийлар қавми қарийб икки минг йиллик тарих давомида фаолият кўрсатиб келганини кўрсатди.

Қатор илмий манбаларда, қадимги тангаларда юнон харфлари билан битилган «Кушан» сўзи шоҳнинг номи сифатида таъкидланмоқда. Лекин Кушан сўзини хитойлар Гуйшуан деб қайд қилган экан, айна вақтда Гуйшуан – Уйшун қавми улусининг номи эканлигини эътиборга олсак, Кушан аслида Уйшун қавмининг номи эканлиги ошкор бўлади. Тангалардаги «Кидара Кушана ша» битигини «Кидара-Кушанлар=уйшунлар шоҳи» деб талкин этсак тўғри бўлади. Демак, кушан атамаси қадимги давлат номи, бинобарин ҳукмрон қавм номини билдиради деб хулоса қилишимиз мумкин. Ва ниҳоят, энг муҳим хулоса: кушонлар аслида қадимги туркий халқ-уйшунлар томонидан бунёд этилган «Кушан салтанати», «Кушан давлати» эканлиги ўз исботини топади. Демак, қадимги туркийлар Марказий Осиёдаги «Кушанлар салтанати» (I-IV аср) давомида ўз ҳукмронлигини давом эттирган. Қадимий тангаларда зарб этилган «Ябғу, кушан», яъни «Кушанлар ябғуси» иборасидаги икки туркий сўз кушонлар туркий халқ эканлигини тўлиқ исботлайди.

Устоз М.Закиевда эса Кушан сўзи жуда оддий ечилган. Масалан КУ-оқ, нурли, ШАН-хун. Устознинг айтишларича – кусан/кушан/касан/казан сўзлари синонимдир.

М.Закиевнинг фикрларига қўшимча қилсак: Қадимда Хитойликлар Шан деганда, бизнинг тилдаги Ашин-бўри, ёки Ботирни тушунишган. Тянь-Шан тоғининг асли номи, хитойча ХАНШАНнинг бузилган талаффузи эканлиги ҳақида фикрлар бор. Бизнинг тилимиздаги «Шон-шуҳрат», «Шонли йўл» сўзларидаги «Шон» ҳам жасоратнинг синонимидир.

Ш.БУХОРО – БИЛИМЛАР МАКОНИ

Бухоро сўзининг этимологиясига назар солсак:

Ўзбекнинг барча 92 уруғи ҳам, бошқа туркий халқлар ҳам, Европа халқлари билан яқин қариндошлигининг яна бир исботини ҳозирги Бухоро сўзининг этимологиясида кўришимиз мумкин.

Айтмоқчи, Бухоро сўзи этимологияси бўйича ҳам фанда яхлит фикр йўқ.

Шу ўринда «Бухоро сўзи этимологияси бўйича яхлит фикр йўк» деб билган олимларимизга Абулғози Баҳодирхонга таяниб, жўяли фикр айтишга уриниб кўрсак:

«БУХОРО» сўзини айнан шу шаклда биринчи бўлиб Птолемей ишлатган.

Юқорида маълум қиганимиздек, Абулғози Баҳодирхон шоҳ бўлган, ўзи ишонч ҳосил қилган мавзулари ҳақида таҳлил юритган. Лекин, у «Бухоро» сўзининг келиб чиқиши ҳақида бундай дейди: «Бухоро темакнинг маъноси муғ тилинда илм ва аҳли илмнинг жамъ бўлатурган ери темак бўлур».

(Абулғози Баҳодирхон «Шажараи турк» Т.-1992 й., Чўлпон нашриёти 64-бет).

Шунингдек, муаллиф Бухоро сўзи «ИЛМ ЖАМ БЎЛГАН ЖОЙ» маъноси беради, деб ИЛМ сўзига асосий урғуни берган.

Бу фикрни давом эттиришдан олдин миллий энциклопедиямиздаги мавжуд фикрлар билан танишсак:

Бухоро — шарқнинг машҳур қадимий шаҳарларидан бири. Археологик маълумотларга кўра, Бухорога милоддан аввалги 1-минг йиллик ўрталарида асос солинган. Унинг номи илк ўрта аср Хитой манбаларида турлича (Ан, Анси, Анго, Бухо, Буку, Бухэ, Бухаэр, Бухуаэр, Бухала, Буху-ала, Фухо, Пухуала ва б.) аталган. Бу атамалардан аввалги учтаси Бухоронинг хитойча номлари бўлиб, қолгани «Бухоро» сўзининг хитой тилидаги талаффузидир. Ўрта аср араб манбаларида эса Бухоро Нумижкат, Навмичкат, Бумичкат (Янги кўрғон), Ал-Мадина ас-суфрийя (Мис шаҳар), Мадинат ат-тужжор (Савдогарлар шаҳри), Фохира (Фахрли шаҳар) каби номлар билан тилга олинган. Бухоро атамаси санскритча «вихо-ра» сўзининг турк-мўғулча шакли — «бухор» («ибодатхона») дан келиб чиққан деб тахмин қилинган. Кейинги тадқиқотларда бу атама суғдийча «буғ» ёки «баг» («тангри») ҳамда «оро» («жамол») сўзларидан иборат бўлиб, «тангри жамоли» деган маънони англатади, деган фикр илгари сурилмоқда...

Бухоро — Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири, Бухоро номи илк бор юнон астрономи Клавдий Птолемейнинг «География» асарида (2-аср) учрайди; Тожикистондаги Муғ тоғидан топилган суғд ҳужжатларида (8-аср бошларида) эса Пухар шаклида тилга олинган.

Ҳозирги Бухоро ўрнида ислом дини тарқалишидан бир неча аср олдин шаҳар бўлган. Шаҳар хитой манбаларида дастлаб V асрда

Нюми шаклида тилга олинган (бу Бухоро номларидан бири Нумижкат шахрининг хитойча транскрипцияси); шаҳарнинг ҳозирги номи хитойлик сайёх, будда роҳиби Сюань Цзян «хотиралар»ида (630 йилларда) Будда шаклида қайд қилинган. Кўпчилик олимлар, жумладан, академик В.В.Бартольд, олмон олими В.Томашек Бухоро номи санскритча вихара сўзидан келиб чиққан бўлиб, «Будда ибодатхонаси» демакдир, деб ҳисоблаганлар. В.В.Бартольд Балҳда ёки Самарқанддаги каби, Бухоронинг ёнгинасида ҳам Будда ибодатхонаси бўлган дейди. Бу олимлар Бухоро ана шу санскритча сўзнинг туркча-мўғулча шакли деб ҳисоблайдилар.

Сўнгги вақтларда эроншунослар вихара сўзи суғд тилига пархар шаклида кирган ва унинг бухара тарзида ўзгариб кетиши мумкин эмас, демокда.

Шуни айтиш керакки, шаҳарнинг номи кўп бўлган, тарихчи Наршахий (10-аср) Бухоронинг Нумижкат (Лумижкат), Бумискат, Мадинат ус-суфрия «Мис шаҳри», Мадинат ут-тужжор «Савдогарлар шаҳри» деган номлари борлигини айтган; тарихчи давом этиб, «Бухоро деган ном у номларнинг ҳаммасидан машҳурроқдир, Хуросон шаҳарларидан биронтаси ҳам бунчалик кўп номга эга эмас. Бир ҳадисда Бухоро номи Фоҳира бўлиб келган, чунки, киёмат куни Бухоро шаҳри ўзида шаҳидларнинг кўплиги билан фахр қилади» дейилган.

Халқ орасида Бухоро боғлари кўплигидан Боғоро деган маънони билдиради деган ривоят ҳам бор. Тарихчи Ҳофиз Таниш (16-аср) ёзишича, «Бухоро» сўзи – «бухор» сўзидан келиб чиққан бўлиб, оташпарастлар тилида «илм макони» (Абулғози Баҳодирхоннинг фикрига ўхшаш фикр –А.Ш.). Бу талаффуз уйғур ва хитой бутпарастларининг тилига яқиндир, чунки, (уларда) сиғиниш жойларини «бухор» деб атайдилар. Бухоро шаҳрининг номи аслида «Лумижкат» бўлган.

Шундай қилиб, Бухоро топонимининг этимологияси аниқ эмас...

Яна бир гап. Бухоро сўзини форсий ўзақ орқали излашиб, ножоиз гаплар қилганларида раҳматлик устоз ёзувчи Неъмат Аминов бу гапларнинг пучлигини айтиб, Бухоро шаъни учун бир ватанпарвар фарзанд сифатида ўзларини намоён қилгандилар.

БУХОРО сўзига оид Абулғози Баҳодирхон айтган фаразни текшириб кўриш учун нега туркий сўзлар орқали қидирилишига

эътибор берилмаганига ҳайрон қолмаяпсизми? Хўш, бу билан боғлиқ асосий туркий сўз нимадан иборат бўлган?

Бу саволнинг жавоби жуда оддий. Ҳа, бу сўзлар инглизчадаги «BOOK» (китоб), олмончадаги BUCH (китоб) сўзларида турибди, қадимги туркийчадаги асл номи эса БИЛИК, БИЛК ва ҚОРА яъни - Улкан, «ИЛМНИНГ УЛКАНИ» деганидир.

VI.БОБ

ЗУЛ-ҚАРНАЙН МАКЕДОНСКИЙМИ?

ЗУЛ-ҚАРНАЙН – БАЛКИМ, ЎҒУЗХОНДИР!

Пайғамбаримиз Муҳаммад (сав)га ўзларининг баъзи қариндошлари, келаётган янги диннинг ашаддий душманлари томонидан берилган уч савол мана неча юз йилки баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

Бу саволлардан икkitаси – Аллоҳга бўлган ўз эътиқодларини сақлаш учун ғорга қочиб кирган йигитлар ва руҳ тўғрисидаги бўйича мусулмон оламида баҳс йўқ. Аммо, Зул-Қарнайн ҳақидаги савол кўплаб олимларни ўз фикрларини баён этишга чорламоқда.

Агар ушбу савол ва унга берилган жавоб туфайли эътиқодимиз янада кучайса, ҳар биримиз муқаддас манбаларни ўргансак, излансак, тафаккур қилсак фақатгина савоб оламиз ҳолос, деб ўйлайман. Чунки, бу масалада ислом оламидаги катта нуфузга эга олимлар, вақти-вақти билан бир-бирларига қарама-қарши фикрлар билдириб келмоқдалар.

Бу масалага ҳозирги бизнинг диний олимларимиз жавоби “Ислом” энциклопедиясида қуйидагича баён этилади:

ЗУЛҚАРНАЙН

(араб. – икки шохли) – Қуръонда қиссаси келган мўмин банданинг исми. Зулқарнайн шахси ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзи тадқиқотчилар уни македониялик Искандар деб ҳисоблашади. Бироқ, Ислом таълимотига қўра бу тўғри эмас, чунки македониялик подшо Аллоҳнинг ягоналигига ишонган мўмин бўлган эмас. Қуръондаги Зулқарнайн эса, мўминдир. Аллоҳ “Қаҳф” сурасида Пайғамбар (сав)га хитоб қилиб: “сендан Зулқарнайн ҳақида сўрарлар” деган. Муҳаммад (сав)дан одамлар Зулқарнайн тўғрисида сўраганлар. Қиссада айтилишича, Аллоҳ таоло

Зулқарнайнга ер юзида ҳукмронлик, мол-у дунё, аскарлар ва бошқа катта имкониятларни берган эди. Шунингдек, Аллоҳ унга ҳукм юритиш, бинокорлик ва ободончилик, давлатни мустаҳкам тутиш каби ишларни ўргатган эди. Зулқарнайн ўз мулкларини айланган. У шимол томон йўл олган. Икки тоғ орасига етганида, уларнинг ортида бирон гапни англамайдиган қавмни кўрган. Бу қавм Зулқарнайндан ер юзида бузғунчилик қилгувчилар – Яъжуж ва Маъжуждан ўзларини ҳимоя қилиш учун тўсиқ қилиб беришини сўрашган. Зулқарнайн Аллоҳ унга берган илм орқали мустаҳкам темир девор куриб, ҳалиги қавмни Яъжуж ва Маъжужнинг ҳужумларидан сақланишига ёрдам берган.

Мен ҳам Қуръондаги Зулқарнайн билан Александр Македонский бир шахс деб юрар эдим. Аммо, унинг ҳақида тарихий ҳужжатларга асосан, бадийлаштирилган ҳолда сураатга олиниб, кейин намоиш этилган фильмни кўриб фикримда бироз иккиланиш юз берганди.

“Ислом” энциклопедиясидаги маълумот эса менинг Қуръонда баён этилган Зулқарнайн билан А.Македонскийлар бошқа-бошқа одамлар эканлиги ҳақидаги фикримни кучайтирди.

Модомики, А.Македонский Зулқарнайн эмас экан, унда “Қуръондаги Зулқарнайн, яҳудий ҳам, араб ёки форсий ёхуд европалик ҳам бўлмаган, у биз туркийларнинг бобомиз Ўғузхондир”. Чунки, А.Македонский ҳам, скифларнинг қадимги жаҳонгир бобоси борлигини билган. Геродот айтган Шоҳ скифлар юрти ҳам айнан бизнинг ҳудудга тўғри келмоқда.

Бундан ташқари, у киши билан боғлиқ бошқа кароматлар ҳам юз берган:

1. Ўғузхон бир ёшига кирганда ўз исмини айтиб, аломат бола эканлигини кўрсатади.

2. Бутун умр теварак-атрофидагиларни яккахудолик-Тангрининг бирлигига чақиради. Умри давомида Ҳиндистон-у, Миср, Хитой ва рус ерларини забт этади.

Бу иккала маълумотни ҳазилакам кишилар қолдираётгани йўқ. Улар ўз даврининг ҳукмдорлари – Самарқанд амири-МирзоУлуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” ва Хива хони Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарларида келтирилган. Улар ўз даврининг подшоҳлари бўлиш билан бирга замонасининг етук

олимлари ҳам бўлишган ҳамда тарихни сохталаштиришдан манфаатдор эмасдилар.

3. Нега биз қадимги тарих ҳақида сўзлаганимизда ёзма манбаларни тан оламиз-у, халқ оғзаки ижодини инобатга олмаймиз. Аслида халқ оғзаки ижодининг ёзма манбадан нима фарқи бор? Тўғри, оғзаки ижодда уни куйлаган бахшилар қисман ўзгартишлар киритиши мумкин, лекин асосий фактлар ўз ўрнида қолаверади.

4. Бундан 2500 йил олдин яшаган Геродот Амударёни Акес дарёси деб ёзади. Кейинги бошқа олимлар Амударёни “ОКС” деб атайдилар, бу туркий тилда “Ўғуз” бўлган ҳамда дарё номи ўша жаҳонгир бобомиз исмлари шарафига қўйилганлигини англаган.

5. Қадимги юнон тарихчиси Диодор (Сицилиялик мил.ав. тахм. 90—21) нинг “Тарих кутубхонаси” номли асари II китоби 2-бобида, биз туркийларнинг жаҳонгир бобомиз ҳақидаги гапирган.

6. Буюк Британиядаги окслар ҳам Ўғузлар бўлганидан 10-асрдан бошлаб, европалик олимлар Мовароуннахр (ҳозирги бизнинг ҳудуд)ни Трансоксиана, Трансоксания – яъни “окслар кўчиб келган жой” деган атамани бекорга қўлламаганликларини айтган бўлардим.

Аммо, М.Улуғбек ҳам, Абулғози ҳам Ўғузхонни “Зулқарнайн”га ўхшатишмайди-да. Ўз даврининг академиклари бўлган ул боболар гапирмаганда. Майли, бу масалага кейинроқ тўхталсак.

Зулқарнайннинг масаласига киришишдан олдин, унинг мўмин бўлган ёки бўлмаганлигини аввал аниқлаш зарур деб ўйлайман.

Яна бир масала Қуръон оятларини талқин қилиш масаласида икки оғиз фикр билдирсам. Мен Қуръонни мана йигирма йилдан буён, ўзбек ва рус тилидаги таржималарини ўқийман ва ундаги бирон гапни нотўғри талқин қилиб қўйишдан (охиратда жавоб борлигидан) ҳайқаман. Бу ерда ҳам Қуръоннинг Валерия Иймон Порохова томонидан русчага қилинган таржимасидан фойдаланишни ўзимга мақсад қилдимки, бунинг сабаби рус тилини яхши биладиган ёки русча тарбияга ўрганган кишиларга айтмоқчи бўлган фикримни уларга етказишда осон бўлиши ниятида қилдим.

Ҳикоя ёзиш билан бирга ҳуқуқшунос бўлганим туфайлими Қуръондаги воқеалар ва ҳукм (қонун)лар мени ўзига ром этади. Мен ушбу Китобни ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам ўқишдан ҳузур қиламан. Менинг назаримда Қуръондаги воқеалар бежизга

танлаб олинмаган, улар ҳақида мушоҳада қилиб, уларнинг ҳукми нима билан тугаганлигидан сабоқ олишимиз учун баён этилмоқда, менимча. “Қуръон ўқиш фазилат, унга амал қилиш фарз” деган эканлар Ҳазрати Усмон разиаллоҳу анҳу. Қуръондаги воқеалар, ҳукмлар ва қонуниятлар (агар шу қонуниятларни тушунаман дея ихлос ва иймон билан ният қилиб) тафаккур қилинса жуда оддий, тушунарли баён қилингандай кўринади.

Бирон кишини мўмин ёки мўмин эмас дейиш ҳам оғир масала бўлгани сабабли Зулқарнайн-А.Македонский бўлиб чиққанда ҳам унинг мўмин бўлганлиги тўғрироқ, деб ўйлайман. Чунки, Қуръонда Худ пайғамбар ҳақида гапирилганда, у кишининг қавмдошлари “у бизни Аллоҳдан тўсаяпти” деган айбни ҳам қўйишган, пайғамбаримизга дастлаб қаршилик кўрсатган қавмдошлари ҳам Аллоҳнинг борлигига иймон келтиришган, аммо ўзларининг бутларини Аллоҳга олиб борувчи восита деб ҳисоблаган эканлар.

Менинг тушунтиришимдан-да чиройли бўлган ушбу оятларга кулоқ тутинг:

Коран 39 Толпы

Во имя Аллаха, милостивого, милосердного

1. Исходит Откровение сей Книги
От Славного и Мудрого Аллаха.

2. Мы ниспослали эту Книгу в Истине тебе,
А потому Аллаху поклоняйся
И в этой вере искренность блюди.

3. Ужели искренность в сей вере
Назначена не для Аллаха?
Но те, кто в покровители себе
Берет других, опричь Аллаха, (Говорят):
"Мы служим им лишь для того,
Чтобы они приблизили нас к Богу
Своею близостью к Нему".
Аллах меж ними, истинно, рассудит
Все то, в чем разошлись они.
Не поведет Господь по праведной стезе
Того, кто лжив и нечестив.

Қуръоннинг рус тилидаги таржимасидаги сўзларни иложи борица содалаштириб, эркин таржима қилишга ҳаракат қиламиз.

Бу ишда таянганим “Саҳиҳи Бухорий” тўпламидаги 69-ҳадисни келтирсам мақсадга мувофиқ бўларди деб ўйлайман:

Расулуллоҳ(сав): «Осонлаштиринглар, қийинлаштирманглар! Хушхабар айтинглар, қизиқтиринглар, нафратлантириб қўйманглар (ўзингиздан бездирманглар)!» – деганлар.

Русчани бироз қийинроқ тушунадиган ўқувчилар учун эса шуни айтиш лозимки, бу ердаги 2-оятда “Биз сенга ушбу Китоб Ҳақиқатини юбордик, Шунинг учун Аллоҳга таъзим айла ва бу ишончингда самимийликни сақла” дейилмоқда.

3-оятида эса “Наҳотки ушбу ишончингдаги самимийлик Аллоҳдан ўзгага бағишланса? Аммо кимдир ўзига бошқаларни Ҳомий тутиб, “уларга бизнинг хизмат қилишимизга сабаб, улар Аллоҳга яқиндирлар, шунинг учун улар бизни ҳам Унга яқинлаштира деган ўйдамин” дейдилар. Аллоҳ ажралганликлари учун улар ўртасида ҳақиқий хулосага келади. Ёлғончи ва нопокларни Аллоҳ ўз тўғри йўлига яқинлаштирмайди”... дейилмоқда.

Бизнинг теварак-атрофимизни илм ва ҳикмат ўраб турибди. Агар уларнинг миқдорини аниқлашга уринилганда, мен унинг миқдорини – ер ва етти қават осмон кенглигида нейтрон (балким ундан-да кичик) зарраларининг миқдорича илм, ғоя, фикр бизни гир-атрофимиздан ўраб олган деган бўлардим. Ҳаяжонли сонияларда ҳаёлингиздан нечта фикр кечиши ҳақида ҳеч фикр юритгансизми?... Кўп-а?...

Шу билан бирга ер кураида яшаётган ҳеч қайси инсон, “мен энг такводорман, олимман, авлиёман, демакки, хато қилмайман, азобга дучор бўлмайман” деб айтолмаслиги ҳам, ҳар қандай билимдоннинг олдида ундан-да билимдонроқ киши борлиги ҳам аини ҳақиқат.

Фикримнинг биринчи қисми, яъни ҳар қандай хато қилган киши жазоланиши мумкинлиги ҳақидаги фикримнинг тасдиғи учун Қуръондаги Юнус алайҳиссалом билан юз берган воқеаларни келтириб ўтсам.

Маълумки, у киши пайғамбарликка танланган эдилар. Яъни, ердаги барча авлиёдан-да устун шахс эдилар. У киши кишлоқдошларини ёлғиз Аллоҳга иймон келтиришга чақиравериб чарчаганларидан сўнг, кемага миниб бошқа жойга отланадилар. Бир пайт кема дарёнинг ўртасига борганда тўхтаб қолади. Ҳамма

хайрон. Кемада дин нуктаи-назаридан энг номақбул шахс, фолчи: “кимдир эгасидан сўроқсиз қочиб келаётгани учун шундай бўляпти”,-дейди. Кемада ўнта одам борми, йигирмата одам борми, уларнинг нечтаси кофир-у, нечтаси мушрик, нечтаси ўғри-ю, нечтаси тўғрилигини Аллоҳим билади. Диний билим нуктаи-назаридан кемадаги ҳар қандай одам ҳозир жазоланиши мумкин-у, пайғамбар эмасдай туюлади.

Кема раҳбарлари йўловчиларнинг барчасини сўроққа тутиб чиқади. Ҳамма ўз эгасидан рухсат сўраб келаётган бўлиб чиқади. Бу тадбирдан натижа чикмагач, фолчи энди қуръа ташлашни таклиф қилади. Қуръа натижаси бўйича чек ҳар қандай одамга чиқиши мумкин-у, пайғамбарга эмас. Аммо, чек Юнус алайҳиссаломга чиқади. Кемадагилар у кишини дарёга улоқтиришгандан кейин кема юриб кетади. Шу пайтгача “жазоланмайман” деб турган пайғамбар балиқнинг оғзига киргандагина хато қилганликларини тушуниб тавба қиладилар. Шунда балиқ у кишини соҳилга ирғитади. Энг кизиғи, Қуръонда янада чиройли келтирилади. Яъни, ошқовоқ барги у кишига соябон бўлиб туради. Қавмдошлари эса бўлган воқеани кўриб, эшитишиб, Юнус алайҳиссаломнинг даъватларига қулоқ солиб, Аллоҳнинг меҳрибончилигини ҳис қилиб, иймонга кириб, бахтли ҳаёт кечиришади.

Хатонинг жазоланиши деганда юқорида баҳс юритган мусулмон олимларимизни бу таркибга киритиб бўлмайди деб ўйлайман. Чунки, уларнинг барчаси иймон-эътиқодли кишилар бўлиб, илм йўлида айтган фикрлари тўғри ва нотўғрилиги учун битта яхши ибодат қилганларининг ўзи кифоя бўлса ажабмас, жумладан агар нотўғри фикр юритаётган бўлсам ўзим ҳам Ар Раҳиймдан хато ва гуноҳларим учун мағфират сўраб, илтижо қилиб қоламан.

Энди юқоридаги фикримнинг иккинчи қисми, яъни ҳар қандай олимнинг ёнида ундан-да олимроқ киши борлиги тасдиғи учун Мусо алайҳиссаломнинг қиссаларини келтирган бўлардим.

Ривоят қилинишича, Мусо алайҳиссаломдан қавмдошлари “дунёда ким энг зўр олим” деб сўраганларида у киши “мен” деб айтадилар.

Бундай дейишга у киши ҳақли эдилар. Чунки, у киши Аллоҳ билан тўғридан-тўғри сўзлашганлар. Яъни, ер юзидаги энг ҳурматли кишилардан биридир. Пайғамбаримиз ҳам, саҳобаларга “у

кишини, Мусо алайҳиссаломдан устун қўймасликларини” буюрганликлари ҳақида ҳадис бор.

Лекин, Аллоҳ Мусо алайҳиссаломга Хизр алайҳиссалом у кишидан олимроқ эканлигини маълум қилар экан. Шундан сўнг Мусо алайҳиссалом, Хизр алайҳиссалом билан учрашишни орзу қилиб йўлга тушадилар ва бу гапнинг тўғрилигига иймон келтирадилар.

Албатта, барча илмлар сири Яратган Эгам ҳузуридадир. Мусо алайҳиссаломга илмдан дарс берган Хизр алайҳиссаломга боғлиқлик бекорга халқимиз ичида баланд эмасдир. Чунки, биз ўзбеклар илмга чанқоқ халқлардан бири эканлигимиз, тарихан маълум-ку. Дунёдаги энг қадимги китоблардан бири – Авесто ҳам бизнинг юртимизда яратилган. “Бухоро” ҳам “Улкан илм” дегани. Ҳазрати Хизрни кўришга орзуманд ҳам биз-ку. Қадимги достонимиз қаҳрамони Гўрўғлининг ҳам Ҳазрат Хизр билан боғлиқ (фарзанди)лиги қуйланади. Пайғамбаримиз ҳам муборак қўлларини очиб “диним ўшаёқда ривожланади” дея дуо берганликлари, кўп ўтмай ислом динининг забардаст олимлари, боболаримиз – Бухорий, Термизий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Фарғоний, Марғиноний, Мотрудий, Насафий ва бошқалар бизнинг юртимиздан чиқиб дин ва дунё илмининг таъмал тошини қўйдилар-ку. Буларнинг ҳаммаси бежизга эмас.

Президентимизнинг “Ўзбек халқи, ҳеч кимдан кам бўлмаган...” деганларида чуқур маънога чақирувчи фикр ва мулоҳазалар мужассам.

Қуръон бизга тафаккур қилиш учун юборилган. Биз уни якка ҳолда, жуфт-жуфт бўлиб ўқиб тафаккур қилишимиз керак.

Тафаккур нима? деган саволни ойдинлаштирсак мақсадга мувофиқ бўларди.

Ўзбек тилининг изохли луғатида тафаккур ҳақида бундай дейилади:

ТАФАККУР

[а. – фикр юритиш, ўйлаш, фикрлаш] 1 Объектив воқеликнинг тасаввур, тушунча ва муҳокамадаги фаол инъикос жараёни, инсоннинг фикрлаш қобилияти; фикрлаш. *Тил тафаккур билан бевосита боғлиқдир. Инсоният юксак ҳаёлот ва тафаккур кучи билан яратган барча маънавий-бадний бойликлар орасида оғзаки ижод намуналари алоҳида ажралиб туради. «Фан ва турмуш».*

2 Ўйлаш, фикр юритиш, муҳокама; ўй. *Бир соатлик тафаккур бир йиллик тоатдан афзал.* Ойбек, Навоий. *Ки ҳар ишники қилди одамизот, Тафаккур бирла билди одамизот.* Алишер Навоий. *Орага узоқ, вазмин хомушлик тушди. Малика бир нуқтага тикилиб, тафаккурга чўкди.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

Мен Зулқарнайн ҳақидаги эшитганларим ва ўқиганларимдан хотирамда қолганларини, тафаккур қилиб, ўқувчига иложи борица содда қилиб тушунтиришга ҳаракат қиламан.

Бу савол нега Қуръони Карим орқали баён этилишига сабаб бўлган ҳолатнинг ўзи ҳам эътиборга молик.

Хотимул анбиё Муҳаммад (сав) пайғамбарликка танланиб, Қуръон оятлари у кишига Жабройил (ас) орқали туширила бориб, уларни қурайшликларга етказиш буюрилганидан сўнг, Макка аҳли ўртасида бўлиниш юз бера бошлайди.

Бу воқеадан бир мунча вақт олдин эса Таврот, Забур ва Инжилни яхши биладиган яҳудий олимлари Ясриб (Мадина)га кўчиб келиб, арабларга: “охирзамон пайғамбари тушадиган вақт яқинлашди. У Ясриб(Мадина)да, бизнинг қавмимиздан пайдо бўлади” деб келажак самовий мўъжизани барчага маълум қилиб, ҳаммани илҳақ қилган эдилар.

Албатта, бунгача тушган Китобларнинг барчаси яҳудийларда бўлганлиги, демакки, Аллоҳ ҳақидаги илм(дунёдаги энг буюк илм-А.Ш.)да уларнинг нуфузи баландлиги боисидан, араблар улар билдираётган фикрларига эътироз билдира олмасдилар. Аммо, шундай бўлса-да, баъзи қурайшликлар: “пайғамбар мабодо бизлардан чиқса борми, унга содиқ хизмат қиламиз” деб қасам ичишаётганди, бироқ бу ҳол юз бергач, қасамларини бузиб, уни тан олмасдан, энг мулоийм гаплари “сеҳргар” дейиш бўлди.

Чунки, янги дин уларнинг наздида ризқларини камайтираётгандек, тан олишса, обрўсидан ажралиб, мартабаларидан тушиб қолишлари мумкиндек бўлиб қолди.

Шу сабабли, қурайшликларнинг янги динга кирмаган энг зўр боёнлари маслаҳатлашиб, Ясриб (Мадина)га ўз вакилларини жўнатиб, яҳудийларнинг энг билимдон олимларидан учта ўта мураккаб савол топиб келишни буюришади.

Охирзамон пайғамбари араблардан чиқишини чин дилдан истамаган яҳудий олимлари бу шартни бажаришни ўзларига шараф деб билишди ва астойдил учта мураккаб савол тузиб беришди.

Уларнинг наздида бу саволларга, ердаги энг зўр олим бўлган одам боласи жавоб беролмайди, пайғамбар бўлса жавоб бериши мумкин. Шунинг учун улар маккалик вакилларга ўзлари билган жавобни айтмасдан, маккорлик билан “агар Муҳаммад (сав) бу саволнинг биттасига калта, иккитасига узун жавоб берса, у пайғамбар бўлиб, унга ишониш лозим бўлишини” ҳам тил учиди айтишади.

Нега жавобни айтишмайди? Чунки, улар тўғри жавоб келишига ишонмасдилар. Ўша пайтдаги арабларнинг саводхонлиги ҳақида ушбу ҳадис ойдинлик киритса керак:

1913-ҳадис. *Ибн Умар (рз.) ривоят қиладилар*: «Расулulloҳ (сав): «Кўпчилигимиз уммий (ўқиш ва ёзишни билмайдиган) жамоамиз. Шу сабабдан биз араб жамоаси ёзишни ҳам, юлдузларга қараб ҳисоблашни ҳам ва уларнинг қай тартибда ҳаракат қилишини ҳам билмаймиз, бунинг ўрнига қиладиган ибодатларимизнинг вақтларини шундай аниқ ва кўзга кўринадиган қилиб белгиладикки, бу белгиларни билишда ва ҳисоб-китоб қилишда уммийлар ҳам, бошқалар ҳам бирдир», – деб, икки муборак қўлларининг бармоқлари билан мана бундай ва намоз мана бундай қилиб, бир гал йигирма тўққиз ва бир гал ўттиз рақамини кўрсатдилар».

Яҳудий олимларининг танлаб берган уч саволнинг бири Зулқарнайн ҳақида бўлганлигининг ўзиёқ, биз қўл урган мавзу канчалик мураккаблигидан дарак беради.

Мен, албатта, Қуръон оятларини тафаккур қилишни истамайдиган ўқувчилар учун, Китобда келтирилган Зулқарнайн тарихий шахс бўлганлиги ҳақида ҳам бирон хатбоши ёки саҳифа қоралашим керак бўларди, ҳойнаҳой.

Аммо, ният қилиб Қуръонни очсам, қуйидаги Фотир сураси менинг ҳамма саъй-ҳаракатларим учун мукофот сифатида ўз жамолини кўрсатиб турибди:

14. ...Никто не может Истину тебе поведать,

Кроме Того, Кто введущ

(в ней, Хранит ее и вам в Писании низводит).

Яъни, Ҳеч ким сенга Ҳақиқатни Хабардор Зот каби хабар бера олмас (У ҳақиқатни сақлайди ва Хат орқали туширади) (14-оят).

Ҳа, айтмоқчи, мен мусулмон бўлганим боис пайғамбаримизга тушган ҳар бир сўзни, у кишининг ҳар бир умматига тушган деб қабул қилиш тарафдориман. Бу оятда, Қуръонда келтирилган

шахс(Зулқарнайн) ҳақида гумон қилиш ноўринлиги
билдирилмоқда.

Сурадаги кейинги оятларга эътибор беринг:

42. Они поклялись именем Аллаха -
Своею величайшею из клятв, -
Что, если бы пришел к ним увещатель,
Их путь бы (к Господу) прямее стал,
Чем (путь) других народов.
Когда же увещатель к ним пришел,
Его приход лишь увеличил
Их удаление (от праведной стези),

43. Их величание (успехами своими) на земле
И злые ухищренья и уловки.
Но злые ухищренья и уловки
Объемлют только тех, кто их чинит.
Неужто они ждут чего-нибудь иного,
Кроме того, чем возместил Господь
Народам прежних поколений?
В делах Господних перемен ты не найдешь,
В делах Господних изменений не отыщешь!

42. (мазмунан таржимаси: Улар Аллоҳ номига ўзларининг буюк қасамларини ичдилар,- Мабодо огоҳлантирувчи (пайғамбар) уларга келганидами, уларнинг йўллари бошқа халқларникидан кўра тўғрироқ бўларди,—дея. Огоҳлантирувчи келганида эса, унинг келиши уларни тўғри йўлдан йироқлаштирди, холос).

43. Улар ердаги ўз ютуқларини ошириб кўрсатдилар ва ёмон макру-ҳийлаларни ўйладилар. Аммо, ёмон макру-ҳийлалар уларни ижро қилувчиларни ўраб олади. Наҳот улар олдин шундай қилмиш қилган халқлар олган жазодан бошқасини кутмоқдалар. Аллоҳнинг ишларида ўзгаришлар бўлмайди, Аллоҳнинг ишларида ўзгаришлар кидирма!).

Энди эса нега яҳудий энг зўр олимлар бу саволларни бермоқдалар?-деган саволни ўрганиб чиқишимиз зарур бўлади.

Менимча, бунинг иккита сабаби бор. Биринчидан яҳудий олимларида Зулқарнайн ҳақида бор маълумотлар баҳсли бўлган, иккинчидан улар бу саволга жавобни яхши билганлар.

Иккинчиси мантиқан тўғри, яъни муаллим ўқувчисини имтиҳон қилмоқчи бўлса, жавобини ўзи яхши билган саволни беради-да. Ҳар иккала ҳолатда ҳам улар, бу жавобни араблардан ҳеч ким билмаслигига иймонлари комил. Улар эртага нотўғри жавоб олсалар, пайғамбарликка даъвогарлик қилаётган кишини шарманда қилишни жуда-жуда хоҳлардилар.

Хўш, уларда ўша пайтда қандай маълумот бор эди?

Яхудийлар учун бу ҳақдаги энг мукаммал маълумот милодий 1 асрда яшаб ижод қилган Иосиф Флавийнинг “Яхудийлар асори атиқалари” ва “Яхудийлар урушлари” номли китоблари эди (айтмоқчи, Қадимги дунё тарихига оид китоблар айнан шу манбаларга таяниши ҳақидаям фанда фикр мавжуд).

Хўш Иосиф Флавийнинг ўзи ким эди?

Унинг асл исм шарифи Йосеф бен (Маттитяху) Маттафия. Миллати яхудий. Иерусалимда милодий 37 ёки 38 йилда туғилган – тахминан 100- йиллардан кейин вафот этган. У бой яхудий оиласига мансуб бўлган. Ёшлиги, ўсмирлигида анъанавий, яъни яхудийча диний (иудаистик) таълим-тарбия олган. Иудаизмнинг турли йўналишларини иштиёқ билан ўрганган. Йигирма уч ёшида империя пойтахти Римга келиб бир неча йил яшайди. Буюк шаҳарнинг катталиги-ю, дабдабаси уни ўзига ром этади. Уйига қайтганида эса у ерда Рим истибдодига қарши озодлик уруши бораётган эди. 66-73 йилларда бўлиб ўтган ушбу уруш кейинчалик Иосиф Флавий таъбири билан тарихга “Яхудий уруши” номи билан киритилди.

Йосеф бен Маттитяху Римликларнинг асосий зарби йўналтирилган Галилея шаҳридаги исёнчилар қўшинининг бошлиғи этиб тайинланади. Йосеф сусткашлик билан ҳаракат қилгани туфайли, исёнчилар енгилади. Унинг ўзи римликларга таслим бўлади. Тутқинликда у римлик саркарда Веспасианга, у яқинда император бўлишини башорат қилади. Кўп ўтмай Веспасиан рим императори бўлгач, Йосефни асирликдан қуткаради. Шунда Йосеф ўз ҳомийсига миннатдорчилик сифатида, римликлар одатини қабул қилиб, Веспасианлар зотининг фамилияси – Флавий номини олади (унинг бу ибрати кейинчалик бошқа миллатдошларига ҳам юққан бўлса, нежаб). И.Флавий умрининг охиригача император саройида яшаб, ўз даврининг «энг нуфузли яхудийси» номи билан шуҳрат қозонади ва иккита асар ёзади. Бу асарлар императорга маъкул тушади.

И.Флавий қадимги бир неча тилларни билган, шу сабабдан ўз асарларида бизгача етиб келмаган жуда қўп манбалардан фойдаланади. И.Флавий ўрта асрларда ҳам энг обрўли тарихчилардан ҳисобланарди. Шунинг учун қўпгина тарих дарсликлари унинг маълумотлари асосида битилган.

И.Флавийнинг “Яхудийлар асори атиқалари” асари 11-китоби 7-8-бобларида Александр Македонскийнинг Иерусалимга кириб келишидан олдинги ва келишидаги воқеалар тасвирланади.

7-бобдаги воқеалар қисқача мазмуни:

...Яхудийлар вилоятида руҳонийлар ҳокимияти ўрнатилган бўлиб, уни бош диний роҳиб (кейинги ўринларда раввин) бошқарган. Бош раввин Элиасав вафотидан сўнг унинг ўрнига ўғли Иуда ўтиради, унинг вафотидан сўнг ҳокимиятга унинг ўғли Ионн эгалик қилади. Унинг даврида форсларнинг шоҳи Артаксеркснинг ҳарбий қўмондони Вагой ибодатхонага қурбонлик учун келтирилаётган ҳар бир қўй учун 50 дирҳамдан пул тўлаш ҳақида буйруқ чиқариб, ибодатхона одатларини мушкуллаштиради.

Бундай буйруқ берилишига эса қуйидаги воқеа сабаб бўлади: Вагой Ионннинг укаси Исо (Иусус) билан дўст бўлгани сабабли, унга ҳокимият-бош раввинликни олиб беришни ваъда қилади. Бу ваъдага ишонган Исо ибодатхонада акаси Иоанн билан жанжаллашади. Муштлашувда Ионн укасини ўлдириб қўяди.

Бу оғир жиноятни “Аллоҳ Таоло жазосиз қолдирмайди” деган ақидаги биноан (яхудийларнинг қандай художўйлигига эътибор беринг –А.Ш) яхудий халқи форсларнинг қулига айланиб қолади, улар эса ўз навбатида ибодатхонани ҳақоратлайдилар. Яъни, форсларнинг қўмондони Вагой, дўсти Исонинг ибодатхонада ўлдирилганини эшитиб, яхудийларга қараб кичкиради:

«Сизлар ибодатхоналарингда одам ўлдиришга қандай ҳадларинг сизди?» ва ибодатхона меҳробига кирмоқчи бўлади. Яхудийлар қаршилик қилганларида эса, “мен қотилга нисбатан тоза эмасманми?” дейди ва муқаддас қадамжого кириб боради.

Шундан кейин етти йил давомида Исонинг ўлими учун Вагой яхудийларни турли туман азобларга дучор қилади.

2. Иоанннинг вафотидан сўнг бош раввинлик унинг ўғли Иаддуйга ўтади. Доро томонидан Самария шаҳрига сатрап(ҳоким)ликка қўйилган, асли куфалик бўлган Санаваллет, Иаддуйнинг укаси Манассияга қизи Никасони турмушга беради. Янги сатрап Оссурия подшолари, Келасария ҳукмдорларига

кўпгина ташвишлар келтирган Иерусалим шахрининг қудратидан фойдаланиб, яхудий билан қуда тутининш эвазига бутун яхудий халқи билан муносабатларини яхшиламоқчи эди.

Саккизинчи бобнинг қисқача мазмуни:

1. Бу пайтда Эги шахрида юнонлар шоҳи Филипп ўлдирилиб, тахтга унинг ўғли Александр ўтиради ва Гелласпонт орқали ўтиб Граник ёнида Доро қўшинини тор-мор келтиради; сўнгра у Лидия ва Ионияга қараб юради, уларни ҳам тобе қилиб, Карияга талон уюштиради, Памфилия чегараларига киради.

2. Айни шу пайтда иерусалимлик оқсоқоллар бош раввин Иаддуй, хорижликка уylanган (демакки, наслни бузган-А.Ш.) кишига алоқадорлиги туфайли, ундан норози бўлиб, унинг укаси Манассияга қарши исён кўтарадилар...

Иаддуй халқнинг эътирозини қабул қилиб, укасига ибодатхона меҳробига яқинлашишни таъқиқлаб қўяди. Шунда Манассия қайнотаси Санаваллетнинг ёнига бориб, у ўз хотинини севса-да руҳонийлик лавозимидан воз кечолмаслигини, демакки, унинг кизи билан бундан буёғига яшай олмаслигини айтади.

Маккор ва уддабурро Санаваллет унга, хотини билан ажрашмаса, нафақат бош раввинлик, балки бутун яхудийлар вилоят ҳокимлигига уни тайинлашини, подшо Доронинг алоҳида розилиги орқали эса самарян тоғидаги Гаризим тепалигида Иуресалимдаги каби катта ибодатхона ҳам қуриб беришни ваъда қилади...

Аммо, воқеалар Санаваллет айтганчалик ривожланмайди. Подшо Доро жангда мағлуб бўлади. Фотиҳ А.Македонский эса Сурия, Дамашк, Сидонни эгаллаб, Тир шахрини қамал қилади.

Шу жойда А.Македонский яхудийларнинг раввини Иаддуйга хат юбориб, «озик-овқат ва одам кучи билан унга кўмак берса, македонларнинг дўстлигига мушарраф бўлишини, кейин улар Дорога тўлаган миқдордаги маблағни унга тўлаб турса» - кифоялигини маълум қилади. Аммо, Иаддуй –«токи Доро тирик экан, унинг билан тузилган аҳдномани бузолмайман»- деб А.Македонский элчиларига рад жавобини беради.

Бу хабарни эшитган А.Македонский Иаддуйга нисбатан ғазаб отига минади. А.Македонский Тирни ҳам эгаллайди ва Ғазони қамал қилади.

Вазиятдан фойдаланган тадбиркор Санаваллет А.Македонскийга 8000 кишилиқ қўшин билан ёрдамга келади. Унинг кўнглини олиб, ўзининг режасини амалга оширишга уни

кўндиради ва яхудийларни иккига бўлиш эвазига куёви Манассияни бош раввин деб эълон қилади ҳамда ибодатхона қурилишини бошлаб юборади.

Александр Ғазони ҳам қўлга киритиб, Иерусалимга қараб йўл олади.

Бу хабарни эшитган бош раввин Иаддуй қўрқувдан ўзини йўқотиб қўяди ва македонларни қандай кутиб олишни билмайди, чунки у аввалги осийлиги учун, шох ундан ғазабланганини билар эди.

Шунинг учун у қурбонликка жонлиқ сўйиб, бутун халқига Аллоҳга илтижо қилишни, келаётган хавфдан яхудийларни Яратган хифзу-ҳимояда асрашини сўрашни буюради.

Ибодат маросими тугагач Иаддуй чарчаб уйқуга кетади, шунда Аллоҳдан унга ваҳий келиб, «дадил бўлишни, шаҳар дарвозаларини гулчамбарлар билан безаб, уларни очишни, ўзлари эса оппоқ кийим кийиб шохни кутиб олишга пешвоз чиқишни, улар Аллоҳнинг ҳимоясида» эканлиги маълум қилинади.

Уйқудан турган Иаддуй худди шу ишларни қилиб, Аллоҳ номи битилган, тахтачани кўтариб А.Македонскийни, бошқалардан да кўра дабдабалироқ кутиб олгани йўлга чиқади.

А.Македонскийнинг аъёнлари эса, «Иаддуйнинг бўйсунмаганлиги учун, подшо уларнинг юртини талашга рухсат беради» -деб ўйлашади. Аммо, А.Македонский Иаддуйни кўргач, ғазаб ўрнига унга мурувват кўрсатади. Аллоҳ номи ёзилган тахтачага таъзим бажо айлаб, бош раввинга биринчи бўлиб ўзи салом беради. Донг қотиб қолган аъёнларига эса, -«мен раввинга эмас, Аллоҳга таъзим қилдим, бу қарияни эса македониянинг Ди шаҳрида тушимда айти шу кийимда бир неча бор кўргандим, у менга форслар устидан ғалаба қилишим башоратини бериб, тезлик билан ҳаракат қилиш лозимлигини айтган эди, бундан ташқари у менга бутун сафарим давомида ҳамроҳлик қилишини билдирган эди, ўшандан буён ҳеч кимни бу кийимда кўрмагандим, бугун эса уни кўриб тушим ўнгидан келганини ва мен Аллоҳ розилиги билан форслар устидан ғалаба қилишимга ишонаяпман», -дейди.

У раввиннинг ўнг қўлидан ушлаганча шаҳарга киради. Яратганга қурбонлик қилгач, унга пайғамбар Дониёлнинг китоби кўрсатилади. Мазкур китобда -«греклардан бир фотиҳ чиқиб, форслар ҳукмронлигини ағдаради» - деб ёзилган бўлади. А.Македонский бу башорат ўзи ҳақида эканлигини билгач,

яхудийларнинг ҳурмати яхшироқ бўлади ва уларга кўплаб мурувват кўрсатади.

И.Флавий шахсига ва унинг асарининг баъзи жойларига бунчалик кўп тўхталишимиз, ўқувчида мавзудан йироқлашувдек туюлиши мумкин.

Муаллифнинг бундай иш юритишига сабаб шуки, ўша пайтдаги яҳудийлар учун И.Флавий асари жуда қимматли манба ҳисобланган.

Худди шунингдек, эътибор берган бўлсангиз, ўша пайтдаги яҳудийлар Иаддуйни ҳам, А.Македонскийни ҳам, авлиё даражасига кўтаришмоқда. Яъни, улар бир-бирлари билан туш орқали учрашиб, Иаддуй томонидан шунчалик катта гуноҳ қилинган бўлса-да, А.Македонский унга мурувват кўрсатганлиги айtilмоқда.

Яна бир муҳим жиҳатни эътибордан қолдирмаслик керак.

А.Македонский милоддан олдинги III асрда яшаган.

Бу пайтда Аллоҳнинг икки китоби – Таврот ва Забур ерга туширилган бўлиб, бу иккала Китоб ҳам яҳудийларда, демакки Аллоҳ ҳақидаги энг тўғри билим уларнинг руҳонийларида эди.

Ердаги дарахтнинг қуриган барги Аллоҳнинг руҳсатисиз ерга тушмаслиги Қуръонда айtilади. А.Македонский каби подшонинг туғилиши, яшаши ва вафот этиши ҳам Яратганнинг изнисиз бўлмайди-ку. Бундан ташқари бу фотиҳ энг катта душманини енгиши, ғарбу шарққа лашкар тортиб у жойларни ҳам фатҳ этишидан олдин, унинг зафарли одимлари тушида маълум бўляпти, мабодо унинг қалбига яҳудий руҳонийси Иаддуй орқали Аллоҳга иймон келтириш ёзилган бўлса, нежаб?

Агар ундан енгилган мажусийлар, оташпарастилар, бутпарастилар ўзларининг диний маросимларини ўтказиб, унда А.Македонскийни улуғлаб турли сарполар кийдирган бўлса, шох уларнинг кўнглидан ўтолмай бу ишларга рағбат билдирган бўлса, ҳали Инжил ва Қуръон тушмасидан олдинги воқеаларни кейинги Китоблар – Инжил ва Қуръон, ҳадислар талаблари билан солиштиришимиз тўғри бўлармикин?

Зулқарнайн ҳақидаги саволни муаллиф мураккаблаштириш тарафдори эмас. Чунки, Пайғамбаримизга келаётган жавоб оятлар биз (умматлар) учун ибрат, аҳли Китоб учун эса тўғридан-тўғри жавоб сифатида келмоқда. Келаётганда ҳам, уларнинг айнан қандай жавоб кутаётганлигини Билувчи Зотдан келмоқда. Шу сабабли, яна бир марта келган жавоб – Қаҳф сурасига қайтсак:

83. Они тебя о Зуль-Карнайне вопрошают, -
Скажи: "Я вам поведаю историю о нем".

84. Мы укрепили его мощь на сей земле
И дали ему все пути и средства.

85. Он (выбрал) путь и им пошел.

86. Когда дошел он до захода солнца,
То он увидел, что оно
Садится в воды грязного ключа,
А близ него — (селение) народа.

Сказали Мы:

"О Зуль-Карнайн! Ты можешь наказать его
Или явить свое великодушие".

87. Сказал он:

"Мы того, кто нечестив, накажем —
Потом он будет к Богу возвращен,
И тяжелой мукой Он его накажет.

88. Но тем, кто верует и делает добро,
От нас — прекрасная награда,
И наши повеленья им
Будут даны им добрым словом".

89. Потом другим путем пошел он,

90. Пока не подошел к земле восхода солнца
И не увидел, что оно восходит над народом,
Которому не дали Мы покровы
Укрыться от лучей палящих.

91. (Он их оставил) в том же (виде, как нашел),
И ведали Мы все о нем.

92. И вновь отправился он в путь,

93. Пока не подошел к проходу меж двумя горами,
И у (подножья) их нашел народ,
Что мог едва понять какую-либо речь.

94. О Зуль-Карнайн! — они сказали. —
Гог и Магог творят нечестье на земле.
Не примешь ли от нас ты дань,

Чтобы воздвигнуть стену между (нечестивцами) и нами?

95. Ответил он:

"Могущество, что дал мне мой Господь,

Мне лучше (по награде).

Вы мне (рабочей) силой помогите,

И я воздвигну стену между вами.

96. Несите мне куски железа".

Когда (железом) он сровнял (пространство)

Между крутыми склонами горы,

"Дуйте (в кузнечные мехи)!" — сказал он.

Когда железо раскалилось, как огонь,

Сказал он: "Принесите мне его!

Я вылью на нее расплавленный металл".

97. И не могли (Гог и Магог)

Ни перелезть через нее, ни продырявить.

98. Сие — по милости от Бога моего, — сказал он, -

Когда придет обещанное Господом моим,

Он обратит ее в (мельчайший) щебень, -

А то, что обещает мой Господь,

Есть Истина, (что неминуемо свершится)!

Ушбу оятларнинг ўзбек тилига соддалаштирилган таржимаси
куйдагича :

83. Улар сендан Зул-қарнайн ҳақида сўрарлар,—

Айт: “Мен сизларга у ҳақдаги воқеаларни хабар қиламан”

84. Биз унинг ердаги қувватини мустаҳкамладик

Ва унга барча йўллар ва воситаларни бердик

85. У ўзи йўл танлади ва отланди.

86. У қуёш ботаётган жойгача борди

Ва унинг лойқа булоқ узра ботаётганини

Ёнида эса бир халқ кишлогини кўрди.

Биз айтдик:

“Эй, Зулқарнайн! Сен уларни жазолашинг ҳам

Меҳрибонлик кўрсатишинг ҳам мумкин”

87. У деди:

Биз гумроҳларни жазолагаймиз-
Кейин у Яратганга қайтганида
Ўз улушини оғир жазо билан яна Ундан олади.

88. Аммо, кимки иймонли бўлиб, яхши амал соҳиби бўлса
Биздан унга – ажойиб совғани
Қилаётган талабимизни ҳам
Яхши сўзла унга айтгаймиз”

89. Кейин у бошқа йўлга отланди

90. Энди у қуёш чиқаётган жойга йўл олди
Ва у ерда қуёш нурларидан яширинишга
Парда берилмаган халқни кўрди.

91. (У уларни қандай топган бўлса) ўша ҳолича қолдирди. (Яъни,
Зулқарнайн бу қавмни эътиқодларидан чиқариб, янги динга зўрлаб
киритмади, кийинтирмади ҳам дейиляпти. Диний бағрикенгликка
эътибор беринг– А.Ш.).
Ва биз унга бу ҳақда маълум қилдик.

92. У яна йўлга отланди.

93. Икки тоғ оралиғига келмагунча тўхтамади,
Тоғ пастида бир халқни топди,
Уларни гапи аранг тушуниларди.

94. Эй Зулқарнайн!–дейишди улар.–
Яъжуж маъжужлар ерда бузғунчилик
қилмоқдалар.
Сен биздан маблағ олсангда, улар билан бизнинг
ўртамизда девор куриб берсанг

95. У деди:

“Аллоҳ берган куч-кудрат менга
Етарлича юксак мукофот,
Сиз менга иш кучи билан ёрдам қилинглар
Мен сизларга қурайин девор”

96. Темир парчаларини келтиринглар
Қачон тоғ қирралари текис бўлганда
“Босқонларга дам уринг”– деди.
Темир олов янглиғ ловуллаганда
У деди: “Келтиринглар уни менга,

тоғлар орасидан қуяман уни”

97. Шундан кейин (Яъжуж маъжужлар) ўтолмадилар,
ошолмадилар, тешолмадилар ҳам ушбу деворни

98. Бу ишларнинг ҳаммаси Аллоҳ иродасидан,—деди у,- Унинг айтган вақти келганда бу жой майда тошга айланар Аллоҳнинг айтганлари эса Ҳаққирост содир бўлгувчидир.

Қуръондаги яна битта муҳим детал-девор (сад)ни аниқлашим керак бўлади.

Хўш, А.Македонский девор қурганми?

Йосиф Флавийнинг “ Яхудийлар уруши”номли асари VII китоби, 7-боби, 4-хатбошида шундай жумла бор:

...Аланлар Танаид(бу ерда Дунай-А.Ш.) дарёси ва Мэотида(ҳозирги Азов денгизи-А.Ш.) кўли қирғоқларида яшовчи скиф қабиласидир. Талончилик мақсадида Мидияга йўл оларкан, шоҳ Искандар темир дарвоза билан беркитиб ташлаган, ҳозирда эса гирканларга қарашли бўлган ўтиш йўлагидан фойдаланиш учун Гиркания шоҳи билан улар музокара олиб бордилар, розилик олганларидан сўнг эса қуяндай ёпирилиб, олдида учраган барча нарсани теп-текис қилдилар...

Бу маълумотдан сўнг яхудий олимлари Зулқарнайн ҳақидаги саволни бежизга пайғамбаримизга бермаганликлари кўриниб қолди. Яъни, савол келажакдаги эмас, балки бўлиб ўтган, яхудий тарихчиси И.Флавий баён қилган воқеалар ҳақида бўлмоқда, шекилли. Пайғамбаримизга эса Аллоҳ томонидан ваҳий орқали, яхудийларнинг талабларига мос жавоб туширилмоқда.

Иккинчидан, девор Хитой ёки Ҳиндистонда эмас балки Гиркания (Каспий) денгизи атрофидаги тоғларда қурилган бўлиб чиқмоқда (!). Яъжуж-маъжуж эса ўша пайтда динга кирмаган бир скиф (туркий) қавми ҳақида кетмоқда.

Интернетда эса ўз исм шарифини номаълум қолдирган бир киши, бу масалада қуйидагича хабарни қолдирган. “Кавказнинг бош чўққилари ўртасида ҳақиқатда бир тоғ бор. У маҳаллий нахлар тилида «Эчиг лам», яъни “Темир тоғ” деб аталади, шу тоғ атрофида эса қачонлардир бу ерда улкан қурилишлар бўлганлигини билдирувчи далиллар бор.

Энди юнонистонлик Александр Македонскийни Курьондаги Зулқарнайн билан бир шахс деган масалани ким адабиётимизга олиб кирди?— деган савол ҳам келиб чиқади.

Булардан бири, бобомиз А.Навоий эдилар ва у киши беш дostonдан иборат “Хамса”сидаги дostonларнинг бирини “Садди Искандарий” деб номлаб, уни Александр Македонскийга бағишлайдилар.

Аммо, бу ғояни биринчи бўлиб илгари сурган киши у киши эмас эдилар. Мана ўша А.Навоийнинг “Садди Искандарий” дostonига ёзилган сўзбошида филолог олима М.Ҳамидованинг бу ҳақдаги фикрлари:

“...Искандар — тарихий шахс бўлиб, Александр Македонский номи билан бутун дунёга шуҳрати кетган юнон подшосидир. У ўзининг қисқа, аммо шиддатли ҳаёти давомида қарийб ер юзининг ярмини забт этиб, бирлашган давлат барпо этишга улгурган жаҳонгир эди.

Ўттиз уч йил умр кўрган бу қудратли румлик фотиҳ образи кишилиқ жамиятининг доимо диққат марказида бўлиб келган. Давр ўтиши, замонлар алмашинуви натижасида дунёга ларза солган Александр шахси, унинг зафарли юришлари-ю ғалабалари афсоналар қобиғига ўралиб, тарихий қиёфаси, фактлар силсиласи ўзгартирилган ҳолда талқин қилина бошлади. Натижада тарихий ҳақиқатдан узоқ бўлган турли-туман асарлар юзага келди. Афсонага айланган Александр образи Искандар номи билан Шарқ халқларининг забардаст шоирлари асарлари қаҳрамони учун ҳам прототип бўлиб хизмат қилди.

Румлик фотиҳ Искандар ҳақида тўлақонли образ яратиб, уни марказий сиймо сифатида Шарқ адабиётида илк бор талқин қилган шоир — буюк озар классиги Илёс ибн Юсуф Низомий Ганжавий бўлди. Унинг «Искандарнома» (1211) дostonи ўзидан кейин майдонга келган Хусрав Дехлавийнинг «Оинаи Искандарий» (1299—1300), Жомийнинг «Хирадномаи Искандарий» (1484) ва Навоийнинг «Садди Искандарий» (1484) каби шоҳ асарларининг яратилиши учун туртки бўлиб хизмат қилди. Чунки, Низомий томонидан асос солинган «хамса»чилик унинг вафотидан сўнг адабий ҳаётда анъанага айланган, унга энг яхши ва арзигулик тахмис сифатида Хусрав Дехлавий «Хамса»си, Абдурахмон Жомий дostonлари мажмуаси юзага келган эди. Форс адабиётида давом этиб келаётган бу адабий анъана XV асрга келганда ўзбек

халқининг ардокли шоири Алишер Навоий томонидан илк бор туркий тилда давом эттирилди, натижада ўзбек халқи ҳам бу ноёб асарни ўз она тилида ўқишга муваффақ бўлди” (Садди Искандарий, Тошкент-1991 й. Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 5-бет).

Эътибор берган бўлсангиз Қуръонда Зулқарнайн ҳақида сўз боради. А.Навоий эса Искандар ҳақида асар битади. Аммо, яъжуж ва маъжуж қабиласи ўртасидан бир сад (девор, тўғон) қуриб бериш борасида бу иккала шахс битта эканлиги маълум қилингандай кўринади.

А.Навоий ўз асарининг назмий баёнида бу масалада бироз иккиланганини билдиради, аммо унинг устози А.Жомийнинг гапларидан сўнг, фикрлари қатъийлашгани кўринади:

“Баъзи тарихчилар бу ҳақда бошқача сўз ҳам ёзганлар Искандарни Дорога нисбат берганлар ҳам бўлган. Гўё Рум шоҳи, асалари ўз уясини ясагандек, қизини зеб-зийнат билан безаб, Дорога берган эмиш. Аммо орада ўтган бир иш сабабли буларнинг мурасалари бузилиб, Доро у қизни отасиникига жўнатиб юборган эмиш. Бироқ тўй бўлган кечаси булут садафга дур қатрасини тўккан экан. Ой-куни тўлиб, у садаф дурни юзага чиқаздики, ундан жаҳон шараф топган эмиш.

Яна бундан бошқа «Форс тарихи»да тубандаги каби сўзлар ҳам бор:

Гўё дунёда икки Искандар ўтган бўлиб, иккаласи ҳам ўз даврида жаҳон ҳукмрони бўлган эмиш. Унинг бири Доро билан урушган-у, иккинчиси яъжужларга қарши сад-девор қурган эмиш. Лекин дунёнинг доноси бўлмиш Жомий Искандар қиссасидан элни баҳраманд қилиш ниятида «Искандар» достонини ёзди. Элга ҳақиқий аҳволни Жомийгина баён қилди. Тангри уни балолардан сақласин. Дарҳақиқат, унга Искандар иши манзум, барча ҳолати яширин эмасди.

Айни фурсатда мен ҳам шу иш билан машғул бўлганим учун жамийки тарих китоблари қаршимда турар эди. Искандар ҳақидаги юқорида баён қилинган хилма-хил гаплар мени лол қилиб (А.Навоийнинг иккилангани исботи-А.Ш.) қийнагач, ер ўпиб, у донадан савол сўрадим.

Жомий ҳазратлари: «Иккита Искандар бўлган», деган гапни аниқ ҳужжатлар билан рад этиб:

— У ишлар бизга аниқ, маълум ва қатъий далиллар билан исботланган,— дедилар. Искандарнинг асли насабини Низомий қандай таърифлаган бўлса, донишманд ҳам шундай тасдиқладилар. У ҳақиқатан Файлақуснинг ўғли бўлиб, тарихчиларнинг бу ҳақдаги ихтилофлари тўғри эмас. Энди тадқиқот қилиш билан ҳақиқат аниқлангач, мен ҳам бу ҳақиқатни тадқиқ этишга киришай...” (Садди Искандарий, Тошкент-1991 й. Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 558-бет).

Энди навбат А.Навоий Искандарнинг юриши ҳақида чизиб берган йўналишига бир эътибор қаратсак:

“Давлат ҳомийси бўлмиш Искандар Рум тахтига шоҳ бўларкан, бошлаб душманларни йўқотишга киришди ва душманлардан у ерни тозалади. Ундан сўнг жаҳонда бўлган шаҳарларни фатҳ этиш нияти билан қўшин тортди. Бошлаб, Мағриб заминга (Африка мамлакатларига) ўч олиш учун юриш қилди. Тигдан оққан қоннинг зўри билан Зангибор (Ҳабашистон) даги келишмовчиликларни бартараф этди. Ундан кейин Доро билан олишиб, у олчқонинг кулини кўкка совурди. Яна шу қаби мамлакатларни олишни пайсалга солмай, Фаранг шаҳрини фатҳ этди. У ернинг халқларини муте қилгач, Қрим билан Андалусни (Испанияни) босиб олди. Қайтиб Мисрни фатҳ этиш учун жанг бошлади, фалак уни Миср юртининг шоҳи қилди. Табиатини ёқтириб қолиб, Миср ўлкасида Искандария шаҳрини барпо этди. Сўнгра Зардуштни даф этиш учун ҳужум қилиб, уларнинг ўтига тиг Ажам Ироқи томон юруш қилганда, у ердаги одамлар бунинг оҳангидан баҳраманд бўлдилар. Араб Ироқида от сурилганда қадамидан у ернинг халқлари баҳра олди. Сўнгра, Шом ва Халабга йўл олиб, у ерлардан ҳам тилаги ҳосил бўлиб, шодлик насиб этди. Сухайл юлдузидек ёруғ юз билан Яман ўлкаси томон чиққанида, бу ернинг тошлари қип-қизил ҳақиқдек кўринди. Тупроғини ўпиш ниятида Макка шаҳрига азм қилиши биланок унинг эшиклари очилиб кетди. У ердан қуруқликлар сари юриш қилиб, ажойиб манзиллар юз тутди. Сўнгра Форсни олишга киришганда, у ўлка жанг-жадалсиз таслим бўлди. Бу ерлар олингач, қувончга тўлган шоҳ, бахт-саодат билан Шимолга қараб йўл олди. Эндиликда мамлакатларни босиб олишга одатланган шоҳ жаҳду жадал билан Хоразмни ҳам қўлга киритди.

Тўхтанг! Мана Зулқарнайн ҳақида қадимги олимлар баҳс олиб борган жой қерда экан!!! Хусусан Эрон олимлари «яъжуж-маъжуж

ўртасида девор тиклаган Зулкарнайн бошқа шахс» деганича бор экан. Чунки, форслар шоҳи Доро билан урушган Александр Македонский Хоразмни забт этмаган, А.Навоий айтаётган Хитойга ҳам бормаган. Бу фактларни биз яхши биламиз. Шунинг учун А.Навоий айтган фикрларни охиригача тинглаб, мушоҳадаларимизни кейин давом эттирсак:

“–Қуёшдай порлаб турган байроқни баланд кўтарган ҳолда Дашти Қипчоқни ҳам олиб, у ерга ёруглик сочи. Бу ўлкадан отининг жиловини бургач, Саксину Сақлоб вилоятларининг жиловини кўлга олишга шошилди. Ос ва Рус томон юрганда у ердагиларнинг юзлари кўркувдан қаҳрабодек сарғайиб кетди. Йўли Чаркасу Гуржа сари тушганда, барча гуржию чаркас бунинг қулига айланди, Шимол халқини ўз эҳсонига ғарқ қилиб бўлгач, Шарқни олиш учун ҳаракат бошлади. Фархор мамлакатини ўз манзилига айлантиргач, у гулистондаги ҳар бир тиконни кесиб ташлади. Мовароуннаҳрни босиб ўтаркан, Искандар у ерда Самарқанддек шаҳарни тиклади, Чигил билан Яғмодан худди чаманда ғарбдан шарққа эсган шамолдай ўтиб кетди. Юриш қилиб, Чин тахтига бориб ўтирганда, Хитой хоқони унинг қаршисида хизматкорлардек бел боғлаб турди. Сўнгра Ҳиндистон сари босқун ясаганида, подшоҳ Кед унга куллуқ қилишдан бошқа чора тополмади. Ҳиндистон ва Хитойда бўлган бутхоналарни бузиб, тоат-ибодат қилувчиларга қошоналар курди. У ўлкаларда кофирларнинг айб-нуқсонларини орадан кўтаргач, Жануб сафари учун от сурди. Синд, Кеч ва Мукрон томонларни босиб ўтгач, Кирмонга қараб сафар қилди. Хуросоннинг ҳаётбахш ҳавоси ёкиб қолгач, у ерда Ҳирот шаҳрини бунёд этди. Сипоҳон (Исфихон) сари даштларни босиб ўтаркан, Рай деган шаҳарни бино айлади. Оламдаги бутун мамлакатларни фатҳ этиб, хотири жам бўлгач, яна ўз Ватани Румга қараб равона бўлди. Бирмунча вақт май базмлари тузиб, айш-ишрат қилса ҳам, кўнгли ором топмади. Яна бошқатдан оламни сайр этишга бел боғлаб, мамлакатларда хайрли ишлар бунёд этди”.

«Платон менинг дўстим, аммо ҳақиқат қимматли»- деганларидек, А.Навоий бобо ҳам адашяптилар. Александр Македонский Хитойни забт этгани йўқ, хатто Ҳиндистонни ҳам. Бу жойларни Ўғузхон забт этганлигини, гарчи номини тилга олмасалар-да (мендаги манбалар бўйича –А.Ш.) Ғарб олимлари ҳам, Шарқ олимлари – Абулғози ва М.Улуғбек ҳам тасдиқлайдилар.

Қуръондаги Зулқарнайннинг юрган йўналиши ҳам аввал ғарб, кейин шарқ, кейин шимол эканлигини юқорида кўрдик.

Қурайшликларнинг савол-жавобларига хулоса ясаб, шуни айтиш лозимки, қурайшликларга яҳудийлар томонидан берилган саволларга жавобнинг пайғамбаримизга кечикиб келишида ҳам, жавобни эшитган яҳудий олимларнинг йиғлаганликларида ҳам ҳикмат бор. Уларнинг бир қисми “Аллоҳ ҳақидаги илм арабларга ўтиб кетди” дея аламдан йиғлашса, бошқа бир қисми (балким савол тузганларнинг барчаси) Аллоҳга иймон келтириб исломга киради. Кейинчалик ҳам бошқа диндаги олимларнинг энг зўрлари илмнинг юксак чўққиси етиб бориб Қуръон ўқиганда ҳидоятга кириб кетаётганлигига ажабланмаса ҳам бўлади.

Бироз лирик чекиниш. Бир муддат олдин туманимиздаги кишлоқлардан бирига фотиҳага бордик. Мезбонлардан бири – ёши тўқсонларга қараб кетган киши, тиловатдан кейин гапириб қолди.

–Ўша куни фалончи, тиловат қилаётганида қиблага нисбатан нотўғри ўтирганди...

Отахоннинг ёши улуғ. У кишига эътироз билдиришни ўзимга эп кўрмадим. Нега биз Қуръонни муқаддаслаштириб, уни ўқишдан одамларни узоқлаштирамыз? Ахир, уни доим ўқиш ва тафаккур қилиш керак, яъни мағзини чақиш фарз-ку!

Менимча, Қуръоннинг бирон сирини очишга уриниш ҳам фақат фойда...Яна бир гапки, бу сирнинг очилишига уринишнинг ўзиёқ, юртимизга келаётган хайр-у-бараканинг бошланиши, яқин орада дунёни ўз илм-у тафаккури билан ларзага соладиган ўзбекистонлик – Бухорийлар, Замахшарийлар, Бегунийлар, Ибн Синоларнинг авлоди етишиб чиқишининг дарағи-ёв менимча!

Қуръондаги Зулқарнайн, бизнинг бобомиз Ўғузхон, менимча. Бутун дунёга тарқалган биттагина ОЙ, АЙ этнонимлари тарқалишини мулоҳаза қилиб кўрайлик-да. Бу сўз халқлар, мамлакатлар номида фақатгина бир сабаб билан ўрнашиб қолиши мумкинлигини айтиш мумкин. Бу ҳам бўлса, шу номга тегишлилик.

Ҳа, тахминан 4800 йил аввал халқларнинг буюк кўчиши юз берган. Буни адолатли шоҳ Ўғузхон ва унинг жасур лашкарлари амалга оширганлар. Инсоният тарихида ер шарининг Ғарб-у, Шарқини биринчи марта куч билан эгаллаган, қалбида адолат ҳисси устун, сабр-қаноатда чидамли, илм-маърифатга ишқи кучли бўлган

Ўғузхон ва унинг авлодлари ҳозирги кунда ҳам ҳар жабҳада уз устунликларини намоён этиб келмоқдалар.

Эрамиздан олдин ҳозирги Италия, Франция худудида МанАЙ қироллиги бўлган. Европанинг ўзиям ОЙ-РОПА дейилади. Хитойда ҳам Ой сўзи бор? Хитойдаги энг баланд тоғ – Ҳимолайда ҳам «АЙ» бор. Америка ҳиндуларининг бир қисми Майя қабиласи. Балким, бу ҳам қадимги МанАйдир? Нега дунёнинг энг шарқидаги мамлакат, қуёш чиқадиган жойлардан бири Мал – Ай– Зия, Тай-Ланд деб аталади?

Ўғузхон қорахитойлар билан жанг қилганлигини Абулғози айтиб ўтади. Қорахитой деганда танаси ранги қора хитойликлар назарда тутиляптими? Хитойликларнинг асосий белгиси қўзлари бироз қисиклиги десак, танаси ранги қораси, айна ҳозирги малайзияликлар, индонезияликлар эмасми?

Иккиламчи асос билан мантиққа борамиз. Нега туркий дунгонлар ўзларини Ҳазрати Али аскарлари авлоди дейишади? Ойлар айнан Малайзиядадир? Азия сўзиям асли Ўзия-ку. Балким Тай-Ланддир? Бу ҳали ҳаммаси эмас. Европадаги Англия, Франция, Бельгия, Германия, Чехия, Финляндия, Хорватия ва ҳоказо сўзларидаги охириги бўғиндаги «ИЯ» ҳам, аввал «АЙ» бўлган.

Классик вариантда улар Болтиқ бўйи Республикаларида топонимлар номида – Буйведжай, Саткунай ва ҳоказо топонимларда турибди. Қадимги қўлғезмаларда Таргитай, Таргитий шаклидаям ишлатилган. Римлик машҳур саркарда Гай Юлий Цезардаги Гайни туркий этимология нуктаи назаридан олиб қаралса. Гай, Амир Темурнинг отаси Тара-ҒАЙдаги Гай билан ўхшаш, Чингизхоннинг отаси ЕсуҒАЙдаги Гай билан эса бир хил.

Демак, Зулқарнайн аввал ғарбий океангача (масалан Англия), кейин шарқий океангача (масалан Тай-Ланд ёки Мал-Ай-Зия), кейин шимолга боради.

Туркий халқлар кўчманчи бўлгани, гўшт истеъмол қилишни хушлагани учун, кўпчилик сўзлар, чорвачилик жараёнларидан олинган бўлиши мумкин. Масалан, Шох сўзи, айнан туркийлиги тўғридир. Шох деганда киши бошига киядиган чиройли тож ҳам, буғу шохига менгзаб (қисқаси биоинжинерия) кашф қилинган бўлиши мумкин. Шунингдек, Зот деганда чорва зоти ҳам, кишининг зоти ҳам тушунилади. Шунинг учун ҳозирги пайтда тилимизда қўлланиладиган Шахзод исми ҳам, қадим ўтмишга бориб

тақалишига ажабланмаса ҳам бўлади. Наҳотки, Иззат айнан Ўз (Ўғуз)-Зот бўлса-я.

Уй сўзи яшайдиган макон, от сифатида ҳам, феъл сифатида уюшиш, бирлашишни ҳам билдиради. Унга асос аввало «Иймоқ» феълидир. Сигирнинг елини бир маромда сут бериш жараёни Ийишидир. Яъни, ота-онадан фарзанд туғилишини ҳам елиндан сут чиққани каби, ийиш, туғиш деб тушуниш мумкин. Демак Ой+Ой=Ий=Уй; Ой+Ой=Ойлар=Ойла=Оила; Аёл сўзиям аввал «Ай-Ёл» бўлгандир, қариндошларни эса Аймоқ деймиз. Ой, Сар бобога ўзбек халқининг қанчалик яқинлигини ўйлаб кўринг-га.

Тилимиздаги «ЎҒИЛ», «ҚИЗ», «БОЛА» сўзлариям шўхлик, қувонч, нур билан боғлиқ. Ўғил – Ўғлон - ОҚ-ИЛОНдан пайдо бўлган. Қиз эса Қизимоқ феъли, Қизил сифати, Қизғиш равиши ўзагини ташкил этиб, қизарган чўғ – нурни билдиради. Тилимиздаги қизик, қизикчи сўзлариям шўхлик, шодлик, хуррамлик сўзларига синонимдир.

Бола сўзига келсак. Асал сўзига Бол сўзи синонимдир. Асал эса сариқ рангда. Энди бирон бир киши муваффақиятга эришса “БАЛЛИ” деймиз. Европа тилларида конкурсларда “балл қўйиш” ҳам айна шу сўз. Шунинг учун “Балли” деганда, бошқалардан устунлик, шўхлик тушунилади.

Бу сўз ҳозирги пайтдаги Шоди, Шодия, Хуррам, Хушбахт, Бахтиёр, Ботир, Шўхрат (аслида ШЎХ-ҒОТ), Азамат сўзига синонимдир. Хитойдаги ғорлардан топилган навкарлар ҳайкалчаларини БАЛБАЛ дегандаям айна шу маъно ётади. Футбол тўпиям сакраб-сакраб юриши, шўхлиги учун ҳам Бал, Бол дейилади.

Шунингдек «Уя» ҳам яшаш маконини англатади. Шунинг учун УЯ, кейинчалик тилга олинган ИЯга ўзгариб СКИФИЯ шаклини олгани ҳақида тўхтамга келса бўлади.

ЁР сўзи ҳам нурни англатишини юқорида айтиб ўтгандик. Ҳозирги замон ўзбек тилидаги, айнан арабча ҳисобланмиш «НУР» сўзининг ўзиям айнан туркийча «ГУР»нинг ўзгарган шакли бўлиши мумкин. Туркийча «ТОМ» сўзиям, русча «ДОМ» сифатида ўзимизга қайтиб келгани каби.

Чунки, осмондан тушаётган яна бир мавжудотни бошқача ном билан атаймиз. У пари, фаришта каби нурга боғлиқ бўлиб, уни биз «ХУР+ЛИҚ-О» деймиз. Мана шу сўздаги ХУР бир вақтлар нур, ёруғлик, шодлик қувончни англатган «ГУР» бўлгани асосли

кўринадиган. Чунки, тилимиздаги «ХУРРАМ» сўзиям, «ХУРСАНДЛИК», «БАЙРАМ» каби сўзларга синоним эканлиги тушунарли. Энди Хуррамлик – шодлик, қувонч эса нур билан боғланади. Шу сабабли Афғонистондаги Хуросон топоними аслида туркийда ГУР-ЎҒУЗ-ИЙ(ОЙ), форсчада ГУРОСИЁН – ГУРОСОН – ХУРОСОН бўлгани ҳақида фикр юритиш мумкин. Ҳа, ўша араблар тилидаги ОСИЙ деганда «динни тушунмайдиган»лар дегандаям бизнинг боболар тушунилганини айтиш жоиз (бунинг шундайлигини исботлаш учун кўпам узоққа бориш шарт эмас).

Касбни билдирувчи «ЧИ» қўшимчаси этимологияси. Аввалбошда чирой, чироқ сўзларини ўрганиб чиқамиз. Бу сўзлардаги ЧИР ҳамма томонлама ОЙ – хушсурат, ҳамма тарафи ОҚ –НУРни англатади. Энди сув билан доим шуғулланувчи киши дастлабки вариантда СУВЧИР, пода билан доим шуғулланувчи киши ПОДАЧИР дейилганлигини айтиш мумкин. Мана шу сўзлардаги охирги «Р» товуши ейилиши оқибатида касбни билдирувчи «ЧИ» қўшимчаси келиб чиққан.

Бундан йигирма беш аср аввал яшаган, тарих отаси Геродот айтган, қадимги Хитой манбалари сўйлаётган «шоҳ скифлар», бутун дунё туркийлари илк ватани, айнан бизнинг юртимиз Ўзбекистон бўлиб чиқмоқда. Бу юрт нафақат туркийлар, балки ҳозирги пайтдаги бутун европа халқлари ўзагини ташкил этувчи, «шоҳ скифлар» таркибига кирувчи – шарқий ва ғарбий Готларнинг, Оксларнинг, славянлар отаси Сакларнинг ҳам илк ватани бўлиб чиқмоқда.

Шоҳлар юрти Скифия қаерда деган саволга жавоб эса устоз М.Закиевнинг тадқиқотларига қўшилмасдан илож йўқлигини қайд этмокчи эдим.

Такрорлаш бўлса-да, бу жумла диққатга сазоворлиги важдан қайтарилмокда:

Турк олими И.Дурмуш Европа халқларида ГУЗ атамаси эрамиздан олдинги 700 йилларда Уссурия ёзма манбаларида Ашгуз шаклида мавжуд эканлигини қайд этади [Дурмуш, 1993, 26]. Устоз М.Закиев Скиф сўзи айна шу сўздан келиб чиққанлиги ҳақида фикр юритади: скиде –искид–искуз–Ишгуз [Закиев М.З., 1995, 23, 40—41]. Яъни М.Закиевнинг фикрига кўра: Ашгуз – Ишгуз – Искуз – Искид – Скид – Скит- Скиф (русчасига). Чунки, руслар Тракияни – Фракия, Тиссагетни – Фиссагет, Мартани- Марфа, Теодорни –

Феодор ва ҳоказо дейишади. Геродот Тракия (Фракия)да энг яхши кабила сифатида гетларни тилга олади (Геродот «Тарих» IV, 93).

Фақат биттагина кўшимча «СКИТ» сўзи аслида туркий «ФИТ» бўлиши мумкин. Юнонлар «ҒЭ» товушини «ЭС-КА» товушига алмаштириб қўллаган бўлишлари мумкин. Шу версия қабул қилинса АшГУЗдаги ГУЗ билан ҒУЗ-ҒУТ-ҒИТ, алалхусус СКИТ сўзи келиб чиқади.

Геродот айтган «шоҳлар авлоди» эканлигимизни билдирувчи топонимлар ҳозир ҳам бироз ўзгарган ҳолатда бор. Масалан, Шовот – «Шоҳ» – «Ғот», Вобкент – «Ғот»-«Кент», Боғот- «Бой»- «Ғот», ШаҳриХон, (Шаҳрисабз эса Шаҳриғуз бўлиши эҳтимол) ва ҳоказо.

Бутун дунё мамлакатлари ичида кенг тарқалган топонимлар, гидронимлар, этнонимлардаги :

Ўкўз; Окс; Ўғуз; Ғуз; Юз; Жуз; Ғуз; Гуз; Гус; Ўз; Оз; Ос; Аз; Ас; Из; Ис; Уз; Эс, Яз; Ғут; Гут; Гуд; Ғаз; Гас; Ғит; Гет; Ғот; Гот; Ғат; Гат; Вот; Ват; ўзаклари барчаси дунёда адолат байроғи ва кучи орқали биринчи бўлиб тартиб ўрнатган шоҳга бориб тақалади.

Дунё харитасидаги Ой; Ай; Ая; Ий; Яй; Ия; Сар; Сармат; Цар каби ўзак сўзларнинг барчаси Ўғузарга, яъни шоҳлар авлодига тегишлиликни билдиради.

Шу сабабли ҳам унинг номи Буюк Китобга киритилган. Шунинг учун ҳам у охирзамон пайғамбарига дунёдаги энг мураккаб савол сифатида берилган.

Бу масалани узоқ чўзиб ётиш ҳам шарт эмас. Туркий халқлар ўртасидаги энг қадимги ҳисобланувчи бир неча сўзларнинг этимологияси ҳам ушбу фикримизни тасдиқлайди.

Масалан, Самарқанд атрофидаги, ҳозирги тилдаги Афросиёб шаҳри этимологияси Алп+Осиёндир, Осиё эса Ўғуз+Ий (Ой)нинг форсча талаффузи. **Осиё, Азия – сўзлариям Ўзия, аслида Ўғузиядир.** Ёки ўзбек халқ антик давр қаҳрамони, массагетлар маликаси Тумарис сўзидаги ИС ҳам Ўғуз, унинг ўғли Спарангиздаги ГИЗ ҳам Ўғузидир. Қирғиз халқ достони МАНАСдаги АС ҳам Ўғузидир.

Европа ва Америкадаги Оксфорд, Канн, Гаскония, Сарагоса, Гетеборг, Айленд ва бошқа топонимлардаги «Ай», «Гас», «Гуз», «Гут», «Гет», «Окс»лар ҳам бундан деярли 5000 йил аввал яшаган шоҳ бобомиз «Ўғуз» номини беради.

Россиялик тарихчи олим М.Аджининг «Қипчоқлар ва Ўғузар. Турклар ва Буюк Даштнинг ўрта асрлардаги тарихи» (Кипчаки, Огузы. Средневековая история тюрокв и Великой Степи.

Москва-2001) асарини ўқиб Миср эҳромлари тилсими, қадимги туркий аждодлар билан боғлиқми деган ҳаёлга борасан киши.

Ростданам мисрлик Фиръавннинг исми Тутанхамон эмас, балки Тўтақхонман, бизнинг тилимизга араб тили орқали кириб келган Фиръавн, Европа халқлари тилидаги ФАРАОН, ФарХОН бўлиб чикса нима дейсиз? Нега Фиръавнларнинг жасади сақланадиган тобут САРКОФАГ дейилади?

Фиръавнлар ва туркийларнинг эҳром қуришга қандай боғлиқлиги бор дерсиз?

Эҳромлар айнан подшолар қабрини яшириб қўйиш учун қурилган эди. Нега? Бунга қандай асос бор эди? Жуда катта асос бор эди-да. Буни Геродот ўз асарида баён қилади. Қадимги халқларда баъзида иймон-этиқоддан чекинганда, тилга олишга уяладиган, жирканч бир қилиқлари бор эди. Улар ўз душманлари бош суягидан идиш ясаб, уни кўз-кўз қилиб, бошқаларга кўрсатиб, мақтанишни хушлашарди.

Чунончи, Александр Македонскийнинг қабри ҳозиргача номаълум, Рим империясини таслим қилган туркий саркарда Атилла ўз қабрини Дунай дарёси тагига яширтирган, Чингизхон ўз қабрини номаълум қолишини истаган (ҳа, айтмоқчи. Александр Македонскийнинг исми АЛЕКС даги «ЕКС» ҳам «ОКС» туркийларнинг илк подшоси Ўқўз сўзига бориб тақалиши мумкин. Фақат Алесдаги «Ал», Алп-Ботир бўлиши мумкин. Шунда Ал+Окс =Ботир-Ўғуз маъносини беради.

Ўз қабрини бировларга билдирмаслик, барча туркий шоҳларга ҳам расм-русм эди. Амир Темур бобомиз ҳам ўз қабри устига қўйиш учун Шаҳрисабзга 2,5 тонналик тошни келтиртирган эди. Аммо у Самарқандда дафн этилди ва ...

Америка ҳиндуларининг монголоид ирқига мансублиги, тили туркий тилларга қардошлиги Дак-Ота, Камончи, Апачи (апа қадимги туркийда Ота маъносини ҳам берган)и, Ирокезлар – Эрўғузлар бўлиши мумкинлиги, дакота тилининг туркий тилга ўхшашлиги, масалан, туркий тиллардаги «ичув», «ичмоқ» — ісу , ютув, «ютмоқ» YUTA, «ЭШ» (бирор ишда эш, шерик бўлмоқ) — ІСНІ, «МЕН» — «МІ», «ИККИ» – ІК ва бошқалар. Дакота қабиласининг тотем белгиси — аждарҳо сурати ҳозирги Қозон шаҳрининг герби билан айнан бир хил бўлиб, Волга булғорлари зарб этган тангаларда акс этганлиги-чи?! Шунингдек, у рамз сифатида қадимий туркий халқлар, жумладан, Ўрта Осиёдаги

туркий халқлар орасида ҳам маълум бўлганлиги, Дакоталикларнинг хунларга алоқадор бўлиши мумкинлиги ҳақида Л.Н. Гумилёв ҳам фикр билдирганлиги, Инклардаги охирги подшоҳнинг исми АТАху АЛПа бўлгани, Сурхондарё вилоятида «Инкобод» номли қишлоқ борлиги-чи?! Майя қабиласи ҳам Ал Хоразмий каби «0» рақамини кашф қилгани-чи?! Ҳозирам Лотин Америкасидаги баъзи мамлакатлар номида Ай сўзи борлигини, масалан – Уругвай, Парагвай. Нега японларда моҳир жангчилар Самурай дейилади? Сарой жанг тури – Айкидо? Тай (Таиланд)ларда Муай-Тай. Бу Ой сўзи жуда сирли, жозибадор ва жуда қадимги эканлигини, шу билан бирга, барча инсонларнинг НОЙ (Нух) пайғамбар авлоди, қариндошлигини билдирмайдими?

Геродот бўйича Скифия – шоҳлар макони. Унда Шоҳ ким? Шоҳ бобомиз – Ўғузхон.

Қуръонда келтирилган Зулқарнайн аввал қуёш ботаётган жой Англияга борган деб фараз қилдик.

Қуръонда Зулқарнайн қуёш чиқаётган жойда ялонғоч юрган одамларни кўради. Мана шу факт малайзияликлар, индонезияликлардир? Балким Тай (Таиландлик)лардир?

Европаликлар ДНКсида 80 фоиз унсурлар Марказий Осиё халқлариники билан бирлигини фан исботлаганини юқорида айтгандик. Менимча бу тадқиқотлар Шарқий Осиё халқлари ўртасида ўтказилса ҳам, шу натижани берса керак. Чунки, Ўғузхоннинг отаси Ой Қаган ҳам дейилган, Ойхон ҳам шу маънода, эрамиздан аввалги Ойхонтепа шаҳри ҳақида юқорида айтдик. Ана шу Ойхоннинг тескараси ХанОй Вьетнамнинг пойтахти.

Зулқарнайн Александр Македонский эмас? - деган олимлар ҳам кўп. Айниқса, Эрон олимлари, жумладан ўзимизнинг ҳам баъзи уламолар бу гапни инкор қиладилар.

Амударёнинг қадимда Ўғуз бўлганини айтдик. Термез атрофидаги Амударёнинг ўртасида пайғамбар ороли деган жой бор. Қайси Пайғамбар?-десангиз, –Зул-Кифл,- дейишади.

Айни шу Зул Кифл, Зул-Қарнайннинг синоними эмасмикан? Ахир пайғамбаримизнинг ҳам бир неча исмлари бўлган-ку. Масалан: Муҳаммад, Аҳмад, Мансур, Абу Қосим ва ҳоказо. Хатто, Аллоҳнинг ҳам 99 та исми бор-ку!

Нега Ўзбекистон жанубида? Абулғози бўйича Ўғузхон энг охирги макон сифатида Иссиқкўл атрофини танлаган.

Аммо, Геродот ўша пайтдаги скифларнинг ўз подшоларини кўмиш маросими тасвирлаб берган. Подшо қариндошлари яшовчи деярли барча ерларга мотам маросимида олиб борилиб, ўлганидан кейин бир неча ойдан кейин кўмилган. Ўғузхон ўз туғилиб ўсган юртида кўмилган. Чунки, қадимги “Ўғузнама” достонида Ўғузхон тимсоҳ билан олишиб уни енгади. Тимсоҳ эса туркийлар яшовчи энг жанубий ҳудуддаги дарё (ҳозирги Амударё) бўлишини аввал айтгандик. Шунинг учун у дарё тагига кўмилган. Бунга сабаб шуки, душманлар эрта бир кун унинг қабрини қавлаб, бошини олиб кетмаслиги учун.

Айни Ўғузхоннинг қабри шу ерда бўлганидан дарё номиям унинг номида бўлган. Подшоларини дарё тагига кўмиш одати ўша пайтда пайдо бўлгани учун, туркий лашкарбоши ва подшо Атилланинг ҳам қабри Дунай тагига кўмилган.

Бундан чикди, юртимизда деярли 5000 йил олдин яшаган Ўғузхон ўша Зул-Кифл–Зул Карнайндир. Исо алайҳиссалом бешикда ётганида гапирган. Юсуф алайҳиссалом даврида ҳам йўргакда ётган чақалоқ тилга кириб, Юсуф алайҳиссаломга қилинган тўхматни, оддийгина, мантикий мушоҳада билан фош қилиб ташлайди. Ўғузхон ҳам бир ёшида ўзига ўзи исм қўйган.

Қадимда лашкарбошиларимиз «Александр Македонскийдай бўлай»- дейишмаган. Аксинча, Александр Македонский туркийларнинг шоҳи қилган ишни қайтармокчи бўлган. Эрамиздан аввалги юнонлар ҳам, қадимги римликлар ҳам скифларнинг жуда Улуғ бир бобоси бўлганлигини айтганлари маълум. Улар бу маълумотларни ёнларида яшовчи европалик скифлар-готлардан эшитганлар.

Зулқарнайн албатта арабча лисондаги талаффуз, балким унинг талаффузи Зул-Қарн-Ай-дир? Шу битта «н» товушининг олинини бутун тилсим калитидир?

Энг қизиқ муаммолардан яна бири «ЎҒУЗ» сўзи этимологияси ҳамдир. Бизга қадар жуда кўп олимлар турли-туман фикрлар айтганини юқорида келтирдик. Изланишларим ҳулосасида шуни айтишим мумкинки, бу сўз аввалбошда туркийча ҳайратни ифодаловчи «Ў» товуши ҳамда инсон танасидаги энг нурли аъзо ва нурни кўрувчи, уни идрок этувчи, англатувчи «КЎЗ» яъни ЎТА НУРЛИ сўзлари бирлашувидан ташкил топиши мантиқан тўғри, шекилли. Шундай қилиб, Ўзбек сўзи этимологияси Ў-КЎЗ – ЎҒУЗ -

БЕРК, «ЎТА НУРЛИ БЕК» маъносини бериши ҳақида фикр юритсак асосли бўлади.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Бутун инсоният учун юборилган самовий Китоб - Қуръони Каримда, «эй инсонлар, сизларнинг миллатингиз ҳам, динингиз ҳам бирдир», - дейилади. Миллатимиз ва динимиз қачонлардир бир бўлгач, тилимиз ҳам бир бўлган-да. Балким дунёдаги энг қадимги тил – туркий тилдир?

Умуман олганда барча халқлар бир-бирига қариндош, барчалари бир ота-ю, бир онанинг фарзандлари эканлиги улар ишлатаётган тилда ҳам ўз исботини топаркан. Шоҳлар авлодига эса ўзининг насл-насабини унутмасдан, дунёдаги барча фазилатлар (олийжаноблик, бағрикенглик, тўғрисўзлик, қаноат, мардлик, сабрлилик, саҳоватпешалик ва бошқалар) ни ўзида жам қилиш масъулияти ҳам борлигини унутмаслик керак.

Бундан ташқари, ер юзида яшовчи барча инсон Яратган Зот томонидан Халифа – Шоҳ қилиб юборилган.

Хулосада Президентимизнинг мана бу гапларини дастуриламал қилсак:

– «Эркин, демократик жамият қуряпмиз. Биз учун ёпиқ мавзунинг ўзи йўқ. Умумхалқ минбари – телевиденимиз, радиомиз, матбуотимиз бор. Яхши ниятли кишиларга чегараларимиз ҳамиша очиқ. Хориждан меҳмонлар келишяпти, биз чет давлатларга чиқяпмиз. Кунда бўлмаса, кун ора халқаро анжуманлар ўтиб турибди. Бизга мана шу анжуманларда манаман деган олимлар билан хоҳланг иқтисод, хоҳланг сиёсат, хоҳланг тарих, маънавият соҳалари бўлсин, бемалол баҳслаша оладиган билимдон, зукко, маърифатли одамлар керак.

Мен қайси халқ қаердан келиб чиққани, кимнинг тарихи қўхналиги хусусида баҳс юритиш, бу борада бир миллатни бошқа бир миллатга қарама-қарши қўйишга мутлақо қаршиман. Бу нарса бизга асло керак эмас. Фақат бизнинг давлатимиз тарихини ёритишда ўзга ғоя ҳукмронлик қилишига йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидламоқчиман. Бу масалада, яъни узоқ ўтмишимиз, тарихий томирларимиз бўйича ўз мустақил фикримизга, чуқур илмий асосга

эга бўлишимиз шарт. Тарихчи олимларимиз, илмий муассасаларимиз олдида турган долзарб вазифа шундан иборат».

(Тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбат, «Мулоқот» журналі 1998 йил 5-соні).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А.Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» (Тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбат, «Мулоқот» журналі 1998 йил 5-сон).
2. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 12 том;
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати 6 том;
4. С.Қораев. Ўзбек топонимлари;
5. Э.А.Бегматов «Ўзбек исмлари» Т.2010. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти);
6. Мирзо Улуғбек “Тўрт улус тарихи” Т.-1994 йил “Чўлпон” нашриёти;
7. Абулғози “Шажараи турк” Т.-1994 йил “Чўлпон” нашриёти;
8. Н.Муҳаммад «Турон давлатлари йилномаси» Т.-2010 й. «Merius» нашриёти.
9. “Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида”YURIST-MEDIA MARKAZI” Тошкент-2008 йил;
10. Ш.Турдимов. «Гўрўғли» дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. Тошкент-2011. «Фан» нашриёти.
11. Насимхон Раҳмон “Турк ҳоконлиги” Тошкент «Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси» нашриёти, Т.-1993 йил.
12. Шварц Р.фон “Туркистон – хинд-герман халқларининг бешиги” Фрайбург–1900 йил.
13. З.Зиётов “Турон қавмлари” Т-2008 “Истиқлол” нашриёти.
14. «Ўғузнама» «Ўзбекистон» нашриёти Т-2007й.
15. Э.К.Пекарский. Словарь якутского языка в 3-х томах. Петроград. Типография императорской академии наук. П.-1917 г. 1959 йилда қайта нашр этилган.
16. Г.А.Сорокин, Д.Бадарг. Москва издательство “Русский язык” Улан-Батор 1990 йил, Русско-монгольский разговорник.

17. М.Аджи Кипчаки, Огузы. Средневековая история тюрков и Великой Степи. Москва-2001.
18. Садри Максуди Арсал “Тюркская история и право”Казан-2002, “Фен”нашриёти таржимон Р.Мухаметдинов.
19. М.Закиев «Происхождение тюрков и татар» Москва-2002, «Инсан» нашриёти).
20. А.Навои «Садди Искандарий» Тошкент-1991 й. Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси.
21. И.Флавий «Иудейские войны» интернетдан.
22. И.Флавий «Иудейские старинности» интернетдан

МУНДАРИЖА

<u>КИРИШ.....</u>	3
<u>ТАРИХ–АВВАЛО ХОТИРА.....</u>	4
<u>I БОБ «Ўзбек» атамасининг келиб чиқиши ҳақида.</u>	
<u>I. Жумбоқларга тўла тилимиз.....</u>	9
<u>II.ЭНГ ҚАДИМГИ ХАЛҚ ЁКИ ОТАСИГА СОДИҚ</u>	
<u>ЎЗБЕКЛАР.....</u>	12
<u>III.«ЎЗБЕК» АТАМАСИ ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?.....</u>	20
<u>IV.ЎЎҒУЗХОН ҚАЕРЛИК БЎЛГАН?.....</u>	32
<u>II БОБ I.ИККИ АСРЛИК БАҲС.....</u>	39
<u>II.ОСИЁЛИК ВА ЕВРОПАЛИК САКЛАР.....</u>	49
<u>III.ЮНОН ва ТУРКИЙ РИВОЯТЛАРДАГИ</u>	
<u>ЎХШАШЛИКЛАР.....</u>	56
<u>IV.ЎЗБЕКИСТОН НУРЛАР МАКОНИ.....</u>	63
<u>V. «ЎҒУЗ» сўзининг шаклан ўзгариши.....</u>	70
<u>VI.ГЕРОДОТ АЙТГАН ИСМЛАР</u>	
<u>ЭТИМОЛОГИЯСИ.....</u>	80
<u>III. БОБ. «ОҚ ИЛОН»нинг авлодлари.....</u>	89
<u>II. ОСМОНДАГИ ВА ЕРДАГИ ОЙЛАР.....</u>	95
<u>III. САРТ, САРМАТЛАР, САРЛАР КИМ? ЮЗ ЙИЛЛИК</u>	
<u>ЖУМБОҚ ЕЧИМИ.....</u>	98
<u>IV. МАРДЛИК, МЕҲР ТАРАННУМ ЭТУВЧИ</u>	
<u>ИСМЛАР.....</u>	108
<u>IV. БОБ СПИТАМЕННИНГ ТУРКИЙДАГИ ИСМИ.....</u>	111
<u>V. БОБ I. ЎЗАҚДАН «ҚОЧГАН» БАЪЗИ СЎЗЛАР</u>	
<u>ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР.....</u>	122
<u>II. КУШАН сўзи этимологияси ҳақида.....</u>	125
<u>III.БУХОРО – БИЛИМЛАР МАКОНИ.....</u>	129

<u>VI.БОБ ЗУЛ-ҚАРНАЙН МАКЕДОНСКИЙМИ?</u>	
<u>ЗУЛ-ҚАРНАЙН – БАЛКИМ, ЎҒУЗХОНДИР!.....</u>	<u>132</u>
<u>ХУЛОСА ЎРНИДА.....</u>	<u>163</u>
<u>Фойдаланилган адабиётлар:.....</u>	<u>164</u>